

Жаҳон АДАБИЁТИ

Арабий-вақий, катъийномад-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 8 (184)

2012 йил, август

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

Жамоатчилик кенгаши:

Бобур АЛИМОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Абдулла ОРИПОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Низом КОМИЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ
Муҳаббат ШАРАФУТДИНОВА
Хуришид ДЎСТМУҲАММАД
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ

Бош муҳаррир:

Шухрат РИЗАЕВ

Тахрир ҳайъати:

Мирпўлат МИРЗО
(бош муҳаррир ўринбосари)
Усмон ҚУЧҚОР
(масъул котиб)
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Юлдуз ҲОШИМОВА
Алимурод ТОЖИЕВ

ТОШКЕНТ АВГУСТ

МУНДАРИЖА

ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ
Шухрат РИЗАЕВ. “Тақдиримсан, бах-
тимсан, эркин ва обод ватан”.....3

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ
Навоий сабоқлари.....6

НАСР
Ёвдат ИЛЁСОВ. Олачипор ажал. Роман.
(Рус тилидан Ш.Мансуров тарж.)...11

ДИНО БУЦЦАТИ. Катталаштирилган
сурат. Қисса. (Рус тилидан Назира
Жўраева тарж.).....63

Масадзи ИВАКУРА. Олтин баликча.
Ҳикоя. (Рус тилидан Дилдора Алиева
тарж.).....94

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ
Жасорат. XX аср француз шеъриятдан
(Рус тилидан Тоҳирбек тарж.).....112

Хўжа Ҳофиз ШЕРОЗИЙ. Ғазаллар.
(Форс тилидан Жамол Камол тарж.)..57

Фёдор ТЮТЧЕВ. Шеърлар. (Рус тилидан
Рауф Субҳон тарж.).....151

ДРАМАТУРГИЯ
Уильям ШЕКСПИР. Бехуда шов-шув.
Драма. (Рус тилидан Мирзакалон
Исмоилий тарж.).....122

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА
Жан-Жак РУССО. Халқ бахти ҳақида.
Фалсафий рисола. (Рус тилидан Абду-
наби Абдуқодиров тарж.).....156

Ҳолгер ФОК. Адабий таржима муаммо-
лари. (Немис тилидан Мирзаали Акбаров
тарж.).....167

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ

Глобус171

Унутилмас сиймолар178

Тарихда бу кун204

Тақвим206

Навбатчи муҳаррир АМИР ФАЙЗУЛЛА
Техник муҳаррир З.ФОЗИЛОВА
Мусахҳих Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи
Н.ДАВЛАТОВА

Жаҳон адабиёти, 8. 2012

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №184
Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босиш-
да ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61;
244-41-62.

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди _____ 2012 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози.
Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1200 нусха. _____ ракамли бунюртга. Баҳоси шартнома асосида.
“Жаҳон адабиёти” журнали компютерерида терилиб, Ўзбекистон Матбу-
от ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги НМИУда чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© Жаҳон адабиёти, 2012 й.

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

“Тақдир Аллоҳдандир, тадбир бандадан”, деган ҳадис бор. Азал-абаддан Аллоҳнинг бирлигига, ягоналигига имон келтирган инсонлар тақдир ҳам Тангри ато этгувчи неъмат, қисмат эканига ишонганлар ва унга итоат этганлари ҳолда ўзлари татбиқ, яъни амалий ҳаракат қилганлар, чора излаганлар, интилганлар. Билҳақиқат, шундай.

Биз ҳеч қачон қай юртда, қай хонадонда туғилиб, қайси ота-онадан бунёд бўлишимизни билмаймиз, инчунун, танламоққа-да қодир эмасмиз. Ҳамонки Аллоҳ бизни маълум бир юртда, муайян бир оилада дунёга келтирибдими, уни тақдир дея қабул қиламиз. Бирор юмуш қилмоққа чоғимиз келиб, балоғатга етгач, тақдирга шукрона билан ўша юрт, ўша хонадонни обод этишга киришамиз. Чунки илоҳий ҳукм шу – туғилган еринг – Ватанинг, уни борича қабул қиласан. Яъники, уни куч-қудратию ютуқлари, равнақи, бахти, саодати ҳам ва ёки аксинча – ажзу ночорлиги, таназзули, вайронаси, камчилигу нуқсони ҳам – барчаси ўзингники. Агар ҳукми илоҳийни қабул этиб, тақдирим шу Ватан деб ёндошса, инсон энди тадбир қилади, яъни уни обод этишга, вайронасини боғу бўстонга айлантириб, ўзини, халқини бахту саодатга элтиш учун астойдил бел боғлайди. Тақдирга шукрона келтирмай, аксинча, тайёрига айёрлик билан обод ўлкаларга кўчиб бориб, ўша ерларни Ватан тутгувчи кимсаларнинг эса моҳият эътибори ила ҳаловат, барака топмоғи амри маҳол. Моддий фаровонлиги бўлса-да, маънавий тўқислиги, кўнгил хотиржамлиги йўқ.

Яқинда бир дўстимиз океан орти юртига – Америкага сафарга бориб қайтди. Келиптию каминани йўқлапти. “Тинчликми”, десам, “Э, бир ажабтовур кино қиладиган мавзу бор, хотира совумасидан айтиб берай, юртимиздаги айрим ношукрларга ибрат бўладиган фильм яратиш керак”, дейди. Дўстимизнинг хикоя қилишича, “Грин карта”да ютиб, ободу тўқ юртни орзулаб кетганлар бари аламангиз ҳасрат қилиб, ўз аҳволларидан шикоятда, афсусда эмишлар. Бири ўсал ётган отасининг тепасига бориб, бир томчи сув тутишга ярамай, падарининг жанозасига ҳам боролмаганидан зор қакшаб фарёд чекса, бошқа бирови етти йилдан бери фарзандлари дийдорини компьютер орқали кўриб, яккаю ягона кизининг бўйи етиб, тўйи бўлаётганида унинг пешонасидан ўпиб, оталик оқ фотиҳасини беришга имкон қилолмай, бегона юртларда гирён юрганидан йиғлаб дийдиё қилибди. Бу қаторда яна паспортини йўқотиб, сарсон бўлиб юрганлар, касалланиб муолажа учун кредит оламан дея қулоғигача қарзга ботганлар, хотини билан диққатвозлик қилиб, овозини бироз кўтаргани ёки ўспирин қизгинасига танбеҳ бергани учун фалон минг долларга жарима тўлаб, ҳатто бир муддат қамоқхонада ўтириб

чиққан эру оталар ҳам бор.

Ана энди бир мушоҳада этайлик – инсон нима учун дунёга келадию нима билан яшаб ўтади? Фақат қорин қайғусию уст-бошига анвойи кийимлар кийиб юриш истагимизми? Ҳашаматли уй-жой қилиб, қимматбаҳо машина миниб хоҳишимизми? Ахир, шуларнинг бари бўлсаю, атрофида яқинлари – қариндош-уруғ, дўсту ёри, уйгинасида чопқиллаб юрган ўғил-қизи, уларнинг эндигина атак-чечак қадам ташлашию илк бор тили чиқиб “она”, “ота” дейиши завқини туймаслик, биринчи синфга боришидан мактабни яқунловчи “сўнгги қўнғироғи” гача, касбу қор танлашидан ҳаёт жуфтини топиб висол оқшомларини ўтказишгача, у ёғи набираю абиралар қувончи, касбу қордаги муваффақиятлар, ўсиб-униш, эътибор топиш тилаги ва ҳоказо, ва ҳоказо – қўйинг-чи, оддий инсон учун умр мазмуни деб аталадиган жайдари бир фалсафа – кечмиш. Ана шуларнинг баридан ихтиёрий мосувлик. Ахир, аслида мана шу-ку инсон ҳаёти! Туссиз умргузаронлик, мазмунсиз турмуш, фақат моддий манфаат, нафс илинжи – ниҳоятда ғариб, зерикарли, завқу шавқсиз бир машғулоти-ку бу. “Инсон қадри фақат нон билан эмас” деган азалий ҳикматларимизни эслайлик. Ана ўша “умр мазмуни” деган жайдари фалсафа тафсилоти ҳар ерда бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта! Фақат ўз уйингда, ўз оиланг, яқининг, ўз қавминг, ўз жамоанг орасида – бир сўз-ла айтганда, туғилиб-ўсганинг Ватанда – яъники, Аллоҳ ато этган тақдирда. Ана шу кечмиш тақдир эканми, энди уни бахт отлиғ заррин неъматлар билан безатмоқ ҳар инсоннинг ўз қўлида. У касбу қорига садоқати, фидоийлиги, ҳалол меҳнати билан, орзу-интилиши, ҳаракати билан тақдирини бахтга буркайди, муродига етади. “Тақдиримсан, бахтимсан...” дея бошланувчи шиорнинг илк сўзлари замиридаги маънони шундай уқиш, изоҳлаш мумкин.

Шиорнинг давоми – “эркин ва обод Ватан!” тушунчасини эса кўз очган заминини тақдир билиб, тақдирини бахт билан беэмом тилагидаги инсон, албатта, эркинлик, озодлик ҳавосидан нафас олмоғи, хуррият барқарор бўлган обод Ватан ичра яшаётганини ҳис эта билмоғи лозимлиги билан изоҳлаш мумкиндир.

Нақшбандия тариқатининг асос тамойилларидан бири “Сафар дар ватан”, яъни ўз юртинг ичра сафар қилмоқдир. Айрим мутахассислар бу тамойилни кўнгил ичра сафар, инсон вужудига жо бўлган дунёни англамоқ маъносида таҳлил этадилар. Шак келтирмаган ҳолда, баъзилар уни ўз туғилган замининг ичра сафар этиб, уни ҳис қил, англа маъносида ҳам талқин этадилар. Ҳар икки талқинда ҳам инсоннинг ўзини танимоғи, ўзлигини билмоғи, бу бепоён очунда киму қаердан илдиз олиб келаётганини тушунмоғи англашилади, назаримда. Демакки, тақдир деган Аллоҳ ҳукмини унутмаслик, қисмат бўлган ҳар ҳодисага садоқат кўрсатмоқ уқтирилади ўша ҳикматда. Садоқат эса қиёсларда, миқёсларда, кечаги ва бугунги кунингнинг муқояса – нисбатларида тобланади.

Сира хотирамдан ўчмайди – ўтган асрнинг 60-йиллари охирилари эди. Бешинчиси синфларда ўқийман. Онам раҳматли куз кунларининг бирида эртага мактабга бормаслигимни, саҳар туриб Тошкентнинг чекка Чилонзор туманига, “гўшт”га боришимизни айтди. Маълум бўлишича, шу кезлар анқонинг уруғи бўлиб турган 1 сўму 80 тийинлик магазин гўшти ўша кун Чилонзордаги “Шухрат” номли магазин ёнидаги катта

гастрономда сотилар экан. Бир одамга фақат 2 килограммдан берилар экан. Шаҳарнинг бу чеккасидаги Тахтапул мавзеидан Чилонзорга сахар мардон бордик. Тонг қоронғуси, дўкон очилишига бир неча соат бор хали, аммо навбатда юзларча одам. Бизга ўхшаб шаҳарнинг турли ерларидан бола-бақраси билан икки-уч норма гўшт оламан деб келган мардум. Жанжал-тўполон, не-не асаббузарлик билан шомга яқин тарашадек муз қотган мол гўштидан икки килодан тўрт кило олдик. Онам шўрликнинг хўрлиги келиб йиғлаб юборди. “Мана шу таёқдек гўштнинг кадри бору инсоннинг заррача кадри йўғ-а”, дерди нуқул. Кейинчалик бот-бот бу сўзларнинг мағзини чақишга тўғри келди. Энди шуларни эсласам, бугунги фаровонлик, тўкинчиликнинг нима эканини англаб, шукрона айтаман, албатта. Аммо ўша пайтда бирор оддий одамнинг қорин ғамида бошқа тўқроқ юртларга кўчиб кетиш ҳақида ҳатто сўз айтганини эшитмаганман. Нафс илинжида киндик қони тўкилган юртни ташлаб кетиш хаёлга ҳам келмайдиган фикр эди. Ўшанда ҳам “қора қозон қайнаб турибди-ку” дея шукрона айтиш, “сабр таги олтин” деган тушунчалар бари ўзбекка хос бир фазилят эди.

Истиқлол тантана қилиб, мустақил яшаётганимизга 21 йил тўляпти. Йиллар оша босқичма-босқич фаровон кунларга етиб келдик. Ободликдан, тўкинликдан кўнгилларда хотиржамлик, эртанги кунга ишонч барқарор. Тақдиримиз бўлган Ватанда эркинлик ва ободлик пойдор. Демакки, бахт туйғуси қалбимизда тўлик, юз-кўзимизда аён. Шунинг учун ҳам “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” дея баралла айтсак ярашади.

Шухрат РИЗАЕВ





* * *

Юз сихр қилса кимгаки элликдин ўтти ёш,
Атфол саҳроси қилур атфолдек маош.

Улким соқол бўяр ҳаваси тушти бошиға,
Бўлмоқ соқол қаро не осиф чун оқарди бош.

Гўёки молу жон чин эрур негаким қори,
Чун етти жон талашқали ул мол этар талош.

Ҳожиб нетар бировки кўзи бўлди мунзавий,
Эв гўшасида доғи анга ҳожиб ўлди кош.

Юздан тўқар сув улки кўзи, оғзи, бурнидин,
Эл оллида оқар шўлакай бирла суву ёш.

Эйким юзунг куёш эди, сорғорди шайбдин,
Билгилки сорғорур уёкур чоғида куёш.

Оллингда бас қотиғ йўлу қатъиға йўқ гузир,
Гар шоҳ, гар гадо бўлу гар тунду гар ёвош.

Билким бу йўлда зод эрур аъмоли хайру бас,
Йўқ илму, фазлу, мансабу, молу, уруғ қаёш.

Жуз бийму оқибат иши маълум эмас киши,
Туғмоса эрди ё туғубон ўлса эрди кош.

* * *

С.Н. ИВАНОВ

К ВОПРОСУ О ПРИНЦИПАХ РУССКОГО ПЕРЕВОДА ГАЗЕЛЕЙ АЛИШЕРА НАВОИ

1. Для русского восприятия газель сложна и по содержанию (необычная образность и сама «сюжетика» образов), и по форме

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

6

(непривычная для русского стиха рифмовка). Рифмовка в газели трудно воспринимается русским человеком в силу большого «расстояния», то есть большого числа слогов (до 30) между рифмами во всех бейтах газели, кроме первого.

2. Интерес к жанру газели в русской литературе имеет историю и традицию. Известны опыты сочинения газелей (Фет, Бальмонт, Брюсов, Кузмин и др.), которые характеризуется «общевосточным» тематическим колоритом с точным соблюдением формы (Брюсов, Кузьмин) или с некоторыми отступлениями от формы газели (Фет, Бальмонт). Однако эта традиция не привела к безусловному утверждению формы газели в русской литературе.

3. Перевод (в собственном смысле слова) газелей появляется лишь в советское время и характеризуется пересозданием их через подстрочник с формально точным следованием структурным особенностям или нарушением последних (редиф без рифмы перед ним) при почти полном непонимании самого жанра и его содержательных построений.

4. Перевод газелей должен основываться прежде всего на безусловном понимании системы присущих ей образов (какие образы характерны для газели, какие могут и какие в принципе не могут в ней быть), на понимании природы бейта и характера связи бейтов (бейт как строфическая и образно-афористическая единица текста).

5. Рифменное оформление газели в русском переводе должно полностью воспроизводить расположение рифм оригинала, но следует подумать и о тех дополнительных средствах, которые помогли бы преодолеть необычную для русского стиха удаленность рифм друг от друга (что очень утяжеляет русский стих) и тем самым усилить русское звучание стиха. Это в особенности важно и для придания бейтам в русском переводе той афористической их отточенности, которая свойственна оригиналу и которая не воспринимается в русском переводе по двум причинам – из-за удаленности рифм и из-за непривычности образных построений.

6. Указанные дополнительные средства следует искать в газельном творчестве самого Навои. Среди газелей Навои имеются и такие, в которых помимо рифм, завершающих каждый бейт, имеются также и дополнительные рифмы на цезурах каждой половины бейта (мисра) и в исходе первого мисра. Это бейты следующего типа: Бу дарду ғамдин лолмен, майдон аро помолмен, Ким кўргач-ўқ беҳолмен ул ишвагар жавлонидин. (Хазойин-ул-маоний, IV, № 464, 3-й бейт).

Представляется целесообразным давать в русском переводе дополнительные рифмы аналогичного порядка даже в тех газелях, которые не имеют дополнительных рифм в оригинале, - или полностью соблюдая все три дополнительные рифмы в каждом мисра, или ограничиваясь двумя рифмами (на цезуре каждого мисра). Это существенно улучшает звучание русского стиха и придает ему формальную афористичность, которая лучше проявляет и смысловую афористичность, то есть афористичность самого образа.

7. Автором предлагаемых тезисов переведено 200 газелей Навои описанным выше способом. Привожу пример такого перевода (три первых бейта из газели № 250 II тома его дивана-газели, начинающейся словами - Юз сихр қилса кимгаки эллиқдин ўтти ёш...):

*Когда тебе за пятьдесят, в гаданьях смысла нет;
Желать отрад, а не утрат – ребячество и бред.*

*Хоть ты уже не молодой, а бороду не крась,
Что делать с черной бородой, когда ты стар и сед!*

*Срок в этом мире невелик у жизни и богатств, –
Так почему ж иной старик скуп на исходе лет?..*

* * *

Ўз мазмуни ва шакли жиҳатидан анча мураккаб саналган ғазалларни рус китобхонларининг бирданига англаб етиши осон эмас. Чунки ғазалнинг қофияланиши, бўғинларнинг кўплиги унинг нафосатини тўла тушунишга монелик қилади.

Рус адабиётида ғазал жанрига кизиқишнинг узок тарихи ва анъаналари мавжуд. Масалан, Фет, Бальмонт, Брюсов, Кузьмин ва бошқа рус шоирлари Шарқ классик ғазаллари тузилишига таклид қилиб яратган ғазаллари маълумдир. Бироқ бу анъана рус адабиётида барқарор бўлиб қола олмади.

Ғазалларни таржима қилиш совет даврида кенг тус олган бўлса-да, ғазал жанрига хос хусусиятларни ва мазмун нозикликларини тўла тушунмаслик оқибатида, уларни деярлик қайтадан яратишга тўғри келади.

Ғазалларнинг ўз “шираси”ни, назокатини сақлаган ҳолда таржима қилиш учун унга хос образлар силсиласини, байтларнинг хусусиятларини, уларнинг ўзаро боғланишларини атрофлича идрок этиш шартдир.

Ғазалларни рус тилига таржима қилишда аслиятдаги қофияларга қатъий риоя қилиш, сўзларни сақлаш ғоят муҳимдир.

Муаллиф Навоийнинг 200 та ғазалини рус тилига аслиятдан таржима қилган.

* * *

A gazelle is a complicated verse structure for Russians both in content (unusual images and the plots involving them) and in form (unfamiliar rhyme for a Russian verse). It is difficult for a Russian reader to perceive gazelle rhyme because of the big “distance” or, in other words, large number of syllables (up to 30) between rhymes in all beits of a gazelle, except the first one.

An interest displayed in Russian literature to gazelle genre has its history and tradition. We know about the experience of writing gazelles by (Fet Balmont, Bryusov, Kuzmin and others), which are characterized by “common typical oriental” features both in content and in form (Bryusov, Kuzmin) or gazelles written with some deviations from the traditional form (Fet, Balmont). However, this tendency did not make the form of gazelle deeply rooted in Russian literature.

Rhymes of a gazelle in Russian translation should copy the order of rhymes in the original, but one should also bear in mind those additional means which could help overcome such a long separation of rhymes from each other, so unusual for a Russian verse, so as to make it sound better.

The author of the afore – mentioned theses translated 200 gazelles and here is an example – three first beits from gazelle N 250, II volume.

*When one is over 50 years – there's no sense to guess:
To be or not to be – in any case, the answer may be... yet.*

*And being not quite young, you can't be beardless again
But, still, don't paint it black, forget this childish game!*

*In fleeting world both life and wealth follow their logic set
So, what prevents a stingy man from being fortune's pet?*

* * *

Атоқли туркшунос олим, таржимон Сергей Николаевич Иванов 1922 йилда Санкт-Петербургда туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори. Ленинград университетининг шарқ факультетини тугатган. Бухоро педагогика университетида ўқитувчи, ректор ўринбосари, Ленинград университетида ўқитувчи, кафедра муdiri бўлиб ишлаган. С.Н. Ивановнинг илмий ишлари туркий тиллар грамматикаси, ўзбек адабий тили ва таржима назарияси масалаларига бағишланган.


С.Н. Иванов Алишер Навоийнинг кўплаб ғазал, рубоий, фард, қитъа, туюқларини рус тилига таржима қилган. Навоийнинг рус тилида чикқан 10 жилдли асарларида муҳаррир сифатида иштирок этган. Бундан ташқари С.Н. Иванов Лутфий, Гадоий, Саккокий, Нодира, Муқимий каби мумтоз шоирлар билан бир қаторда янги адабиётимиз вакиллари Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ойбек, Усмон Носир, Уйғун, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа шоирлар шеърятидан намуналарни ҳам рус тилига таржима қилган.

С.Н. Иванов таржималари орасида икки асар таржимаси алоҳида диққатга сазовор. Улардан бири XI асрнинг буюк маданий ёдгорлиги ҳисобланадиган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (1990 йилда таржима қилган) бўлса, иккинчиси Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” (1970 йилда таржима қилинган) достонидир. Ҳар икки таржима ҳам илмий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланган.

У. САТТОРИЙ тайёрлади.



ТАРИХИЙ АСАРЛАР УСТАСИ



(Ёвдат Илёсов ижодига
бир назар)

Ёзувчи Ёвдат Ҳасанович Илёсов (1929-1982) Бошқирдистоннинг Ермакеев районидagi Ислонбахти қишлоғида туғилди.

У Белорецк шаҳридаги педагогика билим юртида таҳсил олди.

Ё.Илёсовнинг ижод йўли 1949 йилдан бошланиб, шеърлари, очерклари, лавҳалари Белорецк шаҳар газетаси, бошқирд ёшлар газеталари саҳифаларида эълон қилинди. У 1952 йилдан эътиборан Бошқирдистон ёшлар газетасида (Уфа шаҳри), Ўзбекистон газеталарида мухбирлик қилди. 1957-1958 йилларда “Звезда Востока” журналининг шеърят бўлимини бошқарди. Ўзбек, бошқирд, татар, қрим татар, қорақалпоқ, араб, корейс, урду тилларидан шеърлий, насрий ва драматик асарларни рус тилига таржима қилган.

Журналнинг ушбу сонидан бошлаб эълон қилинаётган “Олачипор ажал” қиссасида Ўрта Осиёнинг сак қабилалари қаҳрамон аёл Тўмарис (Томруз) бошчилигида Эрон шоҳи, босқинчи Кир (Куруш, Кирёвуш)га қарши олиб борган озодлик кураши тасвирланган.

Муаллиф озодлик кураши жараёнида ўзига хос қаҳрамон сифатида шаклланган Спаргатис, бир ўзи шаҳаншоҳ кўшинини қопқонга туширган Хугава каби персонажлар хатти-ҳаракати орқали кўрсатади.

Сак халқлари дунёда бор ёвузликни “олачипор ажал” сифатида талқин қилади. Кирнинг Ўрта Осиёга юришини ҳам саклар олачипор ажал босқини деб ҳисоблашади. Ана шу босқинчиларни енгиши – ёвузликни даф қилиши сифатида анланади.

Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театри, А.Молдибоев номидаги Қирғизистон опера ва балет театрида “Олачипор ажал” қиссаси асосида “Тўмарис” балети саҳналаштирилган.

Бу китоб узоқ мозийга тегишли эса-да, ҳозир ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Бошқа халқларнинг маданияти ва тилига катта ҳурмат билан қараган Ёвдат Илёсов яхши таржимон ва яхши адиб сифатида жаҳон адабиётидан ўрин олди.

Истиқлол туфайли халқимиз ва ватанимизнинг узоқ ва яқин тарихини холисона ўрганиши насиб этди. Аслида бу анъананинг боиланишини Ёвдат Илёсовдек истеъдодли романнавис ижодида кўришга анча олдин муваффақ бўлган эдик. Хусусан, ҳам тарихий шахс, ҳам рамзий қаҳрамон Тўмарис онамизнинг жасорати ўлмас мавзулардан бирига айланган. Бутун-бутун халқларнинг мозийдаги Онаси тимсолида бу образ Ватанимизнинг ёш авлодини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бебаҳо бўлиб қолаверади.

ОЛАЧИПОР АЖАЛ

Тарихий роман

Биринчи ривоят

ИНСОН ВА ДАРРАНДА

Суворий отини елдириб борарди. Бир маромда эшитилган чинқирик овози қамишзордаги ботқоқлик узра таралди.

Ич-ичидан чиққандек бўғиқ товуш билан қоришиб кетган, қулоқни қоматга келтирувчи чинқирик даставвал йўлидан адашган аёл фарёдидек эшитилди. Сўнг майинлашиб, дардли йиғини эслатувчи нотаниш, ғазабнок ҳайқирикқа айданди. Даҳшатдан суворийнинг эти жунжикди.

Ё Анахита! Бу ерга аёл киши қаердан келиб қолди экан? Ё катта чиябўрининг наърасими? Эҳтимол, нимқоронғи чакалакзорлар соҳиби, бир кўзли жин қайир тубида ўлгудек зерикканидан увлаб юборгандир? Уни оксоқ ва букри дейишади. Жуни сувўти каби ўсик, панжалари чангак, думи хурпайган, тиши метин эмиш.

Суворий отини қичаб борарди. Яшагиси келарди. Пойгада сўнгги бор уринаётгандек, от жон-жаҳди билан қобонларнинг шилта сўқмоғи бўйлаб учиб борарди.

Олдинда қора қайрағоч кўзга ташланди. У қариган, эгри-бугри шохлари синган, бесўнакай ёнбошлаб қолганди. Довул унинг қаддини букиб, дағал баргли шох-бутоғини қайириб ташлаганди.

Маъбудага ҳамдлар бўлсинким, йўлдан адашганларнинг муҳофизати бўлган Муҳтарам посбон олдидан чиқди.

Суворий отини елдириб борарди... Ҳой, эҳтиёт бўл! Зим-зиё сирли чангалзордан кутулиб чиқдинг, энди фалокат ушбу машъум йўл адоғида сени ёвузларча кутиб турган бўлмасин?!

Суворий қайрағоч ёнига етиб келгач, найзасини бепарволик билан туширди. Чакмонидан бир парча йиртиб олди, сўнг дуо ўқиб, зангори латтани қуриган шохга боғлади. Бу – йўловчини бадбўй ботқоқликдан, қўланса қўлмаклардан, ботқоқликнинг инсу жинидан паноҳига олгани учун арзимас назр эди.

... Суворийнинг боши узра нимадир оҳиста шитирлади.

У дархол бошини кўтарди-ю, кимнингдир ғалати гулли пахмоқ кийиминигина кўришга улгурди, холос. Терига ўралган чўқмор унинг бош суягини қоқ иккига ёриб юборди. Қайрилган тирноқлар кўксини титраб турган юрагигача поралаб ташлади.

Ёнбошидан яраланган зулукдек қора от сўқмоқ бўйлаб қалдирғоч мисол учиб кетди. Суворий эса, қонга бўялганича, қайрағоч остида ётарди.

Олачипор ажал суворийнинг бошини еди.

¹Анахита – зардуштийлик динида ободонлик ва фаровонлик маъбудаси. (Бу ва бошқа изоҳлар таржи-монники – Ш.М.)

* * *

Тонг. Ҳаво очик, тиник ва беғубор. Туртиб чиққан дўнгликларда жажлдор жинлару ювош тошбақалар баданини офтобга тоблаб ётардилар. Митрага¹ ҳамдлар бўлсин – об-ҳаво зўр эди! Эй, отни келтиринг!

Кўчманчилар сардори эски қўрғонтепада нур маъбудига муножот қиларди.

У шарқ томон нигоҳини тикди. Дашту биёбон. Қум денгизи тўлқини ўрқач-ўрқач бўлиб ястаниб ётарди. Барханлар устига тушган соядан тўқ-кўкимтир тусга кирган минглаб ўрқачлар ўроғи пастга қайрилган ҳилолдек ялт-юлт ётарди.

Сардор ғарбга кўз ташлади. Чангалзор яқинида олачипор дарранда, кўк парранда макони яшми сабз² палахсалари қалаб кўтарилган кунгураддор девор каби ястаниб ётарди.

Ўтиб бўлмас ботқоқ чангалзорлар ортида, теракзордан нарида дарё жўш уриб оқарди. Пахмоқ чангалзор узра дарё тасмадек ялтираб кўринар, бири-бирига чалкашиб кетган шох-шабба оша қутуриб оқаётган сув шовқини эшитиларди.

Сардор шимолга боқди. Чангалзор билан дашт орасида хушбўй ўтлоқ икки салтанат – ўта қайноқ ҳаёт билан сукунат ўртасидаги чегара мисол илонизи бўлиб ётарди. Сувилоннинг пўсти каби нақшин яйловларда, гулхайри ҳамда беданинг қитикловчи бўйидан маст бўлиб, хушдан айрилиш мумкин бўлган далаларда қиш озиксизлигидан сўнг, мол-ҳолга эт битмоқда эди.

Сакларда от кўп. Бу отлар – сакларнинг ўзи каби бўйдор, чайир ва хушбичим, учар юлдуздек шиддаткор, шоир қалбидек чидамли. Думи ва ёли қора, зулукдек қора, тўриқ, ола тўриқ, малла тўриқ, қоратўриқ, жийрон, чавқар, ола чавқар, оқ саман, саман, бўз, бурул от.

Ҳам одамларнинг, ҳам ҳайвонларнинг конини жўш урдирувчи баҳор келиб, қизгиш-нимранг ёвчанлар гуллай бошлагач, йилқибонлар сурувни сара байталлардан иборат уюрларга ажратишади. Улар сотилмайди, тухфа қилинмайди, сўйилмайди, соғилмайди, териси жабдуқ учун ҳам ишлатилмайди: уларнинг вазифаси – соғлом, бакувват қулун бериш. Ўттизта, қирқта наслдор байталга хушқад, бакувват, зотдор айғирни қўйишади. Бия билан яйрайдиган қулундан ташқари, той, ғўнон, дўнонларни катта ёшли отлардан айри боқишади.

Уюр. Талай от. Минг ёлли, минг туёқли ҳайвон. Ғазабнок у. Хавфли. Зилзила, қор бўрони, дашт ёнғини каби даҳшатли. Табиий офат каби кўзи кўр, қулоғи қар. Бебош ва бефаҳм.

Инсон тўрт оёқли ҳайвонларни парваришлабгина, боқибгина, кўрибгина қолмайди. Улар билан курашади ҳам. Баъзан ҳолдан тойгунча, шиддат билан, қаҳр билан курашади. Ҳорийди ҳам, оғринади ҳам, сўкади ҳам...

* * *

– Мусибат! Бошимизга мусибат тушди!

Фатила-фатила жингалак сочи елкасига тушган, гирдиғумдан келган ўспирин тўриқ отида кўрғонтепа атрофида айланарди. Силлиқ юзи куёшда пишган сополдек қуруқ. Чавандоз, гўё юзидан оққан тер кўзига тушиб ачиштираётгандек, титраб-қакшаб дам-бадам юзини артарди.

¹ М и т р а – ёруғлик, показалик ва ҳақиқат маъбудии.

² Я ш м и с а б з – нефрит.

Кўзининг кўзи каби оч жигарранг кўзлари олачуғи, гўё тўсатдан захарли илонни кўргандек, кенгайганди.

Бу – сардорнинг ўғли Спаргапа эди.

Ота ва ўғил беун ёнма-ён йўртиб боришарди.

Оқ ота қараса, ўтлоқда иш чиндан ҳам кўнгилдагидек эмас: чўпонлар чангалзор чеккасидан айланиб, молни кўриш ўрнига, отдан тушиб, тўпланиб, қайғу билан қўлларини ёйганча ўтириб, ёнбошига шаппатилашарди.

– Хўш?

Йилқичилар йўл беришди.

Оқ отанинг кўзи жули йиртилган қорабайирга тушди. Кўпириб кетган зулукдек қора от эчкилар кемирган мажнунтол ёнида беҳол, боши эгик турарди. Арғумоқнинг оёғи билинар-билинемас титрар, осилган лабларини кўпик босганди.

Биқинини тилиб ўтган жароҳатдан кўм-кўк майсага қон томчиларди.

– Навтарнинг оти. – Тулкитумоқ кийган, ўттиз ёшлардаги Хугаванинг овози эди бу. – Тонгда дўнонлар уюри чангалзорда кўздан ғойиб бўлди. Улар узоққа кетмаган эди. Ҳаммасини қайтариб келдик, биронтаси ҳам йўқолмади. Ўтлоққа чиққанимизда Навтар кўринмади. Изладик, бақириб-чақирдик – жавоб бермади. Оти ёлғиз қайтиб келди. Ўзи қаерда экан?

Хугава чангалзорга кўз қирини ташлади. Сукут сақлаб, қуруқшаган лабларини ялади-да, хансираб, бўғиқ овозда такрорлади:

– Оти... қайтиб келди, ўзи қаерда экан?

Сукунат. Сўник кўзларда, бамисоли тунда бойўғлининг чангалидан қочаётган сичқон мисол, мусибат йилт этиб кўринди.

Мўйсафидга отдан туришга кўмаклашишди.

У шошмасдан Навтарнинг оти томон юрди, бироз қисик кўзлари билан жароҳатни текширди. Хугаванинг титроқ овози эшитилди:

– Бутоқ пораладимикан?

Оқ ота соқолини ўйчан силади. Йўқ дегандек, тилини такиллади. Шунда Хугава деярли сассиз сўради:

– Олачипор... ажалмикан?

Навтар Хугаванинг дўсти эди.

Сардор қорамағиз кафтини отнинг терлаган яғринига босди. От зўр-базўр бошини кўтарди-да, алам билан босиқ кишнаб, нам лабларини мўйсафиднинг кўксига ночор тиради.

– Ярани бия сути билан чайинг, сўнг қариқиз баргини боғланг. Қорнига тегмабди. Тузалиб кетади. Мен билан борасан. – Ўғлига мурожаат қилди Оқ ота.

Ана холос!

Кекса сардор ўғлини унча аяб ўтирмасди. “Менда бу – ўзимники, бу – бегона, деган гап йўқ. Барча эркаклару аёллар – менинг фарзандларим, мен учун бари бирдек”. Спаргапа ҳам ҳамма каби яшарди, дунёга келиб улгурмаёк, эгарга минди, мол боқди, далада гулхан тутунини ютди.

... Спаргапанинг кўзлари ёнди – содда нигоҳида қувонч барқ урарди. Қандай мазза! Тарқалинг! Спаргапа бежирим бурнини кўтариб, Хугавани нари сурди-да, отни виқор билан оқсоқол томон етаклади. Шоҳга хушомад қилаётган калондимоғ форс сатрапининг ўзи эди у.

Отаси бу овсар болани эски наMATнинг чангини қоқиш учун уйга олиб кетмоқчи бўлса-чи?... Хугава кулимсиради. Буни қара-я? Ёш-да, ёш!

Кекса сардор, ҳар галгидек, шошмасдан манзилга қайтди.

– Томруз!

Йўл-йўл чодирнинг этаги кўтариб қўйилган эди. Майсазорга офтобда қорайган, бодомқовоқ, лаблари ғунча жувон – Спаргапанинг онаси чикди.

– Навтар ҳалок бўлибди. Бас! Қачонгача чидаймиз?

Мусибат бир келса, кетма-кет келавераркан.

Томруз Спаргапага хавотирланиб кўз ташлади. Спаргапа ҳам Томрузга ўшандай қараб турарди. Сўнг иккиси ҳам, ниманидир кутгандек, Оқ отага тикилишди. Мухаббатли қалблардан узилган хавотир кўзгуда акс этгандек, уларнинг кўзида аксланди.

– Олачипор ажал билан учрашишни истаيمان. – Сардор кинидан пичоқни чиқариб, қўлини унинг мис қотишмали тиғи устидан юргизди.

Томруз чодир томон тисланди. Сўнг дабдурустдан кафтини тепага кўтарди.

– Шумхабар!

Аёлнинг қўллари гўё ота ва бола назарини кўринмас иплар билан тортгандек, иккови самога ҳайрон кўз тикишди.

Ўтлоқ устида, баландда, сардорнинг сўл томонида калхат доира ясаб парвоз қиларди. Ота-боланинг шахти пасайди. Спаргапанинг боши ҳам бўлди. Саклар сардори ковоқ уйди.

Шумхабар!

Чангалзорда калхатлар сон-саноксиз. Улар манзилгоҳ атрофида доим учиб юришади, емиш излаб, ўзларини чапдан ҳам, ўнгдан ҳам уришади. Қабилада тинчлик, чодирларда хотиржамлик ҳукм сураб экан, ҳеч ким уларга эътибор бермайди. Бирон корихол бўлдими, бас, калхатга ҳамманинг кўзи тушади, саклар бошига тушган мусибатга калхат айбдор бўлади.

Сўлдан келган калхат – ўлим даракчиси.

Кекса сардор бармоғини тиғ устида юргизди-да, пичоқни пастга туширди.

– Начора! Инсон қадрдон хонадонига, жондош уруғига ва қабиласига нафақат ҳаёти билан, балки ўлими билан ҳам хизмат қилиши шарт. Спаргапа! Одамларни тўпла.

Оқ ота қўлини бир силтаб, узун пичоқни чарм қинга тикди.

Қалбида отасига нисбатан болаларча раҳм-шафқат сув билан оловдек олишаётган ўспирин чангалзорда бўлажак жангу жадал шавқи билан тойчоқдек дикиллаб ўрнидан турди.

Томруз кафтларини бўзарган юзига босганича пайхон қилинган майса устида ўтирарди.

– Томруз, – аста чақирди мўйсафид.

У ўгирилиб, эрининг тиззаларини кучди-да, қайғудан кўр бўлаёзган кўзларини унинг ялтираб турган кўзларига тикди. Аёлнинг қийшайган оғзи беун фарёд соларди.

– Куйинма, Томруз, бундай қилма.

– Қанча ёшлар бор-ку, шуларни жўнатсангиз бўлмайдими?..

– Ёшларнинг иши – яшамоқ, ўлмоқ – кексалар юмуши.

Сардор чўк тушди. Хотинининг қўлини авайлаб ушлаб, ўзининг жундор кўкрагига босди-да, қийшиқ маташган тишлари орасидан сўзсиз куйлади, сассиз увлади.

Томруз паст овозда йиғларди.

Яйлов узра баландда парвоз қилаётган калхат Оқ отанинг сўл томонида янгидан доира ясамоқда эди.

* * *

Овчилар тўқай ичкарисига кириб кетишди. Чангалзорда тахдидли сукунат ҳукмрон эди. Ичкарида, ўтиб бўлмас жойларда Олачипор ажал дайдиб юрарди.

Кучли ва толмас, айёр ва қўлга тушмас бу ажал қайирдаги барчани даҳшатда тутарди. Олачипор ажал ҳар кимни кўз очиб-юмгунча ҳалок этарди. Ёвуз йиртқич бир сакраганда тахминан ўттиз метрга сакрарди. Жуссаси шер ва йўлбарсдан кичикроқ бўлса-да, шиддат ва ғазабда бунисидан, ақллилик ва чаққонликда унисидан ўтарди.

Баъзан кишилар йўқолган сигирни анча баландда, шох-бутоқларга илиниб қолган ҳолда учратишарди. Бу қадар оғир жониворни қуён қандай кўтариб, шумтол ёки қайрағоч устига улоқтираркин?

Уларни дарахт устига Олачипор ажал тортиб чиқарарди.

Олачипор ажал юзма-юз келишдан ўзини олиб қочарди. Махлук тиканли буталар орасидан сирғалиб ўтиб борарди: маккорлик билан изини чалкаштириб, ғалати ҳалқалар ясар, ўлжасини таъқиб қилиб олдидан чиқиб қолар, қайтиб, қурбонига орқадан ёки ёнбошдан тўсатдан ҳамла қиларди.

У ўлжасини ҳеч қачон охиригача еб тугатмасди. Олачипор ажал қон ичарди ва шу қайноқ қон деб қунига ўнлаб ҳайвонларни ғажиб кетарди. Унинг олдида сўйлоқтиш қобон ҳам, шохдор кийик ҳам ип эшолмасди. Эрмак учун болаларни ўғирлар, катта ёшдаги одамларни қирарди.

Баъзилар қўрққани, бошқалар ишнинг кўзини билмай, шошқалоқлик билан ёки якка ўзи ҳаракат қилгани учун бу лаънати йиртқич ҳозиргача ҳам қўлга тушмаётган эди.

... Кекса сардор ўйга толган. Мушкул йўлга отланди. Бироқ қалбида таскин ҳукм сурар эди... Ўлимми? У ҳам, ҳаёт каби, дам яхши, дам ёмон бўлади. Яшамоқни билдингми, ўлмоқни ҳам билмоғинг даркор. Ҳақ иш йўлида курашиб ҳалок бўлган инсон ўлимдан устун туради.

Шу боис овчилар ўнг кафтлари билан яланғоч чап елкаларига шаппатилар эканлар, фонийлик гирысини эмас, Яратган маъбуда ҳаққиға мадҳия айтиб боришарди:

– Ё, подаларга баракот берувчи ҳаётбахш Анахита! Эркак билан аёлни қовуштиргувчи сенсан. Ҳомила туғдирувчи сенсан. Оналар сийнасини сутга тўлдирувчи сенсан. Донишманд бошинг узра юз юлдуздан ясалган тожинг бор. Белингни маҳкам боғлагансан, ўттиз кундуз терисидан тикилган либосга, ялтироқ мўйнага ўрангансан...

Овчилар итларини базўр тутиб туришарди. Чангалзорга кириб қолган тозилар яқин орадаги паррандалар исини олганидан оёғи қичиб, тиши тақилларди.

Нам чангалзордан уфуриб турган ҳар хил ҳидлардан тузук-қурук ис ололмай, қутурган тозилар уришишга чоғланарди. Етиб олиб, босмоқ даркор! Олға! Бирон-бир жонлиқ тишга илинар.

Чангалзорнинг дим ҳавоси Спаргапанинг ҳам қонини қайнатиб юборди. Ўсмирнинг бошида оғриқ турди. Ҳаяжондан қизариб, маст

одамдек беўхшов ва бемаъни куларди. Агар Спаргапа отасидан бунчалик кўркмаганда, ўзини тўқайга ҳар қандай тозидан чакқонроқ урарди.

– Қаранглар! – хайқирди Хугава.

Емишдан оғирлашган кузғунлар галаси қанотларини бесўнақай қоқиб, қора қайрағоч устидан кўтарилди. Жундор сариқ махлуклар ўзларини сўқмоқдан нарига олди. Чаканда буталари остида тун парчасидек осилган совоқ сояда ўлаксага ўч чиябўриларнинг кўзи яшил чирокдек чакнади.

...Парча-буриш қилинган гўшт бўлаклари, ичак-човоқ, тозалаб ғажилган пушти ранг суякларгина қолган эди Навтардан.

– Бечора Навтар! – Кекса сардор қўлини олдинга чўзиб, бармоқларини чалиштирди. – Итларга ем қилиб ташланган муртад форснинг куни тушибди бошига. Хайвонлар ва қушларнинг меъдасида бўлак-бўлак бўлиб кетган киши у дунёга қандай етиб оларкин?

Саклар Навтарнинг хокини сўқмоқ ёқасига дафн этишди.

Оқ ота муқаддас дарахтга қараб ғазаб билан деди:

– Сен Навтарни ҳимоя қилмадинг – энди муҳтарам посбон эмассан. Лаънатлар бўлсин сенга!

Шундай деб, дарахтнинг қинғир-кийшиқ танасига камондан ўқ отди. Қолган овчилар ҳам шундай қилишди. Ўқлар қадалган қора қайрағоч тиканли жайрага ўхшаб қолди.

Сардор сурни чўзиб-чўзиб чалди-да, тўқай томонга қараб қаттиқ кичқирди:

– Олачипор ажал! Ҳой, Олачипор ажал! Яккама-якка курашга чиқ. Сенинг паймонангни тўлдирмоқ истайман.

Қулоқ тутди, бироқ чангалзордан садо чикмади.

– Қўрқяпсанми? Биздан яшириниб қолмоқчимисан? Ҳеч қаёққа кетмайсан! Ҳой, Олачипор ажал, менинг қабиламга озмунча заҳмат етказмадингми? Бари учун сени жазоламоқ даркор. Қонга – қон. Қорнингни ёргум, эй, Олачипор ажал!

Чангалзордан садо чикмади. Оқ ота энг яхши тозининг тасмасини силтади-да, у билан муртад манотнинг атрофини айлана бошлади. Този гоҳ дим ҳавони шовқин билан тортиб, гоҳ пишиллаб, акса уриб, пишқириб, титроқ тумшуғи билан қиёқни шоша-пиша тита бошлади.

Бирдан у ўзини орқага олди ва, ана шу кескин ҳаракатданми, бўйнидаги жуни хурпайди.

Ит қулоғини шалпайтириб ва думини қисиб, ириллаб юборди. У даҳшат солишдан кўра кўпроқ кўркувдан ириллаганди: сийрак ўт остидаги тоза қумда катта думалоқ панжа изи кўринарди. Бу издан итлар тоқат қила олмайдиган мушук иси келарди.

– Бу ёққа!

Сардор итларнинг биринчи тўдасини бўшатиб, қўйиб юборди. Саклар отларни ниқташди. Спаргапа ҳам олдинга қараб ўқдек учди, бироқ уни отасининг дағал хайқирғи тўхтатиб қолди:

– Ҳой! Қаёққа?

Ўспирин тўхтади. Ажабланди ҳам, алам ҳам қилди. Мўйсафид майна қилиб деди:

– Олачипор ажал ана у бута остида сени кутиб ўтирибди. Чаққонлигини қаранг-а. Сал бўлмаса бошингдан жудо бўлувдинг. Мендан нари кетма.

Спаргапа йиғлаб юбормаслик учун лабини қаттиқ тишлаб, намли

¹ Қора қайрағоч назарда тутилмоқда.

кўзларини аста четга бурди. Кўзини олиб қочганида сардор унга ачиниш ила назар ташлади.

Ўғли отасига яна ўгирилиб қараши билан у қартайган калхатдек хўмрайиб олди.

– Шошмай бораверамиз, – ғўлдиради сардор. – Барибир бугун Олачипор ажални қувиб етолмаймиз.

... Йиртқичнинг йўли сариқ гуллари димоғни китикловчи ҳид таратаётган кўкиш-яшил жийдалар ҳосил қилган сертикан девор оралаб таралган, чўртган тишлари каби ўткир тиканли маймунжон новдалари ҳосил қилган зич тўсиқ орқали ўтарди.

Қуёш куни кечагина Ҳамал буржига кирганди.

Дарё ҳали тошиб улгурмаган. Ботқоқлик қўйнида, яқиндагина севалаб ёғиб ўтган ёмғир суви аралашган кўлмак сарғайиб кўринарди.

Дарахтлар, буталар, майсалар гуркираб, япроқ ёзаётган бўлишига қарамай, ўтган йилдан қолган чирик ўтлардан ҳосил бўлган сарғиш доғларни яшириб улгурмаганди.

Олисан қорайиб кўриниб турган чангалзор ичи ҳар доим шу мавсумга хос тарзда ола-була, хол-хол тусга кирганди.

Сасиган сувдан, янги ўсиб чиққан қамишлар билан ёнма-ён, ўтган йилги хазон бўлган қамишнинг қуриган, синган поялари найзадек чиқиб турар, улар шу кунларда озмунча ит ёки отнинг қорнини ёхуд кўксини тутмаганди.

Қуйруғи узун қирғовуллар баланд ва бўғиқ овозда чиғиллаб, оёқ остидан пар-р этиб учиб чиқарди.

Нимадир қарсиллади. Қанотлар патиллади. Манжаниқдан отилган тошдай, осмонга учган қирғовул бир дам муаллақ турди-да, ўгирилди-ю, пастга ўқдек учиб тушди.

– Нарини отиб туширмоқчи бўлсанг, худди мана шу онни пойла, – насиҳатомуз деди отаси Спаргапага. – Қийин. Маҳорат керак.

Ўспирин Спаргапанинг қони қайнади! Камон иплари таранг тортилди, кетма-кет ўқлар уча бошлади. Лекин қирғовул бир томонда қолиб, ўқ бориб бошқа томонга тушарди.

– Балки мен уддаларман? – Хугава икки қатли камон ипини таранг тортди, бошини орқага ташлаб, мерганларча кўзини қисди. Буталар орасидан йирик нар қирғовул патиллаб учиб чиқиши билан от сағрисиغا деярли ётиб олган Хугава қисқа нафас чиқарди-да, ипни қўйиб юборди.

– Оҳ-ҳо! – Спаргапа аламдан дод деб юборди. – Шўрим қурсин...

Чўпон итлар кўмагида қирғовулни топиб келди-да, уни танасини тешиб ўтган ўқ билан оқсоқолга тутди.

– Яхши қирғовул экан! – Оқ ота маъқуллаб, тилини такиллабди.

Бу тил такиллантишда маъно кўп эди. Битта такиллатгани инкор қилгани. Тез-тез икки марта такиллатса – тақиқлагани бўлади. Уч марта секин такиллатса – афсус, ҳайрат ёки ажабсинишни англатади...

Кекса сардор ўқ тутган қўлини кўтарди-да, қирғовулнинг зумраддек яшил бошини, қордек оппоқ бўйнини силаб, қуриган қамиш поясидек оч сариқ тумшуғига чертди, кўксидаги ҳозиргина тўкилган, учкун сочилгандек қизғиш-заррин патларини титди, куз сувидек бўғиқ-мовий қанотларини силади, рангдор қуйруғини ёйди-да, ўлжани авайлаб хуржунига солди.

– Ноёб куш экан! Раҳмат, Хугава.

Чўпон уялинқираб илжайди. Спаргапа тўриқ отининг устида маъюс букчайди.

* * *

... Олачипор ажал чангалзорда изини чалкаштириб кетганди.

Тозилар ёйилиб чопмоқда. Улар йиртқични очик ёвонда овлашга ўрганган эди, чангалзор эса уларни чалғитарди. Қотилга тўда бўлиб, биргаликда қувиб етиш ўрнига, улар гўёки чопиш мусобақаси ўтказишаётганга ўхшарди.

Махлуқ эса, аслида, итлардан қочмаётганди, аксинча, қуюқ ўт-ўлан орасида пусиб, уларни пойлаб ётганди.

Қуюшқондан чиққан битта-яримта този шерикларидан ўзиб, кўзига ҳеч нарса кўринмай югуриб ўтар экан, пусиб ётган йиртқич чўқмордай панжаси билан бир уриб, уни улоқтириб юборди.

Олачипор ажал шу тариқа икки гала итдан кўпини саранжомлади.

Қолган тозилар қонга ботган ва итлар ингроғи босган қайирга етиб келганда, эси оғиб, чирмовуқ босган бутазорга ўзини урар, талвасага тушиб, ботқоқликдаги ҳар қандай инс-жинсни парчалаб ташлашга тайёрдек, тикан ва шох-шаббага урилиб-туртилиб, тор-танқис бўрсик ва бўри уяларининг исини олиб юарди.

Шундай ҳам ярим ёввойи бу кўппаклар ўткир ҳид таратаётган кўлмак сувини ичиб олиб, бамисоли дунёга келганидан буён чангалзорда кун кечириб келаётган ёввойи ҳайвонга айланишган, инсон қудратидан, одамзот қўли билан ёқилган гулхандан қуч олмайдигандай эди гўё.

Мана, энди инсонга хос шафқатни ҳам, марҳаматни ҳам билмайдиган чангалзор ёрқин алангага, болалар табассумига ўрганган итларнинг кўзига зулмат бўлиб боқаётганди. У чақирилмаган меҳмонларни ғажирди, парчаларди, тишлаб, тепкиларди, терисини шиларди.

Итлар бирданига бўшашиб, туриб қолди.

Вангиллаб, думини қисиб, ҳимоя истаб, дўсти – инсонлар томонга, оқсоқолнинг буйруғи билан саклар ёққан нажотбахш гулхан томонга қараб учиб кетди. Олачипор ажалга олқишланган уч гала итдан бор-йўғи қонга беланган, даҳшатдан қалтираган олти кўппаккина омон қайтди.

Чангалзор бунёд бўлибдики, бу каби тунни кўрмаганди!

Кенг ва дўнг майдон узра бош кўтараётган қуёш мисоли улкан гулхан кўкка устундек ўрлади. Кўзни қамаштирувчи ёлқин ирмоқлар ва кўлмаклар узра товланиб, сув устини қоплаб олган ва ҳайратдан тонг қотган буталарни кўз ўрганмаган зангори-қизғиш рангга бўярди.

Гулхан алангаси кучайгани сари жонбахш доира ҳам кенгайиб борар, рутубатли зулмат ва тун даҳшати чулғаб олган чангалзор нари чекинарди.

Овчилар овози баралла жаранглай бошлади.

Мағрибда, яшил нур таратаётган Ҳамал оралаб, ўз фарзанди бўлмиш сакларни қутлагандай, Момо Анахита – Зухро ярқ этиб кўринди.

Кишиларни ҳорғинлик, очлик қийнарди.

Гулхан чеккасида, ҳозиргина кесиб олинган таёқлардан тайёрланган чорпояда кийик, така, чўчка болаларининг таналари осилиб турарди. Шох-шабба чарс-чурс қилиб ёнар, уларнинг чарсиллаши тоғдан тўкилаётган шағалнинг шақирлашини эслатарди. Эриган мой оловга оқиб тушар, писта

кўмирга томган ёғ ини бузилган юзлаб илондек вишилларди. Қизиган ёғ иси иштаҳани китиклаб, майдон узра тараларди.

Оқ ота ўғлидан Хугава отиб келган қирғовулнинг патини юлишни илтмос қилди. Бир тутам энг чиройли патларни ёнига кўйиб, тозаланган хўрозни ёғоч сихдан ўтказди-да, алангага тутди.

– Ота, патларни менга беринг, – ботинмайроқ деди Спаргапа.

Отаси унга синчков боқди:

– Нима қиласан?

– Керак-да, – қисиниброқ минғирлади йигитча.

– Ҳа-а, – тушунгандек бош ирғади сардор. – Ана... унга... ми? Исми нимаиди? – Сўнг ошқора ачиниби, бош чайқади. – Бўлмайди, ўғлим.

– Нега? – тумтайди Спаргапа.

Қирғовул қизариб пишди. Кекса сардор елкаси оша чақирди:

– Хой, Хугава! Қаердасан? Қалпоғингни бер.

Хугава хайрон бўлиб Спаргапага қаради-да, титилиб кетган тумоғини қарияга узатди. Сардор гулхан ёлқинида товланиб турган зангори, яшил, кизил патларни бир тутам қилди, бамисоли бир ҳовуч қимматбаҳо тош бераётгандай, уни тантана билан йилқибоннинг тумоғига солди.

– Кўзинг – лочин кўзидек, кўлинг қалтирамайди, отган ўқинг беҳуда кетмайди, – деди у эҳтиром билан. – Бу патларни хотинингга олиб бор. Бош кийимига қадасин. Буни эса, – мўйсафид пишган қирғовулни Хугавага тутди, – ўзинг тановул қил.

– Эҳ! – садо эшитилди саклар узра. Бундай эҳтиромга ҳар ким ҳам ноил бўлавермасди. Ичи куйганидан Спаргапанинг оғзи қуруқшаб қолди. Йигитчанинг кўзида ёнган оловнинг тоби ҳам, ёлқини ҳам сайёдлар ўраб ўтирган гулхан алангасидан кам эмасди.

– Худо хайрингизни берсин, сардор, – тутила-тутила деди ўзини йўқотган йилқибон. – Бироқ мен бунга арзимамайман...

– ...арзийсан! Арзийсан. Кел, ёнимга ўтир. Мана бу йигитни кўраяпсанми? – Сардор кўлини Спаргапанинг чайир елкасига кўйди. – Ўзинг ўқни қандай беҳато отсанг, унга ҳам шундай беҳато отишни ўргата оласанми?

– Бажони дил, Оқ ота!

– Сен, – ўғлининг юзига жиддий тикилди сардор, – Хугава сингари отишни истайсанми?

– Менми? – Спаргапа чўғ босгандек сакраб тушди. – Бўлмасам-чи! Албатта, истайман. Мен ҳам сен каби учиб бораётган қирғовулни отиб туширишнинг уддасидан чиқа олармиканман? – умид билан йилқибондан сўради.

– Уддалайсан.

– Зўр-ку! – Спаргапа жингалак сочли бошидан қалпоғини шартта олди-да, завқ билан тиззасига урди. Атрофни қувноқ қаҳ-қаҳа тутди. Сардор эгилиб, ўғлининг қулоғига шивирлади:

– Эрталаб яйловда Хугавани хафа қилиб кўйдинг. Унинг учун ўч олдим. Бу – бир. Иккинчиси – пат совға қилишдан олдин уни топа билишни ўрган. Тушундингми?

Хугава қирғовулни қоқ иккига бўлди-да, бир бўлагини Спаргапага илинди.

– Менгами?

– Сенга.

Йигитча тухфани эхтиром билан олди-да, Хугавага миннатдор боқди. Сўнг астойдил деди:

– Бундан буён менинг энг яхши дўстимсан! Маъкулми?

– Маъкул! – жиддий деди мерган.

– Дато! Ҳо, Дато! – кичқирди Оқ ота. – Саримсоқ олганмидинг, биродар!

– Олгандим, – жавоб берди узокдан Дато. У саклар орасида сардордан кейинги энг кекса оқсоқол эди.

Оқ ота овозини пасайтириб деди:

– Биродар, уни майдонга соч, гулханга ташла, токи чангалзор жинлари тунда бизга азоб беришмасин. Ёввойи саримсоқ – муқаддас гиёҳ. Жинлар саримсоқ хидини ёқтирмайди.

– Бу ерда улар кўп бўлса керак? – чўчинқираб шивирлади Спаргапа.

– Уларни кимдир кўрибдими? – шубҳа билан сўради Хугава.

– Кўрибди. – Сардор чап ёноғидаги ғадир-будур чандикни қашлади. – Бир кун, Спаргапа ҳали туғилмаганди, мен Навтар сингари чангалзорда адашиб қолдим.

– Хўш? – қизиксинди Спаргапа.

– Қарасам – тун. Нима қилиш керак? Қайрағочга чиқиб олдим, шохлар орасида пусиб ўтирибман. Бир вақт кўзим илинибди. Гумбурлаган шовкиндан уйғониб кетдим – ҳа, росмана чилдирма гижбанг қиларди. Ҳм?.. Барглар орасидан мўралаб қарасам, майдон тўла жин!

– Хўш?

– Айтишни унутибман – чап ёноғимда шиш бор эди. Мана, ўрни қолган. – Сардор яна чандикни силади. – Катта эди. Муштдай келарди ўзи ҳам. – Мўйсафид қақалоқнинг бошидек келадиган муштини аланга томон чўзди.

– Хўш?

– Кўрқиб кетдим. Биқиниб олдим. Юрагим тарс ёрилай деди. Бир вақт жинлар ўйин туша бошлади. Ҳар қайсиси билганича рақс туша кетди. Чўлоқ оёқларини у ёқ-бу ёққа ташлаб, ўйнатар эдилар. Қандай рақс тушишни жинлар қаердан ҳам билсин?

– Хўш?

– Хўш, мен шунақанги рақсни қойил қилардимки. Зўр эдим. Ёшлигимдан кечалари гулхан атрофида ўйнардим. Завқим келиб кетди. Чидай олмадим – дарахтдан сакраб тушдим-да: “Шармандаликни бас қилинг! Рақсга тушиш қанақа бўлишини, мана, мендан кўринг..”, – дедим. Сўнг майдонда чир айланиб рақс туша кетдим. “Қандай чиройли!” – дўриллади Яккакўз. “Қандай яхши! – букри қариндошлари кўшилишди унга. – Қойил қилар экан. Биз билан қол, қария, бутунлай қолсанг ҳам майли. Ботқоқ аҳлининг кўнглини овлаб юрасан”. Бунисини кўринг энди! Қаёқдан ҳам дуч келдим жинларга.

– Хўш?

– “Қололмайман, дўстларим. Манзилимга кетишим керак”, – ёлвордим мен. “Тўхта! Қочиб қолмоқчимисан? – шангиллашди жинлар. – Қўйиб юбормаймиз”. “Нега энди қочиб кетар эканман? Кампирим кутиб қолди. Эрталабгача уйга етиб бормасам, калламни узади. Йўлимдан қолдирманглар, дўстларим. Янаги тун ўзим келаман”. “Аҳмоғингни топибсан! – ғазабга минди Яккакўз. – Ишониб кўя қолдик гапингга. Келинлар, ҳамма нарсдан яхши кўрган нарсасини олиб қоламиз, шунда

кийикдек учиб келади”. “Нимангни ҳамма нарсадан яхши кўрасан?” – ёпишиб олишди жинлар. Каллам ишлаб кетди. “Ҳамма нарсамни олинг, – дедим, – кўйлагимни ҳам, иштонимни ҳам, камонимни ҳам, ўқимни ҳам, бурнимни ҳам олинг. Фақат шишимга тегманг...”. “Ҳа!” – хурсанд бўлди бош жин ва кўз очиб-юмгунча шипиллатиб шишни суғуриб олди. Шунақанги чакқонлик билан суғуриб олдики, оғриқни сезмадим ҳам.

– Хўш?

– Хўш, сўнгра манзилим сари йўл олдим. Ҳайвонлар хужум қилмасин, деб жинлар кузатиб қўйишди. Уйга келсам, шовқин-сурон авжида. “Қаерда қолиб кетдинг? Шишинг қани?” – дея усти-устига савол ёғдиришар эди. Бўлган воқеани миридан сиригача айтиб бердим. Дарё ортидаги саклардан бўлган қария келиб қолди. Унинг ҳам шиши бор эди, фақат ўнг ёноғида эди. Унга йўл кўрсатиб юбордим. Шўрлик чангалзор томон йўрғалаб кетди. Бориб дарахтга чиқиб, ўтириб олиб, кута бошлабди. Бир вақт жинлар ҳам етиб келибди.

– Хўш?

– Жинлар яна рақс туша бошлабди. “Қария, шу ердамисан?” – кичқирибди Яккакўз. “Шу ердман”. “Тушгин, сенсиз зерикиб қолдик”. Дарё ортилик рақс туша бошлабди. Дарё ортидагилардан дурустроқ раққос чиққанми ўзи? Энсиз ирмоққа тушиб қолган ғўладек ўзини у ёқ-бу ёққа урибди. Хуллас, Яккакўзнинг чаккасига тегибди. “Бугун ўхшата олмаяпсиз, бобой. – Ярамай қолибсиз-ку, – дебди. – Жонингиз борида бу ердан туёғингизни шиқиллатинг. – Шишингизни унутманг”. Шундай деб, менинг шишимни унинг чап ёноғига ёпиштириб қўйибди. Битта шиш иккита бўлибди.

– Хўш? – Спаргапа анграйиб отасига қараб, давомини кутарди.

– Бўлгани шу. – Оқ ота чидай олмай, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Ўнлаб кишилар унга қўшилишди. Ёш Спаргапа аҳмоқ қилишаётганини шундагина англади. Англади-ю, жаҳлини култ этиб ичига ютди.

* * *

Тун. Сайёдлар қоровул қўйиб, гулхан атрофига от ёпкиларини тўшаб, ётиб олишди, айримлари ўт-ўлан устига ёнбошлашди.

Гулхан алангаси аста пасайиб, ер бағирлади. Ёлқин сўнгач, майдон намхуш зулмат қўйнида қолди. Зим-зиё тун бир ҳовуч оловни ҳар томондан сиқиб келиб, ўз қомига тортмоқда эди.

Одамларнинг овози тиниб-тинмаёқ чангалзор эгаларининг шовқин-сурони, йиғи-сиғиси эшитила бошлади. Укки мунгли сайрашга тушди. Унинг йиғламсирашига лаққа тушманг – бу мунг ортида шафқатсизлик яширин. Қамишзор мушуги – хаус бўғиқ миёвлади. Сўниб битаётган гулхан устида кўршапалаклар ҳайвонот салтанатининг айғоқчилари мисол ғувиллаб учар эди. Олисда йўлбарс қисқа ва босиқ наъра тортди, қаттиқ яраланган қобон аянчли ва мудҳиш чийиллади.

Шафқатли Анахита кўздан ғойиб бўлди. Жағуби-шарқда, қуйида, Жадий яқинида фалокат даракчиси – ёвуз Кайвон ваҳимали ялтиради.

Ҳозиргина ловуллаб турган гулхан атрофида беташвиш кулиб ўтирган сайёдлар қалбини подачи чодирига ўрмалаб кираётган қора илон мисол, кўрқув аёвсиз босиб кела бошлади.

Ё алҳазар! Зим-зиё тун қўйнида қалин булутларни тешиб ўтган нур

¹ К а й в о н – Сатурн сайёраси.

мисоли, хушёрлик ўзини намоён этди. Йиртқич хайвонлар. Тавба, улар қаердан келиб қолди? Кимга керак бўлиб қолди-ю, ким чақирди?

Қоровулларнинг дам униси, дам буниси ўрнidan турар, гулханга шох-шабба ташлаб, унинг алангаси ёруғида пинакка кетганларнинг қотиб қолган юзига тикиларди. Сак ҳамма билан бирга эканлигига, ташлаб кетилмаганига ишонч ҳосил қилгач, тинчиб, хушбўй ёвшан устига чўзиларди.

Сабр қилингиз. Бўронда қолган йўлчилар мисол бир-бирингизни суясангиз, бир ёқадан бош чиқарсангиз, қозик тишини иржайтириб, чангалзордан қаттолларча тикилиб турган Олачипор ажалга қарши туриш учун вужудингиз кучга тўлгай.

... Яна тонг отди.

Белигача яланғоч бўлиб олган саклар чўк тушиб, куёшга қарашди, куёш эса раҳмдиллик билан уларнинг бошига илиқ нурларини сочди. Қудратли шамол ер бағирлаб ўсган дарахт бутуқларини бир томонга қараб тортқилагани мисол, ўнлаб қўллар бараварига илтижо ила кўтарилди. Ғира-ширадаги кўкиштов чангалзор машриқдан шитоб билан ёйилиб келаётган шуъланинг шўх-пушти оғушида якқол ажралиб турарди.

Мис занг товуши қаттиқ жаранглади-да, дириллаб, аста-секин сўнди. Ортидан кохиннинг бўрон гувуллашидек хиркирок, бўғиқ овози уфқ узра таралди.

“Шарафлар бўлсин сенга, Митра! Бошимиз узра доимгидек чарақлаб ёйилдинг. Навтарни фақат Олачипор ажал ҳалок этиши мумкин.

Юзта, мингта Навтарни ўлдира олади у. Бироқ маъбуд Митрани, нурафшон ховарни ким ҳам ўлдира оларди? Куёш сўнмас экан, сакларнинг уруғи қуримайди!”

Оқ ота ўғлини бута ортига чақириб олди.

– Сени нега ўзим билан олиб келдим, биласанми? Шуни тушуниб ол. Тушуниб олмасанг, хароб бўласан. Сўнгги гапим шу: Томрузнинг айтганини қил, Хугаванинг айтганига қулоқ сол. Англадингми? Алвидо.

Кекса сардор ўғлини бир зум бағрига босди, сўнг ўзидан нари сурди-да, йигитлардай чакқонлик билан ирғиб отга минди. Шунақа эди Оқ ота.

Омон қолган олти този, ҳартугул, йиртқичнинг ҳийла-найрангини тушуниб етганди. Маймунжон босиб ётган дўнглик яқинида итлар Олачипор ажал устига ёппасига ташланди. Босқинчи олти қозиктишдан иборат қопқонга тушди.

Қопқонга тушди, дейсизми? Қаёқда!

Олачипор ажал наъра тортиб, беш қулоч баландга ирғиди, чийиллаб, тепадан пастга, майдонга ўзини отди. Орқаси билан тушиб, итларни янчиб ташлади. Тозиларнинг жағлари очилиб қолди. Олачипор ажал қаттиқ сакраб, тик дўнглик ортига ўтди-да, зумда кўздан ғойиб бўлди.

Йиртқични қўлдан чиқармаслик учун тозилар дўнгликни икки томондан айланиб ўтар экан, йиртқич ҳайратомуз тарзда ортга сакради, тозиларни ҳанг-манг қилганча ўзини ирмоқ томон урди.

Олачипор ажал ҳолдан тойганди, чунки бугун қайноқ қон ичиб, ҳузур қила олмади. Буталар орасига яшириниб, шоша-пиша тўшини ва биқинини ялай бошлади.

Тозилар яқинлашиб келарди. У итларнинг тўхтаб-тўхтаб ҳурганини ва тобора бўғиқ чиқаётган чийиллашини эшитиб турарди. Итлар ҳам роса

ҳолдан тойганди. Энди махлуқ тозилардан кўркмай кўйганди – озгина ҳордиқ билан анча кучга кириб олганди.

Бироқ Олачипор ажалнинг қулоғига ҳар тарафдан бўлакча, анча даҳшатли товушлар чалина бошлади: одамлар тапир-тупур қилиб, шовқин солиб, ғазаб билан гапириб келишаётганди. Уни исканжага олишганди. Нима қилиш керак? Итларни йўқотиш даркор. Уларсиз кишилар ҳеч нима қила олишмайди.

Бир неча кунлик масофага чўзилиб ётган ботқоқ чангалзордан унинг соҳибини топиб кўр-чи. Бундан кўра, туяга тушган бургани топиш осонроқ.

Олачипор ажал таҳдидли ангиллаб, ўзини ўнглаб олди.

Олачипор ажал мушакларини ток зангидан-да тарангроқ қилиб тортди.

Олачипор ажал қушдай қанот қоқиб, шумтол устига енгил учиб чикди.

Тозилар бир-бирини сиқиб-суриб дарахтга яқинлашишди. Олачипор ажал кўз кўриб, қулоқ эшитмаган улкан малаҳдай ўзини уларнинг устига ташлади. Ола-була чакмоқ эди у гўё!

Умуртқаси синган иккита този бир жойда чирр айланиб қолди. Учинчисининг қорни бўйнидан бутигача ёриб ташланганди. Бўғизлаб ташланган тўртинчиси эса бошсиз товукдай яшил қиёқ устида тиришиб-тортишиб, ўмбалоқ ошарди. Қолган иккитаси лойқа кўлмакка шалошлаб тушди.

Шу топда Олачипор ажалнинг ўнг биқинига патли ўқ келиб қадалди, ўқ унинг қовурғасини тешиб ўтганди.

Одамми?

Йиртқич ингроқ ила аламли наъра тортди, сўнг шу қадар шитоб билан ўгирилдики, гўё у қимирламагандек, аввал ҳам тирандозга тумшуғини қаратиб тургандек туюлди.

Иккинчи пайкон қотилнинг чап елкасини тешиб ўтди. Ғазабдан Олачипор ажалнинг вужудини титроқ босди. Кузги япроқлар қоплаган сув юзини жимирлатиб муздек шамол эсиб ўтгандай бўлди.

Босқинчи ғазабли йилтиллаган кўзини сайёддан узмаган кўйи, думини икки биқинига бир-бир уриб, ерга бўйнини чўзди, белини буқиб, ўт-ўланга қапишиб олди.

Ўйнаётган мушук боласи мисол, тирноқларини яшириб, титроқ панжаларини қаттиқ-қаттиқ ерга босиб, майда қадамлар билан олға юра бошлади.

Одам уч қатли ёйини бир четга улоқтирди, ерга санчилган найзани суғуриб олди.

Найзанинг кетини орқага ташлаган ўнг оёғи товонига тиради, дастасини маҳкам чангаллади-да, ишончлироқ бўлсин, деб уни олдинга ташлаган сўл оёғи тиззасига босди.

Қаддини қаттиқ буқиб олган бу одам тўғри шох ўрни туртиб чиққан яланғоч тўнкага ўхшаб қолди.

Икки ғазабнок нигоҳ оловдек чақнаганча бир-бирига сассиз тикилиб турарди.

Ҳой, эҳтиёт бўл!

Олачипор ажал ўқилондай отилиб, нам майсазор устида ётган лаққа чўғ каби ўзини одамнинг устига ташлади.

*Иккинчи ривоят***ШОҲ ВА АНДАЛИБ**

Милоддан аввалги беш юз йигирма тўққизинчи йил. Етти дўнглик устида барпо этилган Рим ҳали этрусклар зулми остида эзилиб ётар, буюк ғалабаларни орзу қилишга ҳам ҳадди сиғмасди. Сармаст мустабид Искандар Зулқарнайн Суғдиёнани икки юз йилдан кейингина бўйсундиради. Аттила хуннларининг овозаси ҳали чиқмаган, Чингизхон юришларигача эса ҳали бир неча юз йиллар бор бўлиб, тарихнинг бу қадар чуқур қаърига боқишга кишининг юраги дов бермасди.

Бироқ бу даврга келиб уч минг йиллар давомида қад ростлаб турган Миср эҳромларининг ялтироқ қопламаси аллақачоноқ тўкилиб туша бошлаган, фиръавн Хуфу³ даври эртақлардагидек, ақл бовар қилмас даражада қадим туюларди. Очкўзлик, шафқатсизлик, бошбошдоқлик аллақачон илдиз отиб бўлганди. Аслзодалар киргин-барот урушлар олиб бориш ва талон-торожлар ҳадисини олганди. Кишан ҳам, дарра ҳам ҳеч кимни ҳайратга солмай қўйганди.

Фақат зўравонликкина ҳукм суриб қолмай, балки унинг зидди ҳам зимдан куч йиғиб келаётганди. Ақл-идрок яшаб қолган эди. Меҳнат ва меҳнаткаш эл мавжуд эди. Энг яхши луқма учун кураш борарди. Лагаш халқи ўз шоҳи Лугальандани тахтдан ағдарганди.

Исёнчилардан мағораларга яширинган ақобир Ипусер шошиб-пишиб: “Амалдорлар чиндан ҳам ўлдирилди. Миср дон-дуни ҳамманинг бойлигига айланди. Маҳкама идораси қонунлари ўрамлари майдонга улоқтирилди”, – деб ёзганди.

“Қуллар бош кўтаришди, уйларни вайрон эта бошлашди, ўз хўжаларини сота бошлашди, уларнинг қонини тўқа бошлашди”, – деб иддао қилганди ҳетт⁵ ҳукмдори Телепин.

Чжоу давлатида⁶ Ли Ван ҳукмронлиги даврида фукаро доруссалтанани қўлга олди.

Оғилхонада туғилган қашшоқ хинд Макҳали Госала дунёда биринчи бўлиб: “Илоҳ ҳам, илоҳий руҳлар ҳам йўқ. Бу ҳақда гапирувчилар – алдамчилар”, – деганди.

Беш юз йигирма тўққизинчи йил. Бир қараганда, асрлар силсиласида ҳеч нарса билан кўзга ташланмайдиган, оддий йилга ўхшайди. Шунга қарамай, ўзича алоҳида, жуда муҳим йил эди.

Инсон инсон бўлибдики, меҳнат қилишдан, хурлик учун курашишдан бир кун ҳам тўхтамаган. Демак, ҳар бир йил тер ва қон билан суғорилган. Бекор, бефойда ўтган йил йўқ. У йилларнинг бари аҳамиятли, ибратли эди. Башарият учун яшаб ўтган ҳар бир йил, қанчалик олислаб кетмасин, қадрлидир.

Бу – унинг ҳаёт йўлидаги даврлардан бири. Истикбол томон ташланган қадам.

¹ Этрусклар – мил.авв. I-минг йилликда Апеннин яриморилининг шимоли-ғарбида, қадимги Этрурия (Ҳоз. Тоспана) деб аталган вилоятда яшаган қадимги қабилалар.

² Аттила – хуннлар подшоҳи (ваф.мил. 453). Лакаби – “Худонинг ғазаби”.

³ Хуфу – Хеопс, Миср фиръавни (мил.ав. XXVII аср боши).

⁴ Лагаш – Шумердаги қадимий давлат (ҳоз. Ироқ худудиди).

⁵ Хетт – Кичик Осиёда қадимда яшаган халқ.

⁶ Чжоу давлати – қадимги хитой сулоласи (мил.авв. 1027 – 256 ёки 249).

Орийлар¹ қабилалари иттифоқи қачон – беш минг йилми ёки олти минг йилми илгари, қаерда – Яксарт² дарёси ортидами, Помирдами вужудга келганини ҳеч ким айтиб беролмайди, бу ҳеч кимга аниқ маълум эмас.

Бунинг сабаби ҳам маълум эмас: одамлар жуда урчиб кетганидан жой етишмай қолганми, ёки айримлари кучайиб, бошқаларига зулм ўтказиб бошлаганми; эҳтимол, машриқлик қисик кўзли жангчилар хужуми остида бу иттифоқ, бўрон учириб, тарқатиб юборган қуш галасидек, потраб кетгандир.

Орийлар қабилалари Ўрта Осиё ялангликларида даставвал пайдо бўлишганида, уларнинг бир қисми бу ерда қадимдан умргузаронлик қилиб келган фракцияликларни қувиб чиқарди, бошқа қисми улар билан қўшилиб-чатишиб кетди, яна бир қисми дарёлар ёқаларида турғун бўлиб қолди, қолганлари чўлу-биебонларни макон тутди.

Иккинчи бор ёпирилиб келишганда Хазар денгизидан⁴ жанубда ва Араб денгизидан⁵ шимолда ястаниб ётган серқуёш ўлкани эгаллаб олишди, касситлар ва элабийларни тор-мор қилиб, кўпларини қириб юборишди, кўплари билан қўшилиб кетишди.

Учинчи босқинда уларнинг қадами жанубдаги жазирама мамлакатларгача етиб борди, Дакконни босиб олишди, Ганг дарёси куйиладиган жойгача эгаллашди. Орийларнинг тўққиз қабиласи тўққизта йўлдан кетди. Уларга бхаратлар етакчилик қилишди. Қорамағиз дравидлар тўдалари ўрмонлар ва тоғлар томон йўл олди. “Маъбуд Индр уларни, азалдан шу ерда истиқомат қилиб келганларни ўлдирди, экинзорларни оқ танли иттифоқчилар ўртасида тақсимлади”.

Орий қабилалар тўртинчи босқинда Қора денгизгача етиб боришди,⁶ Танаис соҳилларини киммерийлар қони билан ювишди, Таврида ўтлоқларида яйрашди.

Йиллар, асрлар, минг йиллар ўтди. Голиблар билан мағлублар қони қўшилиб кетди, оқибатда тоғлар ва водийларда ўхшаш бўлса-да, алоҳида лаҳжада гаплашадиган йирик қабилалар ҳамда элатлар юзага келди.

Шимоли-шарқда – сақлар ва массагетлар, сўғдлар ва хуварлар, парканлар ҳамда бактрлар¹⁰ қарор топишди.

Шимоли-ғарбда – скифлар ҳамда сарматлар¹¹ умргузаронлик қилишди.

Жануби-ғарбда – мадлар ва форслар истиқомат қилишди.

Жануби-шарқда эса ҳиндлар илдиз отишди.

Уларнинг ўртасида ва уларнинг орасида эса варканлар ҳамда карманлар, марғлар ва сатгалар, партлар ва сагартлар, тохарлар ва гандҳарлар, гедрозлар ва араҳотлар, драңлар ва харайвалар ҳамда кўплаб бошқа қабилалар бор эдики, барини санаб, адоғига етолмайди киши.

¹ О р и й л а р – қадимги эронзабон қабилаларнинг номи бўлиб, дастлаб “келгинди”, “бегона”, “бошқа ерлик” маъноларини билдирган, кейинчалик “хўжайин”, “аслзода” маъносини англаган.

² Я к с а р т – ҳозирги Сирдарё.

³ Ф р а к и я – Болкон яриморалининг шарқий қисмида, Эгей, Қора ва Мармар денгизлари ўртасида жойлашган тарихий вилоят.

⁴ Х а з а р д е н г и з и – Ҳозирги Каспий денгизи.

⁵ К а с с и т л а р – мил.авв. II – I минг йилликда ҳозирги ғарбий Эрон ҳудудида яшаган тоғлик қабилалар.

⁶ Э л а м и й л а р – Эрондаги ҳозирги Ҳузистон ва Луристон вилоятлари ҳудудида жойлашган қадимий давлат (мил.авв. III минг йиллик – мил.авв. VI аср ўртаси) аҳолиси.

⁷ Т а н а и с – Дон дарёси.

⁸ К и м м е р и й л а р – Ўқуз (Амударё)нинг шимолида яшаган қадимги кўчманчи қабилалар иттифоқи.

⁹ Т а в р и д а – Қрим.

¹⁰ Қадимги Марказий Осиёда яшаган қабилалар номи.

¹¹ Қадимги Марказий Осиёда яшаган қабилалар номи.

Баъзиларининг танаси сутдек оқ, қоракўз ва қорасочларники – анор пўсти каби қорамғиз эди. Айримлари чўпонлигича қолишди, бошқалари кулба куриб, дон етиштира бошлашди. Баъзилар, аввалгидек, ўзаро тенг саналиб, уларни уруғ оқсоқоллари бошқаришарди. Бойлар ва камбағалларга ажралиб қолганлар орасида аслзодалар пайдо бўлди, улар устидан шохлар ҳукм юритишди.

Кўхна номлари деярили унут бўлиб кетди. Қартайган чоллар, қаҳри қаттиқ коҳинларгина, эҳтимол, илдизлари қаерга бориб тақалишини эс-эс билишар. Аммо форс шохлари ана шу илдизни маҳкам тутиб, аллақачонлар ўлиб битган сўзга янгича ва шафқатсиз мазмун бахш этишди.

Энди “орий” шунчаки одам эмас, балки аслзот одамга, “хўжайин”га айланди. Боз устига, форслар ўз ватанлари – Форсни – Айрана, яъни Эрон, хўжайинлар мамлақати, деб улуғлай бошлашди. Бошқа барчани, айниқса, Ўрта Осиё кўчманчиларини беписандлик билан “туронликлар” деб аташди. “Туронлик” дегани “орий эмас”, дегани эди. Туронликми, демак, жоҳил ҳисобланарди.

“Атрофимизда қурбонлик қилмайдиган имонсиз қабилалар яшайди. Улар ҳеч нарсага эътиқод қилишмайди, урф-одат ва маросимлари бемаъни. Уларни одам ўрнида кўрмаслик лозим...”

Форс ҳукмдорлари ўзларининг “аслзода”ликлари билан шунчалик кеккайишар, шу билан андармон бўлиб, бошқаларга форслар ҳукмронлигини тикиштиришга шунақанги уринишардики, оқибатда “орий” сўзи бора-бора қўшнилар тилида энг ҳақоратли, энг ёмон сўзга айланганди. Айтишларича, бу сўз билан болаларни кўрқитишган экан.

Турон номи эса шимоли-шарқда сингиб кетди. Текисликларда истиқомат қилувчилар бу номни меҳр билан тилга олишарди, форслардан бошқа барча халқлар бу номда бирон-бир ёмонликни кўришмасди.

Туронданмисан? Жуда соз!

“Куруш шох¹²”, сўзим.

Мени, форс¹³, форсинг ўғли, Гахаман уруғидан бўлган орийни¹⁴, Донишманд рух¹³ иродаси бирлан жанубда, Патак тоғларида Иштувегу¹⁴ кизи, болажон Мандана тукқан.

Халқим оз сонли, заиф эди.

Узоқ даврлар ётлар ҳукми остида жабру жафо тортди.

Ватанимиз Форс мадлар шоҳи, шафқатсиз Иштувегу зулми остида кун кечириб келди.

Оқсоч Помирдан тортиб кўхна Бобилгача, лойқа Хинд дарёсидан тортиб долғали Каспийгача биздан шимолда жойлашган Мад ҳукмдорининг тошдан қаттиқ товони остида қонга ботиб яшади.

Шафқатсиз ҳукмдордан ўзи истило қилган мамлакатлар аҳолиси ҳам, мадликларнинг ўзидан бўлган катта-кичик мардлар ҳам нафратланишарди. Улар хуфёна йиғилиб олиб: “Сен жафокаш Форсинггина шоҳи эмассен, сен – Иштувегунинг набираси ҳамда куёвисен, Хагматана тахтини эгаллашга ҳақкинг бор. Золимнинг зулмидан бизни кутқар, олтин тожни бошингга кий”, – дейишди.

Ва мен, форс Куруш, жабрланганларнинг кўзда ёш билан қилган илтижоларини қабул қилдим, оҳ-зорларига қулоқ тутдим ва малъун

¹² К у р у ш – Эронда мил. ав. 558 йилдан 529 йилгача ҳукмдорлик қилган ахоманий шоҳ Кирнинг асл исми.

¹³ Д о н и ш м а н д р у х – қадимги эзгулик худоси Ахурамазда (Хурмузд).

¹⁴ И ш т у в е г у – қадимги Мад шоҳи, Куруш (Кир)нинг она томонидан бобоси; мил.ав. VI аср.

дилозорга қарши отландим. Иштувегу наштарию шамширидан озор чекканларнинг барчаси келиб, менга мададкор бўлишди. Оз куч билан золимни маҳв этдим, ғанимни зиндонбанд қилдим, ер-сувини ҳам, иморатларини ҳам, подаларини ҳам, тортиб олдим.

Шунда Сфарда деб аталмиш мағриб мамлакати – Лидия ҳукмдори, ҳасадгўй Крез бадниятлик билан, мен мад зулмидан озод қилган қабилаларнинг омборларию хирмонларини, экинзорларию сувини, яйловларию, қорамолларини ҳамда эркини тортиб олиш учун мени йўқ қилиш пайига тушди. Устимизга юз минг отлиқ ва пиёдани ташлади. Донишманд рух иродаси билан инсофсиз Крезни тор-мор қилдим.

Ўша даврларда Бобилда, илгари Навуходонсор қилганидек, Худобеҳабар подшоҳ, Баалтасарнинг падари ва ҳамҳукмдори Набунаид бебошлик қилаётганди. У, қароқчи мисол, ўз табаасини, фуқарони ҳам, аслзодаларни ҳам талар, савдогарларга ва руҳонийларга оғир ўлпонлар соларди. Шу боис Бобил халқи мени, шоҳ Курушни, мазлумлар муҳофизини хисоблаб, кўмакка чақирди.

Бобил саройлари, бозорлари ва ибодатхоналарига ғамхўрлик қилиш ҳисси қалбимдан жой олди. Бобилликлар орзуси ушалди – мен уларни тавқи лаънатдан халос этдим. Биз Баб-Илунинг олий саждагоҳини жон-дилдан ва шодон улуғлаганимизда фалак ҳукмдори Мардук ўзини сарафроз этгувчи мени, ва менинг ўғлим Камбуджини, ва бизнинг кўшинни ярақлади.

Сўнг мен кунботарга томон зафарли юриш қилдим, Бобил шоҳлари томонидан вайрон этилган Саодатли шаҳар – Эру-Шалемни³ култөпадан қайта барпо этдим, яхудий эркагу аёлларни халдейлар⁴ асоратидан қутқариб, уйларига жўнатдим, сўнг денгиз соҳилида Финикия⁵ шаҳарлари деворини қайта кўтардим.

Қадамим етган жойда форслар силоҳи кучи билан фаровонлик, хотиржамлик, дўстликни қарор топтирдим. Помирнинг дандана қояларидан тортиб, ҳар тарафидан сув ўраб олган Қибрисгача халқлар мени меҳрибон падар, адолатли ҳукмдор сифатида мадҳ этишади.

Мен, форс Куруш, буюк ишларни бебако дунё шодликлари – манфаатлар, бойликлар, ноз-неъматлар ва нашъу намо учун эмас, инсониятга бахт-саодат келтириш, ватаним Форсни ва маъбудларнинг энг донишманди Аҳурамаздани шон-шухратга буркаш ҳамда ажал маъбуди Аҳриман менга ушбу фоний дунёни тарк этишни амр қилганда унинг раҳматига ноил бўлиш мақсадида қилдим.

Келгуси авлод кишилари менинг эзгу амалларим ҳақида хабар топишсин ва, хабар топиб, хайрат оғушида қолишсин деб, тик тоғ қоятош пешонасига ушбуни битишни амр этдим...”

* * *

– Каллангни узаман, ярамас даҳ! – Меҳр-Бедод таёкни боши узра кўтарди. Таёқ тарақлаб Гадатнинг сўл қўлига тушди. У фарёд чекиб ингранди, елкасини чангаллаб, оғриқдан энкайиб қолди.

¹ Баб-Илу – форсча Бабила, юнонча – Вавилон – Бобил – “Тангри дарвозаси”.

² Камбуджи – Кирдан сўнг, мил. ав. 529 йилдан 521 йилгача ҳукмронлик қилган Камбиз.

³ Эру-Шалем – Қуддуси Шариф.

⁴ Халдейлар – Жанубий Месопотамияда мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида яшаган сомиё қабилалар.

⁵ Финикия – Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилидаги қадимий вилоят.

Чўккалаб қолган даҳ букчайди. Ортидаги жўралари – форслар ўзларига бўйсундириб олган жаҳубий туронлик ярим ўтрок қабилалардан бўлган ўспирин гаровгонлар, скиф санамлари каби, хотиржам тош қотиб туришарди.

Бу ўспиринларни кузда атрофдаги манзиллардан шаҳарга ҳайдаб келишган. Уларни ўтин тайёрлашга, таблани тозалашга, лой қоришга, манзилларни созлашга, қалъага сув ташишга мажбурлашади. Бугун тушки овқатдан кейин улар бироз мизғиш, офтобда исиниш, ҳасратлашиш учун, ҳар доимгидек, кунжақдаги бўйрага чўзилишди.

Баҳор. Тоғолди худудларда ерга қўш тушган. Дон сепишади, ҳосил етилишини кутиб, тезпишар ва арзимас арпа ҳосилини йиғиб олишади-да, подани ҳайдаб, ёз бўйи чўлу биёбонга чиқиб кетишади. Эҳ! Кимлардир ёвшан ҳиди уфуриб турган ҳайдар шамолга бағрини тутиб, эркин юради... Бошқалар эса, бамисоли қул, пахса деворлар оралаб “мад зулмидан озод қилувчи” калондимоғлар ахлатини тозалашга мажбур. Қочиб кетгинг келадию, қаттиқ кўриқлашади-да.

... Гадатнинг айби нима?

Форс йигит Меҳр-Бедод ҳовлидан ўтаётганида ўспирин даҳ Гадат чўккалаб турган жойидан чаққонлик билан туриб, икки букилиб таъзим бажо келтиришга улгурмади.

– Мен, Меҳр-Бедод, форс ўғли, орийман! – зўр бериб дерди Меҳр-Бедод. – Сен кимсан? Қаролимсан!

Меҳр-Бедод табиатан ориқ, дароз ва чайир эди. Қалқонбардорлар бўлимида хизмат қилиб, қадди букилиб қолди – ушбу қўшин тури жангчилари қалқон ортига яшириниш учун доим букчайиб юришларига тўғри келади, бора-бора бу одатни тарк этиш амримаҳол бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам қалқондан қадди букилган, дейишади. Меҳр-Бедод қирғийбурун эди. Форс ўғли бўлмиш бу форс қирғийни эслатарди.

Орий таёқни ўйнатиб ва чакмонининг кенг-мўл енгини қанотдек ёйиб, ўлжаси устида қаҳр билан чир айланар, гавдаси кўтосдек миқти Гадат қорасоч бошини борган сари пастрок эгарди.

– Хўжайинингга ҳурмат бажо келтиришни ўрганасанми-йўқми? – ғазаб билан сўради Меҳр-Бедод.

Кўзларини юмиб олган ва тишини маташтирган Гадат бош ирғади.

– Энди менинг хузуримда ўзингни бефаҳм қари хўқиздек тутмайсанми?

Гадат кўзини очиб ва тишини кўрсатиб, бошини сарак-сарак қилди.

– Ўшанақа тутмайсанми?

– Йўқ!

– Тутмайсанми?

– Йўқ!

– Яна сўраяпман. Ундай тутмайсанми?

– Йўқ!!!

– Шундай бўлсин! – Форс таёқни қўлтиғига қистириб, даҳнинг бурнига тепгандай бўлди-да, зерикканнамо эснаб, юзини бурди.

... Дарвоза гумбураб очилди. Кўпириб кетган отда жикка терга ботган суворий ҳовлига учиб кирди. От пишқириб, баркашдек теп-текис майдончада қорақурт чаққандай чириллаб айланди.

Ҳориб-толган суворий нобоп сакраб тушиб, йиқилди, сўнг шартта

¹ Гаровгонлар – мағлуб халқнинг голиблар томонидан гаров тариқасида саклаб туриш учун олиб кетилган вакиллари.

ўрнидан турди-да, оқсоқланиб ховлидан югуриб ўтди.

– Бўри кувдими уни? – хайрон бўлди Меҳр-Бедод. – Ҳолдан тойибди-ку. – У даҳларга юзини бурди-да, хўмрайди. – Эҳтимол, яна уруғдошларинг бош кўтаргандир. Қараларинг! Дастлабкиларни хомкалла қиламиз. Қолганлар қўланса чодирди итоатда ўтирсин, деб сизларни бу ерга хайдаб келганмиз. Менга қара! Исминг нима эди – Гадатмиди? – бекорчиликни йиғиштир. Ўрнингдан тургин-да, отни совут. Буғ чиқиб ётганини кўрмаяпсанми?..

– Меҳр-Бедод! Ҳой, Меҳр-Бедод! – Ниссайяда² жойлашган форс қўшинларининг бошлиғи Раносбат истиқомат қиладиган пастак пахса уйнинг очиқ эшигидан талабчан даъват эшитилди.

– Лаббай! – овоз берди Меҳр-Бедод.

– Раносбат ўз хузурига чорламоқда!

Меҳр-Бедоднинг юраги орзиқиб тушди.

– Югурдим!

– Яна улар учун урушишимизни иташади! – хириллаб деди тўқ жигарранг кўзли Гадат, уни назари билан кузатиб қоларкан. – Орий эмиш! Мен кимман? Маймунманми?

– Жим бўл! – пичирлади асосий гаровгон ҳисобланмиш кекса даҳ оғохлантирувчи оҳангда. – Тунда гаплашамиз. Яхшиликча боргин-да, отни совут.

– Кўтир туя! – Гадат зарба еган қўлини авайлаб силади, тишини ғижирлатиб, жаҳл билан тупурди. – Бир зумда букрисини тўғрилаб, жигарини оғзидан чиқарворардим.

– Жим. Ҳар нарсанинг вақти-соати бор.

Раносбат – енги узун, кенг-мўл кўйлак, остидан орқа этаги оёқлар орасидан ўтказилиб, олдиндан кумуш камар остига тикилган яна бир кенг белкўйлак кийган, елкасига калта гулдор либос ташлаб олган бурундор семиз форс топтаб ташланган қизил гиламда қаҳрабодек сариқ баргакни эринчаклик билан чайнаб ўтирарди.

Меҳр-Бедод таёкни ташқарида колдириб, пастак хонага қадам қўйди, пошнасини пошнасига шақ уриб, кўхна таомилга кўра, ўнг қўлини олдинга кўтарди ҳамда бардам овозда деди:

– Хайра! Муваффақият ва омад ёр бўлсин!

Кавшанишдан тўхтамаган Раносбат, бунга жавобан, бир нима деб ғўлдиради.

– Ёнимга кел, яқинроқ кел, деяпман.

Ғаройиб даражада қуюқ ва кенг қошлари, икки ёй мисол, қаншарида туташди.

Меҳр-Бедод эҳтиром билан бошлиққа яқинлашди, чўккалаб, чап елкасига туширилган орийларнинг қадимий нишони – хоч тасвирини авайлаб ростлади.

– Нега шовқин солаяпсан, мочахарнинг боласи? – Раносбатнинг катта, чўзиқ, солиқ ковоқлари остидаги қора кўзлари жаҳлдан чакнади. – Сендан сўраяпман, нега ғалва қилаяпсан? Нега тўполон кўтараяпсан?

Шошилмасдан, истар-истамас гапирарди у. Чўзиб, ғазабдан кўра

¹ Хомкалла қилиш – бош терисини шилиш.

² Ниссайя – Нисо – Парфиянинг қадимги шаҳри, Ашхобод яқинида ҳаробалари хозиргача сақланиб қолган.

³ Белкўйлак – юбкасимон кийим.

⁴ Ўнг қўлни кўтариб, кафтни кўрсатиш – қуролсизликни аёнлашувчи ишора.

кўпроқ кўнгилчанлик билан дўрилларди. “Не-га шов-қ-и-н со-ла-сан...” Кўрқиб кетган Мехр-Бедод қаддини ростлади, тирсакларини букиб, кафтини сони ёнига босди.

– Ярамас даҳ мени ҳақорат қилди. Ўзингиз ўргатган эдингиз-ку...

– Ўргатган э-дим! Меъёрини билиш ке-ра-к! Тўсатдан уруш бошланса-чи? Ҳар қадамда бурнига тепиб турсак, даҳ-махларинг жангга киришни хоҳлармиди?

Мехр-Бедод елка қисди:

– Истамаса, қамчин билан ҳайдаб борамиз. Нима қилибди?

– Айтишга осон! Бош кўтаришса, шохимизга ким жавоб беради? Менми ёки сенми, мочахарнинг боласи?

Мехр-Бедод Раносбатга ажабланиб боқди. Чопар ёмон хабар келтирганга ўхшайди. Форс йигит кўлларини ёйди:

– Нега менга ёпишиб олдингиз, хожам? Ўқимни йўқотдимми ёки айғоққа боришга эриндиммики, мени қиййсиз.

– Ҳой, ҳой! – қичқирди Раносбат. – Овозингни ўчир! Ўчир овозингни, дедим! Чакагингни ўчир. Жим ўтир. Ақлли хожа хачирни қачон савалашнию қачон силаб-сийпашни билиши лозимлигини сенга тушунтириш учун қоймоқдаман. Англадингми, кўппак?

Мехр-Бедоднинг кўзи ола-кула бўлди. Ақлдан оздими бу Раносбат? Жуда фойдали бўлган хачирни қаёқдаги исқирт махлуқ даҳга тенглаштиришини қаранг. Чопар чиндан ҳам яхши хабар келтирмаган кўринади.

– Ёдингда тут, овсар, – насиҳатомуз давом эттирди Раносбат. – Даҳлар туртиб ёки думалатиб кетсанг, сени жазосиз қолдирадиганлардан эмас. Турондаги энг шафқатсиз халқ! Эҳтиёт бўл. Етказган озоринг ҳақини бошинг билан тўлайсан.

– Мен, жасур форс Мехр-Бедод, юраксиз саҳройидан кўрқишим керакми? Бе! Олдимда қаддини қанчалик букканлигини кўргангингизда эди.

– Қаддини букдими – қара, ростламасин! Хайр. Майли. Валақлашни бас қилайлик. Гап бор. Чопарга кўзинг тушдими? Жиддий хабар келтирди. – Раносбат гиламнинг чеккасини кўтариб, кўкқарғанинг зангори патлари қадалган узун савағич ўкни олди. – Кимники?

Мехр-Бедод ўкнинг бринчдан қилинган уч қиррали қайрилма пайкониға назар ташлади. Шунақа пайкон баданга қадалса, чиқаролмайсан.

– Сакларники.

– Тўғри. – Раносбат чираниб томоқ кирди-да, пайконни синдириб олиб, дастаси билан бирга Мехр-Бедодга узатди. – Ўраб, яшириб қўй. Ўн нафар форс йигитларимиздан олгин. Ҳозирок. Захира отлардан ҳам ол. Туну кун елдириглар! Тоғдан ошиб ўтиб, Сарния водийсига тушасизлар-да, Варканагача, сатрап Виштаспа¹ хузурига борасизлар. Виштаспага ўкни бериб, унга айтгинки...

Раносбат Мехр-Бедодга яқинроқ кел, дегандек бармоғи билан имлади, қулоғига бир нечта сўзни айтди:

– Чу-чу-чу... Тушундингми?

– Ҳа, – им қокди Мехр-Бедод.

– Яна айтгинки: шу-шу-шу... Тушундингми?

– Ҳа, – бош ирғади Мехр-Бедод.

– Яна айтгинки: ху-ху-ху... Англадингми?

¹ В и ш т а с п а – ахоманий Куруш (Кир) сатрапларидан бири.

– Ха, – ишора қилди Меҳр-Бедод.

– Манавини ичгин-да, кўздан йўқол. – Раносбат мис баркаш устида турган бўғзи тор кўзани олиб, сопол пиёлага тўлдириб шароб қуйди-да, мамнун ўтирган Меҳр-Бедодга узатди. – Ичиб олдингми? Кел, бир қучай. Энди борақол. Йўлингни берсин. Зафар қучишимизга ишонаман, эшитдингми? Хайра!

– Чап оёғимнинг жимжилоғи қолса-да, Варканага етиб бораман! – Меҳр-Бедод кулиб, мушти билан кўксига гурсиллатиб туширди-да, кўздан ғойиб бўлди.

* * *

Куруш тонгда уйғонди.

Эндигина кўринган, сигирнинг тимсоли, поданинг ҳомийси бўлган хилол қош қорайиши билан сўлга бурилган шохини жанубда, уфқдан тепароқда бир кўрсатди-да, аста сирғалиб, жануби-ғарбга ўтди, ярим тундан сўнг қорайиб турган тоғ данданалари ортига яширинди.

Бироқ баҳор туни бу билан зулмат ичра қолмади. Йирик, ёрқин юлдузларнинг бир текис нури Бўридарё бўйлаб ястаниб ётган гуллаган боғларда акс этиб, салқин ҳавода тонг шафағидек ёйилиб кетарди.

Шоҳни булбул хониши уйғотди.

Боғ қўйнидан учиб келиб, одатдагидек, Куруш ухлайдиган айвон ёнида ўсиб турган атиргулга кўнган бу қуш кекса форснинг айни боши узра сайрай бошлади.

Куруш кўзини очди, чуқур нафас олиб, керишди. Дуруст. Анчадан буён бундай ухламаганди.

Кечагина олис жазирама Форсдан келиб тушган ҳорғин шох: “Уч кун ўликдай чўзилиб ётаман”, – деб ўйлаганди.

Бироқ яқингинадаги Хазарнинг шўр аралаш аччиқ шамоли бир кечадаёқ абдий йўқотдим деб ўйлаган кучига қайтганди.

Фараҳли тонг. Варкана заминидаги биринчи куннинг ўзиёқ қувонч билан бошланди, эртага нима бўларкин? Ғалабаю зафар бўлса керак-да. Ишда ғалаба қозониб, зафар қучса керак-да. Бу – Яздоннинг аломати. Булбулнинг чаҳ-чаҳи эса меҳрибон Ахурамазданинг саси.

Четан ортидаги далада, булбулга жўр бўлган бедана, болғачасини сандонга ураётган кандакордек, жарангдор пит-билдигини бошлаб юборди.

У шох Куруш учун Роҳат-фароғат шодасига янги ҳалқа ясаётганди.

Муборак тонг! Хотиржам ухлайвер, халқим. Форс мардлари, аёллари ва фарзандлари, тонгги ширин уйқудан роҳатланаверингиз. Шафқатли падарингиз хушёр, барчангизнинг ғамингизни еб бедордир.

Куруш устига ёпган пўстинни улоқтирди-да, қотма елкасига эски чопонни ташлади, яланг оёғини учи эгик кафшга тикди.

Айвонга тўшалган гиламлар, бўсағада хуррак отаётган хос соқчилар кўзга кўринар даражада кун ёришганди. Айниқса, доимо тонгда тиниқлашадиган ҳовуз суви, тоғ ёнбағри бўйлаб, ястаниб ётган кўкшитоб боғ ҳам ажиб кўринарди.

Куруш ором олаётганларни уйғотиб юбормаслик учун мис кумғонни эҳтиётлик билан олди-да, жилға томон кетди.

Муздек сув тўқ кулранг оҳактошлар оралаб шитоб билан оқарди.

Товланиб оқаётган обихаёт дам шиша толасидек титилар, дам чирмашиб, биллурдек ялтирарди, бир-бирини кувалаб, халдейлар темиридан ясалган эгри пичоқлар сингари хира ялтираб, товланар эди.

Оқиб турган сувда ювиниш – гуноҳи азим. Сувни ҳаром қилмаслик даркор. Борликни таркиб топтирувчи тўрт унсурдан бири у. Сув ҳам, тупроқ, ҳаво ва олов каби муқаддас.

Куруш кумғонни жилғага ботириб, озгина сув олди-да, тирноқлари кир босган қўлини ювди, томоғини чайди, озгин юзини, сочини, оппоқ жингалак соқолини хўллади. Чопонининг барига артинди. Ёшлигидаги сингари бардам тортиб, уй томон кўтарилди. Буталар орасидан белкуракни излаб топди.

Пайғамбар Зардушт¹ – “Олтин туя” – оламни замон маъбуди Зрвананинг икки ўғли – нурафшон Аҳурамазда (Донишманд рух) ҳамда зулмат Аҳриман (Ёвуз ният) бошқаради, деганди.

Эзгу ибтидо унумдор ер, сув, олов, ерга экин экувчи ва Аҳурамаздани муқаддас тутувчи “орий” қабилалар одамларидан; фойдали ўсимликлар – дон-дун, мевали ва бошқа дарахтлар, сабзавот, гуллардан;

уй ҳайвонлари – туя, қорамол, йилки, қўй, итдан иборат.

Шафқатсизлик билан кириб ташлаш зарур бўлган ёвузлик – Турон кўчманчилари, бошқа ёт кишилар, ёввойи ҳайвонлар, чумоли, бегона ўт. Шу боис зардуштий умматнинг ҳовлисида биронта “бефойда” кўкат кўрмайсан – ёруғ дунёга бош кўтариб чикдими, дарҳол аямай суғуриб ташлайди.

Касаллик, аёз, малъун шубҳа ҳам ярамас нарсалар.

Мўъминнинг бурчи – ёвузликка қарши курашда эзгуликка ҳормай-толмай кўмаклашиш. Зардушт амрларига оғишмай амал қилган киши жон таслим қилгач, охиратга олиб борувчи даҳшатли Чинвод² кўпригидан эсон-омон ўтиб, Гаро-Дман жаннатида ҳаловат топади.

Ҳар бир турғун форс, ҳатто, энг аслзодаси ҳам, “арта”га – дин йўлида мўъминликка садоқатини кўрсатиш учун, вақти-вақти билан боғда ёки далада меҳнат қилади.

Куруш энгини шимариб, белкурак дастасини маҳкам тутди-да, ҳовуз ёнида ўсиб турган дарахт томон дадил кетди. Тагини юмшатмоқ даркор! Шоҳ ерни авайлаб юмшата бошлади, ҳа деганда энгашиб, шағал аралаш тупроқдан тошчаларни териб олиб, бир чеккага отарди.

Эзгу амал Аҳурамазданинг китобига ёзиб қўйилади.

Шоҳ Худолар манзилгоҳи – Боғистондаги қояга ўйиб туширтирмоқчи бўлган битикни эслади. Йўлда уни яхши ўйлаб қўйганди. Бир дамлик истироҳат чоғларида мирзолар ҳукмдор оғзидан чикқан “сўз дурларини” сабр-тоқат билан илиб олиб, уларни маҳоратнинг зар ипига тизишар ҳамда оромий ҳарфлар билан лойга нақш қилишарди.

Куруш ҳузурида сурияликлар мирзолик қилишарди. Форсларнинг саводи қийин миҳхатда чикқан, уни ҳам яқинда, Бобилни босиб олгандан кейин ўрганишганди.

Битикнинг хомнависи тайёр бўлди. Уйга қайтгач, Куруш уни баланд қояга уч тилда ўйиб ёзишни усталарга амр қилади. Токи минг йилдан кейин ҳам инсонпарвар форс шоҳининг бекиёс буюк ишлари ҳақидаги ҳикояга ҳар бир ўткинчининг кўзи олисдан тушсин ва уни ўқисин.

¹ З а р д у ш т – Заратуштра, З о р о а с т р – зардуштийлик динининг асосчиси (мил.ав. тахм. 618 – 554).

² Ч и н в о д – ислом динидаги Сирот кўпригига монанд кўприк.

Булбул жон-жахди билан хониш қиларди. Куруш эса яйраб куларди. Бағоят яхши! Уйдагиларнинг ҳаммаси уйғониб бўлган, барчанинг назари шоҳ бажараётган ишга қадалганди. Хизматкорлар: “Хукмдоримиз олийжаноб-да”, – дегандек кўз уриштиришарди.

Хонадон соҳиби, Варкана ва Парта сатрапи, файзли қария, форс Виштаспа қора соқолини астойдил силаб дерди:

– Саховатли хукмдоримизга абадул-абад шарафлар бўлсин!

Машириқийлар таъбири билан айтганда, тонг қуёшнинг заррин шамширини субҳ ғилофидан оҳиста суғуриб, самонинг ложувард қалқонини пора-пора қилди.

Булбул хониши тинди.

Боғнинг ортида, баланд тепаликда, Сукут минораси – маҳаллий аҳоли майитларни жойлайдиган даҳма устида калхатлар айланиб уча бошлашди.

Куруш қаддини ростлади, пешонасидан терни сидириб, зирқираб оғрий бошлаган белини кафти билан силади. Одатланмагани учун шоҳ толиқди. Хордиқ чиқаргиси келди. Бироқ ишни чала ташлаб кетиб бўлмайди. Одамлар кузатиб туришибди. Мўйсафид яна белкуракни қўлга олди.

Четан ортидан отларнинг дупури эшитилди.

Ер ағдарар экан, Куруш сергак тортиб бошини кўтарди.

Кўрғон дарвозаси томондан товушлар эшитилди, темир жаранглади. Дарбон ким биландир қизғин баҳслаша бошлади. Куруш белкуракни ўнг қўли билан қисиб, қаддини ростлади.

Узун чакмон кийган Виштаспа ташвиш билан ҳовлидан югуриб кетди.

Курушнинг қулоғига кескин қичқириқ эшитилди:

– Ниссайядан чопар келди!

Шоҳ белкуракни қўлидан тушириб, нималарнидир кутиб, анграйди.

Дарвоза табақалари очилиб, лойга ботган суворийлар кириб келишди. Виштаспа уларни шошилишч нари олиб кетди. Куруш ҳозиргина ёнида тинч-хотиржам ишлаб турган дарахтчага тескари туриб, мошкичири мўйловини ўйчан чайнади.

Ғайриодатий равишда бесаранжом, нимадандир ташвишга тушган Виштаспа пайдо бўлди. У шоҳнинг кўзига боқди. Курушнинг юзи тундлашди – бояги вақтичоғлик, меҳр, ботиний мулоимликдан асар қолмаганди.

Шоҳ белкурак дастаси устидан хатлаб ўтди-да, сатрапга пешвоз кетди.

Ҳовуз чеккасида бир қатор хом лой тахтачалар ётарди. Куруш уларни босиб-янчиб, нари кетди. Қояга ўйдирмоқчи бўлган ўша битикни оёғи билан босиб ўтганини пайқамади ҳам. Суриялик мирзолар хумдонга солиб пишириш учун лой тахтачаларни ёйиб қуриштишмоқда эди...

– Аранха саклари сардори қазо қилибди, – деди паст товушда.

Куруш лабини тишлади. Ўйчанлик, қатъият билан айвонга чиқди-да, имлади:

– Сув.

Куллар чўккалаган жойларидан сакраб туриб, бири обдаста, яна бири мис дастшўй тутди, бошқаси елкасида зиғир толасидан тўкилган сочик билан ҳозир бўлди.

Шоҳ бароқ қошларини уюб, тупроқюки қўлини ювди, – шошмай, ҳафсала ва диққат билан бармоқларини “мўъминлик” юкидан тозалади. Бирон жонлиқни сўйишга ҳозирлик кўраётган қассоб, кейин қонга бўяш

учун, кафтини шу тариқа ювади.

... Мехр-Бедод хириллаб кичкирди-да, шоҳ оёқлари остига бор бўйи билан ўзини ташлади. У қийналган, ҳолдан тойган, чарчоқдан базўр турарди.

– Тур ўрнингдан! – буюрди шоҳ. – Толиқдингми?

– Эй, ҳукмдор падарим! – хиқиллаб деди чопар. – Форс йигити чарчаш нималигини билармиди? Бе! Марҳаматли ҳукмдорга хизмат қилсанг, толиқиш истироҳат билан тенг бўлади. Мен сиз учун... Ўл десангиз – ўламан, тирил десангиз – тириламан!

Куруш Мехр-Бедодни қизиқиш билан кўздан кечирди.

– Ҳа, – деди у маъқуллаб. – Ҳм. Бу гапинг дуруст... Сардор нимадан ўлибди?

– Овда ўлибди, ҳукмдор падарим.

– Оҳ-ҳо. Ҳм... – Куруш сак пайконининг синдирилган учини қўлида айлантирарди. – Саклар майитни майдалаб чопиб, қозонда қайнатиб, кўй гўштини егандек ейишлари ростми?

– Бехабарман, ҳукмдор падарим. Ҳалок бўлган мардларни ейишади, деб эшитганим бор, лекин кўрганим йўқ. Тўғри бўлса керак. Икки оёқли бу махлуқлардан ҳар нарсани кутиш мумкин.

– Ҳа, – деди Виштаспа. – Ваҳший халқ.

Куруш қариндошига диққат билан тикилди-да, сатрапга эмас, кўпроқ ўзига қарата деди:

– Хайр, саклар сардорларини қандай кўмганликлари унча муҳим эмас, гўрга тикдиларми, қоринга тикдиларми, энди барибир. Муҳими – унинг ўлгани.

Шоҳ биринч пайконни беписандлик билан елкаси оша улоқтирди.

Пайконнинг иккинчи қисми – патли савағични ўйчан силкитди.

– Энди бу муҳим эмас.

У гилам устида бир неча одим ташлади. Баланд айвондан пастга, соя-салқин ҳовли кўйнига олиб тушадиган зина яқинида тўхтади. Олисида қизариб кўрина бошлаган тоғ тизмасига диққат билан тикилди.

Сув ва тош. Қор ва булут. Яна минглаб узун йўллар. Улар қаердан бошланиб, қаёққа олиб боришини ҳеч ким билмайди. Билсанг-да, туманлар кўйнида яширинган адоғигача борсанг. Ўша ерда, ниҳоясида муқим бўлсанг.

... Хазардан шарқда, Тангритоғдан ғарбда, Туроннинг қайноқ қумларида сак қабилалари кўчиб юрибди. Сакларнинг Куруш билан нима иши бор, Курушнинг қашшоқ саклар билан нима иши бор? Эҳ, она-Ер, ушоқлар учун қанчалар кенгсан-у, буюклар учун нақадар торсан.

Куруш патли савағичнинг пайкон чиқиб туриши лозим бўлган жойини тирноғи билан чертди:

– Энди уларда ким сардор бўларкин? Шуниси муҳим!

Учинчи ривоят

ШУНҚОР ВА СИЧҚОН

Саклар Оқ отанинг жасадини ўзи ўлдирган йиртқич терисига солиб, тез-тез алмашиб кўтариб келишарди.

Улар отларни етаклаб, турна қатор келишарди. Мотамсаро юриш

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

сукунатини одамларнинг бўғик қадам товушию отларнинг дупур-дупуригина бузарди, холос. Чангалзор чеккасида сайёдларга аёллар югуриб пешвоз чиқишди, қайир қайғули дод-фарёддан ларзага тушди. Қизлар сочини ёйган, кампирлар буришган сийналарини тирноқлари билан тимдалар эдилар.

Томруз кўринмасди. Эрини уйда, жилға бўйидаги манзилда кутаётганди у.

Спаргапа ҳаммадан орқада имиллаб келарди. Шашқатор кўз ёшлари юзидан оқиб тушиб, қийшайган оғзи бурчида тўпланар, сўнг туксиз иягига оқиб тушарди.

Спаргапа эсини танибдики, ўзини доим отасининг ёнида ҳис қилади. Абадул-абад шундай бўлади, деб ўйларди. Мана, энди ота йўқ. Энди у қайтмайди, зим-зиё тунда уюрга етаклаб бормади, бошини силаб-сийпамайди.

Алам қилади. Гўё кечкурун соғ-саломат, тўрт мучанг соғ ётсангу, эрталаб, улар ҳеч қачон бўлмагандек, қўл-оёқсиз уйғонсанг. Ёки ташналиқдан жон таслим қилаётган болаларга ичириш учун сув олиб чўлдан елиб ўтсанг-да, етиб боргач, меш қоқ-куруклигини билиб қолсанг...

У кекса сардор кечагина ибодат қилган кўрғонтепа устига чиқди.

Бир оз нарида, дарёнинг эски ўзанида пайдо бўлган энсиз қўл соҳилида кўчманчилар манзилгоҳининг йўл-йўл чодирлари, қатор жойлашган усти ёпиқ аравалари кўзга ташланарди. Қўтоннинг пахса девори кўриниб турарди. Яқин орада жойлашган қўтон оч қўйларга тўла бўлганидек, чодирлар ҳамда барханлар орасидаги ўтлоқзорлар ҳам одамларга тўла эди. Тўс-тўполонда қўй отарини яйловга ҳайдаш ҳам унутилган эди.

Еру кўкни дод-фарёд босган. Оҳ, отажоним! Спаргапа титраб-қақшаб хўрсинди.

... Заҳарли бута шохига кўнган жиблажибон думини ликиллатарди. Култепалар оралаб чўзилиб ётган ҳамда кўрғонтепа яқинидан айланиб ўтган пастқамликда қизил шарпа кўринди. Йигитчанинг кўзи мошдек очилди. Кўз ёши таққа тўхтади.

Райада!

У ёнбағир бўйлаб шунақанги тез югурдики, оз бўлмаса, ўйдим-чуқур йўл устидан ўмбалоқ ошиб тушаёзди.

Райада Спаргапани пайқамагандек эди гўё.

Қиз бошини ортга ташлаб, кўксини олдинга чиқариб, елкасини учуриб, хивчинни силкитар, ўйноқлаб ўзини у ён-бу ён ташлаб, гўё бирон жойга шошилаётгандек, таманно билан тез-тез одимлаб борарди. Чуқурликни тўлдирган қум устида яланг оёғининг изи аниқ кўриниб турарди.

– Тўхта! – кичкирди Спаргапа ҳаллослаб.

Қиз, афтидан, шуни кутган, шекилли, дарҳол тўхтади, унга масхараомуз боқди:

– Ҳо! Сенмисан, жасур сайёд? Кўп қирғовул овладингми, мерган?..

Спаргапа уялиб кетди. Қачон, кимдан эшита қолди экан? Сўнг:

– Қирғовул қолиб кетди, – деб ғудранди.

– Албатта! Ахир чангалзор даҳшатли-ку. Афтидан, гулхандан нари бормаган кўринасан?

Спаргапа йиғлаб юбораёзди:

– Қачон мени мазах қилишни бас қиласан?

– Қачон эр етилсанг, – кулиб ғашига тегди Райада.
Спаргапа ловиллаб ёнди:

– Сенинча, мен кимман: эмизикли боламанми?

Йигитчанинг оғзи қуриди. Қизга суқланиб тикилди. Учили қалпоқчасидан тортиб, ялтираб турган, қатикда ювилган ёғли сочигача, чаккасидан қоши томон чўзилган қайиқ кўзигача, учи андак кўтарилган калта бурнигача, ўртача қалинликдаги лабларию қорамағиз юзигача, – хуллас, бошидан оёғигача назардан ўтказди. Райаданинг баданига ёпишиб, доирасимон ёқаси катта очилган, товонигача тушган узун, енгсиз кўйлаги, бўйнидаги маржон шодаси, билагидаги мис билагузук, кўксини тўлдирган мис тангалар – баригинасини қалбига жо килди-да, гапни кесиб деди:

– Гап шу! Менга турмушга чиқ, билдингми?

– Турмуш-га-а? – Райада аввал пиқирлаб, кейин қорнини ушлаганча хандон ташлаб кулди. – Сенга турмушга чиқайми? Ваҳ-ха-ха!

Қизнинг вужуди кескин силкинганидан бўйнидаги маржонлари ҳам унга монанд жирингларди. Қулоғидаги исирғалар силкинар, позеблари шиқир-шиқир қиларди. Бурнининг чап паррагига осилган олтин булоқи титраб, тинмай ялтирарди.

– Нега куласан? – Спаргапа Райаданинг қорача кўлидан тутиб, жаҳл билан қисди. – Айт, менга тегасанми ёки йўқми?

Райададан қизил қалампир ва ялпиз ҳиди анқиб турарди.

У кулгудан тўхтади, кўлини тортиб олди-да, новда билан йигитнинг бармоқларига туширди. Кўзида эса ҳали ҳам кулгу акси бор эди.

– Оқ ота қани? Ҳалок бўлди. Янги сардорни сайлашадими? Сайлашади. Агар аранха сакларининг сардори бўлиб қолсанг, тегаман сенга.

Райада таманно билан чиройли елкасини бурди. Спаргапа анграйиб, қотиб қолди. Шу пайт от минган дарғазаб Хугава пайдо бўлди.

– Ҳой, Спар! Қай гўрда қолдинг? Онанг изляпти-ку.

– Ҳозир, – Спаргапа алам билан кўл силкиди-да, яна Райада томон қайрилди. У эса кетишга чоғланаётган эди. – Уйингга чоп, болакай, йўқолиб қолмагин тагин, – заҳархандалик билан ижикилади у. – Онажонинг хавотир олмақда, бархан мушуги олиб қочмадимикан деб... Мен кўзиларимни ахтариб топишим даркор.

Дўмбоққина, хушбичим қиз сакраб-сакраб, хивчинни силкита-силкита, хиргойи қилганча чошиб кетди.

Спаргапа қизалокнинг ортидан ўйчан термулиб қолди.

“Агар аранха сакларининг сардори бўлиб қолсанг, сенга тегаман...”

Сакраб отга минди-да, қароргоҳ томон йўрттириб кетди.

– Қаерда қолиб кетдинг? – Томрузнинг нигоҳи уни бош эгишга мажбур этди. Нима дейишни билмай, чодир остонасида депсиниб турарди.

Томруз тўрда, намаат устида, кўлини тиззасига солинтириб ўтирарди. Тимдаланган чаккасидан кўксига қон томчиларди. Спаргапа икки кун ичида кексайиб қолган, ранги ўчган онасига қовоқ уйиб қаради, сочидаги оқ толаларга кўзи тушиб, яна раҳми келди. Дудмал қилиб:

– Кўрғонтепада эдим, ҳеч ким кўрмасин... – деб гўнғиллади-да, кўз ёшларига ишора қилди.

Томруз таъналарча бош силкиди.

– Қачонки киши ҳаммадан четда бўлса, мусибати ҳам ташқарида бўлади. Қачонки киши ҳамма билан бирга бўлса, мусибати ҳам ичида

бўлади, бу эса – яхши. Мард бўлишни ўрган!

– Вой-бўй! – руҳан эзилган Спаргапа қалпоғини ерга урди. – Мунча чайнайсизлар эркак, эркакмас деб... Ё бошимдан кокил ўсиб чиқдимми? Эркакликка ярамасам, қўй боққани жўнатинглар.

– Райада билан бирга, – маъюс жилмайди онаси.

– Райаданинг нима алоқаси бор бунга? – терс ўғирилди Спаргапа.

– Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, дейишади. Райаданинг хушрўйлиги рост. Лекин хусн фақат юздами? Олтин ялтирайди, бироқ узукдан бўлак ҳеч нимага ярамайди, қор ҳам чиройли, лекин совуғи ёмон. Райада унча яхши хотин бўлолмайди. Ҳеч қачон! Шунини ёдингга тутгинки, унга боғланиб қолсанг – қон йиғлайсан.

Томрузнинг гаплари йигитнинг жароҳатли юрагига қамчидек келиб тушарди.

– Нечун? – сўради у хаста овозда.

– Шунқор сичқон билан қўшилса нима бўлади? Шунқор – само кенгликлари фарзанди, булутлараро учиб юришга, биёбон узра қанот қоқишга ўрганган. Сичқон эса чуқур қавакларда яшайди, у зим-зиё ғорнинг тутқуни. Сичқон шунқор каби яшай олармиди? Асло. Тубсиз осмон ер остида яшовчи ҳайвонларга макон бўла олмайди. Уларнинг олами ҳам инини каби тор, уларга чўл ўсимликлари донига тўла дим тешикларидан бўлак ҳеч нарса керак эмас. Ёш шунқор-чи? Сичқонлар ҳаёти билан яшай олармиди?

Кеча отаси ўғлига қандай талабчанлик билан қараган бўлса, ҳозир Томруз шундай қилаётганди.

Ўғли эса, ҳозиргина уйқудан уйғонган одамдек, онасига ҳайрат билан қараб турарди.

– Эҳтимол, яшай олиши ҳам мумкин, – деди Томруз нафрат билан. – Ундай бўлса, унинг болу парини юлиб ташлаш даркор. Учмасин – ўрмалаб юрсин, куш гўшти емасин – дон-дун кемирсин. Онангнинг гапларини тушуяпсанми, Спаргапа?

– Йўқ! – Йигитчанинг овозида алам бор эди. – Райадани нечун жирканч сичқонга қиёслайсиз?

Оналар-а! Ҳеч қачон ҳеч нарса ёқмаган уларга. Оламда ўғлига ғишава қилмаган она ҳам бўлганмикан? Ўғли танлаган қизни ёқтирган она бормикан? Кампирлар қизларни захарли илонга ўхшатишади – ўғлимни чақиб олмасайди, ўғлимни адо қилмасайди, деб ҳавотир олишади!..

Томруз хорғин тин олди. Ё Худо! Наҳот... Ўғил гўл бўлса, онага қийин-да.

У сабр-тоқат билан давом эттирди:

– Биз, сакларда ер-сув, қорамол ва яйлов, чодир ва арава барчанинг мулки. Эшитаяпсанми? Барчаники. Азалдан шундай. Меники деган сўз йўқ, бизники дегани бор. Бой ҳам, камбағал ҳам йўқ. Камбағалликда – ҳамма камбағал, бойликда – барча бой. Қўшнилариимизда эса юзтадан бири бой, қолган тўқсон тўққизтаси ёвғон шўрва эвазига унинг ерини ҳайдайди, подасини боқади, худудини муҳофаза қилади, хонадонини кўриқлайди.

Спаргапа ишонқирамай сўради:

– Шунақаси ҳам бўладими?

– Бўлади! Кўп жойда шунақалар бор. Масалан, Форсда.

– Бироқ, Райада...

– Райаданинг отаси Фрадани биласанми?

– Биламан. Уруғ оқсоқоли.

– Ўша Фрада ёшлиқдан ёт мамлакатларда санғиб юрган, карвонларни кўриқловчи бўлиб ёлланган. Мадда, Форсда, Бобилда бўлишига тўғри келган – муғамбир Фрада ҳар хил жойларда бўлган. Четдаги кўп нарсаларни кўрган. Аслида дунё кўриш, кўшнилари билиш ёмон эмас. Улардан яхши нарсани ўрганиш дуруст. Лекин маккор Фрада бизга яхшини эмас, ёмонни ўргатмоқчи бўлади. Юзтадан битта бўлгиси келади. Ҳатто, ўн мингдан бири бўлгиси бор. Юмронқозик ҳамма нарсани инига ташигани каби, у ҳам топганини чодирига тўпламоқчи бўлади. Уруғига тегишли қорамолни ўзиники қилиб олди. Уруғдошлари тўйимли овқатсиз, қишда кийим-кечаксиз ҳалок бўлишмоқда.

– Фрада-я? – ҳайратга тушди Спаргапа. – У ақлли-ку. Йиғинларда кифтини келтириб гапиради, доим ҳамманинг фикрига кўшилади. Катталар учун жонини беради.

– Эҳ, Спар! Ҳар доим ҳамма нарсага рози бўладиган ва ҳамманинг фикрига кўшиладиган кишига ишонма. Ҳалол одам оғзига келганини гапиравермайди. Оқни – оқ дейди, қорани – қора. Мана шуни одамгарчилик дейилади.

Қозонинг тешик бўлса, катталиги билан керилишдан нима маъно бор? Тешигини ямагин-да, сўнг керил. Ёмонни ҳам яхши деган киши – ўзи ҳам ёмон. Хавфли одам у. Хожасига ёқиш учун унинг қирчанғи отини ҳам тулпор деб мақтайди. Ёлғончининг гапига ишониб, қирчанғи отда йўлга чиқсанг, албатта ҳалок бўласан. Касал отни ҳар қанча бокма, у барибир ҳаром ўлади... бунақа одам сотади ҳам, хиёнат ҳам қилади. Фрада – шунақа одам.

– Ундай бўлса, нега уни жазолашмайди?

– Оқ ота бу суллоҳга неча бор дакки берган. Фойдаси бўлмади. Фрада – йирик уруғ сардори, устига ўзи хўжа. Истаса – биз билан бўлади, истамаса кетади.

– Ҳайдаб юбора қолишмайдами?

– Битта қўйга қўтир тушса, атрофидаги яна юзга қўйни қўтир босади. Кўпчилик оқсоқоллар Фрадага эргашади, Райаданинг отасини ҳимоя қилишади.

– Лекин Райаданинг бунга қандай алоқаси бор?

– Адл ўсган дарахтнинг сояси ҳам тўғри бўлади, эгри дарахтдан эгри соя тушади. Эчки улоқ туғади, совлиқ – кўзи. Ёмон тоғнинг тоши ҳам ёмон бўлади. Қизи отасига ўхшади. Тўғри, у айёр эмас, овсарроқ. Отаси нимани буюрса, ўшани қилади, нима қилаётганини эса ўзи ҳам тушунмайди. Ҳозирча шунақа. Вақти келиб, тушунгач, айёрлик қила бошлайди. Ёмон айёрлик қилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ... Бошқа қизларга қарагин, улар қаллиқни оқсоқолларнинг ўғилларидан эмас, оддий, жасур одамларнинг, гапда эмас, ишда ботирларнинг ўғилларидан танлашади. Меҳнатсевар ва ҳалолларни қаллиқ қилишади. Райада эса... у муҳаббат эвазига ҳеч нарса сўрамадими?

“Агар..., сенга тегаман”.

Ёш сак кўзини қисди, тишини тишига қаттиқ босди, вишиллаб ҳавони симириб, ярим юмуқ лабларини чўччайтирди. У ҳайкалдек қотиб қолди.

– Боз устига, у сендан тўрт ёш катта, аллақачон эркак кўрган, –

Спаргапани адои тамом қилди онаси.

– Шунақами? Демак, мен ҳали жуда ҳам гўл эканман-да. Тентак эканман-да. – У намат қалпоғини ердан олди, қошигача бостириб кийди. – Чиндан ҳам, қанақа эркак бўлдим? Ҳеч нарсани тушунмаяпман. Оламда нималар бўлаётганини билолмаяпман.

– Куюнма, билиб оласан, – Томруз аччиқ кулимсираб ўғлига далда берди.

– Райадани нима қилдим энди? – Онасининг кўзига илтижо билан боқди у. – У менинг мана бу еримда.

Спаргапа қўли билан кўксини кўрсатди.

– Ўқни суғуриб олгин-да, ярангга мардлик ва сабр-тоқатни малҳам қилиб бос.

– Хўп бўлади! – тишини ғижирлатди Спаргапа. – Энди Райадага қарагим ҳам келмай қолди.

“Сенинг қалбинг қайноқ, биринчдан бўлган қатъиятнинг узокқа бормайди, – қайғуриб ўйлади Томруз. – Ўша жиблажибонга кўзинг тушса, насихатларим ҳавога учади. Муҳаббатнинг кўзи кўр, деб бекор айтишмайди. Кўнглим сезиб турибди – бузилиб кетади бу йигит. Отаси уни тушовлашни биларди, мен эса эпполмайман. Кўнглим бўш. Яхши кўраман бу тентаккинани...”

* * *

Отлиқлар тўдалари чўлу биёбонни қора булутдай босиб келарди.

Ўркак-ўркак кумтепалардан қора тўлқиндай ҳатлаб ўтарди.

Аранха сакларининг бош қароргоҳи жойлашган қўл ёнига жарлиқлар узра тўлғанган қора оқимдай, ҳар томондан ёпирилиб келарди.

Саклар шовқин-суронсиз чодир тикиб, сардор хокига ҳурмат бажо келтириш учун йўл олишарди.

Уч кун ичида барханлар ва қайир устида, кўлни ўн қаторлаб ўраб олган йўл-йўл, оқ, қора, бўз чодирлардан иборат намат шаҳар пайдо бўлди. Бу ерда минглаб саклар – эркаклар, аёллар, болалар йиғилди.

Барибир, бу сакларнинг бир қисми эди, холос. Ҳад-хисобсиз қабилалар денгиздаги балиқ тўдалари ёки осмондаги улкан қуш галалари мисол, Турон текисликларида, Яксарт ортидаги чўлу биёбонда ҳамда Помирнинг тошлоқ водийларида кўчиб юрарди.

Оқ ота дегандики:

– “Бизда, Туронда сакларнинг илдизи учта. Биз, хаумаваркалар, Аранха¹ ёқаларида яшаймиз. Шундайми? Тиграхаудалар – Яксарт ёқаларида яшайдилар. Вурукарта² денгизи соҳилида – дарё ортидагилар яшайди. Ҳар бир илдиз тўрт қабиллага бўлинади. Қабилла икки биродарликка бўлинади. Биродарлик – тўрт уруққа, уруғ – тўрт бўғимга, бўғим – тўрт хонадонга бўлинган.

Энди санаб кўринг-чи. Бўғимда – битта бобокалон, тўртта бобо, ўн олти ота, олтимиш тўртта ўғил, икки юз эллик олти невара. Катта ёшли уйланган эркаклар – саксон бешта; бунга саксон беш нафар аёлни қўшинг. Тўрт юз йигирма олти нафар бўлади.

Уруғдаги тўрт бўғим – бир минг етти юз тўрт нафар киши.

Биродарликдаги тўрт уруғ – олти минг саккиз юз ўн олти нафар киши.

¹ Аранха – Амударё.

² Вурукарта – Орол денгизи.

Қабилладаги икки биродарлик – ўн уч минг олти юз ўттиз икки нафар киши.

Илдиздаги тўрт қабила эса – эллик тўрт минг беш юз йигирма саккиз нафар киши.

Турон саклари иттифоқида уч илдиз бор, бу – бир юз олтмиш уч минг беш юз саксон тўрт нафар киши дегани.

Мен, авваллари бўлганидек, умумлаштириб санамоқдаман, холос. Ҳозир айрим қабилаларда йигирматаалаб, ўттизталаб уруғ бор – одамлар урчиб кетишди. Тоғларда ва шимол чўлларида яшовчилар-чи? Бизга қўшилиб олган хеттлар ва даҳлар-чи? Саклар – буюк халқ”.

Кўчманчиларнинг қўшнилари – бактрлар ва суғдлар ҳикоя қиладиларки:

– Сакларнинг ҳар бир қабиласи алоҳида ҳаёт кечиради. Уни биродарликлар, уруғлар ва бўғимлар раҳбарлари Кенгаши бошқаради. Уруш бошланиб қолса ёки бошқа фалокат юз берса, суворийлар барча қабилалар ажралиб чиққан энг йирик бир қабила бошчилигида бирлашишади.

Оқ ота шундай қадимги, хаумаварка иттифоқидаги биринчи қабила сардори эди.

Даштнинг чеккасида, кекса сардор ҳаёл суриб ўтиришни хуш кўрадиган тепалик яқинида саклар чуқур гўр қазишди.

Оқ отани ўзи ўлдирган, Олачипор ажал деб номланган йиртқич – урғочи қоплон терисига ётқизишди. Ҳар иккиси – инсон ҳам, ҳайвон ҳам даҳшатли яккама-якка жангда ҳалок бўлди: сайёд чархланган биринч билан қароқчини кекирдагидан бўғизлаб ташлади, у эса жон бера туриб, сайёднинг юрагини юлиб олди.

Сардорнинг ўнг томонига найза ва узун ханжар – акинак, сўл томонига – қалқон, ёй ва ўқ тўла садоқ қўйишди. Соялар мамлакатига йўл хавфли ҳамда машаққатли бўлгани учун қарияга қурол асқотиб қолади.

Яна, шундай олис манзилга пиёда бормасин деб, йўлбошчининг учта суюкли отини ҳам сўйиб, бирга кўмишди.

Шунингдек, иссиқ кийим, намат, жул, тахланган чодир, бир ўрам жун арқон, захира юган, эгар ёстик ва айил ҳам қўйишди. Йўлда хожасига ёрдам берсин деб, учта кулни, овқат тайёрласин деб, учта чўрини ҳам ўлдириб гўрга тикишди.

Қабр устини дарахт новдалари, шох-шабба, қамиш боғлари билан ёпишди. Сўнг ҳар бир сак қиличи билан ерни кавлаб, қалпоғини тўлдирди-да, дашт тупроғини янги қабр устига тўкди. Ҳар бир сак қабр устига бор-йўғи бир қалпоқдан тупроқ тўккан бўлса-да, қизил қум денгизи четида, буюк дарё соҳилида у тоғ бўлиб кўтарилди.

Саклар тепалик атрофига эчки шохи шаклидаги қуйма турумли юзлаб учоёқ биринч қозонлар осиб, олов ёқишди. Аранха устини шунақанги қуюқ тутун қопладик, кўрганлар ё чангалзорга бутун соҳил бўйлаб ўт кетди, ёки шимол шамоли дунёдаги бор булутни ҳайдаб келди, деб ўйлашарди.

Қурбонлик қилинган минглаб жонлиқнинг қонидан топталган майсалар қип-қизил бўлди. Қозонлардаги қўй ва от гўштлари пишгач, кекса Дато улкан косада қимиз олиб, тепаликка кўтарилди.

Дато бўри қараш билан ўнг томонга назар ташлади. Сўнг бошини орқага ташлади ва, дашт узра, сукунат ҳукм суриб турган чангалзор узра

қалбларни ларзага келтирувчи фарёд кўтарилди.

Дато баланд овозда шошиб гап бошлади; хириллаб, ўнлаб узук-юлук сўзларни айтди, маросим қўшиғига даромадни бир амаллаб тугатди-да, кимизни тепаликдаги ҳали қуриб улгурмаган тупроқ устига сепди.

Датонинг овози тинар-тинмас, яқин жойдаги гулхан ёнидан, тутун устуни билан баробар, ундан-да баландроқ фарёд осмонга ўрлади. Зотан, зулмат билан юзма-юз келганда оқиллар ақлдан озади, раҳмдиллар шафқатсиз бўлади, жасурлар ночор қолади.

Тобора кўпроқ аёл ва эркак жўр бўлаётган мотам қўшиғи дам ер бағирлаб сузиб, дам қушдек қанот қоқиб, баландга кўтариларди.

Кўхна қўшиқ гулхандан гулханга кўчар эди.

Ундан ҳужумга ташланган чавандозларнинг ҳайқириғи ҳам, теппишаётган айғирларнинг кишнаши ҳам, таҳдид ҳам, йиғи ҳам, муҳаббат ҳам, инсон ёвуз қисмат олдида тушадиган абадий даҳшат ҳам, ўлимга нафрат ҳам жаранглаб садо берарди.

Сўнг одамлар еб-ичишга киришишди.

Саклар ўз сардорларини шундай дафн этишди.

Гулханлар атрофида тахминлар, баҳслар, гумонлар ва фисқу фасод кечадан буён давом этарди. Кимни хаумаварканинг бош сардори этиб сайламоқ даркор? Оқ ота қабиласи дривикларидан бўлган сак ўтлоқда шундай деди:

– Чангалзор томон кетишдан олдин сардордан: “Ҳалок бўлсанг, ўрнингга кимни кўяйлик?” – деб сўрадик. Оқ ота узоқ вақт жавоб бермади. У ўйларди. Ўйлаб-ўйлаб, кулимсираб бундай деди: “Ҳар бир айтилган сўзнинг ўз руҳи – хожаси бор. Мен кетурман, сўзларимдан ҳосил бўлган мис санам сизларнинг орангизда қолур. У чодирдан чодирга, оғиздан оғизга ўтади. Ҳеч кимнинг кўнглига ўтирмайдиган исмни айтсам нима бўлади? Кимгадир ёқсаю, бошқаларга ёқмаса-чи? Энди, ўзга дунё бўсағасида туриб, хаётимда қанчалар бемаъни ишлар қилганимни, қанча ақлли одамларни чалғитганимни тушуниб турибман. Наҳотки Оқ ота орангиздан кетганидан кейин ҳам сакларни чалғитишда давом этса? Гуноҳи қабира бу. Боз устига менинг гапим – битта одамнинг гапи – нимани ҳам ҳал этарди? Халқни тўпланг, токи кимни бош қилишни ўзи ҳал этсин. Халқ адашмайди...” Кимни кўйсак экан?

– Хугавани, – деди саҳарда Спаргапа Томрузга. – Ундан яхши ҳеч кимни билмайман.

Онаси ўйланиб қолди.

– Ҳа, – деди она маъқуллаб им қоқаркан. – Ёш, лекин ақлли. Меҳнатсевар, жасур. Исми ҳам саодатли: “Яхши сигирлар эгаси”. Хугавани сайласак, сакларнинг қорамоли урчиб кетади. Лекин Хугаванинг ўзи кўнармикан?

– Кўнади! Мен ҳозироқ бориб, у билан гаплашаман. Сиз эса кенгашда Хугава учун овоз беринг. Хўпми?

Томрузнинг кўзида ажиб ҳайрат чакнади. Йўк, Спаргапа у ўйлаганчалик гўл эмас. Ё Яздон! Наҳот... Ўғил доно бўлса, онанинг бахти.

... Ҳозиргина бўм-бўш ва қоронғу бўлган қалъада мол айирбошлаш бозори очилгандек эди, гўё – тонг отгандан буён ер ёрилиб, одам чиққандек! Уларнинг кўпчилиги – қизлар. Қизбозор қизигандан қизиб бораётгандек эди.

Спаргапанинг қулоғига унинг ортидан айтилган гаплар чалинди:

- Қаранглар, анови йигит ким?
- Спаргапа, мархум сардорнинг ўғли.
- Вой, мунча чиройли!

Спаргапа бошини баландроқ кўтариб, парво қилмагандай ўтиб кетди. Қизлар унинг ортидан қараб қолганини сезиб турарди. Қаддини ростлаб, янада бўйчан ва шушбичимроқ кўринмоқчи бўлди-ю, бироқ бирдан фикри ўзгариб, худди сочидан тортиб силкитишаётгандай, бесўнақай қадам ташлай бошлади. Эҳ, ёшлик курсин-а...

“Онам мендан беҳуда гина қилмайди, – кўнглидан кечирди Спаргапа. – Чиндан ҳам, нечун ўша ковоқбош Райадага ёпишиб олдим? Ахир тутни қоқсанг киз тўкилади...”

- Гувала девор устида зағизгон сайради.
- Бехос таниш жарангдор овоз эшитилди:
- Қаёққа шошиб бораяпсан, шоввоз?
- Иссиғи чиқиб, сесканиб тушди.

Саросималаниб тилдан қолган Спаргапа райхон иси таратаётган Райаданинг олдида лол қотиб турарди.

Қиз йигитнинг қуралай кўзига ер остидан боқиб, маккорона куларди. Буғдойранг бўйнида йирик дур шодаси шуъла таратиб, кўзга ташланиб турарди. Билагада қизил тилла билагозук ялтирарди. Қалпоғидаги ёқут чўғдай ёнарди. Лекин буларнинг бари садафдек оппоқ тишлар, оловли боқишлар олдида ҳеч нима эмасди.

Спаргапанинг чалғиган миясига, бўғиқ туман ичидан нималардир аранг кўрингандек, онаси огоҳлантириб айтган гап келди:

“Сичқон...”

У Райадани четлатиш учун титроқ қўлини чўзди ва ёпишиб қолган лаблари орасидан хириллаб деди:

- Кет. Вақтим йўқ...
- Райада кўрқиб кўзларини катта очди:
- Ниманики?! Энди менга уйланмоқчи эмасмисан?

Унинг лаби ва ияғи ёш боланики каби аянчли титради. Ёш дривикнинг юраги сирқиради – кўпни кўрган жангчининг эски жароҳати ҳаво айниганда шундай сирқирайди.

- Уйланишмиш! Сен ахир менга эмас – сардорга тегмоқчи эдинг-ку...
- Сен сардор бўлишни истамайсанми? – ажабланди Райада. У йигитнинг пинжигга тиқилди-да, маънодор жилмайиб, шивирлади: – Кечқурун чодиримиз томон кел.

Райаданинг баданидан қалампир ва райхон хиди анқирди. У кўзини ғамзали қисди, ошқора такаллуфсизлик билан бош силкиди, Спаргапанинг кафтини қаттиқ чимчилади-да, қочиб кетди.

Нимадандир безовталанган итлар галаси кетидан югурди.

Спаргапанинг кўз олди қоронғилашди, боши айланди. Ранги бўздек оқариб, оёғи қалтиради, тоби қочгандай шахристондан аранг чиқди-да, кўл ёқасидаги сўқмоқ бўйлаб Хугаванинг чодир томон кетди.

Чодирлар ортидан кимнингдир даҳшатли қичқириви эшитилди. Маълум бўлишича, Хугава ярмигача чархланган эски шамшири билан укаларидан бирининг сочини олаётган экан.

Ёнгинасида турган бўйчан, сарвқомат, кўккўз ва малласоч аёл – Хугаванинг хотини ичағи узилгудек кулди.

– Ўроғингизни тошда қайраганмидингиз? Вой-бўй! Бунақа устарада туяни бўғизлаш керак. Боланинг бошини ўтмас ўроқда қиртишлаб, азоб бергандан кўра, сочига ўт қўйган яхшидир, балки.

Шамшир сочни аёло даражада қирарди. Бола эса кўрққанидан ва одатланмаганидан йиғларди – сакларда соч олиш урф эмасди-да.

Хугава хушхол кулимсиради:

– Халал берма. Жаҳлим чикса, сенинг ҳам кокилингни кесиб ташлайман. Кокил ташвишидан қутулганинг қолади. Бошингни ювгани қанча қатик кетади? Кел, кесиб ташлай қолай. Отни тушовлашга яраб қолар.

– Эй, йўқ! Ўзимга керак.

– Нима қиласан?

– Сизни боғлаб оламан.

Гап маъносиз бўлса-да, қувноқ эди, Спаргапанинг хаёлидан эса: “Бирга бўлишдан роҳатланишса керак улар. У Хугавани севади – мовий кўзидан, жилмайишидан кўриб турибман. Оҳ, биз Райада билан қачон... шундай бўларканмиз? Шўрим қурсин”, – деган гаплар ўтди.

– Мен ҳозир тугатаман, – деб йилқибон Спаргапага бош ирғади. – Бошини бит босиб кетибди. Тозалаб бўлмади. Гуноҳ бўлса ҳам, сочини олишга тўғри келди...

Хугаванинг хонадони катта эмасди. Даштликлар таъбири билан айтганда, “олов ҳаммага етарди”. Ҳар бир кичик оила алоҳида қозондан овқат ейдиган катта оилалардан фарқли равишда, бу хонадонда бобо билан момо ҳам, ота билан она ҳам, амаки-аммалар ҳам, қондош-қариндошлар ҳам, ака-укаю опа-сингиллар ҳам, келинлар, жиянлар, шунингдек, саклар урф-одати бўйича хонадонга ўғил қилиб олинган бир нечта банди суғдлар ва тиграхаудалар ҳам бир дастурхон атрофидан аҳил жой олишарди.

Спаргапага Хугаванинг ёнидан жой беришди.

Сакларнинг овқати оддий, кўримсиз бўлса ҳам, мазали ва тўйимли эди. Ширинлик ҳам, тузлама ҳам, пиширик ҳам йўқ. Ёввойи саримсоқ ва ялпиз солинган сергўшт ёғли шўрвани ичиб олишди. Овқатланиб бўлгач, ёғли қўллари сочларига, қошларига, мўйловларига ва, соқоли борлар – соқолига суртишди. Бир косадан қимиз симиришди.

Сўнг Хугава билан Спаргапа кўл бўйидаги қалин хушбўй ўт устига ёнбошлашди.

– Нима гап? – жилмайди Хугава. – Камондан отишни ўргангани келдингми?

Спаргапа ширинмиянинг ингичка, лекин пишиқ поясини чангаллаб, суғуриб олмоқчи бўлдию, уддасидан чикмади.

– Эҳ, дўстим Хугава, эҳ! – У қаттиқ, лекин қайишқоқ пояни бир амаллаб суғуриб олди-да, у билан ўз бўйинини савалади. – Ҳозир камондан отадиган вақт эмас. Хугава, айтгин-чи... эҳ, миям ғовлаб кетди! – айтгин-чи, дўстим, хаумаварканинг бош сардори... бўла олармидинг?

– Нима? Менми? Нималар деяпсан! Мендан қанақа сардор чиқади? Ўн минг кишилик оломонга раҳнамолик қилиш учун ёруғ оламда кўп нарсани кўрган бўлиш керак. Отангдек ақлли бўлиш лозим. Бола учун ота қандай бўлса, сардор ҳам шундай: хонадондаги энг катта, энг ақлли, энг кучли киши бўлади.

– Энг катта, дейсанми? Йўқ, Хугава. Сен ёш бўлсанг-да, хонадонда ҳамма: кексалар ҳам, болалар ҳам сенга қулоқ солади. Демак, гап ёшда эмас, бошда экан.

– Эй, бу – хонадон, у эса – қабилалар иттифоқи, – деди Хугава истар-истамас.

– Энди айт-чи, Хугава... – Спаргапа кўзини олиб қочди, шилинган пояни оғзига тикди. – Айтгин-чи, дўстим, мен... саклар сардори бўлишга... ярайманми, эплай оламанми? Ҳа-да! Нега довдирайсан? – Спаргапа хафа бўлди. – Мен қандайдир қўтир қўзимидимки, мени бош сардор этиб сайлаб бўлмаса? Мен буюк оқсоқолнинг ўғлиман!

– Бундай бўлишга... эртароқ эмасмикан? – ғудранди ҳайратга тушган йилқибон.

Спаргапа сакраб турди, ҳуши учган Хугава ҳам ўрнидан турди.

– Сардор бўлгим келяпти, тамом-вассалом! – Спаргапа кўнжи калта юмшоқ этик кийган оёғини қайсарлик билан тапиллатди.

Мерган йигитга ҳайрон бўлиб қаради. Спаргапа буни пайқади-да, уялганидан дув қизарди, Хугавадан қаттиқ жаҳли чиқди, ўзидан эса янада қаттиқроқ хафа бўлди.

– Истамайман-ку,... шундай бўлиши керак, – гапини тўғрилади Спаргапа, уруғдошининг ўткир назаридан кўзини олиб қочар экан. – Агар дўстим бўлсанг, бугун сайловда менга овоз бер. Хўпми?

Хугава жавоб бермади.

Спаргапа кескин қайрилди-да, савағич илдизидек оқарган юзини мерганга яқинлаштирди. Ёш дривикнинг лаби титрарди, бир дам тинган кўзи ғилайлашди. Ғазабнинг зўридан тиришиб бормоқда эди.

Афсонада айтилганидек: “Асов томирлари тортилди. Кўзлари чакмоқтош сингари учқун сачратди. Узун жингалак сочи қулун думидек тикрайди. Остидан тўғри, устидан букри давангир ириллаб турарди...”

– Кенгашда мен учун овоз бер! – чийиллади Спаргапа. – Аксинча бўлса, билмадим, нима қиламан... сени ҳам сўяман, ўзимни ҳам чавоқлайман!

Шундай деб, тишини ғижирлатиб ширинмия поясини узди.

У ҳозир мис симни ҳам тишлаб узиб олгудек эди. Калавасининг учини йўқотган аянчли Спаргапа оёқларини судраб босганча шахристон томон кетди. Хугава эса қошини чимириб, кўл бўйида унинг кетидан қараб турарди.

– Унга нима бўлди? – алам билан ўйлади “яхши сигирлар эгаси”. – Ўзи ақли унча эмасди, энди бутулай телба бўлиб қолибди. Бечоранинг бошини ким айлантирмоқда экан? Райада бўлса керак...

Йилқибоннинг темирдай жағи ғазабдан қаттиқ қисилди.

– Майли, дўстим, – тўнғиллади у жаҳл билан. – Кенгашда овоз бераман... Ғўнонни тойлигидан миниб ўргатмасанг, кейин яқинига боролмайсан. Дарахтни ёшлигида эгмасанг, оғоч бўлгач, эголмайсан. – Хугава сочи олинган укасини эслаб, қулимсиради. – Сенинг ҳам бошинг битлаб кетибди. Начора? Сочингдан айрилишингга тўғри келади.

Тўртинчи ривоят

МОМАГУЛДУРАК ВА ЧАҚМОҚ

Меҳмонлар орасида дўст мамлакат Сўғддан¹ келган савдогарлар ҳам бор эди.

Бу савдогарлар орасида улар каби этаги бурма чакмон ва тор шим

¹ Сўғд, Сўғдиёна – қадимда Зарафшон водийсидаги мамлакат.

кийган, бироқ хатти-ҳаракати ва талаффузига кўра бу ерлик бўлмаган киши, олис эллардан келган ёт, ғалати савдогар ҳам юрарди.

Унинг саклар юртига биринчи бор келиши эди. Юнон тубжой аҳолини диққат билан, ватанида тўзғитиб юборилган машраблар йиғинини кузатгандай, кузатарди.

Сакларнинг кўпчилиги бўйчан, қорамағиз, боши узун, бодомқовок, бурни йўғон ва думалоқ, ияги кенг кишилар. Улар мадларга, форс эркакларига ўхшашади.

Бироқ уларнинг орасида оқ танли, олтиндек сап-сарик сочли, қирра бурун ёки қирғийбурун, кўркам юзлилар ҳам кам эмасди. Турон куёши кўк ва зумрад кўзлардан шимол совуғини сиқиб чиқармаганди.

Оломон орасида онда-сонда жанублик буғдойранг, сочи жингалак, қорамағиздан келганлар ҳам кўзга ташланиб қоларди.

Баъзан оқ-сарик япаски юзда қия кесикдан икки тийрак кўз ялтиллаб, сакларники бўлмаган, ошиб ўтиб бўлмас тоғлар билан тўсилган бўлакча машриқ мағриблик меҳмонга тикилиб турарди.

“Худо бу халқни қирқта турли қабиладан яратган”.

Улар ҳосил қилган ёпик халқалар тепаликни ўраб олган, бамисоли кўм-кўк сувда ҳосил бўлган мавжлардек, бутун яйловга ёйилган эди. Тепалик устида ўзлари каби унниқиб кетган кийим кийган оқсоқоллар туришарди.

– Афтидан, даштлик дайдилар қашшоқликда бир-бири билан кимўзарга ўйнаётган кўринади, – деди юнон. – Увада кийимдаги фақир ва ночор экан-у, ўзларини намунча мағрур ва ҳур тутишмаса?

– Саклар ортиқча ҳашамни ёқтиришмайди, – изоҳ беришди сўғдлар. – Кўчманчилар оддий ва дағал, бироқ от минишга қулай либос билан қаноатланишади. Уларнинг мағрур кўриниши ҳашаматга нафратни билдиради. Куролларига қаранг. Барчасининг – уруғ оқсоқолларининг ҳам, оддий кўчманчиларнинг ҳам қалқони мустаҳкам, камони бақувват, найзаси ўткир, шамширининг қини пухта. Саклар: “Кийим битта менга хизмат қилади. Тўғрими? Менга эса ҳеч нарса керак эмас. Баданимни яшириш учун жулдур ҳам етарли. Қилич ва қалқоним билан эса ўзимни ва ўз хонадонимнигина эмас, балки қондошларим бўлган уруғдошларимни ҳам, улар мени ҳимоя қилганидек, муҳофаза этаман. Қиличим ва қалқонимдан ўзим учун эмас, улар учун ташвиш қиламан”, – дейишади. Саклар отларнинг юганини ҳам, елкапўши ва кўкракпечини ҳам ораста тутишади, отнинг ўзини эса фарзандидан-да азиз кўришади, чунки кўчманчи отсиз даштда ҳалок бўлади.

– Ғалати халқ экан. Буниси нима? Кенгашда аёллар ҳам борми? – ажабланди ёт киши. – Қаранглар, эркакларнинг ёнидан бемалол жой олишмоқда! Уларга бу ерда нима бор? Менинг ватаним Милетда¹ ва бутун Элладада, ҳатто, урф-одати ҳурлиги билан шухрат топган Афинада ҳам аёлларни кенгашга чақариш у ёқда турсин, уйдан ташқарига ҳам камдан-кам чиқаришади.

– Сакларда аёллар худди эркаклар кабидир. Қарияларимиз нималар ҳақида ҳикоя қилишларини биласизми? Яқиндагина, икки-уч авлод илгари аёллар эркакларнинг ишларни ҳам бажаришган экан. Ҳозир эркаклар устун туришади, лекин аёлларига ўша-ўша ҳурмат билан қарашади. Аёллар кенгашларда ўз сўзини айтишади, юришларда иштирок этишади,

¹ М и л е т – Иония (Кичик Осиё)даги қадимий шаҳар.

² Э л л а д а – Юнонистон (Греция)нинг юнон тилидаги номи.

моҳир мерган ҳисобланишади.

– Амазонкалар шуларми? Вожаб!

Тепаликда ҳамма ҳам жулдур кийимда эмасди. Оловдек ловуллаб турган қимматбаҳо либосдаги қизни етаклаган бир киши пайдо бўлди.

– Кир чакмонда эса-да, сак бўлмаса керак. Бошқалардан ажралиб турибди, бироқ нимаси билан ажралиб турганини тушунмаяпман. Бақтрми, форсми? Ким у? – сўради ёт киши яқинида турган кўчманчидан.

Хаумаварка бўйинини чўзди.

– Қайси бири? Паст бўйли, калтасоқол, қирғовулдек чиройли қиз билан турганми? – кўчманчи жирканиб тупурди. – Фрада. Сак, бизларники.

– Ўхшамайди.

– Ҳар уюрда бир қирчанғи бўлади. Бошқа сўрама. Бу одам ҳақида гапиришни истамайман.

Тўнтарилган қозондек тепалик устини тутун қоплади.

Ялт этиб олов ёнди.

Покловчи аланга. У маккорона гаплардаги ёлғонни ёндиради, бадниятлик, алам ёки ҳасадгўйлик билан айтилган сўзларни ифлосдан тозалайди.

Гулхан яқинида, биринч қозикларга хўтикдек келади, кулоғи ва думи кесилган икки ит боғлоғлиқ эди. Ақлли, қаҳрли бу итлар ёлғон сўйлашга қўймайди.

Сўғдлар эллинг дейишди:

– Ит – муқаддас жонивор. Кекса сардор: “Биз, саклар, асли итлардан дунёга келганмиз”, – деганди. Шу боис ҳам кўчманчиларга “сак” деб ном берилган. Уларнинг тилида сак – ит демак.

Итлар ўртасида, ерга қийшиқ санчилган, иккита буқа шохи қадалган найза учида отнинг қора думи енгил шабадада оҳиста ўйнарди.

Бу қора думлар узра йиллар, асрлар, минг йилликлар учиб ўтса-да, улар дам Олтой тоғларида, дам бепоён Сибир даштларида, дам Урал олди тоғликлари орасида, дам Помир чўққиларида, дам Турон қумлари устида ҳамон ҳилпираб турарди. Туғнинг ҳар бир силкиниши асрларни санагандек эди, шамолда ёзилиб, бир меъёрда ҳилпираётган кўчманчилар ялови орқали замонлар тутқич бермай, шафқатсиз ўтиб бораётгандай эди, гўё.

Исми “қонун” деган маънони англатадиган оппоқ соқолли Дато гулхан яқинига келди, кафти тепага қаратилган қўлларини олдинга, бир оз юқорига қаратиб, даъваткор чўзди. Турган жойида оғирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига солиб, диққат билан бир айланди, қорайган қўлларини сермаб, оломон устини ўргимчак тўридай қоплаган шовқинни сидириб ташлади гўё. Бу қўлларнинг равон ҳаракатига монанд, ўтлоқ узра аста-секин бўғиқ сукунат қанот қоқди-да, тепаликни қоплади.

– Қаранглар! – пичирлади эллинг ҳаяжонланиб. – Денгизнинг айқирувчи тўлқинлари Посейдоннинг тинчлантирувчи қўли ишораси билан пасайиб, босилганидек, кўчманчилар, ҳеч ким айтмаса ҳам, тинчиб қолишди...

Дато сўл қўлини тушириб, гап бошлади. Бироқ овози тепаликдан олис жойлашган қаторларгача етиб бормаётганди. Оғзини очиб, лабини қимирлатиб, ўнг қўлини силкитаётгани кўриниб турарди, холос.

Оломон орасида аста пичирлаш ҳам тўхтаб, сокинлик тиниқлашгани сайин Датонинг гаплари бўшлиқда тобора аниқ эшитила бошлади.

Мана, у нутқини баланд овозда тушунарли қилиб тугатди:

¹ Посейдон – юнон мифологиясида олимпиялик маъбуллардан бири. Денгиз устидан ҳукмронлик қилади.

– ... энг доно, энг тажрибали, ҳаммадан ҳам муносиб кишини! Ким сўйлайди?

– Мен! – Бўйчан, бироқ кизлардек чакқон аёл тепаликка кўтарилди. Чехраси ёшу боқишлари жиддий эди. Қомати адлу чакка сочига қиров инган. Ёши нечадалигини билиб бўлмас, ёш ҳам, қари ҳам эди у.

Пешонабоғи қизғалдоқдек ял-ял товланарди. Енгсиз кўйлаги тўқ-қизил, бели қаттиқ боғланган. Ёқаси бўйни атрофидан қирқиб очилган, этаги товонига қадар тушган, қўллари елкасигача яланғоч бўлиб, сариқ хошия билан айлантириб чиқилган. Одми бўлса-да, ўзига ярашиб турарди.

Ёши ўтган ҳар қандай сак аёли қутлуғ кунларда шундай кийинарди. Шу боис бу дашт аёлларини бир-биридан фарқлаш кийин эди.

– Бу ким? – жонланди юнон.

– Томруз. Ҳалок бўлган сардорнинг беваси.

– Ҳо! Кўзга яқин экан. Тузукроқ кийинтирса, Палладанинг¹ ўзи бўларкан-қўяркан.

– Шу кийимда ҳам чакки эмас.

Тепаликдаги итлар олқишлагандек, кесик думларини ликиллатди. Томруз берган кўплаб ёғли суяклар эвазига эмасди бу эркаланиш. Итлар кишидаги яширин қаҳрни ҳам, яширин меҳрни ҳам сезади.

Томруз энкайиб, бир тутам тупроқ олди-да, пешонасига теккизди:

– Анахита момо ва Оқ отанинг руҳи, мададкор бўлинг!

Шу тариқа, меҳнатдан қадоқ бўлган кўлида бир сиқим муқаддас тупроқни тутганча сўз бошлади:

– Мўйсафид оталар, оқ сочли момолар, биродарлар, опа-сингиллар! Кўхна удумимизга кўра, улуғ уруғнинг ёши улуғи – қабиланинг олий сардори ҳисобланади. Шундай эмасми, муҳтарам Дато?

– Шундай, – кибр билан имо қилди мункиллаган Дато.

– Дривикларда улуғ уруғ – Дато уруғи. Мўътабар Дато – уруғнинг улуғи. Қонунга кўра, у бош сардор. Шундай эмасми, донишманд Дато?

– Шундай.

Дато замон нафасидан яшил тус олган соқолини виқор билан силади. Аранха сакларининг раҳнамози этиб кимни сайлашаркин? Албатта, Датони. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Ажабо!

Мункиллаган бу қария қабилалар иттифоқига ҳеч қандай наф келтирмайди-ку. Оқ ота кекса бўлса ҳам, бардам, ҳатто қудратли эди. Датонинг эса бир оёғи тўрда бўлса, бир оёғи гўрда. Улуғларча ҳурмат-эҳтиром кўраётганинг камми? Кишилар, гарчи доим ҳам ўринли бўлмаса-да, берган маслаҳатингга, насиҳатингга қулоқ тутишаётгани етмайдами? Шукр қилгин-да, ожизлигингни тан олиб, улуғ унвондан воз кеч.

Йўғ-а! Жазирамада сувсаган одамдек, сардорликнинг оқ кигизида қўр тўкиб ўтиришга интиқ эди у. Ярайсанми-ярамайсанми, муносибсанми-йўқми, оқ кигизда савлат тўкиб ўтиришга нима етсин.

Мараз эмасмисан сен, о шуҳратпарастлик?..

Чакмоқ чакқанда момақалдирик гумбурлаганидек, Томруз аниқ-равшан айтган гапдан кейин минглаб кишилардан иборат оломон узра ғала-ғовур кўтарилди.

– Ҳо! Саклар сўзлашни ҳам, тинглашни ҳам хуш кўришади, – деди

¹ П а л л а д а – юнон афсоналаридаги уруш ва ғалаба, санъат ва хунармандчилик, билим ва донолик маъбудаси Афина.

сўғдлик узунсокол савдогар. – Сўз улар учун шамшир ёки найза кабидир. Сўзнинг сеҳрига ишонишади. Сеҳргарлар бундан фойдаланиб, номақбул уруғдошларини сўз билан таҳдид солибқоб нобуд қилишади. Ёдимда, бир куни тиграхауда сакларидан бўлган табиб ёшгина дривикка: “Малъун, сен янги ой чиққан кеча ўласан”, – деди. Хўкиздай бақувват, навкирон йигит шугина гапни кўтараолмай тезда адои тамом бўлди. Ўлиб кетди, шўрлик.

– Ота-боболаримиз жорий этган қонунларга қарши эмасман, – давом эттирди Томруз. – Ўзаро дўстликка, бирдамликка, мадақкорликка ким ҳам қарши бўларди? Қадимги фойдали ва эзгу удумларимиз кунимизга яраб келмоқда. Минглаб йиллар ўтса-да, улар ўлмайди. Бироқ кечаги ҳамма удумларимиз ҳам бугун яроқлимикан? Эрталаб қайнатилган мазали шўрва кечга бориб ачийди. Уни ичиб касал бўлиш ҳеч гапмас. Шундай эмасми, саклар?

Буталар орасидан қанот қоқиб кўтарилган гўнқарға галаси шовқини каби одамлар кўтарган қаттиқ сурон ҳавони ларзага келтирди.

Сурон дам сайин кучайиб борарди:

– Ҳақиқий гап, Томруз!

– Ҳар доимгидек ҳақсан, Томруз!

– Офарин, мунис, донишманд Томруз!

Унинг қорамағиз юзи гулхан тафтидан қизариб, анор пўсти тусини олганди. Арғувон либосдаги Томруз оловдан чиққан маъбудага ўхшарди.

У бўйнидаги терни артди-да, гапида давом этди:

– Ривоятларга кулоқ тутадиган бўлсак, аждодларимиз чангалзорларда дайдиб юришган, қурт-қумурсқа еб кун кўришган экан. Биз, уларнинг авлодлари эса, даштма-дашт кўчиб юрамиз, мол боқамиз. Демак, ҳаёт ўзгармоқдами? Шундай. Энди, айтинг-чи, янги ҳаётимиз эски қонунларга бўйсунуши адолатданми? Карвон дарё соҳили бўйлаб борар экан, водий қонуни билан яшайди. Сурув эгалари яйлов излашмайди, мешларни сувга тўлдиришмайди, чунки ўт ҳам, сув ҳам ёнгинасида. Агар карвон водийдаги беғамликни қумликда давом эттирса-чи? У муқаррар ҳалок бўлади. Шундай эмасми, саклар? Илонни олинг. У ҳар йили пўст ташлайди, янги пўст чиқаради. Нима учун? Чунки у ўсади. Эски пўст торлик қилиб, сиқиб кўяди. Одамлар ҳам шундай. Улар ҳам ўсади, камол топади. Одамлар эскирган қонунлар қобиғидан чиқиб, янгиларини жорий этмоқлари даркор. Акс ҳолда хароб бўладилар.

Томруз фикрини қанчалик аниқ ифодаласа, Дато шунчалик қовоқ уйиб борарди. Лекин Томруз бундан чўчимасди. Атрофдагилардан, кўзга кўринмаса-да, ёғилаётган мустаҳкам кучнинг қайноқ тўлқини аёлни ўз оғушига олиб, совутдек муҳофаза қилаётганди. Қонини қиздириб, гапларига куч ва қизгинлик бахш этаётганди.

– Ҳаёт содда, қабилаларда одамлар кам бўлган чоғларда оқ кигизда ҳар ким ҳам ўтира оларди. У дономи ё нодонми, соғломми ёки дардмандми, жасурми ёхуд кўрқокми – барибир эди! Қариялар орасида энг кексаси бўлса, бас эди. Халқ кўпайди. Дашт торлик қилмоқда, яйловлар етишмаяпти. Қорамол туёғи камайиб кетди. Кунботардаги кўшнилари кучайгандан-кучаймоқда. Хавф-хатар, ташвиш, таҳдид ортиб бормоқда. Сардор албатта ёш йигит бўлсин демаяпман. Йўк! Демокчиманки, сардорни ёшига қараб эмас, ақлига, маҳоратига қараб сайлаш вақти келди. Қари бўлсин, бироқ мункиллаган бўлмасин. Ёш бўлсин, лекин ақлсиз

бўлмасин. Беқувватлиги ёки ёшлик эрмаклари ҳақида ўйламасин, балки кучини аямай, ҳормай-толмай кишилар эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилсин. Олийжаноб, лекин лозим бўлганда қаттиққўллик қиладиган одамни сардор этиб сайлаймиз. Камтар, бироқ зарур бўлганда қатъиятли одамни сайлаймиз. Зийрак, кучли ва саботли одамни сайлаймиз! Шундай одам бор. Мен Хугавага овоз бераман!

Дато ғазабланиб қараб, қўл силкита бошлади. Лекин кўрқиб кетган юмронқозикнинг хуштагини тўсатдан бошланган довул гувуллаши босиб кетганидек, унинг нолиши сон-саноксиз кишиларнинг ҳайқириғи остида қолиб кетди.

– Хугава!

– Хугава қани?

– Ўзини кўрсатсин бизга!

Томруз халққа қараб таъзим қилди-да, тепаликдан тушди.

Хугава муқаддас гулхан томон кўтарилди. Итлар қувончдан яйраб, ангиллаб, занжирларини жаранглатиб сакрай бошлашди.

Хугавадан қадрдон ва ёқимли ҳид келарди. Бу – таппи тутуни, ошланган қўй териси, қўй сутидан қилинган пишлоқ, хом тери, кўрда чала пиширилган от гўшти, от тери, жул ҳиди эди. Итларга хуш ёқадиган, таниш ҳид эди бу.

Хижолатга ботган йилқибон турган жойида бесўнақай депсинди-да, алам билан қўл силкиб деди:

– Нима деяпсиз, Томруз хола! Хугаванинг устидан кулаётирсизми? Одамлар, менга бир қаранг. Мендан қанақа бош сардор чиқади? Уюримни амаллаб боқсам ҳам бир нав! Йўқ, мен сардор бўлолмайман, удалай олмайман. Парвадигор умр берса, эҳтимол, ўн йиллардан кейин балки лойиқ бўларман. Ҳозир эса...

Йилқибон чаён тўла уяда ўтиргандек, ўт-ўлан устида ўзига жой тополмаётган Спаргапани кўзи билан излаб топди. Топдию, яширин ниятидан хушнуд бўлиб, айёрона жилмайди.

– Дато ота орамиздан энг ақлли, тажрибали, муносибини сайлашимиз лозимлигини айтдилар. Мен шунақа одамни биламан. Бу – марҳум сардорнинг ўғли Спаргапа...

Хугава тинчиб қолган йигитчани қўли билан кўрсатди.

Минглаб кишиларнинг чехрасида тўсатдан хайрат акс этди. Тепалик-атрофида ўлик сукунат ҳукм суларди. Сўнг кимнингдир хайрон бўлиб айтган гапи эшитилди:

– Ҳазиллашмаяпсанми, Хугава?

Дув кулгу кўтарилди. Ўнлаб, юзлаб одамлар дилидан чиқиб келган бу кулгу содда, беғараз янгради. Ҳеч ким Спаргапани хафа қилмоқчи эмасди. Лекин ўн минглаб кишиларга ўн олти яшар ўспириннинг раҳнамолик қилиши ҳақидаги фикр кўчманчиларга ўта бемаъни туюлди.

Спаргапа ёш, қувнок, хушмуомала бўлса-да, ҳали суяги қотмаган ёш ўспирин-да. У уруғдошларига насиҳат қилиш у ёқда турсин, ўзи энди атак-чечак қилган гўдакдек ёрдамга муҳтож эди.

... У сакраб ўрнidan турди, ғазабдан ханжардек чакнаган кўзларини Хугавага қадади. “Бари сени деб бўлди, сичқон!” – дегандек Райадага ҳам қаради. Сўнг елкасига шармандаликнинг оғир юкини ортиб, дўнглик ортига ўтди-да, кўздан йўқолди.

Гулхан ёнига шошиб-пишиб Фрада кўтарилди.

Оловга, Хугавага, халққа чуқур таъзим бажо қилди. Итларга қараб жилмайди. Итлар эса бўғилиб хуриб, занжирда ўзларини у ён-бу ён ура бошлашди.

Улар одамлардан ҳеч кимнинг назари тушмаган нарсани илғашганди. Фраданинг узун, йиртиқ чакмони остидан янги этиги кўриниб турарди. У сакларники эмас, ёт элларники эди. Пошнасига қоқилган кумуш наъллар ҳам бегона бўлиб, улардан олис эллар нафаси келарди.

Бу одам ўзини тия олмай, ўғринча бўлса-да, кийиб келибди-да қимматбаҳо этикни. Бойлигини бир кўз-кўз қилмоқчи бўлибди-да.

– Қаранглар! – атрофда шовқин кўтарилди. – Итлар ғазабга келганини қаранглар. Демак, Фраданинг қалби нопок экан.

– Эҳ, саклар, саклар! – чўзиб, оҳангдор қилиб деди Фрада одамларни масхараомуз тарзда бир-бир назардан ўтказар экан. – Ақл-идрокингиз қаерда қолди? Кимга кулоқ солмоқ лозим – итгами ё одамга? Итгами? Ундай бўлса, нега биз, одамлар, вақтимизни бўлмағур гапларга беҳуда сарфляпмиз? Бизнинг ўрнимизга сардорни донишманд итлар билганича сайлаб қўяқолишсин...

Унча баланд бўлмаса-да, миқти гавдали, кўзлари бироз ғилай, бежирим бурни калта, соқоли ҳафсала билан қайчиланган Фрада эгилиброқ ва қўлларини кўксига қўйиб, гулхан ёнида турарди; у ювош кўринса-да, бесаранжом кўзларидан нафрат уфуриб турар, маккор тилидан эса заҳар томарди.

Ғала-ғовур босилди. Чиндан ҳам, нима десангиз денг-у, ҳар ҳолда ит – ит, одам эса – одам-да. Саклар оқсоқолнинг сўзларида бамаънилик учқунини илғашди-да, ҳозиргина ўзлари кўтарган шовқин-сурондан хижолат бўлишди.

Бирок... булар шунчаки ит эмас, муқаддас-да! Улар одамга беҳуда ташланармиди? Итларга эҳтиром уларнинг қон-қонга сингиб кетганди. Фраданинг таънаси адолатли эканлигига қарамай, итларнинг ўзини тутиши одамларни хушёр торттирар, уларнинг кўнглида шубҳа уйғотарди.

Хўмрайган, яхшилик кутмаётган чўпонлар сўзамол Фрада бошлаётган даҳанаки жангга киришишга тайёр ҳолда, қалбларини қалқон қилиб туришарди.

– Оҳ, саклар-а, саклар-а! – янада жарангдор хитоб қилди Фрада зўриқмай, мулойимлик билан. – Нечун Хугаванинг доноларча гапини кулгига олдингизлар?

– Шундай кичкина одамдан бу қадар баланд овоз қандай чиқаётир? – ҳайратга тушди юнон.

– Эшакнинг ҳанграши туянинг “бў-бў”лашидан каттиқроқ янграйди! – масхараомуз деди хаумаваркалардан бири.

Фрада давом этди:

– Хугава ҳақ! Спаргапани сайлаш даркор. Қўшниларимиз форсларда ҳокимият отадан фарзандга ўтади. Нимаси ёмон бу одатнинг? Оқ кигиз мерос бўлиб ўтадиган бўлса, у ҳар кимнинг кўлига бориб тушмайди... Ҳмм! Спаргапа – олий ҳукмдорнинг ўғли, демак, олий ҳукмдорнинг ўрни унга тегишли. Ёш, дейсизми? Нима қилибди? Бизлар, хонадонлар, бўғимлар, уруғлар, биродарликлар, қабилалар оқсоқоллари нима қилиб ўтирибмиз? Ёш сардорга кўмаклашамиз, яхши ишларида қўллаб-қувватлаймиз, хато ва янглишлардан асраймиз.

Ваҳолонки, кечагина айёр Фрада малайларига:

– Айбга буюрмайсиз-у, доноликда Оқ отанинг кўйдан фарки йўқ эди. Қабилалар иттифоқи раҳнамоси бўлиш-у ювуқсиз йилқибонларнинг сўзидан чиқмаслик!... Тупурдим. Ҳокимиятни қўлга киритсайдим, бир дамда даштда тартиб ўрнатардим. Ҳар кимга жойини кўрсатиб кўярдим! Биз, оқсуяқлар, қора халқ билан бир қозондан еганимиз етар. Нечун мен ақлу заковатимни, фаҳму фаросатимни, удабуронлигимни мана шу икки оёқли бефаҳм ҳайвонлар фаровонлигига сарфлашим лозим? Тирикчилик қилишни билмасалар, қирилиб битсинлар. Биз ўзимизни ўйлашимиз даркор. Мана, қўлимга қаранг. Бармоқлар қаёққа букилади? Ташқарига эмас, ичига. Тушунарлими? Отни жиловлаш мавриди келди. Спаргапани оқ кигизга ўтқазамиз, унга Райадани турмушга бераман, сўнг мишиқининг бурнига булоқи солиб, истаган томонимизга бураверамиз.

– О-о, саклар! – чўзиб деди Фрада. – Спаргапа учун овоз бе...

Саклар тиззага етар-етмас чакмон кийишарди. Фрада эса, этигини яшириш учун товонигача тушадиган узун чакмон кийганди. Дайди шамол шу вақт йўлини ўзгартириб, чакмоннинг этагига урилди, оёқлар орасидан ўтиб кета олмай, айланиб, юқорига ўрлади-да, Фраданинг катта очик оғзини тўлдирди.

– Пуф! Қих! Пуф! Қих! – Фрада “беринглар”ни охиригача айтишга уриниб, силкиниб йўталди.

Муқаддас олов ишини қилди! Хаумаваркалар қаторлари узра қаҳқаҳа кўтарилди. Бироқ шу пайт Фрадага содиқ бир ховуч оқсоқоллар унинг маккорона чақириғини илиб кетишди:

– Саклар, Спаргапага овоз беринглар!

Халқ ғазаб билан гувиллади:

– Ҳа-а, доноларни қаранг-а!

– Форсларнинг удумини истаб қолдингизми?

– Спаргапани шоҳ кўтармоқчимисизлар?

– Сакларнинг елкасига ўтқазиб кўймоқчимисизлар?

– Дўстим Фрада! Камон ипини тескари тортмоқдасан!

– Бу сен ўйлаган арғумоқ эмас!

– Бу сен кўзлаган чангалзор эмас!

– Қих, саклар, қих! – фарёд чекди Фрада. – Нималар деяпсиз! Мен сизларни деб жон куйдирмоқдаман-ку, ахир! Истамасангиз – истаманг. Менга деса, такани раҳнамоқилинг, сигирни малика қилиб олинг. Барибир эмасми? Фрада бир кунини кўриб кетади.

... Ҳар бир оқсоқолнинг ортида бутун бир уруғ туради. Уруққа ёқадими, ёқмайдами, барибир, у ўз оқсоқолини қўллаб-қувватлаши шарт. Фраданинг сўзлари йиғилганларни жунбишга солди, ўйлантириб кўйди. У ирод этган сўзлар барчанинг ўй-фикрларини остун-устун қилиб ташлади.

Қайрағочнинг чайир танасини ёриш учун ёғочсоз унга темир пона уради.

Бўри уюрни ажратиб, қулунни чангалзор томон суриб бориш учун тишини иржайтириб, тўдалар орасидан ўтади.

Фрада кескир сўз понасини кишилар онгига урди-да, тўдани гапи бирига тўғри келмайдиган бир неча бўлакка ажратди.

Саклар баҳслашиб, сўкишиб кетишди.

Муқаддас гулхан ёнига сочи оппоқ, соқоли кўски, жулдир иштон кийган кекса чўпон инқиллаб чиқмаганида кун нима билан тугаши маълум эмасди.

Қумда қийшайиб-буралиб ўсган, соя ҳам, мева ҳам бермайдиган кўримсиз дарахтлардан бирига жон кириб, қимирлаб, беўхшов кадам ташлаб кенгашга кириб келаётгандай бўлди. Чол шунақа озгин, букри, ажиндор ва чайир эди.

Қариянинг жазирама қуёш нуруни, изғиринли совукни, чўл қумини, шўрини, дашт ёнғинлари дудини ўзига сингдирган териси саҳрода қорайган қадимги тош сингари ялтирарди.

Офтобда куйган, довул ва бўронларда чирсиллаб учган қумдан захм еб, хира тортган кўзлари ёшланарди.

Пешонасидан ёғ ва чанг аралаш тер қуйиларди. Тўзгин этик кийган оёқларини базўр босарди: этик сак эсини танибдики, устига миниб, устида еб-ичиб, ухлаб, бетоб бўлиб, туш кўриб, кучиб ва тўпалашиб юрган бароқ отнинг биқини қийшайтириб қўйган оёқлари товонига аранг илиниб турарди.

Унинг исмини ҳеч ким билмасди.

Чолдан дашт иси уфуриб турарди. У энг куйидан, юзи мисранг оломоннинг қаъридан чиқиб келди.

Шалдироқ аравада ёки гулхан ёнидаги кулда кишибилмас туғилиб, суяк-суякдан ўтиб кетадиган шамолда кўзилар ва кучукваччалар билан ўсганлар орасидан чиқиб келди.

Ҳаммага ва ҳамма нарасага ишониб, турмуш оғирликларига туядек сабр-тоқат билан чидаб, бу ҳаёт ўзгача бўлиши ҳам мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмайдиганлар ичидан чиқди.

Миқ этмай меҳнат қиладиганлар, ўзи билган нарсалар: хотини, фарзандлари, қум ва от ҳақидагина ўйлайдиганлар, гапни ҳам, кулгуни ҳам билмайдиганлар, доимо ўзини четга олиб юрадиганлар, сабабини билмаган ҳолда ўзидан ҳам уяладиганлар, кенгашларда сўзга чиқишни асло ёқтирмайдиганлар даврасидан чиқди.

Бироқ яхшилаб қиздирсанг, тош ҳам ёриларкан.

– Э-э... қҳм! – минғирлади чўпон бўғиқ овозда ва суйкалиб келган итларни оёғи билан туртди. Йўталди, тупурди, бурнини қоқди ва тўғри муқаддас гулханга қараб туфлади. – Гапнинг пўсткаллеси шу. Пода... бутун атрофни пайхон қилиб бўлди. Ўт-ўлан йўқ. Хуллас, дарё бўйлаб куйига, мол туёғи етмаган яйловлар томон юрадиган пайт келди. Нега ўтириб олдингизлар? Нима, ишингиз йўқми?

У битган ва янги жароҳатлар чандиғи босган елкасини таажжуб билан қисди.

– Биз хонадонда тўрт ака-ука ва уч опа-сингилмиз. Отамиз ҳаётлигида унга кулоқ тутардик. Отамиз ҳалок бўлгач, онамизга кулоқ тута бошладик. У... Оқ ота ўлган бўлса – хотини қолди. – Чол ғижимланган қалпоғини Томруз томон силкиди. – Мана у, оқила, доно, камтар. Бошқа фазилатларга ҳам эга. Келинлар, ўзи онамиз бўлиб қўя қолсин. Яна қанақа сардор керак?

Чўпон қалпоғини икки қўллаб авайлаб текислади, сочи тўзғиган бошига қўндирди, орқага қарамай, гулхандан нари кетди-да, қандай пайдо бўлган бўлса, шундай кўздан йўқолди.

Нотаниш йилқибоннинг ўзи уюр боқиб юрган қумтепалардаги буталарнинг синган бутоғи сингари узук-юлуқ сўзлари, ўша буталарнинг тиканлари унинг шамолда қотган кўкрагига санчилгани каби, дағаллашган қалбларга кириб борди.

Бу сўзлар одамларнинг Фраданинг маккорона нутқидан хиралашган онгини оғритиб тиниқлаштирди.

Хилма-хил фикрлар оқимини бирлаштирди.

Ўхшаш бўлмаган фикрлар оқимини бир ўзанга солди.

Томрузми?

Бир вақтлар саклар дарёнинг қуйи оқимида, Хоразм яқинида сув шоҳбандини бузиб юборганини кўришганди. Сув даставвал тўсиқ олдида аста-секин, кишибилмас тўпланди. Бироқ баланд кўтарилгани сари, дарё кутура борди. Тўғон яқинида гирдоб пайдо бўлди. Ниҳоят, улкан суюқ кўчки бор кучию залвори билан тўғонга урилди-да, шоҳ-шабба ва лой орасидан ўтиб, ёриқ пайдо қилди ҳамда қулокни коматга келтириб, бамайлихотир мудраб ётган эски саёз ирмоққа ўзини урди.

Узоқ давом этган ўйчан сукунатдан сўнг тепалик бағрида ҳайқирик кўтарилиб, момақалдиروقдек гулдураб, дам-бадам кучайди.

– Томрррру-у-уз!!!

* * *

– Оҳ! Адолат қани? Туронда катталарни ҳурмат қилмай кўйишди. Парокандалик ва конунсизлик даври бошланди. Шундай эмасми, донишманд Дато?

– Шундай, ўғлим, шундай!

– Сабр-тоқатингизга қойилман, ота. Маккора Томруз оқ кигизни остингиздан куч билан тортиб олмадими, ахир? Шундай эмасми, бузрук?

– Шундай, ўғлим, шундай. Томруз ёвуз аёл бўлиб чиқди.

– Сиз эса индамайсиз. Сиз камтар ва шоқирсиз. Муттаҳамлар ювош Датони истаганча ҳақоратлашади. “Илон қариса, уни қурбақа минади”, – деб бежиз айтишмаган экан. Йўқ, мен индамай ўтирмасдим! Томруз Хугавани кўқларга кўтариб мақтаётганини кўриб, индамасликми? Оҳ! Нима учун у кенгашда Хугава учун кучи етганча кичкириб овоз берди, деб ўйлайсиз? Айтишларича...

– Наҳотки? О, беҳаё! Эрининг бадани совуб улгурмасидан-а... Йўқ, мен бунга йўл қўя олмайман! Мен уларга кўрсатиб қўяман!

Дато билан хўшлашиб, Фрада ўз чодирни томон юрди. Бирданига сўкина кетди:

– Оҳ, сакларимиза, адои тамом бўлсин! Бунақа бефаҳм, қайсар халқ ҳеч қаерда йўқ. Туф! Бадбахт Фрада келиб-келиб шу ярамас саклар орасида туғиладими?! Тангри мени Форсдами, бошқа жойдами яратса бўлмасмиди? Наҳот унга Фрадани Бобилнинг қаеридадир дунёга келтириш қийин бўлган бўлса? Бемаъни қария истамаган-да. Эринган. Сен ҳам чакки эмассан! – Қизига ёпиша кетди у. – Қаллаварамингга дурустроқ ўргатсанг бўлмасмиди? Лаънати мишиқи! Бундан кейин яқинингга йўлатма.

Бунда Райаданинг айби йўқлигини Фрада тушуниб турарди: Спаргапа оломонни енга олармиди? Лекин кимдандир аламини олиши керак-ку! Райада маънос тортди. Фрада безовталаниб, қўл силкиди.

– Аччиғинг келмасин, қизим. – У кўз ёшини тийиб, қизининг бошини силади. – Отангдан ўпкалама. Отанг ким учун жон куйдирмоқда, ахир? Райада учун. Сен билан иккимиз бу дунёда ёлғизмиз. Жонинг чиқади-да! Онанг тирик бўлганида эди... Бор, кийимингни алмаштириб чиқ. Дам ол. Мен бир най чалиб, юрагимни бўшатай, майлими? Юрак-бағрим эзилиб кетди.

† Ш о х б а н д и – хукмдор бунёд килдирган тўғон.

Қиз чодирни иккига ажратиб турган наमत парда ортига ўтди, маржонини, билагузугини, кўйлагини ечиб, мис парчинли сандиққа авайлаб жойлади. Бошини яланг тиззасига солинтириб ўтирди.

Найнинг илк навоси алаҳлаган пичирлашни эслатди.

Райаданинг бадани бир жимирлаб ўтди. У тишини тишига босди, оёқларини йиғиштирди ва гилам устида оҳиста силкиниб кўйди. Қайдасан, Спаргапа? Қайдасан? Сардор бўласанми – йўқми, барибир, Райадага кераксан...

Най зорланарди. Фрада бармоқларини най тешикларига равон босиб олар, шунда найдан дам бўғик, дам жарангдор наво тараларди.

Юлдузли тун эди бу гўё.

Жилғада сув ноаник бир дилкашлик ила жилдирар ва кулкулларди, гўё.

Жилға бўйлаб эсаётган илиқ шамол қиёқни у ёқ-бу ёғидан туртиб-суртиб ўтаётгандек эди.

Йирокдан ғўноннинг бесабрлик билан дангал кишнаши эшитилаётгандек эди.

Райаданинг нафаси қисила бошлади. Қайдасан, Спаргапа? Ўзини ерга отиб, ғужанак бўлиб, алам билан йиғлай бошлади.

... Отаси рози бўлмаса ҳам аллақачон Спаргапаникига кетмоқчи бўлганди – саклар удумига кўра, қизлар ўзига ўзи хўжа эди. Истарди-ю, кетмасди.

Оқшомлари Фрада олис шаҳарлар ҳақида ҳикоя қиларди:

– Пуратту дарёси узра Бобил тоғдай юксалиб турарди, мунажжимлар самодаги юлдузларни кузатадиган ҳайбатли паст-баланд ғиштин миноралар Арахту наҳри сувида аниқ акс этарди. Наҳр бўйлаб эса думалоқ сопол қайиқчалар сузиб борарди. Улкан шоҳ саройидан сирли Эсагил ибодатхонасига деворларида шерлар, буқалар ва бошқа муқаддас ҳайвонлар тасвирланган Маросим йўлидан борилади. Баҳорда, янги йил байрами – Загмукда шаҳар аҳолиси шу кўчада Етти жадвал достонини ўқиганча маъбуд Мардук шарафига маросим ўтказди.

Райада кунботар мамлакатларидаги осма боғлар булбуллари, гўзал эркакларга ўхшаш маъбудларнинг ҳайкаллари, маъбудларга ўхшаш эркаклар ҳақида ширин хаёл сураб, ҳаммомлар, дераза панжаралари, бозорлар, ҳовузлар, либослар, савдогарлар, атиргуллар, товуслар, дурру жавоҳирлар тушига кирарди.

Бироқ козиққа ўтқазилган бандилар танаси, кишандбанд куллар, тириклайн ириб бораётган дайди моховлар кўз олдида келмасди – Фрада улар ҳақида ҳикоя қилмасди.

Отасининг ҳикояларини завқ билан тўйиб тинглаган Райада “Арахту наҳрининг ойнадек ялтираб турган сувига” боши билан шўнғиб, Спаргапани унутарди.

Парда ортидан кескин ва шавқсиз хуштак товуши эшитилди.

Дашт узра соҳилдаги теракларнинг тўкилиб, яхлаган япроқларини шитирлатиб, муздек шамол эсиб ўтгандай бўлди. Фрада найнинг изтиробли товланиши орқали ҳасратини тўкиб солаётганди.

Райада тутқалоқдан тургандай, тўзғин бошини кўтариб, хира, нурсиз кўзини атрофга тикди. Яланғочлигидан уялиб, шошиб кийинди.

Спаргапа?

Нафратлан қизнинг юзи буришди. Ким бўпти бу Спаргапа? Чўпон,

¹ Пу р а т т у – хозирги Фурут дарёси.

оддий сак. Агар у Турон подшоси бўлганида, Аранха узра паст-баланд сарой бино қилганида... Спаргапа бирон-бир маънили иш қилишга қодирмиди? Чиндан ҳам ландавур у. Отаси ҳақ. Албатта, у ҳақ.

Ахир у ақлли-да.

* * *

Кечга бориб ҳаво айниди.

Шимол шамоли чангалзор камишини, дарахт ва буталарини шовқин билан тебратар, қумтепалар орасидан ҳуштак чалиб ўтар, ивиган чодирларни силкитарди.

Шу онда ботқоқ тўқайда бўлишдан Худо асрасин! Устингда ҳам, остингда ҳам сув жилдирайди. Айқириб оқаётган сувнинг товуши даҳшатли. Шатир-шутир ҳам, шақир-шукур ҳам, шох-шаббанинг қисирлаши ҳам, ёмғирнинг шивирлаши ҳам даҳшат. Бир қарич курук ер йўқ.

“Бундай намгарчиликда ҳайвонлар қайси уяларига яширинаркинлар”, – ғамгин ўйлади Спаргапа, ўзини ҳам бўрилар галасидан ажралган тўрт оёқли дайдидай ҳис қилиб.

Одамлар истиқоматгоҳида ҳам мунг ҳукм сурарди. Ҳўл ер узра ёйилган тутун, кўзиларнинг зорланиб маъраши, совуқ сувнинг шапиллаши... Спаргапа итлар ис олмасин деб, Фраданинг чодирига шамолга тескари томондан келди-да, бойўғли мисол сайради.

Сўқмоқ бўм-бўш эди.

Ўспирин отдан тушиб, ёқасидан оқиб кираётган муздек ёмғирдан бир оз бўлса-да яшириниш учун отнинг тагига кирди. Тун куши яна сайради. Унинг мунгли фарёди бўғиқ шовуллаётган кўл соҳили бўйлаб ҳазин таралди.

Мана, Райада ҳам кўринди.

– Нима керак сенга? – сўради у жаҳл билан нам жул остидан.

– Мен... сен айтдингки... – Спаргапа унинг юзини кўриш учун унга томон интиларди. Райада ўзини кескин орқага ташлади, ёпинчиқнинг четини бироз кўтарди-да, шамолда бўғилиб қичқирди:

– Йўқол кўзимдан! Кўргим йўқ сени...

– Райада! Менинг айбим йўқ. Шунақа бўлиб қолди. Гапимга ишон, жоним, Спаргапа ҳали ўзини кўрсатади! Шунда уялмайсан менга...

Томрузнинг ўғли тиззаларини лойга булғаб, қизнинг оёқлари остига ўзини ташлади ва қайғули инграб юборди.

Спаргапа қизнинг тиззаларини қучди. Қўлининг иссиғига чидаб бўлмасди: кеч баҳорда қизиган қумга тушган томчи шу ондаёқ осмонга қайтиб кўтарилгандек, унга тушган томчилар буғланиб кетаётгандек эди, гўё.

Спаргапа қўлининг тафти Райаданинг йўғон сонларини куйдиргувдек шақиллатиб ўтди. У энгашиб антикар эди. Ё тангрим! Бечора Спар! Ҳай, майли. Ишингни қила қол, Спарим!

Ҳаяжондан ўзини йўқотган қиз ёпинчиқнинг четини қўлдан чиқарди. Сийнасига муздек ёмғир урилди. Қутурган шамол, ҳозиргина ловуллаб турган ўчоқнинг иссиғини олгандек, бир зумда унинг қалбидан муҳаббатни учуриб кетди.

Қизнинг бадани увушди. Оёғи қалтиради; қуйидан бошланган титроқ

бутун баданига тарқалиб, тиши такирлай бошлади. Райада ҳушига келди. Орқага, отамнинг олдига! Тезроқ! Кутилмаганда куч ва жаҳл билан Спаргапани итариб юборди.

– Оҳ! Қачон сендан қутулар эканман?

Фраданинг қизи шартта ўгирилди-да, тумшуғи учли пойабзалини пора-пора булутлар орасидан милтиллаб кўриниб турган юлдузлар ёруғида хира ялтиллаб турган қўлмакка шапиллатиб босганча югуриб кетди.

Бу қўлмаклар Арахту нахрининг тиниқ сувига ўхшамасди.

Спар иккала қўли билан бошини орқага ташлаб чангаллаган азбаройи сиқилганидан, Райада, Хугава, оқсоқоллар ва жумлаи жаҳондан безиб, ув тортиб юборди. Ёруғми? Йўқ, зулмат у. Нариги дунёдек зим-зиё зулмат.

Райадани ўғирлаб кетсаммикан? Сен, ярамас ҳайвонни бир зарба билан лойга ағанатиб, қўл-оёғингни боғлаб, ўлакса тулкидек, отга ўнгарсаммикан? Лекин уни қаёққа ҳам олиб борардинг? Спаргапани бутун Турон билади-ку. Топиб олишади. Қайтариб олиб келишади. Ана шармандаликни кўр шунда.

Ўспирин сакраб отига минди, нафаси тикилиб, бўғилиб наъра тортди-да, йўлга ҳам қарамай, тун зулматида ваҳимали кўриниб турган қумтепалар оралаб, дашт қўйнига ўқдай учиб кетди.

Давоми бор.

*Рус тилидан
Шомуҳиддин МАНСУРОВ таржимаси.*





Хўжа Ҳофиз ШЕРОЗИЙ

ҒАЗАЛЛАР

* * *

Агар ул турки шерозий кўнгилни олса бир они,
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Кетур, соқий, майи боқийки, жаннат ичра топмассен,
Қанори оби Рукнободу гулгашти Мусаллони.

Фиғон, ул лўлиларким, шўху ширинкору шахрошуб,
Чунон олди кўнгилдин сабр, ки турклар хони Яғмони.

Бу ночор ишқимиздин ул жамоли ёр мустағний,
Не ҳожат обу рангу холу хатга рўйи зебони.

Дамо-дам ортар эрди Юсуф хусни, англадим андин,
Ки исмат пардасидин ишқ чиқарди ул Зулайҳони.

Маю мутрибдин сўзла, жаҳон розини кам изла,
Хирад ҳеч ечмади, ҳаргиз ечолмас бу муаммони.

Насихат тингла, эй жоно, севарлар жонданам ортик
У ёшларким, саодатманд, панди пири донони.

Менга сўзим ёмон айтдинг, афоковлоки, хўб айтдинг,
Ярашгай унга аччиқ сўзлари лаъли шакархони.

Ғазал ёздингки, дур тиздинг, кел, эй, хуш куйлагил, Ҳофиз,
Ки назмингга нисор этсин фалак иқди Сурайёни...

* * *

Кеча масжиддин чиқиб, майхона борди пиримиз,
Айтинг, эй аҳли тариқат, не бўлур тадбиримиз?

Бас, харобот ичра ҳамманзил бўлайлик биз дағи,
Не илож, гар бўйладир аҳди азал тақдиримиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

57

Биз, муридлар, қибла сори юзни бургаймиз нечун,
Юзни бурмиш бўйлаким майхона сори пиримиз.

Ақл гар билсайди, кўнгил ёр зулфи бирла хуш,
Жумла оқил жинни бўлгайди сўраб занжиримиз.

Гул юзинг лутфу карамдин бизга оят этди кашф,
Ул сабабдин яхшиликдин ўзгамас тафсиримиз.

Тош эмиш сенда кўнгилким, таъсир этмас тунлари
Чеккан ул оху фиғону нолайи шабгиримиз.

Оҳимиз ўқи тешиб ўтди фалакдин, айла бас,
Ҳофизо, жонингга раҳм эт, беомондир тиримиз...

* * *

Кўзим равоқи манзари ошиёнанг эрур,
Карам айлаю туш буён, хона хонанг эрур.

Лутфи холу хатинг олмиш орифлар кўнглини,
Латофатинг нишони ул дому донанг эрур.

Дилинг гул васли-ла, эй булбули чаман, шод эт,
Чаманда ҳама гулбонги ошиқонанг эрур.

Иложи дардимиз ширин лабга ҳаволат қил,
Ки ул жон равшани ёкут хазонанг эрур.

Тан ила хизматинг магар этмоққа ожизмен,
Вале хулосайи жон – хоки остонанг эрур.

Мен ким эмишманки, титрар сипехри маккор ҳам,
Уни титратган ҳийлаю баҳонанг эрур.

Мен ул эмаски, дуч келган санамга дил берсам,
Ҳазина узра муҳринг ул, нишонанг эрур.

Нечук жон офатисен, эй шахсувору ширинкор,
Бедовким чун фалак роми тозиёнанг эрур.

Суруди мажлисинг тинглаб, фалак ҳам рақс этар,
Ки шеъри Ҳофизи ширинсухан таронанг эрур...

* * *

Оҳки, ул ёдимдадир, кўйинг менга манзил эди,
Кўзда нурим эшигинг тупроғидин ҳосил эди.

Пок суҳбат баҳраси боис гули савсан каби,
Кўнглинг ичра эрса не пайдо, тилимда ул эди.

Дил сўраб пири хираддин ул маоний накдини,
Шарҳини ишқ айтар эрди, пиргаким мушкил эди.

Оҳ, чун жавру тазаллумки, ўшал маъвода ул,
Вой, яна айшу фароғатким, ўшал манзил эди.

Қолмагаймен ҳеч замон бедўст дердим дилда мен,
Не қилайки, ул ҳама сайъи дилим ботил эди.

Кеча аҳбоб ёди-ла бордим харобот сорига,
Май хумин кўргач, дилимда дард, оёқда гил эди.

Қайтдим андин сўргали боиси ул дарду фиروق,
Ақл муфтийси вале лол эрди, лоьяқил эди.

Ҳофизо, кўргил, урар кабки хиромон қаҳқаҳа,
Чун қазо бургутининг чанголидин ғофил эди...

* * *

Сабо, лутф айлабон айт ғизоли раънони,
Ки ул боис кезармиз бу тоғу саҳрони.

Шакарфурушки, умри узун бўлгай, нега
Риоят айламас ҳеч тўтийи шакархони?

Ўурури хуснинг ижозат айламасми, эй гул,
Ки ҳолин сўрмагайсен андалиби шайдони?

Латиф хулқ ила овланур ҳамиша аҳли назар,
Ки дому дон-ла тутмагайлар мурғи донони.

Ҳабиб-ла ўлтирсангу гар бода сипқорсанг,
Эсингга ол улфату дўсту бодапаймони.

Билолмам, не сабабким, ранги ошнолиги йўқ
Ул сарвқаду қаро кўзу моҳсиймони.

Топилмас андин ўзга ҳеч жамолингда айб,
Холи меҳру вафоси йўқ рўйи зебони.

Не ажаб, осмон ичра гар Ҳофиз шеъринин
Зухро куйласаю раққос айласа Масиҳони...

* * *

Ҳолимиздин зоҳиди зоҳирпараст огоҳ эмас,
Шаънимизга ҳар не айтса, айтсин ул, парво эмас.

Ўйнасак шатранж, сурармиз биз пиёда ҳар замон,
Баски, риндларга бу майдонда мажולי шоҳ эмас.

Бу не истиғно эмиш, ё Раб, бу не ҳоким эрур,
Ҳаммада захми ниҳону ошкоро оҳ эмас.

Ул кўйи майхона бормоқ аҳли содиқлар иши,
Ўзни сотганларга ул майхона сори роҳ эмас.

Бандаи пири хароботманки, лутф айлар мудом,
Шайху зоҳид лутфи менга гоҳ бўлгай, гоҳ эмас.

Ҳофиз олий ҳиммат айлаб, тўрга чикмас эрса гар,
Қуйқахўр ошиқдир ул, валлоҳ, асири жоҳ эмас.

* * *

Дедим: қачон лаълинг мени қомрон қилур?
Деди: буюр, не истагинг эрса, ҳамон қилур.

Дедим: Миср хирожини талаб этар лабинг,
Деди: бу муомалада камтар зиён қилур.

Дедим: ул ширин нуктага йўл топган бормидир?
Деди: бу бир ҳикоядирким, нуктадон қилур.

Дедим: санампараст бўлма, виқор-ла ўлтирма,
Деди: ҳар иккисин маҳбуб бегумон қилур.

Дедим: майхона олгайдир кўнгиллар дардини,
Деди: хуш улки, ўзни бўйла шодумон қилур.

Дедим: шаробу хирқа не мазҳабнинг одати?
Деди: амалким, мазҳаби пири муғон қилур.

Дедим: ул шаккарин лабдин кексага не наф?
Деди: бир бўсаси чолни навқирон қилур.

Дедимки, хўжа не замон етгай маҳбубига?
Деди: ул дамки, Ойу Муштарий қирон қилур.

Дедим: Ҳофиз этар унинг дуойи давлатин,
Деди: дуосин малоики етти осмон қилур...

* * *

Эйки, лаълинг каломидин коми жон лазиз,
Ширин лабинг таъми сафосидин даҳон лазиз.

Тишинг чун қатра сутдирким, лабларинг шакар,
Ширу шакардин комимиз ҳар замон лазиз.

Хуни дилу жигар кабоб ҳам сенинг, магар
Кабоб ёнида шароби арғувон лазиз.

Ҳадиси лутфинг сўйласам, келди сўз латиф,
Васфи лабинг баёнида бўлди баён лазиз.

Хуснинг тотини тотгаймен, жоним, ҳар нафас,
Хуснингга туташса, кўргил, энди забон лазиз.

Ҳофиз пиширди бир ҳалво жон ширасин кўшиб,
Орзу, дилида ул лаби масти чунон лазиз...

* * *

Ажаб, хужаста замонким, ёр яна келгай,
Ғариблар кўйига ғамгусор яна келгай.

Ҳаёли хайли йўлига кўз тикдим интизор,
Чу уммид билаки, шаҳсувор яна келгай.

Бошим эгилмаса магар чавғони амрига,
Нечук бош дегум, андин озор яна келгай.

Йўлида ўлтирармен чун гарду ғубор бўлиб,
Кўнгилда ул ҳаваски, раҳгузор яна келгай.

Дилим қарор этди-ю, зулфини тутди макон,
Гумон этмаким, анга қарор яна келгай.

Қишу қаҳратон жаврини чекди булбуллар,
Бўйи иштиёқ билаки, гулбаҳор яна келгай.

Қазо наққошидин уммид этармен, эй Ҳофиз,
Қошимга сарвқомат ул нигор яна келгай...

* * *

Аларким, назари тупроқни кимиё қилур,
Қачон раҳм этиб, назарин бизга раво қилур?

Табиби муддаийларданки топмадим даво,
Шояд хазинайи ғайбим дардга даво қилур.

Маъшукки, гул рухсоридин чекмади ниқоб,
Ҳар кимса бир тасаввур айлаб, иддао қилур.

Риндлигу зоҳидликдамас ҳусни оқибат,
Улардаким, ишни иноят-ла бажо қилур.

Бемаърифат бўлма, ишқни “ким ошди” этсалар,
Аҳли назар риояти дўст-ошно қилур.

Парда ортида қилурлар мунча фитнаким,
Парда очилса, фитна аҳли не бало қилур?

Ғар бу ҳадисдин нола чекса тош, не ажаб,
Соҳиб кўнгиллар ҳикоятини хуш адо қилур.

Май ичгил, юз гуноҳ этмак сенга яхшироқ
Андинки, ағёр тоат айлаб, сўнг риё қилур.

Юсуф кўйлагидин келур хуш бўйи, анбари,
Кўркаманки, ағолари уни фано қилур.

Майкада кўйидин боргил фароғат уйига,
Ҳаққинга офтоб ўзи хайри дуо қилур.

Масту беҳудлигим яшир рақиблар кўзидин,
Киши хайри ниҳон этса, баҳри Худо қилур.

Ҳофиз, висоли бардавом муяссар бўлмагай,
Шоҳлар қачон илтифоти холи гадо қилур?..

* * *

Ғарчи воизга сўзим тингламак осон бўлмас,
Сўйласа макру риё, банда мусулмон бўлмас.

Ринд бўлиб, лутфу карам айлаки, хушдир бу хунар,
Улки ҳайвон, бода ичмас ила инсон бўлмас.

Ғавҳари пок керақдир бўлгали қобили файз,
Ҳар нечук тошу сапол лўълийи маржон бўлмас.

Дардманд дардни табиб олдида гар тутса ниҳон,
Бўлгай аҳволи хароб, дардига дармон бўлмас.

Касби корим ишқ эрур, уммидки ул фанни шариф
Ноумид этмасу бир боиси афғон бўлмас.

Ваъда этмишди санам эртага деб васлу висол,
Эй Худо, эртагача балки пушаймон бўлмас.


Асрамоқ бўлса нигор олдида гар жонни киши,
Бетакаллуф тани ул лоиқи қурбон бўлмас.

Заррада бўлмас эса ҳиммати олий, Ҳофиз,
Толиби чашмаи хуршиди дурахшон бўлмас...

*Форс тилидан
Ғамол КАМОЛ таржималари.*



Дино БУЦЦАТИ



Дино Буццати (1906-1972) Италиянинг Сан Поллекрино шахрида тугилган. У Италиянинг кўзга кўринган ёзувчиларидан бири. Милан университетининг ҳуқуқ факультетини тугатган. Матбуотда журналист бўлиб ишлаб юрган кезлари ҳикоялар ёза бошлаган, шунингдек, сахна асарларига ҳам қўл урган, айнан шу жанрда Дино Буццати катта шухрат қозонган.

У “Тоғлик Барнобо”, “Татар дашти”, “Ҳаётдан ҳам азиз”, “Айиқлар ҳужуми”, “Бир муҳаббат” каби кўплаб романлар муаллифи. Шунингдек, тўртта ҳикоялар тўплами, учта пьесаси ҳамда болалар учун роман ва қиссалари чоп этилган бўлиб, ўқувчилар томонидан ҳамон севиб ўқилади. Унинг “Татар дашти” романи дунё китобхонлари томонидан юқори баҳоланган. “60 ҳикоя” тўплами Италиянинг “Стрего” мукофотиغا сазовор бўлган.

Дино Буццати асарлари мазмунининг чуқурлиги, воқеаларнинг ишонарли тасвирланиши билан ажралиб туради. Инсон тугилганидан то ўлимига қадар босиб ўтган ҳаёт йўлини ёритиши романнависнинг севган мавзуларидан бири. Зеро, ҳар бир инсон ўз ҳаётини иложи борича мазмундор ўтказиши лозимлиги фалсафиёна тарзда уқтирилади.

Дино Буццатининг журналда эълон қилинаётган “Катталаштирилган сурат” қиссаси ҳам шундай руҳдаги асарлар сирасига киради. У ўқувчини ўзининг ва жамиятнинг ҳаёти ҳақида чуқурроқ ўйлашга даъват этади.

КАТТАЛАШТИРИЛГАН СУРАТ

Қисса

I

Н. шахри университетида электроника фанидан сабоқ берувчи – паст бўйли, тўлагина, табиатан хушчақчақ, аммо ниҳоятда тортинчоқ кирк уч ёшли профессор Эрманн Исмаи 1972 йилнинг апрель ойида мудофаа вазиригидан мактуб олди. Мактубда илмий изланишлари бўйича бошқарма бошлиғи полковник Жакинто хузурига зудлик билан етиб келиши ёзилган эди.

Гап нимадалигини тушунмаса-да, ҳарбий ҳокимият ҳақидаги маълумотдан

мутлақо хабари йўқ Исмани ўша куниёқ ҳарбий вазирликка ошиқди.

Авваллари у ерга ҳеч бормаганди. Исмани журъатсизлик билан у ёқ-бу ёққа аланг-жаланг қараркан, ботинмайгина қабулхонага кирди. Шу ондаёқ унинг қаршисида пайдо бўлган ҳарбий кийимдаги кўриқчи ундан нима мақсадда келганлигини сўради. Исмани унга чақирув қоғозини кўрсатди. Кўриқчи одатда келиб-кетувчиларга қўпол муомалада бўларди. Тартибсиз кийинган, беўхшов профессор Исмани унинг кўз ўнгида арзимас, қўлидан иш келмайдиган эпсиз одамга ўхшаб кўринди. Кўриқчи Исманининг қўлидаги чақирув қоғозига кўз югуртиргач, худди сеҳр-жоду қилингандек мулойим бўлди-қолди. У профессордан қайта-қайта узр сўраб, бир оз кутиб туришини сўради-ю, тезда ичкарига кириб кетди.

Ичкаридан кичик лейтенант чиқиб келди-да, чақирув қоғозига кўз югуртирар экан, маъносиз кулимсираб қўйди, сўнг Исманини ичкарига таклиф қилди.

Бу қандай чақирув қоғози бўлди экан, ичи қизиқ хаёл сура кетди Исмани. Нима учун улар худди мўътабар зотга қизиққандек менга бу қадар қизиқиб қолдилар? Аслида ушбу қоғоз оддий огоҳлантирув қоғози эди.

Исманини гоҳ у кабинетдаги, гоҳ бу кабинетдаги юқори лавозимли офицерлар ҳузурига олиб кирдилар. Улар Исманига ҳадиксирагандай назар ташлар эдилар. Бундан Исмани ўзини ноқулай ҳис эта бошлади, гўё унга нобоп, ҳатто хавфли одамга эҳтиётлик билан муомала қилиб, ундан дархол қутулмоқчи бўлгандек, чақирув қоғозига кўз югуртириб, ишни ўзидан юқори амалдорга узатишга ҳаракат қилаётгандек туюларди.

Полковник Жакинто катта ҳақ-ҳуқуққа эга амалдор экан, шекилли, чунки унинг ҳузурига етиб келгунга қадар қанча тўсиқлардан ўтиб келишга тўғри келди.

Эгнига оддий фуқаро кийими кийган, эллик ёшлар чамасидаги Жакинто уни ҳурмат билан кутиб олар экан, Исманига бу ташриф унча шошилиш эмаслигини айтиб қўйди. “Зудлик билан” деб ёзилган махсус ёзув унга қарашли бўлган идоранинг барча ҳужжатларига босиладиган тамға эди, холос.

– Ҳурматли профессор, вақтингизни олмаслик учун мақсадга кўча қолай. Очиғини айтадиган бўлсам, – у маъноли кулиб қўяркан, давом этди: – аниқроғи, вазирлик томонидан сизга таклиф этилмоқчи бўлган масаланинг умумий ҳолатини тушунтирмоқчиман. Масаланинг асл мазмун-моҳияти ўзимга ҳам қоронғу. Профессор, баъзи соҳаларда эҳтиёт чораларини кўриш зарур эканлиги ўзингизга яхши маълум. Очиғини айтадиган бўлсам, аввало сиздан сир сақлаш ҳақида тилхат олишим зарур эди, лекин профессор, сизнинг номингиз, хизматларингиз, ҳарбий ўтмишингиз ва обрўйингиз...

“У гапни қаерга буряпти?” деб ўйлаб, Исманининг ҳадиги баттар ошди. Ниҳоят, у тилга кирди:

– Полковник, кечирасиз, мен ҳеч нарсага тушунмаяпман.

Полковник Исманига киноя аралаш қараб қўйди-да, жойидан туриб, чўнтагидан калитлар шодасини чиқарди ва бориб сейфни очди, ундан бир папкани олиб, ўрнига келиб ўтирди.

– Хўш-ш... – деди у машинкада ёзилган қоғозларни бирма-бир кўздан кечирар экан, сўнг Исманига қараб деди:

– Профессор Исмани, сиз Ватанингизга ёрдам беришга тайёрмисиз?

– Менми? Қандай ёрдам? – сўради Исмани талмовсираб.

– Профессор, сиздан шубхамиз йўқ, – деди Жакинто. – Сизнинг қарашларингиз юкори идораларга маълум. Айнан шунинг учун ҳам умидимиз сиздан.

– Аммо, мен... Билсангиз... мен гап нима ҳақида кетаётганини тушунмаяпман...

– Профессор, тахминан икки йил бизнинг бирон ҳарбий зонамизга кўчиб ўтиб, мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим ва катта илмий аҳамиятга эга бўлган ишда иштирок этишга розимисиз? – деди полковник овозини бир оз кўтариб. – Университетдаги маошингиз сақлаб қолинади, яна кўшимча дурустгина сафар харажатлари ҳам тўланади, ўзингиз эса расмий сафарда ҳисобланасиз. Аниқ айта олмайман-у, лекин кунига тахминан йигирма-йигирма икки минг оласиз.

– Кунига-я? – доддираб сўради Исмани.

– Устига-устига, барча қулайликларга эга бўлган уй-жой билан ҳам таъминланасиз. Хужжатда ёзилишича, сиз бориб ишлайдиган ҳудуднинг табиати ниҳоятда сўлим ва гўзал, соғлиқ учун кони фойда. Сигарет чекасизми?

– Йўқ, чекмайман. Қандай иш экан?

– Вазирликнинг буйруғида сизнинг ихтисосингизни алоҳида инобатга олиш таъкидланган. Ўз-ўзидан маълумки, топшириқ бажарилгач, ҳукумат сизни рағбатлантиради... Айниқса, сизнинг узоқда ишлаганингизни ҳисобга олиб...

– Қандай қилиб? Мен у ердан ташқарига чиқиш имкониятига эга бўлмайманми?

– Топшириқнинг ўта махфийлигини ҳисобга олсангиз...

– Икки йил! Университет-чи?... Маърузаларим-чи?

– Сизга боя айтганимдек, тафсилотлардан хабарим йўқ. Лекин сиз ниҳоятда қизиқ изланишлар билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишингизга шубҳам йўқ. Очигини айта қолай, сиз рози бўлишингизга ҳеч ким шубҳа қилмаяпти.

– Масалан, кимлар?

– Буни сизга айта олмайман. Лекин биттасининг номини айтишим мумкин. Таниқли шахс. Унинг исми Эндриад.

– Эндриад! У ҳозир Бразилияда-ку!

– Тўғри, у ҳозир Бразилияда. Расман... – дея полковник кўзини қисиб қўйди: – Эҳ, профессор, ҳаяжонланишингизга ҳожат бормикин-а? Нима ишлигини билолмай, асабийлашяпсиз, шундайми?

– Менми?... Билмадим...

– Бесамар кечираётган ҳаётимизда кимнинг асаби жойида дейсиз. Аммо ҳозирги вазиятда асабийлашингизга ҳеч бир ҳожат йўқ. Ҳозир эса – сизга айтишни ўз вазифам деб биламан – гап жуда яхши таклиф ҳақида кетяпти. Ўйлаб кўришга вақтингиз етарли. Профессор, ҳозир уйингизга боринг-да, аввал қандай хотиржам яшаган бўлсангиз, шундай яшашда давом этинг. – Полковник жилмайиб қўйди-да, сўнг: – Гўё орамизда ҳеч қандай суҳбат бўлмади, деяверинг... Мени тушундингиз-а? Гўёки сизни бу ерга ҳеч ким чақирмагандек юраверинг... Лекин яхшилаб ўйлаб кўринг... Ҳа, ўйлаб кўринг... Бирор фикрга келсангиз менга кўнғироқ қиларсиз.

– Хотиним-чи, у нима бўлади? Полковник, бу сўзим сизга ғалати туюлса керак. Турмуш қурганимизга бор-йўғи икки йил бўлди...

– Профессор, сизларга бахт-саодат тилайман... – полковник гўё чигал нарсанинг ечимини топаётгандек ковоғини уйиб олди. – Шахсан ўзингиз кафил бўлсангиз, унда ҳеч қандай муаммо йўқ...

– Биласизми, хотиним жуда содда, бўш-баёвгина, ундан хотиржам бўлсангиз бўлади... У ҳеч қачон менинг ишимга қизиқмаган.

– Ундай бўлса, жуда яхши, – кулиб юборди полковник.

– Лекин ундан аввал...

– Қулоғим сизда...

– Мен бирон-бир қарорга келишимдан аввал, бир нарса сўрасам бўладими?..

– Иш ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишни назарда тутяпсиз-да, а?

– Тўғри, топдингиз. Ҳеч нарсани билмай туриб, икки йилга ҳамма нарсадан воз кечиш кетиш...

– Тушунарли. Бир оз сабр қилинг, профессор. Худо ҳаққи, ўзим ҳам айтганимдай, ортиғини билмайман, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, вазирлик ходимларининг биронтаси ҳам сизнинг вазифангиз нимадан иборат эканлигини айтиб беролмайди. Ҳатто, Бош штаб бошлиғи ҳам... Сиз ҳақсиз, профессор. Бу ҳол ғалати, албатта. Тўғри, ақлга сиғмайди. Ҳарбий сир бу, ҳарбий сир. Бизнинг бурчимиз эса ана шу сирни сақлашдан иборат. Сирнинг ортида нима борлиги бизни қизиқтирмаслиги керак. Ташвиш тортманг, кези келганда ҳаммасини билиб оласиз. Ҳали бунга вақтингиз етиб ортади. Икки йилда, менинг фикримча...

– Кечирасиз, бу ишга нима учун айнан мени танладинглар?

– Биз танлаганимиз йўқ. Сизни у ёқдан тавсия этишган.

– Энриадми?

– Илтимос, профессор, мен айтмаган нарсани бўйнимга қўйманг. Балки Энриаддир! Буниси менга мавҳум... Хотиржам бўлинг, профессор. Ҳеч гап бўлмагандек, ишингизни давом эттираверинг. Ташрифингиз учун раҳмат. Ортиқ вақтингизни олмайман. – Полковник Исманини эшиккача кузатиб қўйиш учун ўрнидан турди. – Қайтариб айтаман, шошишга ҳожат йўқ... Лекин яхшилаб ўйлаб кўринг. Бир фикрга келсангиз...

II

Таклиф профессор Исманини бир дунё ташвишга солиб қўйди... “Ақл билан иш тутишим керак”, деган хаёлга борди у. *Res sic stantes* (обрўйим) ни сақлаб, аввалги кўниккан – хотиржам, ўтроқ ҳаётимга содиқ қолган ҳолда яшашда давом этишим, бир сўз билан айтганда, “йўқ” деган жавобни беришим керакка ўхшайди. Лекин бир кўнгли бу ишга рози бўлиб қўя қолай дерди. Яна бир кўнгли қандайдир сирли ишга рози бўлиб, икки йил ўзига номаълум бўлган жойда ишлашга юраги бетламаётганди, бегона одамлар орасида хотиржам яшай олмаслигига, қисиниб-қимтиниб юришга балки кўнгли чопмаётгандир. (Энриад физика соҳасида ёрқин юлдуз эди, уни бир-икки бор конгрессда кўриб қолганди.) Устига-устак, келажагидан чўчиётганди, у каби виждонли ҳамда интизомли инсон учун ўзининг фуқаролик ва олимлик бурчидан воз кечиш анча қийин иш эди.

Исмани урушда мардонавор жанг қилганди, лекин хавф-хатардан кўрқмаганлиги учун эмас, аксинча... Айнан иродасизлик қилиб қўйиш, буйруқни бажармаслик, аскар дўстларининг ишончини оқламасликдан чўчиш уни яна бир кўрқувни, яъни душман ҳужуми остида ярадор бўлиш

ёки ҳалок бўлиш кўркувини енгишга ёрдам берарди. У ҳозир ана шундай ҳолатга тушиб қолганди.

Исмани уйи томон шошилди, у ўзидан ўн беш ёш кичик бўлса-да, аммо ҳаётий тажрибаси профессорниқидан ортиқ бўлган Элизага бўлган воқеани ипидан-игнасиғача айтиб беришга ошиқмоқда эди.

Паст бўйли, тўладан келган кулча юзли бу аёл ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотмас эди, бу хусусияти эса бошқаларда унга нисбатан ишонч пайдо қиларди. Элиза ҳар қандай жойда: меҳмонни ёқтирмайдиган, бесаранжом бўлиб ётган ерда ҳам ўзини худди ўз уйидагидек ҳис этарди. У пайдо бўлган жойда ҳар қандай тартибсизлик, ювуқсиз нарсалар, нотинчлик ва ноқулайликлар кўздан ғойиб бўлгандек туюларди. Ҳаётга мослашмаган, ҳар нарсадан ҳадиксирайвераидиган Исмани учун бундай хотиннинг йўлиқиши Тангрининг ноёб бир совғаси эди. Уларнинг феъл-атворлари мос келмаса-да, лекин бир-бирларига бўлган муҳаббатларининг чеки йўқ эди. Элизанинг ўрта мактаб билан чегараланиб қолиши ва эрининг қилаётган ишларидан тамоман беҳабарлиги уларнинг бахтли турмушларининг асосий сабабларидан бири эди. Элиза Исманини даҳо деб билгани учун ҳам эрининг ишларига аралашавермасди. Фақат у эрининг ярим тунгача ишлашига қарши эди, холос.

Исмани даҳлизга кириши биланок белига пешбанд таққан Элиза кўлида қошиқни ўйнатганча унинг истиқболига югуриб чикди-да: – Гапирма. Мен ҳаммасини биламан. Сенга янги иш таклиф этишган, – деди.

– Сен қаердан биласан? – хайрон бўлиб сўради Исмани.

– Азизим, чеҳрангга бир қарашнинг ўзиёқ кифоя. Худди Авлиё Елена оролига жўнаб кетаётган Наполеоннинг ўзгинасисан.

– Тавба, сенга ким айтди?

– Хўш, менга нимани айтиши керак?

– Авлиё Елена ҳақида?

– Тавба, сени ҳақиқатан ҳам Авлиё Елена оролига жўнатишяптими? – дея Элиза қошини чимириб кўйди.

– Ҳа, шунга ўхшаш... Илтимос, бировга оғзингдан гуллаб кўйма. Мабодо, биров эшитгудек бўлса, кўнгилсизлик рўй бериши мумкин.

Шу гапдан сўнг Исмани шартга ортига ўгирилди-да, ҳозиргина ўзи ёпган эшикни қайта очиб, зинапояга чикди ва ҳадиксираб пастга қараб кўйди.

– Сенга нима бўлди?

– Назаримда, қадам товуши эшитилгандек бўлди.

– Эшитилса нима бўпти?

– Гапимизни бошқа биров эшитмаслиги керак.

– Эрманн, мени кўрқитяпсан... Наҳотки, гапларинг шу даражада жиддий бўлса? – кулиб деди Элиза. – Қани, юр ошхонага. Ҳаммасини бир бошдан гапириб берасан. У ерда бизни ҳеч ким эшитмайди, хотиржам бўл.

Исмани фикрини бир жойга жамлаб олгач, Жакинто билан бўлган суҳбатни хотинига бир бошдан сўзлаб берди.

– Демак, сен рози бўлдинг, шундайми?

– Бу гапни қаердан олдинг?

– Ҳой, азизим, сен рад жавобини бера олармидинг, дейман-да!

– Нима, маошга шама қилияпсанми? – хафа бўлиб сўради Исмани, чунки у ўзини ҳар қандай пулдан устун кўярди.

– Маошнинг нима алоқаси бор? Бурч... Муҳим топшириқ... Ватанга

содиқлик... Улар сени қай йўл билан илинтиришни яхши билишади. Сенга таъна қилмоқчи эмасман. Худо асрасин... – шундай дея хотини кулиб юборди. – Ойига олти юз мингдан ортиқ ва яна университетдаги маошнинг ҳам сақланиб қолиши!

– Тавба, ҳаммасини ҳисоблаб ҳам чиқдингми? – чиройи очилиброк сўради Исмани.

– Сен бундай пулларни тушингда ҳам кўрмагансан. Ҳамкасбларингни кўз олдимга келтиряпман, барчаси ҳасаддан куйиб ўлади. Қизик, бу қандай иш бўлди экан-а?

– Билмайман. Менга ҳеч нарса демадилар.

– Агар шу даражада махфий бўлса, унда атом бомбаси билан боғлиқ бўлса кераг-ов... Сен у ҳақда тушунчага эгамисан? Билишимча, бу сенинг соҳанг эмас, тўғрими?

– Билмайман... Ҳеч нарсани билмайман.

Элиза ўйга толди.

– Ҳа-а... Сен физик эмассан-ку. Агар улар сени танлаган бўлсалар...

– Бу ҳеч нарсани билдирмайди. Атом қурилмасида ҳам, айниқса, лойиҳалаш пайтида ҳам мутахассис керак бўлиб қолиши мумкин...

– Демак, атом станцияси экан-да. Хўш, қачон?

– Нима қачон?

– Кетишингни айтяпман?

– Билмайман. Ҳали розилик берганимча йўқ.

– Ҳозир розилик бермаган бўлсанг ҳам, барибир рози бўласан. Сен фақат бир сабаб билан рози бўлмаслигинг мумкин.

– Қандай сабаб билан?

– Менсиз, бир ўзинг боришга тўғри келганида, тушундингми? – кулиб кўйди Элиза.

– У ерларнинг табиатини жуда гўзал деб таърифлашяпти, – деди Исмани хотинига.

III

Июнь ойнинг бошларида Исмани хотини билан мудофаа вазирлиги автомашинасида “36-ҳарбий зона” томон йўлга тушдилар. Машинани аскар бошқариб борарди. Уларга Бош штабдан келган ўттиз беш ёшлар чамасидаги синчков бит кўзи кулиб боқувчи капитан Вестро ҳамроҳлик қиларди.

Йўлга чиқиш олдидан эр-хотин Исманилар қачонлардир Элиза дам олган машҳур курорт жойлашган Тексеруд водийсига кетаётганларини билиб қолдилар. Бундан ўзга ҳеч нарсадан хабарлари йўқ эди. Водийнинг шимолий тарафида кенг тизилган тоғлар ястаниб ётарди. Ҳойнаҳой, тоғлар ортида ёки ўрмон ичида яшовчи маҳаллий аҳолини кўчириб, ҳарбий базага айлантирилган бирон обод қишлоққа юборишган бўлса, ажаб эмас.

– Капитан? Сиз бизни қаерга олиб кетяпсиз? – сўради Исмани хоним.

Вестро, гўё ортиқча сўз айтиб юборишдан чўчигандек, эҳтиёткорлик билан аста сўзлай бошлади:

– Манави ерга, Исмани хоним, – деди кўлидаги машинкада ёзилган қоғозни кўрсатиб, лекин у қоғозни аёлга тутқазмади. – Бизнинг қаёққа боришимиз шу ерда кўрсатилган. Бугун окшом Креага кўнамиз. Эртага саккизу ўттизда йўлга тушамиз. Автострада бўйлаб Сант-Агостиногача

борамиз. Ундан сўнг харбий чегара бўйлаб йўлга тушамиз. Мен сизларни назорат пунктигача кузатиб кўяман. Бу эса менга хузур ва шараф бағишлайди. Ўша ерга етиб борганимизда вазифам ниҳоясига етади. Сизларни олиб кетиш учун бошқа машина келади.

– Капитан, сиз у ерда аввал бўлганмисиз?

– Қаерда?

– 36-зонада.

– Йўқ, бўлмаганман.

– У ерда нима бор? Атом станциясими?

– Атом станцияси... – тушунарсиз оҳангда гапирди хайдовчи. –

Профессорга, ҳойнаҳой, бу жуда қизиқ бўлса керак...

– Мен сиздан сўраяпман, капитан.

– Мендан? Кечирасиз, бундан мутлақо беҳабарман.

– Жуда жумбоқ-да. Қизиқ...

– Сиз ҳеч нарса билмайсиз, эримнинг ҳам, вазирликнинг ҳам ҳеч нарсадан хабари йўқ. Вазирликдагилар нима ишлигини айтишмаган, тўғрими, Эрманн?

– Айтмадилар? Нега? – эътироз билдирди Исмани. – Улар мен билан илтифотли сўзлашдилар.

Вестро сезилар-сезилмас мийиғида кулиб қўйди.

– Мана, кўряпсанми, – деди Элиза, – мен ҳақман.

– Ҳақман дейсанми, азизам? Нимада ҳақсан?

– Сени атом бомбаси яшашга таклиф этаётibdилар, деяпман.

– Лекин капитан бу ҳақда оғиз очмаганди.

– Бўлмаса 36-ҳудудда нима билан шуғулланишади, а? – ўжарлик билан ўз сўзида давом этарди Элиза.

– Морра, эҳтиёт бўл! – қичқирди капитан эҳтиёткорликни унутган хайдовчига. Чунки улар тор йўлда катта юк машинасини қувиб ўтаётган эдилар. Капитан ўринсиз хавфсираган эди. Йўл равон, текис эди. Қарши томонда машина кўзга ташланмасди.

– Мен ҳам шуни айтяпман-да, – гапида давом этарди Элиза Исмани, – агар атом бомбаси бўлмаса унда нима билан шуғулланишади? Нега биздан буни сир тутишяпти? Майли, харбий сир бўла қолсин, аммо бизлар, менимча... Ахир биз ўзимиз айтилган ҳудудга кетяпмиз-ку...

– Демак, сизнинг фикрингизча...

– Менимча эмас, мен шунчаки сўрадим-да.

– Исмани хоним, – ўйлаб гапиришга ҳаракат қиларди капитан Вестро, – манзилга етиб боргунингизга қадар сабр-тоқат қилишингизга тўғри келади. Ишонинг, мен сизга ҳеч нарса деёлмайман.

– Лекин сиз хабардорсиз, топдимми?

– Ҳурматли хоним, боя сизга айтганимдек, у ерда бирон мартаям бўлмаганман.

– Ҳа. Лекин сиз у ерда нима иш бажарилишини биласиз, тўғрими?

Исмани юраги ғамга тўлиб, бўлаётган гапларга жим қулоқ солиб борарди.

– Мени расмиятчи деб ўйламанг-у, бу ерда уч ҳолатнинг бири бўлиши эҳтимол... балки биз борадиган ер махфий эмасдир, аммо мен мутлақо таниш эмасман, балки танишдирман ҳам, лекин у махфий ёки... объект махфийдир, устига-устак, мен у билан таниш эмасман. Ўзингиз тушунасиз, ҳар қандай ҳолатда ҳам...

– Аммо сиз бизга бу уч ҳолатдан – қайси бири ҳақида гап кетаётгани тушунтириб беришингиз мумкин-ку.

– Барчаси махфийлик даражасига боғлиқ, – деди зобит. – Агар биринчи даражали махфийлик бўлса, кўпинча тезкорлик режалари билан бўлиб турадиган ҳолат, режим талабларига мувофиқ махфийлик, ҳатто объектга қисман алоқаси билвосита ва манфий шаклда бўлса ҳам махфийлик тегишли бўлади. “Манфий шакл” деганда нимани тушуниш керак? Бу дегани шуки, агар бирор кимса сирдан вокиф бўлса-ю, лекин унинг тафсилотларини билмаса, унда унга ўзининг беҳабарлигини ошкор қилиш ҳам ман этилади. Исмани хоним, эътибор беринг-а, бир қарашда бундай чеклаш бемаъни бўлиб кўриниши мумкин, лекин бундай қилишга жиддий асослар бор. мисол учун бизнинг ҳолатимизни ва 36-ҳарбий зонани олиб кўрайлик. Мана, мен унга алоқам йўқлигини айтиб ўтдим. Менинг унвоним ва лавозимлик вазифаларимга кўра, бундай ахборот унча арзимайдиган даражада бўлса ҳам бунга қизиқувчилар учун маълум даражада асқотиши мумкин...

– Лекин сизга бизнинг ким эканлигимиз маълум-ку! – хитоб қилди ҳафсаласи пир бўлган Исмани хоним. – Сиз бизга ҳамроҳлик қилаётганингизнинг ўзи шубҳамизни йўққа чиқаради.

– Менимча, сиз ҳарбий мактабда бўлмаганга ўхшайсиз? У ердаги катта хонада қуйидаги шиор осиб қўйилган: “Сирнинг на дўсти, на яқини бўлади...” Тўғри, бундай ишончсизлик ҳақоратдек туюлади, лекин... – Ортик тушунтиришдан зобит чарчади, шекилли, охири бутунлай жим бўлиб қолди.

Исмани хоним хандон отиб кулиб юборди:

– Бошқача қилиб айтганда, сиз бу ҳарбий зона ҳақида бизга сўзлаб бера олмаслигингизни ёки буни истамаётганингизни одоб билан тушунтиряпсиз.

– Лекин, Исмани хоним, гапимнинг бошида мен биламан, деб айтганим йўқ, – одатдаги оғир-вазминлик билан деди капитан.

– Майли-майли, ҳечқиси йўқ. Азбаройи қизиққанымдан сўрагандим-да. Мени кечиринг, капитан.

Капитан индамади.

Орадан беш дақиқа ўтгач, Исмани журъатсизлик билан:

– Кўнглингизга олманг-у, капитан, сиз ҳозиргина уч ҳолат ҳақида гапирдингиз, янглишмасам, тўртта, шекилли. Борадиган еримиз махфий бўлмаса, сиз у ер билан таниш бўлишингиз мумкин-ку.

– Бу ҳолатни мен ҳисобга олганим йўқ, чунки уни эшлашнинг ўзи ортикча.

– Ортикча дейсизми?

– Ҳа. Бундай ҳолатда... агар борадиган ерингизни билганимда аллақачон сизларга гапириб берган бўлардим. Морра, эҳтиёт бўл!

Ҳайдовчини огоҳлантиришга ҳожат йўқ эди: улар яқинлашиб қолган бурилиш жуда кенг бўлиб, машина тезлиги соатига олтмиш километрдан ортик эмасди.

IV

Эртаси куни улар машинада Тексерут водийси бўйлаб кўтарила бошладилар.

Сайёхларга таниш, атрофи ўрмон билан қопланган Ольтро дарасигача йўл текис, равон эди. Аста-секин йўл торайиб, илонизи шакл олди. Бу, табиийки, юришни хийла қийинлаштирарди.

Ён-атроф чакалакзорга айланиб борар, уйлар эса онда-сонда кўзга ташланиб қоларди. Махаллий аҳоли кам учрарди. Водий узра кўёш чарақлаб турарди. Бу ерларда шамол фақат бир томонга эсиши сабабли дарё лабидаги дарахтлар ўша тарафга қийшайиб ўсганди. Олдинда тоғлар салобат-ла қад ростлаган. Уч йўловчи йўлда миқ этмай кетиб борарди. Кулранг паға-паға булутлар бир маромда кўкда сузиб кетмоқда. Пастдаги тоғ тизмалари узра муаллақ осилган булутлар дара томон чўзилиб кетганди.

– Ҳали узок юрамизми? – деб дам-бадам савол берарди Исмани.

– Йўк, кўп юрмасак керак, бу ерларга менинг ҳам биринчи келишим, – жавоб берди Вестро.

– Неча километр қолди экан?

– Яқинлашиб қолдиг-ов.

Ҳамроҳлар йўлнинг айрилиш жойига етиб келдилар. Ўнг тарафга кетадиган йўл дара томон кириб борарди. Тарвақайлаб ўсган арчалар билан қопланган тик қоялар орасидан Исманининг кўзи оқ тошлардан қад кўтарган калла суяги шаклидаги кўрғонга тушди. Бу манзара Исманининг руҳини тушириб юборди. Белгиланган манзил шу бўлса, ҳеч қачон бу ерда қолмайман, деган фикр ўтди унинг хаёлидан. Шундан сўнг: ҳозир ўнгга – дара томонга буриламиз, деб ўйлади у. Бирок машина тўғрига қараб йўл солди.

Орадан ярим соатлар чамаси ўтгач, тоғларнинг орасидаги йўл бир оз кенгайди. Бу ерларда ҳаво очиқ бўлиб, водий ҳам уларни кулиб қарши олгандай ястаниб ётарди. Машина мўъжазгина бензин қуйиш шохобчаси олдида тўхтади. Барчалари чарчокни ёзиш ва бир финжондан қаҳва ичиш мақсадида машинадан тушдилар.

Капитан бир оз нарида турганидан фойдаланиб, Исмани ўрта яшар, мулойим чехрали бензин қуювчига мурожаат этаркан, тоғ томон илонизи бўлиб чиқиб кетган йўлни кўрсатиб:

– Атом станциясига шу томондан юриладими? – деб сўради.

– Атом станцияси дейсизми? – бензин қуювчи, гўё нажот сўраётгандек, атрофга олазрак аланглаб олди-да:

– Бундан хабарим йўк, – деди.

– Лекин у ҳақда сен бирон нарса эшитганмисан? – Улар томон Вестро яқинлашиб келмоқда эди.

– Ҳар хил миш-мишлар юради. Об-ҳавоюм ўз-ўзидан... Об-ҳаво...

– Нима, об-ҳаво?

– Об-ҳаво ўзгарди, деяпман. Ҳозир яхши. Ёмғир ҳам тинди.

У кулиб юборди.

Ёруғ дунёнинг бу хилват пучмоғида яшовчиларнинг табиий эҳтиёткорликларини ҳисобга олганда, бундай жавобни кутиш бор гап эди. Исманини ҳайрон қолдирган нарса – бу тасдиқловчи жавоб эди. Унга ишонса бўлармикан? Исмани кўз қири билан илғаб олдимми ёки унга шундай туюлдими, ҳар ҳолда у капитан билан тил бириктиргандек, тиржайиб қўйди. Лекин Вестро бунга парво ҳам қилмади.

Улар яна машинага ўтирганларидан сўнг, Вестро ҳайдовчига бир

нима деб ғўлдиради. Ҳайдовчи водий бўйлаб йўлда давом этиш ўрнига машинани буриб, ортга қайта бошлади.

– Нима гап, тинчликми? – сўради Исмани хоним.

Вестро дона-дона қилиб тушунтирди:

– Мени кечирасизлар. Бу ерга биринчи бор келишим. Шунинг учун йўлнинг айрилиш жойини кўрмай, ўтиб кетибман.

– Қандай айрилиш жойни? – безовталаниб сўради Исмани кўнглига ўтирмаган дарани эслаб.

– Уч-тўрт километр наридан бурилиб олишимиз керак экан.

Барчалари жим бўлиб қолдилар. “Ҳойнахой, менга ёкмаган ўша ер бўлса керак”, ўйлади Исмани. “Мен ўшандаёқ тушунган эдим, кўнглим сезибди. Ўлиб қолсам ҳам бу ерда қолмайман”.

– Капитан, – деди Исмани бир неча дақиқадан сўнг. – Сўрагани айби йўқ. Агар мен...

– Хўш, хўш, қулоғим сизда, профессор, – унинг иккиланаётганини сезиб, ҳозиржавоблик билан деди у.

– Агар мен... шунчаки тахмин қилиб кўрсак... агар, қутилмаганда фикрим ўзгариб, ҳозироқ келишувдан воз кечсам нима бўлади?

– Ундай бўлса, – ўзига хос совуққонлик билан дона-дона қилиб деди Вестро, – мен сизнинг ихтиёрингиздан, хоҳласангиз, уйингизга олиб бориб қўйишим мумкин.

– Шундай ҳоллар ҳам бўлганми?

– Билмадим. Менга топшириқ берилган. Сиз, профессор, тўсатдан...

– Сенга нима бўлди, Эрманн, – кулиб сўради хотини. – Тагин мияннга қандай фикр келиб қолди, а?

Хотинининг гапи Исминининг қулоғига кирмасди. Капитаннинг жавоби уни саросимага солиб қўйди.

– Демак, – деди у, – сўнгги дақиқада ҳам бу таклифга рад жавобини беришим мумкин экан-да?

– Бундай ҳолда, профессор, сизнинг розилигингиз ҳисобга олинади ва вазирлик... Менимча, сизнинг истагингиз ихтиёрий, мажбурий эмас...

– Капитан, тўғриси айтсангиз, ҳамкасбларимдан биронтаси бундай ишдан бўйин товлаганми?

– Билмадим. Бўйин товлаган деб айтолмайман. Бунақасини эшитмаганман ҳам. Сизга айтяпман-ку, у ерга ўзимнинг ҳам биринчи марта боришим.

Исмани қандай қарорга келишни билмай, иккиланиб, жим бўлиб қолди. Шунча йўл босиб келиб, энди ортга қайтиш ғалати ва кулгили ҳол бўлур эди – ахир у ёш бола эмас-ку! Одамни ютаман деб савлат тўкиб турган совуқ қоядор дарани ёмон кўриб қолганди. Шундай бўлса-да, Исмани бир қарорга келишга ошиқмади. У тахмин қилганидек, машъум дара бошланадиган ерга келганда машина юришини секинлатди.

– Биз шу ёққа юришимиз керакми?

– Йўғ-е, – жавоб қилди Вестро, – мутлақо бошқа томонга юрамиз, – шундай дея Вестро қарама-қарши томонда жойлашган қияликни кўрсатди.

Эр-хотин Исмилилар ўнг томонга нигоҳларини тикдилар. У ерда асосий йўл билан ёнма-ён бошланган водийдаги дарё ва кўприкни кўрдилар (аниқроғи, бу ерда тошларга тўлиб кетган кенг дарё саёзланиб оқмоқда эди).

Қарама-қарши тарафдаги дарага нисбатан бу водий кенг, ям-яшил бўлиб, кўзни қувнатарди. Тартибсиз ҳолатда бир-бирига туташган ўрмон

ва яйловлар пастқам тепаликларгача бориб тақалди. Бу гўзал водийнинг ичкарасига кириб боришар экан, узук-юлуқ тоғ тизмалари кўзга ташлана бошлади. Бу ердаги тоғлар кўркавроқ эканми, ё офтоб бу ерда бошқача нур сочар эканми, ҳар ҳолда, Исманининг кўнглидаги ғашликдан асар ҳам қолмади.

V

Ортидан ясси тепалик кўриниб турган йўл бирдан кенгая бошлади; ана шу ерда назорат пункти жойлашган эди: шунингдек, унча катта бўлмаган казарма ҳам бўлиб, антенна ва байроқ ҳам кўзга ташланарди. Казарма оддий ёғоч тўсиқ девор билан ўраб олинганди, сал нарида бир стол ва ташландиқ ит катаги бор эди.

Бу ернинг табиати ниҳоятда гўзал ва сўлим. Тексерут водийси томон чўзилган ўрмонлар, водий ниҳоясида ярақлаб оқаётган дарё, ажойиб соҳил, катта йўл, у ер-бу ерда қад кўтарган уйчалар, ҳавода муаллақ осилиб турган ғубор, хуллас, тоғ жойларга хос ва мос бўлган сокинлик ва шинамлиқ мужассам.

Орка томондаги манзара бутунлай бунинг акси. Ўрмон ўрнини бетартиб сочилиб ётган қоялар эгаллади, уларнинг усти ёввойи ўтлар ва буталар билан қопланган эди; ундан у ёғи – бўшлиқ жойлар. Атрофдаги қия тоғ деворлари умумий гўзал манзарани бузиб турарди, бу ҳолат кишига маъюслик бағишларди.

Эр-хотин Исманиларни навбатчи лейтенант Троцдем кутиб олди. Буларнинг келишидан аввалдан хабардор бўлганлиги учун у меҳмонларга тушлик тайёрлаш ҳақида буйруқ берганди.

Назорат пунктида бир оз ушланиб қолишларига тўғри келди. Капитан Вестронинг ёпиқ ҳарбий зонага кириши учун рухсатномаси йўқ эди. Исманилар кетаётган Марказдан уларни олиб кетиш учун бошқа машина келиши керак экан. Лейтенантнинг гапига қараганда, машина тайёр экан-у, лекин яна бир одамнинг – муҳандис Стробеле аёлининг келишини кутиб туришлари ва улар биргаликда Исманилар билан сўнги йўлни босиб ўтишлари лозим эди.

Қанақа Стробеле? Лейтенантнинг мужмал тушунтиришидан Исмани ҳойнаҳой Стробеле юқорида ишлайдиган катта амалдорлардан бири бўлса керак, деган хаёлга борди. Унинг аёли билан Исманиларнинг келиши бир вақтга тўғри келиши шунчаки бензинни тежаш мақсадида эмас, балки каттиқ қўриқланаётган зона чегарасидан ўтишларини имкон қадар камайтириш зарурати юзасидан қилинган эди. Эр-хотин Исманиларни ошхона вазифасини ўтайдиган торгина казармага жойлаштирдилар. Бу ерда бошқа ҳарбийлар ҳам хизмат қиларди. Улар кичик лейтенант Пикко, катта сержант Амброзини, катта сержант Интроццилардан иборат эди.

Хизмат юзасидан зудлик билан ортига қайтиши кераклигини айтиб, капитан Вестро улар билан хайрлашди. Унинг бу ерлардан тезроқ кетишга ошиқаётганлиги шундоққина сезилиб турарди.

Вестронинг жўнаб кетиши Исманининг оддий ҳаёт билан боғлаб турган сўнги ришталарини узиб юборди. Энди янги саргузаштлар бошланаётган эди. Атрофида бўлаётган гаплардан Исманининг безовталиги янада ошиб борарди.

Шу ондаёқ Исмани на лейтенант Троцдеам, на Пикко ва бошқалар бу тепаликда нима бўлаётганидан мутлако беҳабар эканликларини тушуниб етди. Сон жихатдан унча катта бўлмаган ҳарбий гарнизон 36-зона атрофида жойлашган бошқа назорат пунктлари билан биргаликда фақат кўриклаш вазифасини бажарар экан. Бу ер ташқи тўсиқ ҳисобланиб, унинг вазифаси зонага бегоналарни киришига йўл қўймаслик ва атроф-ҳудудни назорат қилишдан иборат эди. Гарнизон зобитлари ва аскарлари марказга бўйсунмас, зонага кириш ҳуқуқига эга эмасдилар, шу билан бирга у ерда бўлаётган ишлардан ҳам беҳабар эдилар.

Уларга қаттиқ кўриклаш тайинланганди. Аммо бу ҳудуднинг махфийлиги ва унда қандай сир яширинлигидан ўзлари ҳам беҳабар эдилар. Қизиқ, атом станцияси қурилаётганмикан?

– Профессор, Худо хайрингизни берсин, мендан ҳеч нарсани сўраманг, – деди лейтенант Троцдем. – Агар сизгаки номаълум бўлса... Мен бу ерда беш ойдан буён ишляпман. Келган куним нимани кўрган бўлсам, бундан ортигини билмайман. Улар нимани махфий тутишяпти ўзи, хайронман. Сир... сир... атрофимиз сир-синоатга тўла... Бу қандайдир шайтоннинг васвасасига ўхшайди. Ўз-ўзидан маълумки, ҳар биримиз нимадандир гумон қиламиз. Бемаъни ўй-хаёлларга бериламиз... Бир нарсани айтишим мумкин: менга омад кулиб бокди, деб ҳисобланг, профессор. Бир неча соатдан сўнг манзилга етиб боргач, ҳамма нарсадан хабардор бўласизлар. Ҳеч нарса айтмаётганингиз бизни қизиқтирмайди. Бизнинг вазифамиз кўриклаш ва нокерак жойга бурнимизни тикмасликдан иборат. Шундайликка шундай-ку, фақат икки қадам нарида туриб, ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ-да. Манави қояларни кўряпсизми? Ўша ерга чиқсангиз, доvon ҳам баланд эмас, бор-йўғи юз метрлар чамаси. Тепадан туриб кўриш мумкин. Аммо бу ман этилган, бизларга – ҳарбийларга бундай қизиқиш қимматга тушиши мумкин... – дея у мийиғида кулиб қўйди. – Ва шунга қарамасдан... Бир сўз билан айтганда, қўл остимда қирққа яқин аскар бор, қўшимча кучлар йўқ. Бу ерда аёл зоти йўқ. Бунинг устига ҳарбий сир. Турли хил тахминлар... Ҳеч бўлмаганда нимани кўриклаётганимизни билсак ҳам майли эди. Сургуннинг ўзгинаси... Шундай бўлса-да... Биласизми, бу ердан ҳеч кимнинг кетгиси йўқ. Ўлгудек зерикарли, кунинг бир хил кечади, қизларнинг кўриниши қандай эканлигини ҳам унутиб юборганмиз... Элиза хоним, ҳозир сиз, – мурожаат этди у Элиза Исманига қараб, – сиз мен учун, билмайман, нима билан қиёслаш мумкин, гўё осмондан тушган... Аммо бу ер бизга жуда ёқади. Қайфиятимиз аъло, иштахамиз жойида. Сиз бу ҳолатни тушунтириб бера оласизми?.. Хоним, мен оддий одамман... аммо сизга айтсам... агар бу ерда атом станцияси бўлса, унда бу жуда ғалати.

– Ғалати?

– Бу ерда содир бўлаётган ишлар жуда ҳам ғалати...

– Тавба, нималар бўляпти-а? Нималар? – ҳаяжонланиб сўради Исмани.

– Бу қанақаси, лейтенант, – кўркувга тушган эрини кўриб, гапга аралашди Элиза, – лейтенант, ахир ҳарбий сирни сақлашингиз керак эмасми? Нега сиз буларнинг барчасини хотиржам сўзлаб бераяпсиз? Балки, биз иккимиз жосус эмаслигимизга ким қафолат бера олади?

Троцдем кулиб юборди.

– Йўқ, бахтимизга, бунга бизнинг ҳеч қандай алоқамиз йўқ... Сир анави

казарма ортидан бошланади. Биз бўлсак ундан четдамиз... Бизга ана шу сир этишмай турганди. Агар биз ҳеч нарсадан воқиф бўлмасак, ана шу ҳеч нарса ҳақида истаганча фикр билдиришимиз мумкин.

Элиза Исмани уни жаврашдан тўхтатиб бўлмаслигини тушунди. Лейтенант тинмай жаврагани-жавраган. Ва ниҳоят, беш ой мобайнида тўйиб гапириб олаётганига ўзи ҳам ишонмаётганди, чоғи. Унинг гаплари узук-юлук, ақлга тўғри келмайдиган – эҳтимолдан узоқ гаплар эди.

VI

– Марказнинг қурилиши, – лейтенант ўз ҳикоясини шундай бошлади, – бундан ўн йил аввал бошланган эди. Зона атрофи ўраб олинди. У ерга юзлаб, балки минглаб ишчилар ва мутахассисларни олиб келдилар, уларни баракларга жойлаштирдилар. Пойдевор учун чуқур қазилар ишлари бошланиб кетди, аввалига ҳамма у ерда гидроэлектростанция тўғони қурилса керак, деб ўйлади. Ҳақиқатан ҳам электростанция билан тўғон қурилди, шу билан бир вақтда, қандайдир корхонанинг, ҳатто бир неча корхоналарнинг деворлари қад кўтара бошлади. Қаттиқ назорат ўрнатилди. Меҳнат стажи беш йилдан кам бўлмаган ишчилар завод ва тўпхоналардан олиб келинди. Қурилиш майдонлари бир-биридан ажратилган ҳолда қурилди, уларнинг ҳар бирида ишлар алоҳида олиб бориларди. Бунга сабаб, ҳеч ким умумий режани пайқаб қолмаслиги учун қаттиқ назорат қилишарди.

Саккиз йил давом этган қурилишдан сўнг, деярли барча ишчиларни бу ердан олиб кетдилар. Улардан озгинаси шу ерда қолди. Агар бу атом заводи бўлса, у автоматик равишда ишлаган бўлар, ишчилари ҳам озгина бўларди. Унда бу заводмикан-а? Троцдемнинг фикрича, юқорига катта миқдорда электр ускуналари келтирилган экан, лекин улар қандай ускуналар, нималарга ишлатилишидан унинг хабари йўқ эди.

Қурилиш битгач, ҳаммаёқда осойишталик ҳукм сура бошлади. Корхона қурилиб битган, деб айтиш мумкин эди.

Лекин завод ишга тушдими? Бу жумбоқ эди: корхонага тушиб-чиқадиган юк машиналари бармоқ билан санарли эди, бу эса чиқарилаётган маҳсулот ниҳоятда оз ёки умуман йўқлигидан далолат берарди. Аслида хом ашёни ўша ернинг ўзидан олишлари, чиқарилаётган маҳсулотларни ўша ерда сақлашлари мумкин эди. Бошқа тахминга кўра, бу корхона ҳеч қандай маҳсулот чиқармай, балки фараз қилиш қийин бўлган бошқа бир фаолият билан шуғулланса керак.

Троцдем турли сабаблар билан тепаликка дам кўтарилиб, дам қайтиб тушаётган ишчилар билан тез-тез гаплашиб турарди. Аммо бу суҳбатлардан бирон нарса билиб олиш амримаҳол эди. Одамлар қатъий огоҳ қилингани сабаб тилларига эҳтиёт бўлардилар, лекин қанча сир сақламасинлар, бу ердаги ишлар ҳақида аниқ тушунчага эга эмасдилар.

Троцдем фақат бир муҳим маълумотни билишга муваффақ бўлганди. Айнан раҳбарият ва бош техник мутахассислардан ташқари қолган ишчилар бу ердаги олиб борилган ишларнинг бошидан-охиригача иштирок этишмаган. Кўпи билан икки йил ўтгандан сўнг барча ишчилар алмаштириб туриларди, шунинг учун ҳам улардан биронтаси бу ерда олиб борилаётган ишлар ҳақида тўла маълумотга эга эмасди.

Лейтенант Троцдемнинг фикрича, 36-зонанинг ташқи чегарасида

жойлашган гарнизондаги баъзи бир ҳоллар ва олиб борилаётган ишларни тушунмасалар-да, уларни кузатиш қизиқ кўринган эди; қизиқлигининг асосий сабаби тирик гувоҳ бўлганлигида эди. У яна қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

Гарнизон зобитлари ва солдатлари тик қоялар бўйлаб тортилган тиканли сим тўсиғидан 36-зона ҳудудига ўтишлари қатъиян ман этилганди. Ҳар қандай шубҳали одам ёки кичик бир ҳодиса ҳақида ҳам радиоузатгич ёки телефон орқали Марказ қўмондонлигига зудлик билан хабар бериш уларнинг вазифасига кирарди. Буни қаранг-а! Охирги вақтларда огоҳликни ошириш тўғрисидаги юқоридан келаётган талаблар шундай кўпайиб кетдики, гўё ҳар дақиқа душман ҳужум қилиб қолиши мумкиндек эди. Мана бу иш жуда ғалати туюларди. Ҳар сафар патруль ёки жойлардаги назоратчилар кўпинча ўрмончилар ёки овчиларни пайкаб қолгудек бўлсалар, бу ҳақда радио орқали ва кетма-кет уч маротаба хуштак чалиб хабар берганларида, кимдир бу ҳақда аввал хабар берилганлигини билиб олардилар. Марказдан Рио-Спреа водийсидаги етмиш саккизинчи квадратнинг ўнг сектори устидан назорат кучайтирилсин (ҳудуднинг топографик харитаси рақамланган квадратларга бўлиб чиқилган эди) деган буйруқ келган эди. Айнан шу ер ҳозиргина аскарлар номаълум кимсани пайкаб қолган ер бўлиб чиққан эди.

Баъзи ҳолатларда: “Икки номаълум кимса ўнинчи квадратдаги қоялар остидан кетиб бормоқда. Инобатга олинсин”, деган маълумот олинарди.

Соқчилар ўтиб бораётганларни пайкамаган ҳоллар ҳам бўларди. Троцдем ўз-ўзига бу нимани англатади, деган саволни берарди. Наҳотки, кўзга кўринмас кимса ҳам улар билан биргаликда гарнизонни кўриқласа ва улардан аввал ахборотни тезкорлик билан аниқ етказса? У ким ўзи? Қаердан кузатадилар? Ахир гарнизон атрофида шубҳали ҳеч кимни кўрмаган эди-ку? Қия қоялар ён-верида ҳам соқчилар кўринмасди. Марказда сеҳргарлар ўтирибдими экан-а?

– Лейтенант, лекин сиз ўзингиз, – бўш келмасди Исмани, – тепадаги қурилмани ўз кўзингиз билан кўрганмидингиз?

– Бирон мартаям кўрган эмасман. Айтдим-ку, бизни у ерга яқинлаштирмаганлар деб, биз фақат тоғу ўрмонларни кўрамиз, холос. Бир километр узоқликда жойлашган фаришталар водийсида у-бу нарсани кўрса бўларди, холос.

– Айнан нимани?

– Ким билади дейсиз... Деворнинг бир қисмини – на ойна, на тешик бор. Девор ортида радионикига ўхшаш баланд антенна бўй чўзиб турибди, унинг учидан эса қандайдир думалоқ нарса бор.

– Думалоқ нарса?

– Ҳа, шундай. Уни қимирлайди, деб айтгандилар.

– Қандай қимирлайди?

– Ўз ўки атрофида айланармиш.

– Нима учун?

– Мендан сўраяпсизми?

– Бу жумбоқ. Бу ердаги ҳамма нарса тилсим қилинган каби жумбоқ.

– Сиз у ерда атом қурилмаси бор деб ўйламайсизми?

– Айтадиганимни айтдим сизга. Мендек оми бир одам нимани ҳам тушунарди дейсиз... агар бу атом қурилмаси бўлганида эди, биз орқали турли хил юкларни олиб ўтган бўлардилар. Сўнгра...

– У ерга фақат шу йўлдан бориладими? – сўради Исмани.

– Юклар олиб ўтиш учун осма кўприк ҳам бор. Аммо ундан вагончалар ўтиб туради, юклар тўлиқ кетяптими ёки бўшми, бизга номаълум... – дея гапга аралашди кўшни столда жим кулоқ солиб ўтирган кичик лейтенант Пикко. – Сиз, яхшиси, овоз ҳақида ҳикоя қилиб беринг...

Троцдем елкасини қисиб қўйди.

– Унга кулоқ солманг, профессор, мен бунга ишонмайман. Бу эртак бўлса керак. Кўпгина аскарларимиз қандайдир овоз эшитилаётганини айтгандилар. Бу овоз эркаклар овозига ўхшамас эмиш.

– Ўша овоз тепалиқдан эшитиладими?

– Ҳа, ўша тепалиқдан.

– Нималарни гапиради?

– Ҳеч ким тушунмайди.

Баъзилар уни хорижий тилда гапиради, шунинг учун тушуниб бўлмайди дейди. Бошқалар овоз узоқдан келаётгани учун тушуниб бўлмайди дейишади. Шахсан мен уни бирон мартаям эшитмаганман.

Исмани кичик лейтенант Пикко томон ўгирилди.

– Сиз-чи, эшитганмисиз?

– Мен... менга бир неча бор эшитилгандек туюлди... Аммо тўғриси айтсам, эшитдим деб айтолмайман ҳам...

– Ана кўряпсизми? – деди Троцдем. – Ростига келганда, сўзидан қайтишади. Ҳар хил миш-мишлар жуда кўп, бу бор гап деб ҳамма онт ичади, фақат ҳеч ким овозни фалон куни, фалон соатда эшитдим, деб айтолмайди. Барчаси уйдирма, бунинг ажабланадиган жойи йўқ: ҳар қандай сир атрофида турли хил ишониб бўлмайдиган миш-мишлар юради.

– Хўш, нега итлар ҳақида сўзлаб бермаяпсан? – деди Пикко. – Ахир уларни ўзинг кўргансан-ку.

– Итлар ҳақида? – қизиқиб сўради Исмани.

– Ҳа. Буни гапирмасаям бўлади. Нима десам экан?.. – деди Троцдем.

– Сизлар шу ерда боқадиган итлар ҳақидами?

– Боққан эдик. Иккаласи ҳам бўридек келадиган итлар эди. Лекин улар хизматга ярамадилар. Уларни бу ега олиб келишгач, қаттиқ безовталана бошладилар.

– Нима, улар қаттиқ акиллармиди?

– Йўқ, қизиғи шундаки, улар акилламасди. Увилларди. Жон-жаҳди билан тепалик томон талпинардилар.

– Қайси тепалик томон?

– Шу ёққа, қояларга қараб. Хуллас, уларни келган жойига қайтариб юборишга мажбур бўлдик.

– Фақат уларними ё бошқаларини ҳамми?

– Бу ерга келган итларнинг бари шу ҳолатга туша бошлади. Ҳатто сержант Интроцци олиб келган тулки боласи ҳам қоялар томонга қараб ҳолдан тойгунча увиллай бошлади...

Шу пайт моторнинг гувиллаган овози кулоққа чалинди. Машина тепалик томон кўтарилаётганди. Стробеле хонимни олиб келаётган машина казарма томон яқинлашиб келмоқда эди.

VII

Ольга Стробеле ўзи билан бирга бу ерга бир дунё қувонч олиб келди. У оппоққина, сепкилдор, бодомқовоқ, ғунча лабли, малла соч, қад-қомати

келишган йигирма саккиз ёшдаги аёл эди. Очиқ чехрали, бу аёлнинг кулиб туриши ўзига ярашиб турарди. Бели ингичка бўлиб, оёқлари ғоятда келишган эди. У ниҳоятда лагофатли, шу билан бирга қайсаргина ҳам. Ўтиб кетаётганлар унга албатта бир ўгирилиб қараб кўярдилар.

Аёл Исманини кўриб, дархол сўроққа тута кетди:

– Айтинг-чи, сиз Томмазео лицейида дарс бермаганмисиз? Бундан ўн бир йил аввал.

– Ҳа, топдингиз. Сиз буни қаердан биласиз? Мен тўрт йил ўша лицейда алгебрадан дарс берганман.

– Вой, сиз-ей! Қани, менга бир яхшилаб қаранг-чи! Менинг чехрам сизга таниш кўринмаяптими?

– Балки... Эслаш қобилиятим сустроқ... Устига-уштак сиз аёллар...

– Ольга Коттиниман. Эсладингизми? Икс баробар квадратдаги илдиздан иккига... Сиз мени имтихондан йиқитгандингиз. Ҳозир эслолмаяпсиз. Ҳали кўрасиз, мен сиздан ўчимни олмай кўймайман.

– Агар билганимда эди... агар мен олдиндан кўра билганимда эди, – деди Исмани аёлнинг ҳазилидан қизариб-бўзариб.

– Яхши-яхши, сизни кечирдим. – Аёл Исманини қучиб, икки юзидан ўпиб ҳам кўйди. Сўнг ўгирилиб, Исмани хонимга юзланди-да: – Кечирасиз, – деди. – Жанкарло мени доимо ёввойисан дейди... қаранг-а, мени имтихондан йиқитган ўқитувчимни шу ерда кўриб турсам-а! Яна қаерда денг, кимсасиз жойларда... эрингизни кўргани кўзим йўқ эди! Уни қарғаган ҳам эдим! Ҳурматли профессор, имтихонни жуда қаттиқ олардингиз ўзиям. Мен қаттиқ изтироб чекканман... Лекин сиздан ўчимни олмасамми, жаноб Исмани, ҳа, сўз бераман бунга. Ольганинг бу ҳазилидан Исмани хонимнинг жаҳли чиққани йўқ. Қайтанга ўзлари билан бундай очиқ, қувноқ аёлнинг ҳамроҳ бўлганидан суюнди. Унинг бу ердалиги эрини турли хил ваҳималардан халос бўлишига ёрдам беради ҳам. Ольга Стробеле барча эркакларга ёқса-да, унга нисбатан эрини сираям рашк қилмади. У эри Эрманга жуда ишонади. Элиза Ольгани сўроққа тутди:

– Турмушга чиққанингизга анча бўлдимиз?

– Яқинда уч ой бўлади.

– Юқорида яшайсизларми?

– Йўқ, бу ерга биринчи бор келишим. Биласизми, турмушга чиқиб, ҳали рўшнолик кўрганим йўқ. Тўй қилиб, ўн кунгина асал ойига бориб келдик, холос. Маълумотнома эржоним эса мени бева қилиб ташлаб кетди.

– Маълумотнома?

– Бунга эътибор берманг. Ҳазиллашиб шундай деб атайман. Ундан бирон нарсани сўрасангиз, зумда тушунтириб беришга суяги йўқ. Шунинг учун ҳам маълумотнома дейман. Хуллас, бир ҳафтадан сўнг у мени ташлаб кетди. Шошилишч, мутлақо махфий иш чиқиб қолди, деди. Ўн йилдан буён юқорида – Марказда ишласа ҳам, ҳеч ишга тўймайди. Мана, энди мен ҳам унинг ортидан югуриб юришга мажбурман.

– Қайтанга, энди дийдор кўришасизлар.

– Мен бу ерда йигирма кунлар, кўпи билан бир ой бўламан. Сўнг иккимиз биргаликда уйга қайтамиз. Унинг айтишича, бу ердаги ишини деярли тугатибди.

– Қандай иш экан? – журъат қилиб сўради Исмани.

– Кечирасиз, мутлақо беҳабарман, хабарим йўқ.

– Корхона жуда катта бўлса керак?

– Қандай корхона?

– Анави юкоридаги-да.

– Нима? Профессор, ҳали сиз у ерда бўлганингиз йўқми? – гўё қандайдир шубҳани сезгандек, бошини бир оз энгаштириб унга қаради Ольга. – Сиз у ерда бирон мартаям бўлмаганмисиз?

– Йўқ, бирон мартаям бўлмаганман!

Исмани барча тафсилотларни икир-чикиригача билишга ошиқарди. Аммо, эҳтиёткорлик юзасидан Троцдем ва Пикко ҳузурида бундай беадаб саволларни беришдан ўзини тўхтатиб қолди.

Эр-хотин Исманилар ва Стробеле хоним Марказдан уларни олиб кетишга келган машинага ўтираётганларида қош қорайиб қолган эди; Машинани ҳарбий киши бошқариб борарди. Улар Троцдемга энг катта жомадонларини қолдириб (у уларни бошқа машинада етказишга ваъда берган эди), хайрлашдилар ва тепалик томон йўл олдилар.

Назорат пунктдан сўнг илонизи йўл тўғриланиб, тепалик томон чиқа бошлади. Қоронғулик ён-атрофга ўз чодрини ёйган, устига-устак, қуюқ тушган туман ўрмонни кўришга ҳалақит берарди. Кутилмаганда сарғиш тик қояга етганда машина тўхтаб қолди.

Гира-ширада тош деворга ўрнатилган катта темир дарвозани Исмани ҳадеганда пайқамасди. Сўнг турган жойларидан ўнг ва чап тарафга уч-тўрт қатор қилиб тортилган тиканли сим кўринди. Ва қандайдир думалок шаклда туртиб чиқиб турган нарсалар – хойнахой, юкори кучланишли изоляторлар бўлса керак, уларнинг диққатини ўзига тортди.

Бу ерда бирон жонзот кўринмасди. Ён-атроф совуқ ва зах бўлганидан киши кўзига хунук кўринарди. Ҳайдовчи:

– Бир неча дақиқа кутиб туришимизга тўғри келади, – деди. – Мен сизларни олиб келиш учун кетаётганимда, туннелни тозалашаётган эди. Юқоридан кўчки тушибди.

– Бизнинг бу ерга келганимизни уларга айтдингизми? – сўради Элиза Исмани.

– Айтишимнинг ҳожати йўқ. Улар келишингиздан хабардор, – деди солдат.

– Қанақасига?

Ҳайдовчи бу аёлнинг саволига жавоб бериш керакми ёки йўқми дегандай унга тикилиб қараб қолди. Аёлга ишонч билдирди, шекилли, бармоғи билан элас-элас кўзга ташланиб турган чорси дарвозани кўрсатди.

Элиза тилини тишлаб қолди. Бу ерда қандайдир суратга олувчи телекамера ё бўлмаса яна бирон нарса бўлса керак, деган хаёлга борди у.

– Мен машинадан тушиб, бир оз юрмасам бўлмайди, оёғим шишиб қолибди, – деди Ольга Стробеле.

– Мен ҳам тушаман, – деди Исмани ҳам ўша-ўша қизиқувчанлик билан.

Улар жарлик тепасидаги йўл бўйлаб бир неча метр пастликка тушдилар. Туман қуюқ бўлганидан жарлик тубини кўриб бўлмасди. Кўзга фақат тошларнинг туртиб чиққан жойларию ақл бовар қилмайдиган ерларда ўсган арчаларнинг учигина кўринарди, холос. Ольга Исманини қўлтиқлаб олганди, Исмани шу дамгача ҳис этмаган ҳузурни туя бошлади. Ольга

ҳар қандай эркакнинг ҳис-туйғусини уйғотишга қодир аёл эди. Исмани туман ва рутубат, дарахтлардан чиққан елимлар хидига омукта бўлиб кетган атир-упаларнинг ёқимли исини ҳидлаб борарди.

Ольга атайлаб қилаётгандек индамай борар, у Исманининг биринчи бўлиб гап бошлашини кутар, унинг саросимага тушиб қолганидан роҳатланарди. Исмани ортига қараб қўйди: қуюқ туманда машина деярли кўринмасди.

– Ольга хоним, – деди Исмани ниҳоят, – бу ерда гапимизни ҳеч ким эшитмайди. Кечирасиз, тепада – Марказда нима билан шуғулланишларини билсам бўладими?

– Профессор, – жавоб қилди ҳамроҳи шўхчан. – Бир гал мени имтиҳондан йиқитганингиз етмагандай, энди устимдан кулмоқчимисиз?

– Азизам, эрингиз қандай иш билан шуғулланиши сизга маълум-ку, ахир. Аёл хандон отиб кулиб юборди.

– Эримми? Бу сизга ҳам маълум-ку! Профессор, агар сизни Марказга юборишган бўлса, менимча, сиз ҳамма нарсадан хабардор бўлишингиз керак, шундай эмасми?

– Албатта, йўқ. Ҳеч нарсадан хабарим йўқ, барчаси менга қоронғу.

– Нега энди? Сўрамадингизми?

– Вазирликда айтмадилар.

– Ия, шунга қарамай, бу ерларга келишга рози бўлдингизми?

– Кўриб турганингиздек. Мен бундай сир сақлашларни ёқтирмайман. Истардимки...

– Мен бўлсам, сиздан ҳам кам нарсани биламан.

– Наҳотки сизга эрингиз ҳеч нарсани тушунтирмаган бўлса? Мана бу махфий Марказ ҳақида гапириб бермаганми? Ахир бирон нарса айтгандир? Ҳеч бўлмаганда, дейлик...

Исманининг қалбида хавотирлик ва ғулғула тобора ортиб борарди. У гўё бир баҳайбат ва даҳшатли нарса олдида ўзини ожиз ҳис этаётгандек эди. Уруш вақтида ҳам худди шунга ўхшаш ҳолатга тушиб қолганди.

– Эҳ, нимасини айтасиз, мен бир ожиз бандаман, ҳа, ожиз бандаман! Саволингизга жавоб беролмаганлигим учун яна имтиҳондан ўта олмадим.

– Тавба, бу нима ўзи? Заводми?

– Мутлақо беҳабарман. Жанкарло қандайдир бир лаборатория ҳақида гапирган эди.

– Қандай лаборатория ҳақида? Кимёвийми?

Шу топ машина сигнали эшитилди.

– Профессор, бизни чақиришяпти. Сим-сим очил, тоғлар кенг очилсин... албатта, бу сўзим маъқул бўлса. Қани, кетдикми, профессор?

Ольга қўлидаги папиросини отиб юборди. Папироснинг қизил чўғи жарлик томон учиб, сўнг кўздан ғойиб бўлди.

Улар машина томон йўл олдилар. Аёл деярли югургилаб борарди.

– Хўш, шундай қилиб сиз менга ҳеч нарса айтмайсизми? – сўради Исмани аёлдан ортда қолмасликка ҳаракат қилиб.

Ольга гўё Исманининг гапини эшитмагандек, жим кетиб борарди.

VIII

Улар манзилга етай деганда атрофни қоронғулик босиб, ёмғир шивалай бошлади. Машина тоғ ичидан ўтказилган туннель йўлдан кетиб бормоқда.

Туннелнинг ичи майдон каби кенгайиб борарди. Бир вақт зич ёпилган темир тўсиқли тўртга эшик кўринди. Кутилмаганда атрофни зим-зиё қоронғулик чулғади: шифтдаги лампалар ва машина фаралари ҳам ўчди.

– Нима бўляпти? – саросимага тушиб сўради Исмани.

– Кўркманг, профессор, чироқ бир неча сонияга ўчди, холос, – жавоб берди ҳайдовчи.

Қоронғуликда темир тўсиқларнинг кўтарилаётгани эшитилди. Тўрт эшикдан биттаси – темир эшик кўтарилаётгани чоғи. Шундан сўнг машина ичидаги асбоб-ускуналар устидаги тахтада ёниб турган қизил ёғдуда ҳайдовчи машинани аста жойидан жилдирди.

Машина ичкарига киргач, ёпилаётган темир тўсиқнинг ғичирлагани эшитилди. Бирдан чироқ чарақлаб ёнди.

Улар тик кўтарилиб борар эдилар; энди туннель айлана шаклда уч дарвозали ерости майдонигача давом этарди. Бу ерда ҳам чироқлар бир зумга ўчиб, сўнг яна ёнди. Ён-атрофда бирон жонзот кўринмасди.

Исманининг тахмини бўйича яна тўрт юз метр йўл босдилар. Ниҳоят, ёп-ёруғ ялангликка чиқиб келдилар.

Деразасидан чироқ ёғдуси тушиб турган мўъжазгина уй кўринди. Исмани машинадан тушиши билан бирон одамни кўриш мақсадида атрофга аланглади. Бироқ назорат масканига олиб борадиган ердан бошқа жой зимистонлик оғушида эди, шундай бўлса-да, қоронғулик ичидаги бу уйнинг икки томонида баландлиги тўрт метрлар келадиган деворга кўзи тушди. Ҳойнаҳой, бу тўсиқ бўлса керак. Шу тобда очиқ чехра билан кўлини силкитганча қирқ ёшлар чамасидаги муҳандис Жанкарло Стробеленинг қораси кўринди.

Стробеле қадди-басти келишган, ақлли, ўзига ишонган эркакка ўхшарди. Жанкарлонинг кибр-ҳаво билан келиши уни яқиндан танимаган Исманига ёқмади.

Жаркарло хотини Ольгани кучоқлаб олди, сўнг эр-хотин Исманилар билан очиқ чехрада сўрашди. Сўнгра барчалари саноат корхонасининг даҳлизига ўхшаш хонага кирдилар.

Қисқа йўлакдан ўтишди. Стробеле уларга йўл кўрсатиб бормоқда эди. Улар яна кўчага чиқишди. Бу ерда уларни уйни айланиб ўтиб, ён дарвозадан кириб келган машина кутиб турарди. Бир неча юз метр узоқликда милтиллаган чироқлар ёғдуси кўзга ташланарди. Бу эса ўша жойларда уйлар борлигидан далолат берарди. Ёмғир тинай демасди. Қиялик бўйлаб кўтарилиб бораётган машина чироқлари қоронғуликда дам қоя тошларни, дам арчаларни, қуюқ игна баргли дарахтларни ёритганча лампалари ёниб турган уйга яқинлашиб борарди.

– Мана, етиб келдик, – деди Стробеле кўринишдан қишлоқ уйига ўхшаб кетадиган шинам, мўъжазгина уй олдига етиб келганларида. – Мана шу ерда яшайсизлар. Мен анави ерда яшайман, – деди у бир оз пастда жойлашган уйни кўрсатиб. – Юқоридаги анави уйда бошлиғимиз Эндриад туради. Уйнинг иккинчи қаватини эса ҳарбий вазирликдан келган инспектор майор Мирти эгаллаган. Марҳамат, жойлашиб олинглар. Бир оз совуқроқ. Менимча, каминга ўт ёқилган бўлса керак... Исмани хонимга уй ишларида аввал шу ерда Алоизининг уй хизматчиси бўлган ажойиб бир қиз қарашади. Исмани, сен уни танийсан? Тўғрими?

– Кимни? Алоизиними?

– Ахир уни ким танимайди дейсан!.. Алоизи бу ерда ўн йиллар чамаси

яшади. Буюк инсон эди у. Унинг ихтиролари одамлар кулоғига ҳали етиб бормаган, лекин шундай кун келадики... бечора бундан икки ой муқаддам вафот этди.

– Шу ерда вафот этдимиз?

– Алоизи ов қилишни хуш кўрарди. Бир ўзи тоғларда ёлғиз кезарди. Бир куни у қайтиб келмади. Биз уни уч кундан сўнг топдик. Қоядан қулаб тушибди. Биз учун бу ҳар томонлама катта йўқотиш бўлди. Бу ерда – Марказда яратилган нарсалар учун... – Стробеле маънодор кулиб қўйди. – Биз Алоизи олдида қарздормиз, камида қилинган ишларнинг эллик фоизи учун. Агар бу кўнгилсиз воқеа тўрт-беш йил аввал содир бўлганда эди, биз Энриад билан балки ишни охиригача... балки уни амалга оширармидик...

– Демак, мен... – довираб деди Исмани, – демак, мен... Мени бу ерга юборишдан мақсад... Хуллас, мен унинг ишини давом эттирар эканман-да?

– Йўқ, йўқ. Бундай бўлмаса керак. Ҳеч бўлмаганда сиз бошқа одам ўрнига, яъни менинг ўрнимга...

– Сизнинг? Нима учун? Нима, сиз кетяпсизми?

– Ҳозир эмас. Бир ярим, икки ойлардан кейин. Худога шукурки, шундай деб аташ лозим бўлса, менга боғлиқ иш ниҳоясига етди... У ерда меҳмонхона, анави ерда кичикроқ ишлаш хонаси, у томонда яна шундай хона, унинг орқасида ошхона жойлашган. Ётоқлар иккинчи қаватда. Умуман олганда, гапимга ишонинглар, бу уйлар яшаш учун қулай қурилган. Менга ёқмайдиган бир жойи бор, холос. У ҳам бўлса меҳмонхона ўртасидаги инглиз услубида ясалган зина. Баъзиларнинг фикрича, ётоқлар қулай қурилмаганмиш. Тўғри, ҳамма товуш юқорига яхши эшитилади. Эшиклар залворли. Улар зич ёпилса-да, пастда радио қўйиладиган бўлса, ҳаммаси тепага эшитилади. Ўйлашимча, сизлар бир-бирингизга ҳалақит бермасангиз керак. Жустина ҳам сизларни безовта қилавермайди. Сизлар унинг борлигини сезмайсизлар ҳам. У уйда мушук каби пусиб юради... Ана, ўзи ҳам келиб қолди.

IX

Исмани Энриад ва унинг рафикаси Стробеленинг уйида кечки овқат пайтида учрашдилар.

Исмани қандайдир конгрессда у билан бирров учрашганини зўрға эслади. Энди эса у мутлақо бошқа одамга айланган эди. Басавлат, кўркем кўринишдаги бу Нобель мукофоти совриндори ўзини тутиб ўтиришидан бошқалардан устунлиги кўриниб турар, гўё башоратчига ўхшаб кетарди. У палапартиш кийинганди, оқ сочлари хурпайиб кетган, бурни танқайган эди. Аммо нутқи жўшқин ва жонли чиқарди. Кўринишдан эллик беш ёшларда эди. Унинг аёли ҳам тахминан шу ёшларда бўлиб, камтар ва бир оз маънос ўтирарди. У эрининг тамоман акси эди.

Бундай ёрқин ва ҳукмрон шахс олдида Исмани ўзини ожиз ҳис этди. У бирон нарсани билиш мақсадида, бир оз журъатлироқ бўлишга қарор қилди. Вазирликдаги Жакинто, капитан Вестро, лейтенант Троцдем ва ниҳоят, Стробеле унинг бу ерга келишига сабабчи бўлган махфий иш ҳақида биринчи учрашувдаёқ бирон-бир гап айтмаганликлари унинг наздида гўё унга қарши қандайдир фитна уюштирилаётгандек туюлган эди.

– Балки устимдан кулишингиз мумкиндир, – деди асабийлашган Исмани

хамма стол атрофига йиғилгач, гарчи у ўзини ҳамкасблари олдида ноқулай ҳис этса-да: – Мен бу ерга гўё ноқонуний келиб қолгандекман, – деди.

С Т Р О Б Е Л Е. Ноқонуний деяпсизми? Нима, ҳужжатларингизда муаммо борми?

И С М А Н И. Ноқонуний... Мен бегонаман... Ҳали-ҳанузгача ҳеч нарсадан хабарим йўқлигини айтмоқчиман. Ҳа, ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

С Т Р О Б Е Л Е. Сиз нимани билишингиз керак?

И С М А Н И. Мен бу ерда нима иш қиламан? Сизлар нима билан шуғулланаётганингизни билишни хоҳлардим.

С Т Р О Б Е Л Е. Ия, вазирликда сизга айтишмадими?

И С М А Н И. Йўқ. Ҳеч нарсани айтишмади.

Қизиқ бўлди-ку! Ақл бовар қилмайди. Ахир Жакинто ва компания томонидан кўрилаётган бу чоралар бемаънилиқнинг ўзгинаси эмасми? Тушунаман. Махфий иш бўлса-да, ҳар бир ишнинг ўз қонун-қоидаси бор-ку! Исмани, бизга айтинг-чи, сиз ўзингиз нимани тасаввур қилгансиз? Ахир бирон-бир нарсани тахмин қилгандирсиз. Шунчаки, қизиқиш юзасидан-да?

И С М А Н И. Мен дастлаб атом бомба ҳақида ўйлаган эдим. Бирок баъзи бир белгилар...

Э Н Д Р И А Д. Худога шукурки, бу ерда ҳеч қандай атом бомба йўқ. Бу ер хийла тинчроқ, лекин хийла хавфлироқ ҳам, шундай эмасми, Стробеле.

С Т Р О Б Е Л Е. Хавфлироқ дейсизми? Гапингизга кўшилмайман.

Э Л И З А И С М А Н И. Ишингизни очикчасига айтмаяпсизлар. Балки биз аёллар сизларга халақит бераётгандирмиз?

Э Н Д Р И А Д (жонланиб). Исмани хоним, бу ҳолни ўзингизча қандай тасаввур этияпсиз?

Э Л И З А И С М А Н И. Менми? Билмадим. Менда тасаввур ҳам йўқ.

Э Н Д Р И А Д. Сиз-чи, Стробеле хоним?

Ольга тортинмай юбкасидаги катта очилган қийиқ бўйлаб бармоғини юргизаркан, деди:

– Сизнинг гапингиздан, аниқроғи, мавҳум гап қилаётганингиздан ҳеч нарсани тушуниб бўлмаёпти...

С Т Р О Б Е Л Е. Ольга!

О Л Ъ Г А. Нима, мен ноўрин гапирдимми? Ахир сизлар бу ердаги ишга шундай махфий тус бераётган бўлсангиз, демак, бу жиддий иш экан. Дунёда жиддий ишдан зарикарли нарсанинг ўзи йўқ. Улардан нарироқ юрсак, яхши бўлармиди? Тўғри, сизлар ақлли олимларсиз, аммо бирон-бир жиддий ишга қўл урсангиз, жуда мижғов бўлиб кетасизлар...

Э Н Д Р И А Д. Сиз ҳақсиз. Лекин умид бор. Биз унинг ҳали жиддийми, йўқми, эканини билмаймиз.

У бир оз сергак тортди, овозини ўзгартириб деди:

– Ё тавбангдан кетай, бу қандай сел бўлди ўзи!

Дарҳақиқат, чакмоқ чақиб, тўс-тўполон билан жала ёғаётгани шундоқ эшитилиб турарди. Энриад ғужанак бўлиб олди.

О Л Ъ Г А. Профессор, кўркмаяпсизми?

Э Н Д Р И А Д. Очигини айтсам, ўзим ҳам билмайман.

Э Л И З А. Сиз, тўғри жавобдан ўзингизни олиб қочар экансиз.

Э Н Д Р И А Д. Азизам, бу ерда ўзига хос экспериментал лаборатория бор. Тўғри айтяпманми, Стробеле?

СТРОБЕЛЕ. Ҳа, гапингиз тўғри.

ЭНДРИАД. Шу билан бирга бу тепалиқда бир нарса... Ақлий қобилиятларни ишга соладиган полигонга ўхшаш бир нарса... Энг замонавий аппаратурага эга бўлган ўзига хос стадион... Стробеле, менимча, аниқ ифодаладим, шекилли?

– Бундан аниғи бўлмайди.

– Исмани, жавобдан қониқдингизми?

Ҳаяжонланганидан бу ҳазилни тушунмаган Исмани қизиққонлик билан:

– Йўқ, мен, барибир ҳеч нарсани тушунмаяпман, – деди.

Эндриад қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборди.

– Исмани, сиз мутлақо ҳақсиз. Кечирасизу, мен ҳазиллашишни ёқтираман. Баъзи-баъзида. Кечиринг. Стробеле, уларга керакли нарсаларни тушунтириб бер. Ахир сен педагогсан-ку.

Стробеле мамнунлик билан йўталиб қўйди.

– Азизим Исмани, сиз 36-ҳарбий зонанинг экспериментал секторида турибсиз, гарчи аниқ бўлмаса-да, унинг номи шундай...

Ольга пичоқ билан финжон четига уч маротаба уриб қўйди. У асабийлашган кўринарди (балки бу унинг навбатдаги қилиғидан биридир). Орага жимлик чўқди.

– Кечирасизлар, – деди Ольга энсаси қотиброк. – Одобсизлик бўлса-да, лекин мен уй бекаси эканлигимни сизларга эслатиб қўймоқчиман.

– Нимани эслатмоқчисан? – уялиб сўради эри.

– Сизлардан илтимос қиламан...

– Наҳотки, – унинг гапини бўлди гўё бирон нарса қидираётгандек ўз костюмини кўздан кечиратуриб Эндриад, – наҳотки, мен бирон-бир ножўя гап айтган ёки ножўя иш қилган бўлсам?

– Мен фақат сизлардан бир нарсани илтимос қилмоқчиман: гап мавзусини ўзгартирсангиз.

– Лекин нима учун? – деди Стробеле маъруза ўқиб роҳатланиш имконияти кўлдан чиқаётганидан норози бўлиб.

– Нимага деяпсанми? Буни сенга кейинроқ тушунтираман.

– Жуда ғалати гапни айтдинг-да...

– Ҳечқиси йўқ. Афтингни буриштира.

– Стробеле хоним! – деди Исмани худди игна устида ўтиргандек. – Яширмайман, мен жуда истардимки...

– Бу ердаги Марказда нима билан шуғулланишимиз ва шу билан боғлиқ бошқа нарсаларни билмоқчи эдингиз-а, хурматли профессор? Нимага ҳаяжонланасиз? Ахир сиз дўстларингиз орасидасиз-ку!

– Мен шунинг учун ҳам...

– Демак, сиз учун мен ён беришим керак, шундайми? Айнан сизга-я? Нима, эсингиздан чиқдим, қарз олдингизми, вақтида тўламоқ лозим. Мен ҳам ниҳоят, қарзни тўлашингизни талаб қилишга ҳаққим бор.

– Ё худойим, мен ўйлаган эдимки, шунча йилдан кейин, – ҳазилни унутган Исмани ғўлдираб қўйди. Кутилмаганда зийрак тортиб: – Бу нима? Эшитяпсизларми? – деди ваҳимага тушиб.

– Ёмғир ёғяпти. Ўшанинг овози.

– Назаримда, жом чалинаётгандек туюлди.

– Жом дейсизми? – деди Эндриад киноя билан. – Бу ерда чалинадиган жомлар йўқ.

Бу гўё узокдаги ғор ичида каттагина юпқа тунуканинг даранглаганига ўхшаш овоз эди.

– Мен ҳам эшитяпман, – деди Элиза Исмани.

Улар бу овозга бир неча сония диққат билан қулоқ солганча жим ўтирдилар. Овоз тинди.

– Қизиқ! – деди Стробеле. – Мен ҳеч қандай овозни эшитмадим.

Эндриад Исманидан сўради:

– Сиз Алоизини танирмидингиз?

– Йўқ.

– Унинг айтиши бўйича тунларда... – Эндриад зийрак тортиб жим бўлиб қолди, сўнг енгил тортгандек Исмани хоним томонга ўгирилди-да, жилмайиб, ҳамма эшитадиган овозда унинг қулоғига шивирлади:

– У ҳам даҳо эди.

– У ҳам даҳо эдимиз? – масхараомуз сўради Ольга.

– Албатта, – жавоб қилди Эндриад гўё гап мутлақо табиий бир нарса ҳақида кетаётгандек. – У ҳам тунлари қулоғига ғалати товушлар эшитилиши ҳақида гапирганди. Унинг гапига ишонмасдим, мен ҳеч қачон мияга ўтириб қолган ғояларга ишонмайман. Мана, ҳозир сизлар ҳам қандайдир товушни эшитяпсизлар, аммо бунга ишонмайман. Бу ерда ҳеч қандай жом йўқ. Ҳойнаҳой, бу баландликда об-ҳавонинг кескин ўзгаришидан қулоққа чалинадиган овоз бўлса керак, Исмани... Шунга қарамай, – унинг овози кутилмаганда кескинлашди, – шунга қарамай биз ҳушёр бўлишга мажбурмиз. Авваллари мен унча ташвишланмас эдим: кўриқчилар бор, назорат кучли, кузатиш аппаратларининг энг замонавийси шу ерга ўрнатилган дердим, лекин улар қаердадир, ён-атрофимизда кечаю-кундузи худди сичқон каби ерга солинган палосларни кемираётгандек бўладилар. Ҳамма ҳам вазирликлардагидек ўйламайди-ку, уларнинг фикрича, биз бу ерда гўё ўйинчоқ ўйнаётган текинтомоқлармиз. Баъзилар эса энди-энди тушуниб етгандеклар. Мана энди ҳамма нарсага жон деб рози бўлишяпти. Фақат йўққа чиқармасалар бас, бизнинг...

– Бизнинг қурилмамизни, – гапга аралашди Стробеле.

– Биз яратган қурилма фақат биз уччовимизга, эртага сиз билан бирга тўрттовимизга маълум бўлади, ҳали дунёда ҳеч ким бу ҳақда ҳеч нарса билмайди, лекин улар баъзи бир нарсаларни фаҳмлаган бўлишлари мумкин, ҳозир улар бош қотириб ўтирибдилар. Калламни гаровга қўйиб айтаманки, даҳшатли ҳақиқатни умумий кўринишда бўлса ҳам тушуниб етганлар: агар биз бу ерда ўйлаган ишимизни амалга ошира олсак, унда биз... – у шундай дея столни зарб билан урган эди, стол устидаги ликопчалар зириллаб кетди.

– Эндриад! – деди Стробеле уни тартибга чақириб.

– Кўрасизлар, биз албатта дунёга ҳукмрон бўламиз!

X

Тун яримлаганда ҳолдан тойган Эрманн ва Элиза Исманилар Стробеле билан хайрлашиб, жала остида уйлари томон яёв йўлга тушдилар. Уларни бир оз нарида истиқомат қилувчи Эндриад рафикаси билан кузатиб борди.

Жустина уй ишларини саранжомлагач, уйкуга ётди. Узок йўл чарчатган бўлса-да, негадир Эрманнинг уйкуси қочиб кетди. Ғалати жой, бу ердаги янги ошналар ва ҳамма нарсадан тезроқ хабардор бўлиш истаги, ҳамда

сийраклашган тоғ ҳавоси унинг юрагига ғулгула солиб қўйганди. Юракни зиркиратувчи дилхиралик ўрнига танасига қувонч бағишловчи енгилликни ҳис эта бошлади, кизик, бундай ҳолатга у камдан-кам ҳолларда тушарди. Исманида шу тобда қаергадир бориш, ким биландир кўнгил ёзиш истаги туғилди.

– Элиза, кечки пайт чамамда кайфиятинг кўтарилди-ёв, – сўради у хотинидан.

– Тўғри айтасан, Эрманн, кайфиятим чоғ. Бу тоғ ҳавосининг таъсири бўлса, ажаб эмас. Тавба, ўзимни худди ёш қизалоқлардек ҳис этияпман-а.

Қишлоқ услубида қурилган уй шинам ва озода эди. Афтидан, бу ерда ҳеч кимса яшамаганди. Исмани хонани синчковлик билан кўздан кечири бошлади, бу ерда Алоизи яшаганидан нишона бергувчи биронта ҳам белгини тополмади. Жавонни тўлдириб турган китоблар ҳам ҳеч ким қўл теккизмагандек бир текисда турарди. Ушбу китоблар асосан электрофизикага оид турли тилларда чоп этилган илмий асарлар эди. Афтидан, улар бу ерга тасодифан келтирилган эди. Саргузашт асарлар, севги-муҳаббат ҳақидаги ҳамда тарихий романлар ва таржимаи ҳоллар аралаш-қуралаш қилиб терилиб қўйилган эди; бу ерда ҳатто ошпазликка оид китоб ҳам бор экан. Китобларнинг бу тахлит тахланиши ҳеч бир даҳонинг кутубхонасида бўлмаса керак.

Алоизига тааллуқли барча анжомлар бу хонадан олиб чиқиб кетилганди. Бу уйда марҳумни эслатувчи на бирон бир қоғоз, на майда-чуйда буюм, на сурат, на сигарет қутичаси – ҳуллас, ҳеч нарса кўзга ташланмасди.

Қоронғуликда мижжа қоқмайдиган Исмани ниҳоят хобгоҳига кўтарилгач, деразаларнинг табақаларини кўздан кечири бошлади. Худди билгандай деразанинг бир табақаси зич ёпилмаган экан. У ана шу дераза табақасини очиб юборди.

Исмани ҳайратдан донг қотиб қолди. Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас осмондаги булутлар аста-секин тарқай бошлади. Тўлин ой жамоли кўринди-ю, ён-атрофни ўз ёғдуси ила нурафшон эта бошлади.

– Элиза, бу ёққа қарагин-а! Мўъжиза!

Улар сукут сақлаганча қимир этмай дераза олдида туриб колдилар. Қаршиларида сеҳрли ёғду таралиб турган тепалик намоён эди. У ерда дўнгликлар, ўйдим-чуқур ерлар бўлиб, унинг устини ям-яшил ўтлар қоплаб олганди, тўк рангдаги арчалар қора доғ каби кўзга ташланарди. Аммо беш юз метрлар узокликдаги дарахтлар орасидан оқиш тусли иншоот яққол кўриниб турарди. Ташқаридан қараганда, бу оддий деворми ёки бирон-бир биноми, билиб бўлмасди.

– Манави буюк сирли иншоот, – деди Элиза. – Кўриниши оддийгина.

– Юр, бориб кўрамиз?

– Ярим тунда-я!

– Туннинг гўзаллигини қарагин-а!

– Ўт-ўланлар ҳали селгимагандир.

– Бу туфлигингда оёғингдан сув ўтиб, шамоллаб қоласан.

– Ахборотинг учун – туфлигимдан сув ўтмайди.

– Ҳеч бўлмаса елкангга ёмғирпўшингни ташлаб ол.

Эр-хотин Исманилар оининг мунаввар ёғдуси остида ташқарига чиқишди. Ёмғир чиннидек қилиб ювган нарсалар кўзга ташланарди. Ҳар қадам ташлаганларида, уфқ тобора кенгайиб бормоқда эди. Узокда кенг яйлов ястаниб ётар, ўрмон эса шундоқ ёнларида шовуллаб турарди.

Унинг ортида эса ялтироқ тоғ тизмалари кўкка бўй чўзган. Бутун борлиқда осудалик, гўзаллик, сирли тун ҳукмрон.

Ниҳоят, оқ иншоот яққол кўзга ташланди. Бир қарашда у узун мудофаа иншоотига ўхшаб кетарди, жойлашувидаги кирди-чиқди жойларини инobatга олмаганда, бунинг ниҳояси йўқдек кўринарди. Бир неча пастаккина уй қатор саф тортган, улар гўё текис ерга мослаб тиклангандай. Узоқдан бир-бирининг устидан гарчи ойнинг ёрқин шуъласи тушиб турган бўлса-да, бу қурилмалар орасида бирон ёриқ жой кўринмасди. Улар қадимги – ҳарбий муҳандислик истеҳкомларини эслатувчи узлуксиз бир деворни ҳосил қилган.

Эр-хотин Исманилар ой шуъласи ёритиб турган девор тагига боргач, юқорига қарадилар. Деворнинг баландлиги етти-саккиз метрлар чамаси бўлиб, ҳеч қандай дераза ёки айвон кўринмасди. Кўриниб турибдики, бу ерда ҳеч ким яшамас, ҳатто ишламасди ҳам. Бу ерда ҳаво ва ёруғликка муҳтож бўлмаган нарса, масалан, машина турса керак. Ёки бу қандайдир муҳим истеҳком бўлиши ҳам мумкин.

Бироқ бу узундан-узун мудофаа иншоотини ёки саройни эслатувчи ғалати жой қандайдир жонсиз буюмлар турадиган жойга ўхшамас эди.

Эрманн ва Элиза Исманилар бир қарашдаёқ қурилмада дафъатан кўзга ташланмайдиган юмалоқ, тўртбурчак ёки ингичка тирқиш шаклдаги хилма-хил туйнуклар борлигини фаҳмлашди. Баъзи жойларида думалоқ, қабарик линза ёки кўз гавҳарига ўхшаш шишалар ҳам бор эди. Улар ой нуридан ялт-юлт қиларди. Улар девор тепасига қараган эдилар, деворнинг бир чеккасида ўрнатилган қатор антенналар, экранлар, ботик панжаралар, шунингдек, устига қалпоқча кийгизилган ингичка найчалар кўринди. Чанг тозалагич чўткани эслатувчи ёл ҳам бор эди. Улар ҳаво ранг – жилосиз бўлгани учун ҳам қоронгуликда дарҳол кўзга ташлана қолмасди.

Эр-хотин Исманилар тун оғушида мик этмай уйлардан кўз узмай турар эдилар. Нимадир кулоққа чалингандек бўлди.

– Эшитяпсанми? – сўради Эрман.

– Ҳа, эшитяпман. – жавоб қайтарди Исмани хоним.

Оқ девор ортидан жуда ҳам паст шитирлаш овози келарди, бу гўё бузилган инидан қочиб, турли томонга тарқаб кетаётган чумолилардан чиққан овозга ўхшаб кетарди. Бунга узук-юлуқ қисқа шовқинлар, кучли босимда отилган суюқликнинг шовиллаган овози, чекка томирнинг бир маромдаги лўқиллашига ўхшаш яна бир овоз қўшилиб кетмоқда эди. Демак, бу сирли кўрғон остида қандайдир ҳаёт қайнамоқда. Юқоридаги қатор катта-кичик антенналар бекор тургани йўқ. Дикқат билан қаралса, антенналарнинг билинар-билинемас тебранишларидан иш бераётганини бемалол пайқаш мумкин эди.

– Бу нима экан? – аста сўради Элиза Исмани.

Эри унга “жим бўл” деган ишорани қилди. Шу пайт девордан эллик метрлар нарида нимадир йилт этгандек бўлди. Эндриаднинг хаёлидан: “Биз бутун дунёни забт этамиз”, деган бемаъни ўй кечди.

Бирдан Исманининг кўзи Эндриадга тушди. Тепаликдаги ўт босган қияликдан девор ёқалаб гўё ақлдан озгандек ўзи билан ўзи гаплашиб келаётган олим тушиб келарди. У ёлғиз эди. Кенг гардишли шляпада у кулгули ҳолатда, ўзи билан ўзи овора бўлиб келарди.

Девор ортидан эшитилаётган элас-элас шовқинни инobatга олмаганда, ён-атрофда сирли сукунат ҳукмрон эди. Эр-хотин Исманиларнинг кулоғига

Эндриаднинг ўзи билан ўзи сўзлашаётган бир неча сўзлари эшитила бошлади.

– Мумкин, мумкин, – дерди ўзига-ўзи Эндриад. – Аммо бизларни бу...

Сўнг Исманилар қизиқ воқеага гувоҳ бўлдилар. Эндриад юришдан тўхтаб, девор томон ўгирилди. Исмани, у ҳойнаҳой “ёзилиб олса керак”, деган хаёлга борди. Лекин Эндриад ўша-ўша сўзлаганча, фарзандига насиҳат қилаётган отадек ҳассасини деворга аста уриб-уриб кўярди. Унинг узук-юлуқ гаплари қулоққа чалинди. Эндриад “тушунмайман”, деб уч-тўрт маротаба такрорлади.

Исмани яширинча гапига қулоқ солиш одобдан эмас, деган ўйда ўзининг шу ерда эканини билдириш учун йўталиб кўйди.

Эндриадни гўё бир нарса чақиб олгандек, кескин ортига бурилиб: “Ким бор бу ерда? – деди кўрққанидан кичқириб. Муъолишдан Исманига қараб ҳассасини ўқталди, ой шуъласида унинг қўлидаги ҳасса эмас, милтиқ экани маълум бўлди.

– Профессор, бу мен, Исманиман... Аёлим билан сайрга чиққандик...

Эндриад қўлидаги курулини тушириб, уларнинг ёнига кела бошлади.

– Биласизми, ҳар оқшом уйқуга ётиш олдидан бу ерларни текшириб чиқаман... Албатта, ёнимда курул бўлади. Бу ажойиб курулни менга майор Мирти тақдим этган. Американики. Аниқ нишонга олади.

– Нохуш ҳолатлар ҳам бўлганми?

– Худога шукур, ҳозирча бўлгани йўқ. Атрофни айланаман, назорат қиламан, хаёл сураман, ўзим билан ўзим гаплашаман... – у қадам босишга ҳозирланаётгандек бир оз сўзлашдан тўхтади. – Ҳа, ўзим билан ўзим гаплашаман... режалар тузаман. Ростини айтсам, сизлар мени кўрқитиб юбординглар... – дея хоҳолаб кулиб кўйди у. Сўнгра мудофаа иншоотини кўрсатиб, деди: – Бу ҳақда эса эртага гаплашамиз. Мен сизларни унинг ичкарисига олиб кириб, ҳаммасини кўрсатаман. Бу ишни кундуз куни қилганимиз маъқул. Чунки тунда... Тунда бунақа тоғ жойларда ўзимизни тийганимиз дуруст.

– Нима, тунда бу ерлар совуқ бўладими? – сўради Исмани.

– Совуқ ҳам бўлади, кейин бошқа нарсалар ҳам...

Эр-хотин Исманилар Эндриад билан биргаликда уйларига етиб келгач, у билан хайрлашдилар. Улар остонада турганча Эндриаднинг майсазордан шаҳдам қадамлар ташлаб кетаётганини томоша қилиб турардилар.

– Эрманн, – деди Элиза. – У ким билан гаплашди экан-а?

– Ҳеч ким билан. Ўзи билан ўзи гаплашди. Кўплар ўзи билан ўзи гаплашади.

– У ерда кимдир бор эди. Ҳа, рост айтяпман, у ерда кимдир бор эди.

– Агар у ерда бирон кимса бўлганида, биз уни кўрган бўлардик.

– Мен биламан, у ерда кимдир бор эди. Кимнингдир овозини эшитгандек бўлдим.

– Овозини? Аммо мен эшитганим йўқ.

– Ҳа, овоз эшитилди. Фақат у ғалати овоз эди. Сиз шунчаки эътибор бермагансиз-да.

– Эҳ, Элиза, тилим бор деб гапиравермасанг-чи.

XI

Эндриад, Стробеле ва Исмани хотини билан қурилмани кўришга кетаётганларида куёш тиккага келиб қолганди. Ҳаво очик, ҳар томондан

кўзга ташланиб турган виқорли тоғларни қоплаган оппоқ қор офтобда ярақларди.

Улар яйловдан ўтиб, худуднинг тевараги пастак девор билан қуршалган жойга яқинлаша бошладилар. Темир эшик олдида уларни катта техник Манунта кутиб олди.

Манунта эшикни очгач, ҳаммалари тор ва хира ёритилган йўлак бўйлаб юриб кетдилар. Манунта бошқа эшикни очган эди, улар очиқ айвонга – ёруғликка чиқишди.

Эр-хотин Исманилар ва Ольга ҳайратдан тиллари калимага келмай бир неча дақиқа сўзсиз туриб қолишди.

Қаршиларида тик, туби кўринмайдиган дарасимон чуқурлик пайдо бўлганди.

Ҳойнаҳой, бир вақтлар унинг тубидан сувлар тўлиб оққандир, эндиликда эса деворнинг юқорисигача бир-бирининг устига миндириб териб чиқилган ғалати қурилмалар тагида чуқурлик деворлари кўринмай кетганди.

Минораларга ўхшаб қуриб ташланган иншоотларнинг баъзилари Миср эҳромларини эсга соларди. Баъзилари кўприкка, яна бирлари мудофаа иншоотига ёки кичик кўприкчаларга ўхшаб кетарди. Гўё бутун бир шаҳар шу чуқурликка қулаб тушгандек. Иншоотлар чиндан киши ақлини лол қолдирарди. Уларнинг биронтасида ҳам дераза бўлмай, эшиклар зич ҳолатда ёпилганди.

Улар яна ғаройиб бир кўринишнинг гувоҳи бўлдилар. Энг ажабланарлиси, бу ерда тирик жондан ном-нишон кўринмасди.

Шунга қарамай, бу жойлар негадир ташландикқа ҳам ўхшамасди. Аксинча, ташқаридан қараганда ҳаёт асари қуриган бу жойда пинҳоний ҳаёт жўш уриб турганлиги сезиларди. Бу ерда нималардир содир бўлаётгандек эди. Буни қай йўсинда билиб олиш мумкин дейсизми? Балки турли шаклдаги темир узатгичларнинг ҳаракатга келиб турганидандир? Ёки узук-юлуқ эшитилаётган шитирлаш, гувиллаш, гумбурлаш каби овозлар ўша ҳаётдан далолат берар? Балки дара четидаги панжара узра қад кўтарган темир антеннанинг тебраниб туришидир?

Устига-устак, буларнинг барчаси камдан-кам учрайдиган манзарани кўз олдингизда намоён этади. Бу манзаранинг гўзаллигини таърифлашга тил ожиз. Аксинча, булар эҳромларга, ҳарбий истехкомларга, нефть ҳайдаш қурилмаларига, бино иситгичларига, қоронғу камоқхоналарга сира ўхшамасди. Тартибсиз ҳолатда қуриб ташланган бу миноралар, саройлар негадир инсон қалбига фараҳ бағишларди, унда гўё денгиз бўйидаги шарқ шаҳарларига хос дилга роҳат бағишловчи бир туйғу ва энгиллик мужассам эди. Булар нимани эслатади дейсизми? Исманининг кўз ўнгида таниш манзара намоён бўлди гўё. Унинг хаёлидан боғлару дарёлар, ҳатто табиат манзараси тикилган кашталар ҳам, ҳаттоки денгиз ва ўрмонлар бирин-сирин ўта бошлади. Исманининг кўнглида ҳам унга тинчлик бермаётган қандайдир хавотирлик бор эди.

Сукунатни Ольга Стробеле бузди:

– Хўш, – деди у қувноқ оҳангда. – Бу нима экан? – Электростанциями?

– Балли, – деди эри Ольгани унинг ишига қизиқишидан мамнун бўлиб.

Ольга эрининг ишига сира қизиқмасди. Шу гапни хотинига айтди-ю, сўнг Исмани томон ўгирилиб:

– Энди тушунгандирсиз, – деди.

– Балки, балки... – жавоб берди иккиланиб Исмани.

У ҳаяжонда эди. Хотини миқ этмай турарди. Бир оз нарида эса туткичга суянган ҳолда бор бойлигини томоша қилаётгандек Эндриад кимир этмай турарди; у гўё туш кўраётганга ўхшарди.

О Л Ь Г А С Т Р О Б Е Л Е. Хўш. Бу нима экан ўзи? Билса бўладими?

Ольганинг жозибадор ва шу билан бирга киши ғашига тегувчи оқ шойи кўйлаги бутун коматини кўз-кўз қилиб турарди. Кўйлагининг ўмизи ҳар қандай эркакнинг хирсини уйғотар, ўмиз одатдагидан чуқур бўлганидан, у ҳар бир ҳаракатида эҳтиёт бўлиши такозо этиларди.

– Ольга, – деб насиҳатомуз гап бошлади эри, – сен кўриб турган кўнғирокли кўрғон ёки минора, – у ўнг қўли билан антеннани кўрсатди, – бу дунёдан ажраб қолган кичик ёпик салтанатдир.

Унинг гапи оғзида қолди. Бир гала кушлар чуғурлашганча антенна тепасидаги темир шар атрофида уча бошладилар; кушлар шар устига кўнмоқчи бўлган эди, бироқ қандайдир хавф борлигини сезиб, бошқа томонга учиб кетдилар.

– Бир сўз билан айтганда, – табассум билан жавоб қилди Стробеле. – Бизнинг ўн йиллик меҳнатимиздан сўнг қад кўтарган бу иншоот, аслида бизнинг қариндошимиз, жони-жаҳонимиз бўлади, у – тирик одам.

– Қани ўша тирик одам? – сўради Ольга.

– Мана шу – тирик одам-да. Бу машина бизга ўхшаб яратилган машина.

– Хўш, унинг боши қани? Қўли? Оёғи-чи?

– Унинг ҳеч қанақа қўл ёки оёғи йўқ, – деди Стробеле афти бужмайиб.

– Унинг ташқи кўриниши аҳамиятли эмас. Гап бошқа ёқда. Ахир ҳаракатланиб “дада, ойи” деб айта оладиган кўғирчоқни, оддий роботни ҳар қандай кўғирчоқ устаси ясаши мумкин эди, аммо бизга керак бўлгани, тушунасанми... бизга мана бу ерда содир бўладиган жараёнларни қайта акс эттира оладиган қурилма керак эди, – дея у кўрсаткич бармоғи билан пешонасини кўрсатди.

– Э, ҳа... Электрон мия! Мен газетада ўқиган эдим.

– Яхшилаб қарагин-а! – қизишиб деди эри. – Бу шунчаки электрон мия ёки ҳисоблаш машинаси эмас. Ўз-ўзидан маълумки, у ҳисоблашни билади, бу у қодир бўлган ишлардан биттаси, холос. Биз янаям, кўпроқ мақсадимизга эришдик. Биз бу ажойиботни фикрлашга, фикрлаганда ҳам биздан яхшироқ фикрлашга ўргатдик.

– Бизлар каби яшашга ҳам ўргатдик, – деди шу пайтгача индамай турган Эндриад.

– Яшашга дейсизми? Ахир у кимирламайди-ку? Қоққан қозикдай бир жойдан кўзгалмай турибди.

– Азизам, – деди Стробеле. – Хўш, кимирламай турган бўлса, нима қилибди? Инсонни ҳам кимирлай олмайдиган даражада ерга парчинлаб қўйсанг, у инсон бўлмай қоладими?

– Нега бунчалар баҳайбат қилиб қурмасангиз буни? Бу одам эмас, балки бутун бир шаҳар-ку.

– Тағинам мўлжал қилганимиздан анча кичик. Дастлабки лойиҳа бўйича асбоб-ускуналар мажмуаси Парижга тенг келадиган майдонда қурилиши мўлжалланган эди. Аммо биз мўъжиза яратдик. Қаранг-а, кўз ўнгимизда унинг арзимас қисми кўриниб турибди, қолган асосий қисми ер тагида. Бу жуда баҳайбат қурилма. Яратилган бу “одам” хаддан ташқари

семиз бўлиб чикди...

О Л Ъ Г А. У билан гаплашса бўладими?

Ольга ғалати кулиб қўйди.

– Синаб кўришимиз мумкин. Бунинг аҳамияти йўқ бизга. Биз, масалан, ёруғликка, товушга, рангга, ҳаракатга жавоб берадиган ва ўзларини ақлли тута оладиган роботларга ўрганиб қолганмиз. Бу ерда биз ундан ҳам кўра ортиқроқ бир нарса яратдик. Аввало бу беш хиссиётдир. Бизнинг робот сенинг тилинг билан айтганда, кўра олади, эшита олади ва ташқи таассуротни сезади ҳам.

– Таъмни-чи, таъмни ҳам сезадими? – сўради Исмани.

– Ҳа, сезади.

– Ҳис қила олади ҳамми?

– Ҳис қила олади ҳам. Манави ёлларни кўряпсанми? Антенналарни-чи? Улар нарса ни тегиниш орқали сезади.

И С М А Н И. Агар мен тўғри тушунган бўлсам, сизлар бу маҳсулотга, қурилмага ёки уни қандай деб аташ мумкинлигини билмадим... шахснинг айрим фазилатларини беришга ҳаракат қилганга ўхшайсизлар.

– Баъзи бир ўзига хосликларни десак, тўғри бўларди, – деди Стробеле.

– У аёлми ёки эркакми? – сўради Ольга. – Гаров ўйнайман, бу...

Стробеле ёш боладек қизариб кетди.

– Бу унчалик муҳим эмас. Э-э-э. Қайси жинсга мансублиги биз учун...

И С М А Н И. Сизлар бу ерда нимадандир андоза олдингларми? Инсонга ўхшатишга ҳаракат қилдингларми?

Майда паға-паға оқ булутлар шимол томон сузмокда эди. Ана шу булутлар сояси чуқурликдаги баҳайбат қурилма устига тушиб борар ва бу қандайдир бир ажойиб кўриниш касб этганди.

– Очиғини айтсам, – деди Стробеле, – мен нима десам экан-а...

– Ҳойнаҳой, ўзларингизга ўхшатиб қурган бўлсангиз керак, – деди Ольга. – Сиз олимлар доим ўзингизни даҳо деб ҳисоблайсизлар-ку.

– Бизми? Бунга жавобни Эндриад беради.

Шу пайтгача зина тутқичидан ушлаб турган Эндриад бу гапни эшитиб, чўчиб тушди.

– Менми? – деди тўсатдан уйқудан уйғонган одамдек. – Кечирасизлар. Мен бориб кўриб келишим керак...

У жарлик устида осилиб турган тор шийпон бўйлаб юриб кетди-да, сўнг кўздан ғойиб бўлди.

– Унга нима бўлди? Кайфияти бузилдими? – сўради Ольга ним табассум қилиб турган Манунтадан.

– Йўқ, йўқ, – деди кувноқлик билан тўладан келган хушчақчақ катта техник, – у ўзини доимо шундай ғалати тутади. У катта олим-да...

– У истараси иссиқ одам экан, – гўё Ольганинг иқрорини кутгандек деди Элиза Исмани.

– Нимасини айтасиз, – деди Ольга. – Кўрар кўзга шунақа, аслида учраганни доғда қолдириб, янчиб кетади.

XII

Стробеле барчанинг диққатини ўзига тортиш учун йўталиб қўйди.

– Энди қурилма идрокини текшириш учун кичик сенсор тажриба

ўтказиш мумкин.

– Уни чақирсак, эшитадими? Жавоб берармикан?

– Ольга, сен яна ўз билганингдан қолмай, қаёқдаги бемаъни саволларни беряпсан-а, – деди Стробеле. – Биздан фарқли ўлароқ, муаммога сен бутунлай бошқа тарафдан ёндашяпсан! Жавоб берадими, бермайдими, бунинг бизга фарқи йўқ. Унинг вазифаси ҳаракат қилиш эмас, балки ўйлашдан иборат.

– Лекин у бизнинг гапимизни тушунадими, деб сўраяпман.

– Тўғриси айтиладиган бўлсам, бу саволингга жавоб бера олмайман. Техник нуқтаи назардан у тушунмаслиги мумкин. Бироқ... бироқ биз бу машинада бизнинг ақлимиз етмаган жойлар ҳам мавжудлигини айтган эдик... Мен ажабланмайман, агар...

– Унга нима деб исм қўйгансизлар?

– Истаган ном билан атаса бўлади. Хужжатда унинг номи Биринчи Рақам. Мен уни “Дўстим” деб атаман. Манунта эса “Ойимқиз” дейди. Эндриад эса оддийгина қилиб уни машина деб атади.

– Машина?

– Ҳа, машина. Кайфиятимиз чоғ бўлган вақтда эса қизларнинг номи билан чақиради.

– Қизларнинг номи? Қайси ном билан?

– Ҳар хил номлар билан. Ҳозир ёдимда йўқ.

Ҳамма бир томонга ўтирилди. Шийпон муюлишида ғойиб бўлган Эндриад орадан анча вақт ўтгач, қўрғоннинг бир қанотини эгаллаб турган узун шийпон тепасида пайдо бўлди. У тўхтади-да, темир тутқични ушлаб, бир оз энгашиганча ким биландир гаплашгандек бўлди.

– У ким билан гаплашяпти?

С Т Р О Б Е Л Е. Ҳойнаҳой, ўзи билан ўзи гаплашаётган бўлса керак. Бу унинг эски одати.

– Э-ҳа, ўзи билан ўзи гаплашиши рост экан-да, – деди Элиза Исмани.

– Биз бундай ҳолатга кеча оқшом гувоҳ бўлгандик. Тўлин ой ёғдусида сайрга чиқиб, уни учратиб қолдик. Аввалига биз бир оз чўчидик ҳам. У гапириб келарди, гапиргандаям баланд овозда гапирарди.

– Кечирасиз, – унинг гапини бўлди Ольга. – Жанкарло, бу машина гапирадими?

– Оддийгина қилиб айтганда, йўқ, у гапира олмайди. У тил билмайди. Бунга ишончимиз комил.

– Унга тил ўргатиш мутлақо мумкин эмас. Тил – теран ақлнинг ашаддий душмани. Ўз фикрини нима бўлса ҳам тил орқали ифода этишга интилган инсоннинг бошига жуда кўп кулфат тушган...

– Бундан чикди, “дўстингиз” соқов экан-да?

– Манунта, сен тушунтиргин, – дея Стробеле катта техникдан илтимос қилди. – Хўш, айт-чи, бизнинг “дўстимиз” соқовми?

– Э-э, профессор, – Манунта мулойимлик билан бармоғини нуқиб пўписа қилиб қўйди. – Сиз устимиздан куляпсизу, барчасини биздан яхши тушуниб турибсиз... Мана ҳозир ҳам... – у бармоғини лабига босиб, жим бўлинглар, дегандек ишора қилди. Барчалари жим бўлдилар. Шу тоб сувнинг шилдирашига ё мунгли ғичирлашга ёки бўғиқ нолага ўхшаш ғайритабиий бир товуш эшитилди. У дам кучайиб, дам пасайган йиғи овозига ўхшаб кетарди. Борган сари турли товушлар бир-бирига қўшилиб, киши ғашини келтирадиган ғижирлашга айланди. Бу нима

ўзи? Овозми? Ёки аппаратларнинг ёкимсиз шовқиними? Ёки қандайдир хабар келяптимикин-а? Ёки қурилма фикрлай бошладими? Балки бу кулгу овозидир?

– Шунақами? – сўради Стробеле катта техникдан.

Манунта бош чайқади.

– Сен ҳаммасини биласан-а? Эшитишимча, сен бу тилни она тилингдек билармишсан. Қани, таржима қилиб бер-чи! У нима деяпти?

Манунта ўзини оқлай бошлади.

– Мен ким бўпман? Мен ниманиям тушунардим? Ахир мен ўшанда ҳазиллашган эдим... Мана, профессор Эндриаддан сўрасангиз, бу бошқа гап...

Манунтанинг бу гапидан Стробеленинг энсаси қотиб, афти буришди.

– Сизлар!.. Сизлар тентаксизлар! Сен ва сенинг ноёб Эндриадинг ҳам. Сизларнинг гапингизни эшитган одам... – деб Стробеле хотини томон ўгирилди: – Ўйлайманки, сен бунинг гапига ишонмайсан. Булар асбоб-ўскуналар: клапанлар, селекторлар, орқага қайтаргувчи механизмлар. Ўз-ўзидан маълумки, улар ишлаганда шовқин чиқаради, холос.

– Кечирасиз, бу-чи? – сўради Элиза Исмани.

– Нимани айтяпсиз? – сўради Стробеле.

– Сиз эшитяпсизми?


Ингичка овоз бирдан тинчиб қолди.

Бахайбат қурилма жойлашган чуқурлик устида яна сокинлик ҳукм сура бошлади. Аммо буни сокинлик деб бўлармикан?

Эътибор қилмасангиз, ҳақиқатан ҳам, буни сокинлик деса бўлади. Сўнг аста-секин мана шу сокинлик ичра билинар-билинемас акс садо эшитила бошлади. Гўё машиналар мажмуасидан, даҳшатли дарадан ҳаёт садолари, ғалати тебраниш, англаб бўлмас нурланиш таралаётгандек эди. Бу аралаш-қуралаш товушни эшитиб ўрганмаган кулоқ дарҳол илғаб ололмасди ва унинг аслида мавжудлигига ҳам ишониб бўлмасди. Товуш денгиздаги сувларнинг тўлқинланишига ҳам ўхшаб кетарди. Уни шамолнинг гувиллаши дейсизми, атмосфера ҳаракати дейсизми, барибир. Чунки дунёда ҳали шу вақтгача тоғ-тошлар, истехкомлар, лабиринтлар, қалъа ва ўрмонлар қўшилиб кетиб, сон-саноксиз шаклдаги аралаш-қуралаш бу товушларни босиб кетолмаганди.

Давоми бор.

*Рус тилидан
Назира ЖўРАЕВА таржимаси.*



Масадзи ИВАКУРА

(Япония)

ОЛТИН БАЛИҚЧА

Ҳикоя

Турмушга чиқиш ҳақидаги қароридан Мугино ота-онасини куздаёқ воқиф қилиб қўйганди. Токиога жўнаш олдидан бўладиган тайёргарликлар ҳам тезда бошланиб кетганди. Бу, қизнинг бўлажак турмуш ўртоғи иллюстратор-рассомнинг хизмати билан боғлиқ эди.

Эр-хотин Адзумаларнинг кенжа қизлари Мугинодан ташқари, яна иккита катта фарзандлари бор эди. Ўғиллари Сэндае шаҳридаги университетда дарс берарди, катта қизлари драма актрисаси бўлиб, Синэки театрида ишларди ва Токиода яшарди. Мугино жўнаб кетганидан сўнг умрларининг қолганини Хокурикининг совуқ осмони остида яшаб ўтказиш чол-кампирларнинг пешонасига ёзилганди. Ёхэйнинг ёши етмишдан ўтган, хотини Мияконики эса олтмиш бешлар атрофида эди. Улар ҳали ҳам ишлашарди, лекин охири пайтлар гоҳ қулоқнинг шанғиллашидан, гоҳ белдаги оғриқдан бир-бирларига арзи дод қилмаган кунлари йўқ эди. Бир сўз билан айтганда, қариялар ўз касалларидан иложи борица эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилишарди.

Мугино эрталаблари ота-онасининг ёнига чиққанда кўзлари гоҳ қизариб, шишиб кетган бўларди.

– Яна кечаси билан йиғлаб чиқдим... Ҳеч ўйлаб ўйимга етолмаяпман, менсиз ҳолингиз не кечади...– деди у қўли-қўлига тегмай ҳар жой-ҳар жойга қўйиб ташланган қоғоз кутилару тўқима йўл савагларга нарсаларни чакқонлик билан жойларкан, гуноҳкор одамдай жилмайиб.

Ота-онаси билан бўладиган айрилиққа қизнинг қандай муносабатда бўлишидан қатъи назар, қарияларнинг уни дуо қилишдан ўзга чоралари қолмаганди.

Мугино биринчи никоҳидан бўлган фарзанди Рюкити билан ота-онасининг уйда яшарди. У тиш шифокори хонасининг қабул ишларини олиб боришда онасига кўмаклашарди ва маҳаллий аёллар ҳаракатининг фаолларидан эди. Барча уй-рўзғор юмушлари ҳам унинг зиммасига

юкланганди. Мугинонинг ёши ўттиздан ўтганида, шахсий ҳаётини энди янгиликдан тиклаш учун имконият туғилганди.

Мугинонинг уйдан кетиши она учун қаттиқ зарба бўлганди. Ҳар сафар Токио ҳақида сўз очилганда, ўз туйғуларини яширишга азбаройи мадори етмаганидан ичидаги дардини тўкиб-сочишга тайёр турарди. Ехэй эса, аксинча, қизининг қарорини маъқуллаб, унинг жўнаб кетишини тезлаштиришга ҳаракат қиларди.

– Нахотки бундан хафа эмассиз? – деди пичирлаб хотини Ёхэйга, кечкурун ўринга ётишганда.

– Жуда қизиқсан-да, хотин. Бу ахир қачон бўлмасин, бошга тушиши керак бўлган табиий ҳол-ку. Қизимизнинг бахти чопди, нега энди биз бундан хафа бўлишимиз керак?

– Ростини айтсам, мени Мугино эмас, кўпроқ Рю хавотирга соляпти. Биз уни қанча қойимайлик, у бирон марта ҳам умидсизликка тушмади, ўша-ўша мулойим ва соддалигича қолаверди... Энди янги жойда унинг аҳволи не кечаркин?..

– Бу гапингда жон бор. Лекин яна шуниси ҳам борки, мендек мижғов бобонинг ғамхўрлигидан қутулгани балки болага яхшидир! – деди Ёхэй ишонч билан, худди невараси томонидан қандай муносабатга лойик эканини аниқ билгандек.

– Лекин кексайганимда менга шундай толе “кулиб” боқишини хаёлимга ҳам келтирмагандим, энди тақдирга тан беришдан ўзга илож йўқ.

– Илтимос, кулгимни қистатма. Атрофга диққат билан бир назар ташласанг, бизнинг ҳаётимизда қандай оддий воқеа рўй берганини ўшанда биласан.

– Э, сабр-тоқатингизга балли-эй! – деди киноя билан Мияко.

– Бунга сабр-тоқатнинг нима дахли бор? Бизнинг ёшда фарзандларга халақит бермаслик учун ўзимизни сал четга олганимиз маъқулми деяпман, холос. Сенга айтсам, бу бизнинг бурчимиз! Бунга эса ўз имкониятимиздан келиб чиқиб амал қилишимиз керак.

– Сиз ўша-ўша ҳар доимгидек ажойибсиз. Тутган йўлингиз ҳам аниқ, равшан, бироқ...

– Аниқ, дейсанми?

Мияко индамади.

Бундан ўттиз йил бурун дунёдан ўтган онасининг ўлими билан боғлиқ хотиралар бирдан Ёхэйнинг ёдига тушиб кетди.

Ёхэйнинг онаси нақ тўқсон уч йил умр кўрганди. Онаси унга қанчалик меҳр қўйганини Ёхэй яхши биларди. Ёхэй хизмат тақозоси билан шаҳарда қолиб яшашга мажбур, онасининг ёнида қолиб, унга ғамхўрлик кўрсатишга имкони кўтармасди. Онасининг кексалик даври дахшатли уруш пайтларига тўғри келганди, Ёхэй эса Худонинг бермиш куни уни армияга чақиришларини ёки қатағон қилишларини кутиб яшарди. У вақтлар онаси билан дийдор кўришишни ўйламаса ҳам бўларди. Онасига бўлган ҳурмати, меҳри янада жўшиб турган ўша пайтларда мажбурий айрилиқдан у баттар эзиларди.

Онасининг ўлими ҳақидаги телеграмма келганда, у қаттиқ қайғуга ботганди, бироқ шу билан бирга ўзида аллақандай енгиллик ҳам ҳис этганди. Ўзидан бундай бағритошлиқни кутмаган Ёхэй виждон азобидан ўзини йўқотиш даражасига тушганди. Бу туйғу, узоқ йиллар давомида унга азоб бериб келаётган, гўё онасидан қутулганига шукур қилган

одамда кечадиган, бироқ ўзи ҳам ҳали англаб етолмаган туйғуга ўхшаб кетарди. Бу туйғу ўшанда унинг юрагига ёриб кирганча, ҳали-ҳануз уни тарк этмай келарди.

Болалар, энг аввало, Мугино билан бўлган ўзаро муносабатда Ёхэй кўпроқ ўзининг аччиқ ҳаётий тажрибаларига таяниб иш кўришга ҳаракат қиларди. Ўтган йили катта ўғли билан боғлиқ бўлган бир воқеа унинг ёдига тушиб кетди. Ота-онасини хурсанд қилиш ниятида янги йилни Тоямада кутиб олгани икки фарзанди ва хотинини олиб, Сэндаядан машинада йўлга чиққан Ётаро қалин қор ёққани сабаб йўлда қолиб кетишганди. Улар икки кечаю икки кундуз Огуни довонидан ўтиб олиш учун роса уринишди, бироқ бундан бирон наф чиқмагач, яна орқаларига қайтиб кетишга мажбур бўлишганди. Омади чопмаган ўғлига ҳамдардлик билдирган Ёхэй хотини иккови Токиога ўзлари келишди ва у ерга Ётарони ҳам оиласи билан таклиф этишди.

Ёхэй тўнғич кизи Тадзумига ҳам кўп ташвиш келтирганди. Беш йил бурун у буйрагини операция қилдирганди. Айнан шу пайтларда Тадзуми анчадан буён ўзи орзу қилиб юрган жиддий роль устида ишлаётганди. Тадзуми отасининг аҳволини ва унинг ёшида бундай операция хатарли эканини эшитди-ю, пьесада иштирок этишдан бош тортди. Онасининг қўнғироғидан сўнг у Тоямадаги клиникага зудлик билан етиб борди ва деярли йигирма кун бемор отасининг ёнида бўлди.

Кенжа кизи Мугинонинг шу пайтгача ота-онасининг бағрида яшаб, уларнинг оғирини енгил қилиб келаётгани, бу – ўзини қурбон қилгани эмасми? Ёхэй энди ўзи фарзанд ўстираётган фарзандларига эр-хотин қанчалик ташвиш туғдиришаётгани ҳақида ўйлаб, ўтган кунларни беихтиёр қайта-қайта ёдга оларди. О, айниқса, онаси оламдан ўтганида ўзини қанчалик енгил ҳис этгани бир умр ёдидан чиқмаса керак. Ёхэй ҳатто хотинининг оналик туйғусини таҳқирлашдан хавфсираб, бу гапни унга айтолмаганди. Ахир фарзандлар ҳам уларга чин юракдан боғланиб қолишганди-да.

Мугино ва неварасининг Токиога жўнаб кетишидан аввал Ёхэй унча хафа бўлмади. Уйдаги доимий шовкин-суроннинг сабабчиси бўлган Рюкитисиз унга дастлабки кунлар, балки, анча зерикарли бўлишини, албатта, тан олса-да, лекин яна бир томондан энди тинч-осойишталикда ўзини ишига бағишлашига яширинча бўласа-да, умид қиларди.

Мана, ўша кун ҳам етиб келди. Ёхэй хотини иккови кизи ва неварасини кузатиш учун вокзалга йўл олишди. Жўнаб кетаётган поезднинг орқасидан қараб қолган қария бирдан хотини икковининг ҳаётлари мазмунига айланиб қолган ва шу бугунгача уларга суянчиқ бўлиб келаётганларнинг бари мана шу сўнги вагоннинг қизил сигналли чироқлари билан бирга энди қўлдан чиқиб, қоронғилик томон ғойиб бўлиб бораётганини ҳис этарди.

Улар тунги осойишталикка чўмган шаҳар кўчаларидан тақ-туқ қилиб одимлаганча чурқ этмай уйга қайтишарди. Энди уларни кутиб оладиган ҳеч кими йўқ зим-зиё уйга киришлари заҳоти Ёхэй ўзини мутлақо бўшлиққа тушиб қолганини ҳис этди. У одимларини жадаллатиб уйга аввал кирди-да, деворни пайпаслаб, чироқни ёқди. Улар уйчи оёқ кийимларини кийишди. Ёхэй саранжом-саришта остонага тартиб билан териб қўйилган икки жуфт резина этикдан шошибгина кўзини олиб қочди. Қариялар рутубатли дахлиздан уйга ўтишди. Уй сув қуйгандек жим-жит эди. Уйнинг хувиллаб ётганини била туриб унга қадам боссанг, бедаво

қайғу юрагингни абгор қиларди.

Айтадиган гапнинг ўзи йўқлигини тушунган эр-хотинлар бир-бирларига ўқтин-ўқтин кўз ташлаб қўярдилар, холос.

– Балки сакэ ичарсиз? – таклиф этди Мияко, юракни сиқадиган жимликни кўтаролмагач. Унинг талаффузида кутилмаганда Ибарака префектурасида туғилганини билдириб турувчи оҳанг сезилиб турарди.

– Ҳа... сакэми? Қачондан бери бизнинг уйдан сакэ топиладиган бўлиб қолди?

– Ҳа, яқинда менга Гокаямадан бир шиша мататабидзакэ олиб келишди.

– Мататабидзакэ? Актинидин солинган сакэданми? Нима, мен сенга мушукмидимки...

– Мен шунчаки ҳар замонда бўлса ҳам ақлли, “тўғри сўз” эргинамнинг кайфи тарақ бўлганини завқ билан томоша қилмоқчи эдим.

Ёхэй зўрға жилмайди.

Кўп ўтмай қиш ҳам кириб келди, бу фаслнинг нақадар қаҳри қаттиқ экани қарияларга энди-энди билинаётганди. Шаҳар денгиз бўйида жойлашганди ва ҳаво булутли кунлар уларда тез-тез қор ёғиб турарди. Ёхэй ўзининг нимқоронғи иш хонасида ўтираркан, баджаҳл қор бўронининг гувуллашига диққат билан кулоқ тутди. Ёзмоқчи эди, ёзолмади. Кун ҳам шу тахлит ўтиб кетиши мумкин эди. Беморлар қабули тугаб, уйига қайтган Мияко баъзан эридан хабар оларди-да, сўнг икковлари манқал олдида чўққайиб ўтириб олишарди. Бир ёстикқа бош қўйган кўп йиллик эр-хотинлар сингари улар ҳам бир-бирларини бир қарашдаёқ тушунардилар ва шу билан суҳбат мавзуи тугаб, жим-жит, яна ўша-ўша бирга ҳайкалдек қотиб ўтираверишарди.

– Менимча, биз қиш элтиб қўядиган ҳаракатсизликка тушиб қолаётгандекмиз... – деди буни сезиб қолгандек, Мияко.

Ёхэй индамай кулиб қўйди.

Янги йил олдидан у қутлов номасини ёзди:

“Бизнинг фарзандларимиз тарқаб кетишиди. Биз қариялар энди Янги йилни икки киши бўлиб кутиб олишимизга тўғри келади. Ҳеч нимага ярамай иккита чириб қолган дарахт... Фақатгина бизнинг эскириб, эгилиб қолган суякларимизгина баъзан бизнинг ҳали тирик эканимизни эслатиб туради, холос. Лекин, биз қариялар, бор кучимиз, сабр-тоқатимизни тўплаб, қолган умримизни муносиб ўтказишига ҳаракат қилаяпмиз.”

Ҳамиша севиб қолувчи.”

Ёхэй ўзининг маъюс ва таъсирчан қилиб ёзганларидан уялди-да, почта кутисига етмаёқ, ярим йўлда мактубни бу аҳволда жўнатишга иккиланиб қолди. Қанчалик ғалати туюлмасин, кўнгилчан қўни-қўшниларга икки қариянинг ҳаётида кечаётган бу ўзгаришлар қайғули кўринарди. Уларнинг шаҳрида сир ётмасди. Эрдан ажраган ёш аёлнинг тақдири хангоматалаб қўшниларга ўлгудек қизиқ туюлишига ҳайрон қолмаса ҳам бўларди. Шаҳар кўчаларининг гоҳ у ер-гоҳ бу ерида эгнига қизил свитер ва жинси кийиб олган, ўзининг тили билан айтганда “ҳилпираган байроқ”қа ўхшаш Мугинонинг қомати ора-чора кўзга ташланиб қолишига ҳамма кўникиб қолганди. Мугинонинг тўсатдан ғойиб бўлиши эса фиску-фасод гапларга

¹ Японияда ўсадиган бу ўсимлик бод касалига шифо. Актинидин хосилининг хиди ва таъмини мушуклар хуш кўради.

мавзу бўлмаганида ҳам бу жуда ғалати туюлган бўларди.

Мугино ва Рюкитининг жўнаб кетиши барчанинг диққатини нафақат ялписига жалб қилди. Кейинги воқеалар силсиласи давом этиб, уларни яширишнинг сира иложи қолмади. Рюкити жўнаб кетиши билан мактабдош дўстларидан унинг номига йигирмадан ортиқ рангли янги йил откриткалари келди. Орадан бир оз вақт ўтиб, қандайдир учинчи синф ўқувчилари қарияга “Рюкити қолдириб кетган буюмлар”: пианкони¹ ва Рюкитининг синфдошлари чизган эсдалик расми солинган бўғчани олиб келишди. Буларнинг бари Миякони изтиробга солганди.

Мугино жўнаб кетгандан сўнг тиш шифокори Мияконинг иш хонасига ёш эркаклар бошқа кирмай кўйдилар, энди қабулхонада фақат кексаларнигина учратиш мумкин эди. Ёхэй кун бўйи иш столи ёнида хўмрайиб ўтирарди. Вақти-вақти билан хотинидан хавотирланиб кўярди: ёрдамчисиз ишини қандай эплаяпти экан?.. Сўнг Ёхэй оксаб-тўксаб қор босган сўқмоқдан Мияконинг ёнига шошиларди. Янги келган беморлар эса Миякони “бош мутахассис” деб ўйлаб, уни саволга кўмиб ташлашарди:

– Дўхтир, қаранг, менга тиш кўйишганди, бироқ... – ва хоказо.

Ёхэй тезгина жуфтакни ростлаб қоларди. Бироқ яна қайтиб келиб, иш столига ўтирарди, лекин энди икки, уч қатордан ортиқ ёзолмасди. Кимсасиз уйдаги сукунат уни тобора ўз домига тортиб борар, қария эса оқ оралаб қолган бошини оромкурси суянчиғига кўярди-да, пинакка кетарди.

Мияко рўпарадаги уйда турадиган қўшнисига билан баъзан учрашиб қолгудек бўлса, жўнаб кетган қизи тўғрисида унга алланималарни гапириб берарди. Шаҳардаги миш-мишлар мана шу тахлит тарқалаверарди. Ёлғиз кексаларга бўлган ҳамдардлик ва уларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар кун сайин кўпайиб, Ёхэй ва хотинини хайрон қолдириш билан бирга яна хижолатга ҳам кўяётганди.

Қиш кунларидан бирида шундай воқеа рўй берди. Февралнинг бошларида бирдан кун совуди-да, бир неча кун тинмай қор ёғди. Бундай об-ҳавода кўрпа тагидан чиққинг келмасди. Қариялар эрталабки бу ҳолатни Мияко энди беморлар қабулига кетмаса бўлмайдиган пайтгача иложи борича чўзишга ҳаракат қилишарди. Дереза ёнига бориб, Ёхэй уларнинг уйларида то Мияконинг қабулхонасигача чувалган сўқмоқ худди супурилгандай қордан яхшилаб тозаланганини кўриб хайрон бўлди. Ёхэй буни қўшниларидан бири – ўрта мактаб ўқитувчиси қилганини билди. Хижолат торган қария қўшнисига миннатдорчилик билдириш учун кирганида, қўшнисига бошидаги чанғи шапкасини юлқиб ечиб, оғзидан бурқситиб буғ чиқариб нафас олаётган кўйи қарияни очик чехра билан кутиб олди-да:

– Қанақа миннатдорчилик? Қор курашга ҳам анча-мунча куч керак. Сизга қор кураш оғирлик қилади. Менга эса иш эмас. Аёлим ҳам ҳали ёш. Кўп безовта бўлмай, бу ёғини бизга кўйиб бераверинг, ҳаммаси яхши бўлади... – дея эътироз билдирди.

Ўқитувчи хотини иккови Ёхэй билан Миякога ғамхўрлик қилиб туришга қарор қилишди. Бир кун эрта тонгда Ёхэй газета тарқатгани йўл олди. Новвойхонадан унга пешвоз чиққан новвой ўзида йўқ хурсанд:

– Адзума-сан, дунёда ягона одамсиз-а! – деди уни чақириб.

– Ягоналимгни қаердан била қолдингиз? – Ёхэй қайтарма қалпоғи тагидан хайрон қараб деди.

¹ П и а н к о – пуфлаб чалинадиган клавишли болалар асбоби

– Нима ногўғрими! Ахир қизингиз Муги-тан уйдан кетиб қолиб, қариган чоғингизда аёлингиз билан ёлғиз қолдингиз... Лекин сиз шундай қор бўронда ҳам ҳеч нимага ва ҳеч кимга парво қилмай, ўзингиз билган ўша йўлдан одатдагидек қадам ташлаб кетяпсиз. Нима, сизнингча, бу таҳсинга лойиқ эмасми?!

– Ҳа, мана сиз нимага шама қиялпсиз.

– Фақат бу эмас! Сиз даъват этаётган ижтимоий тузумга ишониб бўлганида эди, уни бугун эмас, эртага ўрнатиш мумкин эди. Лекин, бу қачон содир бўлади, Худо билади. Сиз бўлсангиз етмишни уриб қўйган қариясиз... Йўқ, нима десангиз денг-у, лекин, барибир сиз Адзуми-сан, ҳар қалай, ноёб одамсиз.

– Менинг ҳеч бир ноёблик жойим йўқ. Менга шу иш ёқади ва ёққани учун ҳам шуғулланияпман, бор гап шу.

– Йўқ, асло эътироз билдирманг! Барибир яғонасиз...

Ёхэйга новвойнинг гаплари тагида бошқача маъно бордек туюлди, бироқ нонушта вақти яқинлашгани боис у суҳбатни чўзиб ўтирмади-да, эшик томон йўл олди.

– Нима, Муги-тан ва Рю-кун бу ерларга бошқа қайтишмайдими? – сўради новвой, ютоқиб.

– Ҳар ҳолда, доимий яшаш жойлари Токиода бўлади.

– Балки, ортиқча алжираётгандирман... Лекин сиз ва аёлингизга юз йил умр берилмаган-ку... Хуллас, ўзингизни асранг! Эҳтиёт қилинг...

Мана шундай хайр-хўшдан сўнг новвой эндигина печдан узилган француз нонларидан иккитасини қоғозга ўради-да, уни Ёхэйга узатди. Ноннинг тафти совқотган қўлларни ҳам илитди. Бу учрашувдан сўнг новвой печдан олинган янги нонлардан ора-сира қизи орқали Ёхэйнинг уйига жўнатиб турадиган бўлди.

2

“Азизларим менинг, қандайсизлар?”

Ота-она уйдан учиб чиққач, истайманми бунни, йўқми, энди ўзимнинг фақирона ёнчигимга яраша илож қидириб яшашга мажбурман. Агар қаердадир сайра балиги сотилаётганидан хабар топсам, велосипедда ўша ерга учиб бораман. Агар йўлда арзон баргли карам учраб қолса, совуқ қотиб бўлса-да, алламаҳалгача навбат кутиб туравераман. Ҳамма гап шундаки, бундай югур-югур ташвишлар менга фақат роҳат бағишлайди. Майли, мен камбағалдирман, лекин энг муҳими, ихтиёрим ўзимда, ҳеч кимга тобе эмасман. Онам мени тушунади, деб умид қиламан.”

Мугинодан энди мана шундай мактублар кела бошлаганди. Узоқ кутишлар, меҳнатлар эвазига қизлари ўз бахтини топганидан ота-она хурсанд эдилар, унинг меҳнатсеварлиги, сабр-бардоши уларни қойил қолдирарди. Ҳозирча Мугинодан кўнгиллари тўқ эди. Эндиги барча диққат-эътибор Рюкитига қаратилганди. Уйдаги нималардир қарияларга набираларини ёдга соларди, бундан меҳрлари багтар жўшиб, болага бўлган соғинч юракларини ўртаб юборарди. Рюкитининг бирон-бир эски ўйинчоқларидан роботчаними, аскарчаними ёки бумеранг ё қайишли тўппончаними кўриб қолсалар, ўша заҳоти хотираларига муҳрланиб қолган бадикқат, кўзлари катта-катта, лабларини маҳкам қисиб олган

дўндикқина болакай қалкиб чиқарди.

Баъзан Ёхэй мактаб ёнидан ўтиб қоларди. Уни пайқаб қолган Рюкитининг синфдошлари Ёхэйни ҳар кўрганларида хурсанд сакрашарди-да, унга қўлларини силкитишиб:

– Ана, бизнинг Рюкитининг буваси келяпти! – деб ҳаммага эшиттириб бақаришарди.

“Йўқ, барибир, нима қилиб бўлса-да, боланинг биз билан қолишига кўндириш керак эди!” – афсусланиб ўйларди Ёхэй.

Охирги пайтларда Рюкити дарс тайёрлаётганида кўпинча Ёхэйдан ёрдам сўрарди, бу ҳамжихатлик эса уларни борган сари яқинлаштирарди. Уй дафтарини кўтариб олган Рюкити бобосининг хонасига кулиб кириб келарди. Ёхэй унчалик банд бўлмаса-да, унинг тинчини бузишга ботинганга норози бокқанда ҳам барибир одатдагидек кутиб олишини биларди. Рюкити бунга эътибор ҳам бермай, тинчгина бориб Ёхэйнинг рўпарасидаги столга ўтириб оларди.

– Буважон, “қўшиқ” белгиси қандай ёзилишини билмаяпман. Ўша чизиклар тартиби қандай бўлади, кўрсатиб беринг.

– Яна қанақа “чизиклар тартиби?”

– Ҳм... “чизиклар тартиби” – бу ёзиш пайтида риоя этиш зарур бўлган тартиб. Қайси чизик аввал келади, қайсиниси кейин...

– Ҳа, шундай демайсанми. Яна ўша ҳеч кимга кераги йўқ саволлар.

– Ҳечам унақа эмас. Ўқитувчимиз, бу она тилини ўрганишимиз учун зарур дедилар!– оёқ тираб туриб олди Рюкити.

– Биласанми, Рю, балки мактаб болаларига иероглиф ёзишнинг энг оддий тартибини ўргатиш керақдир. Лекин мен ҳаддан ошадиган инжикликларга қаршиман.

– Ҳа, рост, мен она тилидан яхши ўзлаштирувчилар қаторида тураман, лекин ҳуснихат борасида қоқоқлардан сал юқорирокдаман.

Ёхэй таслим бўлди.

– Қулоқ сол, Рю, мен бундай тартибга қаршиман. Қани, сенинг ўша “қўшиғинг” қандай ёзилар экан, бир эслаб кўрай-чи?.. Йўқ, ҳеч калламга келмаяпти...

– Буважон, нима, шуни ҳам билмайсизми?

– Биласанми, болам, мен хушимга келганини ёзиб ўрганганман.

– Ўхў! – ҳайратланди Рюкити ва: “Яхши, яхши... кутубхоначидан сўрай қоламан...” – деди-да, хонадан отилиб чиқиб кетди.

“Эҳ, боласи тушмагур-ей!..” – кўнглидан ўтказди набираси изидан аччикланиб қараб қолган Ёхэй.

Бундай воқеалар тез-тез содир бўлиб турарди.

Мияко қаердандир Рюкитининг фотосуратини ахтариб топди-да, телевизор экранининг ёнгинасига тўғнаб қўйди. Расм ўтган йил баҳорда Рюкитининг учинчи синфга ўтиши арафасида олинганди.

Суратчи Рюкитининг янги велосипед педалига оёғини қўйиб, ўзида йўқ хурсанд турган бахтли лаҳзаларини расмга муҳрлаганди. Рюкитининг юз тузилиши, гавдаси қуйиб қўйгандек онасининг ўзи эди. Пилиқдай қошларига, одамни мафтун этувчи катта-катта қора кўзларига, қайрилган узун киприкларига қараб, рўпарангизда ўғил бола турганига ишонмайсиз. Боланинг ҳайратдан ёниб турган кўзлари ҳаммага бирдай самимият билан боқарди. Ҳали Рюкити эмизикли бола пайтида ҳам Ёхэй уни “оққўнғил катта кўзлимиз” деб эркаларди. Рюкитининг нафақат кўзлари, ҳатто

мулойимлиги ва юмшоқлиги, нозик ҳаракатлари ҳам қиз болани эслатарди.

Ташқи кўриниши билан одамларни ўзига жалб қилувчи бу болакай, умуман олганда, бошқа болалар сингари ўсиб-улғайди. Тўғри, баъзан у бемаъни ишларга ҳам қўл уриб турарди. Уни “одоб қоидасини бузиб”, гўё аёллар ҳожатхонасига кирганликда айблаб, озмунча шовқин-сурон кўтаришмаганмиди... Ўшанда Рюкити ўз айбини бўйнига олмай, роса йиғлаганди. Синф раҳбари ва Мугино эса аслида нима бўлганини охиригача билишга уринган ҳам эдилар. Маълум бўлишича, бешинчи синф ўқувчиларидан бири аёллар пардозхонасига Рюкитини итариб киргазиб, устидан қулфлаб қўйган экан.

– Камаб қўйиб: “Ҳали хўрозчанг ҳам йўқдир!” – деб мени яна роса калака ҳам қилишди, – деди ҳиқиллаб йиғларкан, Рюкити.

– Унинг мана бу калта сочигаю олди думалоқ қилиб ўйилган қип-қизил майкасига бир қарасанг, шунга ўхшаш воқеани кутиш мумкинлигини ана ўшанда тушунасан! – деди Ёхэй қизига.

Сўнг у хотини билан ғалати бир мавзу ҳақида гаплашишди.

– Аёллар учун бундай нарсалар одатий ҳол, лекин ҳақиқий япон йигити учун-чи?.. Ўзи эркак кишини бундай кўзлар билан ҳаётда бирон-бир жиддий нимагадир эришишига умид қилса бўлармикан?!

– Нима, бу френологларнинг хулосасими? – сўради таъна билан Мияко.

– Йўқ, мен ўз шахсий тажрибаларимдан келиб чиқиб айтяпман, холос. Бунинг устига Рюкитининг шунақанги нафис чизик тортилгандек оғзи ҳам кичкинагина... Бу мени ташвишга соляпти. Эркакнинг оғзи катта, кўзлари қийиқ, қараши ўткир бўлиши керак.

– Бундай ярамас фикрларни қаердан оласан ўзи, билмадим! Менга Рюдаги ҳамма нарса ёқади! – аччиқланиб деди Мияко ва бир оз тин олгач, яна давом этди: – Бекорга ташвишланма! Ўзингнинг оғзингга бир қара, эски ўрадай бўлиб ётибди. Сен билан танишган пайтимиз менга ҳақиқий яматолик¹ бўлиб кўрингансан.

Ёхэй хотини иккови ораларида бўлиб ўтган пичинг гапларни эслади-да, аччиқ алам ила кулимсираб қўйди. Шуни ҳам айтиш керакки, Рюнинг боши одатдагидан анча-мунча катта бўлгани боис Ёхэйнинг бор умиди шу набирасидан эди. Охирги йиллар Рюкитининг бўйи хийла ўсган бўлса-да, бу унчалик кўзга ташланмасди. Ёши тўртларга кирганида боши ўзига оғирлик қилиб, тез-тез йиқилиб ҳам тушарди. Йиқилгандан кейин ҳам у туришга ҳаракат қилмасди, ётган жойида ўйнаб ётаверарди, афтидан, унга шу қулай бўлган бўлса керак. Бундан хавотирга тушган Мугино ўғлини тезда шифокорга олиб борди. Шифокор ҳеч бир касаллик топмади ва буни бош суякнинг жадал шаклланиш ҳолати дея ташхис қўйиб қўя қолди. Ёхэйнинг чанғи шапкаси ростдан ҳам Рюкитига лоп-лойиқ келарди.

Боши катта одамларнинг афзаллик томонлари кўпроқ эканига у, ўзи айтганидек, “ўз тажрибасидан” келиб чиқибгина ишонч ҳосил қилганди. Идиш қанча катта бўлса, унга шунча кўп нарса кетади. Рюкити ростдан ҳам биринчи синфдан бошлабоқ жисмоний тарбия дарсидан ташқари бошқа барча фанларни яхши ўзлаштириб келарди. Келажақда унинг ким бўлишини фақат кутишгина қолганди, холос. “Менинг каллам эса туғилганимдан бери худди бақлажондек чўзиқлигича қолган. Шундай бўлса-да, мендан ҳеч нима чиқмади”, – файласуфона фикр юритди Ёхэй.

Бошланғич мактабда ўз қобиляти билан бошқалардан ажралиб турувчи

¹ Я м а т о – Япониянинг қадимги номи.

кўшни қишлоқда яшайдиган Кикумацу деган бола у билан бирга ўқирди. Унинг боши гавдасига қараганда анча катта бўлганидан болалар уни масхаралаб Қовоқ деб чақирди. Ўрта мактабда уларнинг Каритани деган синфбоши эса хумкалла болани тасвирловчи омад келтирувчи Фукусукэ қўғирчоғига ўхшарди. Япония тарихида даврнинг премьер-министри Мэйдзи – Таро Кацура ҳам бошининг катталиги билан машҳур бўлганди... Гёте, Гегелдек машҳур сиймоларнинг номлари ҳам бирма-бир Ёхэйнинг ёдига туша бошлади... Буларнинг бари қарияда умид уйғотарди.

Ёхэй Токиога кўнғироқ қилиш учун баҳона изларди. У қизи билан гаплашиб бўлгач, ундан набирасини чақириб беришини сўради.

– Бу мен, Рюман! – оҳиста, тортинмай жавоб берди Рюкити.

– Нима қиялпсан?

– Телевизор кўряпман.

– Ўртоқларинг борми?

– Бор!

Сухбат ҳар доимгидек набирасининг:

– Бошқа гапим йўқ, гўшакни онамга бераман, – деган гапи билан тугади.

3

Баҳорги тенг кунлик ҳафталари ҳам яқинлашиб қолганди. Жануб шамоли ёпирилиб келди-да, чўзилиб кетган қишни бир лаҳзада қувиб солди. Уй олдидаги қор уюмлари эриб, қуёш тафтидан баҳраманд ердан оч бинафшаранг туман атрофга ёйила бошлади.

Ўша куни эрталабдан чиқиндиларни олиб кетиш учун шаҳардан махсус машина ўтиши керак эди. Ҳовлидаги ахлатларни машина келгунча йиғиб-териб, ҳаммаёқни саранжом-сарипта қилиб қўйиш Ёхэйнинг зиммасида эди. Қор эриб кетганидан сўнг сарой ёнидаги уйнинг орқасидан бир талай ахлату ва яна кераксиз алланималар топиларди.

Ёхэй яна жон-жон деб манқал ёнида исингиси келарди-ю, бироқ, шу тобда резина этигини кийиб, уйдан чиқиш керак эди. Эрталабки қуёшнинг майин нуридан кўзлари қисилди-да, орқа ховлининг эшигига тушди. “Жонланиш вақти келди” дея қадимдан баҳорга берилган жонли таъриф қанчалик тўғри эканини у энди бутун вужуди билан ҳис этганди.

Сарой ёнида бир талай эски-туски, лаш-лушлар хирмон бўлиб кетганини Ёхэй биларди. У ерда йўқ нарсанинг ўзи йўқ эди: айвондан қолган тахтадан тортиб, тарнов, бўш шишалар, ҳар хил катталиқдаги банклар, ва ниҳоят, намдан бўккан картону Рюкитининг ўйинчоқлари солинган кутилар бор эди. Бари шу даражада ифлосланиб, тураверганидан босилиб кетган қор бўлақлари билан қоришиб кетгандики, ҳатто Ёхэйнинг ўзи ҳам буларнинг қай бирини ёқиб ташлаш кераклигини ажратолмай қолганди.

Ёхэйнинг кўзи кутилмаганда қачонлардир ташлаб юборилган сарой ёнидаги беўхшов полиэтилен ваннасига тушди-ю, кайфияти бузилди. Полиэтилендан ишланган буюмларни унинг жини суймасди. У материалнинг ўзига тоқат қилолмасди. Бундай ўйлаб кўринг, металлни не қўйга солманг, у ҳамини бирдай ўз жилвасини йўқотмай тураверади, шундай экан, уни полиэтилен билан ёнма-ён қўйиб бўлармиди. Бир вақтлар бу болалар ваннасида жажжи Рюкитини чўмилтиришарди, сўнг у бир неча вақт ахлат қутиси сифатида ўз хизматини ўтади. Ортиқча буюмга айланишдан аранг қутулган бу “нафис” тоғора кўринишдан бундан

мағрурдек ўзининг зангори тубига мустаҳкам ўрнашиб олганди.

Ёхэй ачинганидан тилини танглайига босиб чакиллатди-да, бир тўда лаш-лушлар ёнига борди. Йўқ, бу қақир-қуқурлардан бугуноқ қутулмаса бўлмайди. Аслини олганда, бу шўринг курғур ванна сарой тоmidан оқиб тушаётган эриган қор ва ёмғир сувлари қирғоғигача тўлиб-тошиб ётадиган тоғора ўрнида ишлатиларди, холос. Унинг усти тунги совуқдан худди целлофан ёпилгандек юпқа муз билан қопланиб қоларди.

Демак, энг аввал сувни тўкиб ташлаш керак. Ёхэй иш қўлқопини кийди-да, тоғора четидан ушлаб уни ағдармоқчи бўлганди, кучи етмади: суви тўла тоғора унга оғирлик қилди. Аччиғи чиққан Ёхэй бор кучи билан ваннани ёнбошлатди-да, бирдан серрайганча туриб қолди – ванна ичида тирноқдан сал каттароқ қандайдир ялтироқ қора бир нарса жилдираб ерга оқаётган лойка сувда қимирлаб турарди. Ёхэй тоғорани бир оз ушлаб турганди, ҳалиги нарса ғойиб бўлди-қолди. Оғдирганда ерга тушмай қолган ифлос бўлса керак деб ўйлаб, Ёхэй ишини давом эттираверди. Бу сафар ялтироқ нарса сув юзига яқинроқ кела бошлади. Энди унинг ўзи ҳеч иккиланмай, мустақил юқорига қараб силжиб борарди. Ёхэй кўзларига ишонмасди. Мана, ўша номаълум қора нарса юқорига сузиб чиқди. Энди унинг ташки кўринишини Ёхэй бемалол кўрса бўлади.

– Вой-й! Бу ахир ўзимизнинг Қораолтинимиз-ку! – тонг қолиб хитоб қилди қария.

У тоғорани шошиб ерга қўйди-да, ушоққина жониворга еб қўйгудек тикилди. Кўнглидан беихтиёр, қанийди, Рюкитини учратиб қолсайдим, деган ўй кечди.

Қораолтин ўтган йилнинг баҳорида Рюкити тиш дўхтири хонасидан унча узоқ бўлмаган оқова ариқдан тутиб олган ўша тилла балиқча эди. Болалар ўша захоти унга Курокин – яъни қора олтин деб ном қўйишганди. Рюкитининг бошмалдоғи тирноғидек келадиган увоққина, худди қора бўёқ билан чаплангандек қоп-қора балиқчага қўйилган бу лақаб доимий бўлиб қолганди. Бошининг ўнг ва чап томонида ғуддага ўхшаш кўзлар дўмпайиб турарди. “Сув кўзлар” дея олтин балиқчага ҳар хил номлар берилиши балки шундан келиб чиққандир. Кичкинтойнинг думидаги сузғичи очилган елпиғичдек диккайиб турарди. Балиқнинг боши билан думидан бошқа худди кўлга илинадиган ҳеч нарсаси йўқдек гўё. Думини ликонглатиб, номутаносиб қаппайиб турган бошини қийналиб буришию, сувнинг ичида худди ишбилармонлардек у ёқдан-бу ёққа зир югуришини кузатиб меҳринг товланиб кетарди. Рюкити уни сувдан оппа-осон тутиб оларди.

Беш кун давомида Рюкити Қораолтиндан сира ажралмади. У балиқчани оғзи кенгрок катта шиша идишга солди-да, бу қўлбола аквариумни ўзининг ёзув столига қўйиб қўйди. Овқатланиш вақтида аквариум столга олиб келинарди. Кейин у бумеранг ва тўппончага қизиқиб қолиб, балиқчани бутунлай унутди. Ҳар ҳолда Ёхэй кундалик югур-югур ташвишлар билан овора бўлиб, шу бугуннинг тонгигача уни эсига ҳам келтирмаганди. Набираси бир пайтлар ўзи севиб ўйнаган ўйинчоқларини безътибор ташлаб қўйгани учун қария катталарга кўндоқда теккан инжиқлик билан уни роса қойий кетди.

“Қишни бундай ерда ўтказишнинг ўзи бир мўъжиза!” – Ёхэй уйга отилди.

– Гапимга кулоқ сол, Мияко! Қораолтин ахир тирик экан-ку, – деди у

хотинига хурсанд бўлиб, ошхона эшигини очаркан.

Мияко ўчоқ ёнида уймаллашиб, нонушта тайёрлашни тугатай деб қолганди.

– А-а, сиз уни полиэтилен халтачадан топиб олдингиз, шекилли? – деди хотини эрига ўгирилиб. Лекин хотинининг овозида нимагадир ҳеч бир ҳайрат сезилмади. – Бу Рюнинг иши.

– Буни билармидинг?!

– Жуда соз, омон қолибди, бўпти-да.

Демак, биргина Ёхэйнинг ўзи балиқчани унутган-да, баридан беҳабар қолган.

Мияко эрининг кетидан орқа ҳовлига шошилди.

Улар тоғора ёнига боришди-да, ёнига ўтиришди ва Ёхэй:

– Хаёлот дунёсида яшовчи бу ёзувчилар, ким билади, балки беихтиёр бағритошга айланиб қоларлар?.. – деди бирдан хафа бўлиб.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Қораолтинни топиб олганимда ҳаяжонга тушгандим, сенинг гапларинг ҳам менга таъсир қилди.

– Демак, мендан ранжибсиз-да?

– Йўқ, ранжимадим. Ҳамма бало ўзимда.

Мияко бу гал тилини тиёлмади.

– Бунинг ёзувчиларга алоқаси йўқ. Сиз доим раҳмсизлигингиз билан ажралиб тургансиз. Мен шамоллаб, тобим қочиб қолганда ўзингизни қандай тутганингизни бир эслаб кўринг. Ўшандай вақтда мени эркалатиб, бағрингизга босишингизни истагандим. Бунинг ўрнига сиз: “Кўчага пальтосиз чиқмаслик керак, яхши қизимаган ҳаммомда ювиниб бўлмайди...” деб насиҳатдан нарига ўтмасдингиз.

– Бўлди, етар. Минг марта айтгансан... гапиравериб безор қилдинг.

– Ахиллигимизга кўз тегди. Ҳамонки иккимиз қолган эканмиз, энди тинч-тотув, ахил-иноқ яшашимиз керак.

Мияко қўлини тоғорага тикди-да, тагидаги сувдан эҳтиётлик билан ҳовучлаб олди. Унинг кафтида енгилгина чайкалаётган балиқча пайдо бўлди. Мияко қўлини деярли сувнинг бетига олиб чиққан ҳам эдики, балиқча чаққонлик билан бармоқлари орасидан сирғалиб чиқиб кетди.

– Бунчаям ажойиб бўлмаса! – завқ билан хитоб қилди Мияко. – Шундай жажжики, қўлингга олганингни ҳам айтарли сезмайсан. Бўлмаса унинг ҳам жони бор.

– Мўъжиза! Бундай мўъжизалар бу оламда тўлиб ётибди! Одамлар эътиборидан четда, қаровсиз бир аҳволга ташлаб қўйилган бўлса-да, қаҳратон қишда ҳам музнинг остида жимгина, беозор умр кечираверишади...

– Ҳа-а... Рю Қораолтинни тосга солиб қўйгандан сўнг мен уни бир неча мартаба кўришга келдим, лекин, нимадир бўлиб, ундан хабар олиш бутунлай ёдимдан кўтарилибди. Демак, унда мен ҳам бағритош эканман-да... – дея қошини чимирди Мияко.

Қораолтин бир шўнғиб кетганча, сув тубида қоп-қора гувалача бўлиб кўзгалмай ётаверди.

– Келинг, тезроқ сувини алмаштира қолайлик, – таклиф қилди Мияко.

Бироқ Ёхэй унинг сўзини бўлди-да:

– Йўқ, бўлмайди. Уни сенинг иш хонангнинг ёнидаги ҳовузчага қўйиб юборамиз, – деди.

– Ҳовузга? У ерга асло қўйиб юбориб бўлмайди!

– Нима учун? У модомики омон қолган экан, майли, қўявер, ҳовузда катта бўлаверсин. У ерда кислород ҳам сероб.

– Бу мумкин эмас! Биласиз-ку, у ерни зоғорабалиқ эгаллаб олган. У бир лахзада балиқчамизни ютади-қўяди. Акс ҳолда Рю уни полиэтилен халтачада сақламаган бўларди.

– Шошма, нима қилишни топдим. Мен Қораолтиннинг барибир ҳовузда катта бўлишини истайман.

– Буни қандай уддалашни биласизми?

– Ҳа, биладан.

– Унда сизга ишондим. Қаранг, яна миттичамизни нобуд қилиб қўйманг.

– Бўлмағур гапни қўй!

Хотини кетгандан сўнг Ёхэй Қораолтинни кузатишда давом этди. Ишбилармондек сувда у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турган балиқчанинг кўнгилини ийдирувчи кўриниши беихтиёр Ёхэйнинг хотирасида набирасининг қиёфасини жонлантириб юборди. У тирик жон деб қабул қила бошлаган бу ушоққина жониворнинг кўкиштоб-қора ранги Ёхэйнинг хаёлида сирли хавотир уйғота бошлаганди. Балиқчага кўрсатаётган меҳри набирасига албатта қувонч келтиришига қария ишонарди.

4

Мияконинг тиш даволаш хонаси уларнинг уйларида юз метрча нарида жойлашган бўлиб, ҳудуди жиҳатидан бошқа даҳага қарашли эди. Мияко у ерда эрталаб соат тўққиздан кечки соат олтигача беморларни қабул қиларди. Уйлари атрофидаги боғда орасидан шўппайиб бир нечта қарагаю қайинлар юксалиб турган супурги ўтлар ўсиб ётарди. Қабулхона олдидаги бўш ётган ерга уч йил бурун боғ дарахтларидан экишиб, манзарали тошлардан ҳар тарафга сочиб-социб ташлашганди. Боғбон бўш ётган ерларнинг деярли ярмини ҳовуз учун ажратиб олганди-да, унга гўё чўткада бир зумда шатир-шутир чизиб ташланган, “юррак”ни эслатувчи иероглифда ғалати қилиб букилган тухумсимон шакл берганди. Сўнг ҳовузни сувга тўлдириб, унга оқ, қизил, тилларанг зоғорабалиқларни қўйиб юборишганди. Уларнинг орасида эса энди Миякони хавотирга солаётган катта қора зоғорабалиқ ҳам бор эди.

Ёхэй деярли куннинг ярмини универмагда ўтказди. “Ҳаммаси қуш ишқибозлари учун” бўлимида бир талай катта-кичик қафаслар териб ташланганди. Бироқ Ёхэй ўзига керакли ўлчамдаги қафасни тополмаётганди.

– Бундай катта қафасни қандай қушга сотиб олмакчисиз? – хайрон бўлиб сўради сотувчи.

– Менга, гапнинг очиғи... қуш қафаси керак эмас.

Сотувчи ғалати харидордан ажабланиб нарига кетди.

Таваккал деди-да, Ёхэй одатда унда қизғиш-қўқимтир ара тўтиқушини ёки парқулоқ чуғурчукни сақлайдиган учта катта қафас сотиб олишга қарор қилди. Унинг нияти ғалати ва шу билан бирга оддий бўлиб, ҳар бир қафаснинг бир томонини олиб ташлаб, сўнг учта қафасни бирлаштириш эди.

– Мен ҳовуз атрофида ўзига хос боғ барпо қилмоқчиман, – деб тушунтирди қафасларни кўтариб келган Ёхэй хотинига.

– Ўшанда балиқчамиздан хавотир олмасак ҳам бўлади... – дея бош ирғади

Мияко табассумини яшириб, – унга эрининг ниятлари телбанамо туюларди.

– Мен Қораолтиннинг янги бошпанаси нафақат ишончли, балки кенг ҳам бўлишини истайман. Ўшанда мечкай зоғорабалиқ унга кўз олайтиришдан нарига ўтолмайди.

Ёхэй на тажрибаси, на маҳорати бўлмаган бу ишга ғайрат билан киришиб кетди. У сим ва омбирни олди-да, тўппа-тўғри боғнинг ўтган йилги майсалари устига бориб жойлашди ва деярли роппа-роса икки кун қафас билан овора бўлди. Аввал новдаларни бир-биридан ажратиб, сўнг уларни сим билан бирлаштиришга тўғри келди. Бу жуда сердиққат машғулот эди. Қораолтин ўзининг майин тангачаларига зиён етказмаслиги учун симнинг ичкаридаги ўткир учларини яшириб, уни янада пухтароқ қилиб боғлаб ташлаш зарур эди. Ёхэй ишга муккасидан кетганди: у ҳатто телефонга ҳам жавоб бермади ва ҳеч кимни қабул ҳам қилмади.

Каталакни ҳовузга тантанали тушириш маросимида Мияко ҳам иштирок этди. Кумуш панжарали кенг қафаснинг деворларидан бири ҳовузнинг бир бурчагига ўрнатилди. Қораолтинни халтачадаги сувдан тутиб олган Ёхэй, тор эшик орқали балиқча билан кўлини аста охурга сукди. Ёхэйнинг кенг кафтида ётган Қораолтин аввал норози бўлиб, бошини ва сузгичларини ўйната бошлади. Сўнг афтидан кўникди, шекилли, кўлдан сирғалиб тушди-да, силкиниб, ўзининг янги улкан оламига сузиб кетди.

– Қизик, бизнинг зоғорабалиқлар бу бегонани қандай кутиб олишаркин, – деди ташвишланиб Мияко.

– Хавотир олмасак ҳам бўлади, ҳозирча тинчликка ўхшайди.

Ёхэй каталакни сувга тушириши замонқ зоғорабалиқлар – улар йигирма бештача эди – безовталаниб, каталак атрофида гир-гир айлана бошладилар. Энди улар ялтироқ тангачаларини кўз-кўз қилиб вазмин жилдираган оқар сувда тантана билан турнақатор ўтиб борардилар. Қораолтиннинг ўзи катакнинг ўртасигача сузиб борди-да, гангиб қолганиданми ё ҳузур қилибми, бир жойда туриб қолди. Мабодо балиқ сувда тўсатдан таққа тўхтаб қолса, демак, у ҳузур қияпти, деб ўйлаш одатга айланиб қолган.

Мияконинг беморларни қабул қилиш вақти тугагунча, фахр туйғусига лиммо-лим Ёхэй ҳовуз бўйида қолди. Ёхэй, шу тобда бажарган “савоб иш”лари эвазига на фақат аллақачонлар унут бўлиб кетган, балки умуман ҳаётида жуда кам дуч келган қониқиш ҳиссини туюётганди. Уйга кетишда йўл-йўлакай:

– Бугун кечқурун Рюга қўнғироқ қилиш керак, – дея маълум қилди Ёхэй хотинига.

Эртаси кун эрталаб Ёхэй одатдагидан хийла барвақт уйғонди. Қораолтин унинг хаёлини тарк этмаётганди. Ёхэй энгил пальтосини эгнига илди-да, боғ томон ошиқди.

Зоғорабалиқларга эрталаб хўрак ташлаш Ёхэйнинг зиммасида эди. Бироқ ўша кун Ёхэй улар тўғрисида ўйламаётганди. Қораолтин ҳашаматли янги маконида илк тунини қандай ўтказганини билиш Ёхэйга тинчлик бермасди. Қария балиқчани мамнун ва бахтиёр кўришни истарди. Ахир, балиқча тор халтадаги сувдан кислородга тўйинган ва организмлар дунёсига бой бўлган кенг ҳовузга келиб тушганди-да.

Ёхэйнинг кадам товушини эшитган зоғорабалиқлар шовқин-сурон

кўтариб, шитоб билан ҳовузнинг лабига ёпирилишди. Ёхэй даставвал катак ўрнатилган ерга йўл олди. Эрталаб ҳаво очик эди. Ёхэй сув ёнидаги тошга ўтирди-да, қора духоба қийқимига ўхшаш шарпани излаб топмоқчи бўлиб сув бетигаги шаффоф сокинликка диққат билан разм солди.

Кўз кўриб, кулоқ эшитмаган воқеа юз берди. Қораолтин бир кечада катакдан ғойиб бўлганди. Бу яна қандай бемаънилик! Ёхэй шоша-пиша шолвори почасини шимарди-да, сувга қадам қўйди. У катакка қанча разм солмасин, у бўм-бўш эди. Фақат ҳовуздаги нозик панжаранинг ялтирашигина кўзни жимирлатарди, холос. Ваҳолонки, охурнинг эшикчаси зич ёпилган, катакка эса ҳеч бир зиён етмаганди. Демак, Қораолтин бешмиллиметрли – зиғирдек – панжаранинг ёриғи орасидан лип этиб чиқиб кетибди-да. Шундай бўлиши мумкинми?

Йиғламоқдан бери бўлган Ёхэй, ғаров ходани олиб келди-да, ҳовузнинг барча чекка, пана-пасткам жойларини титкилаб кўриб чиқди. Агар балиқча қафасдан сирғалиб чиқиб кетган бўлса, у тошнинг тагига биқиниб олган ёки йўсинлар орасига яширинган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда Ёхэй шунга умид киларди. Бироқ у қанча жон куйдириб изламасин, ҳовуз увоккина қора жониворни унга қайтариб бермади.

Энди, каллага содир бўлган воқеага иккита сабаб бўлиши мумкин деган хаёл келарди. Илк гумон бошда Мияко хавотирланган зоғорабалиқдан эди. Наҳотки, у бизнинг Қораолтинимизни барибир ютиб юборган бўлса? Худди жирканч бир нимага тегиб кетгандек, бундай тахминдан ҳатто Ёхэйнинг кўнгли ҳам беҳузур бўла бошлаганди.

Яна бир тахмин қолганди. Ҳовузни тозалаш ва ундаги сувни аввал ариққа, сўнг яқин орадаги анҳорга чиқариб юбориш учун унга махсус қувур олиб келиб ўрнатилди. Агар Қораолтин қувурнинг туйнугигача етиб ололса, унда, бир пайтлар Рюкити уни тутиб олган ўша ариққа қайта олиши мумкин. Ёхэй кейингисига ишонишни афзал кўрди. У яна ўша ғаров хода билан қуролланди-да, балиқчани излай кетди. Бироқ Қораолтинни топишга умид қолмаганди. Ариқ тубига қалин лой чўкканди, ундаги лойқа сув ҳам деярли қоп-қора бўлиб, унинг юзасининг баъзи-баъзи ерларида ёмғир чувалчанглари худди қизил тасма мисол иланг-биланг бўлиб сузиб юрарди.

Балки бу ифлос оқим Қораолтинни аллақачон шаҳардан ташқарига олиб чиқиб ташлагандир ва у ҳозир катта сув йўлида бамайлихотир сузиб юргандир? Ёхэйнинг калласига келган бу антика фикр унга нажот бағишларди.

Шунга қарамай, оғзи яна очкўзлик билан ланг очилган зоғорабалиқлар унинг хаёлини ўғирлади.

Ўзини босиб олган Ёхэй боққа қайтди. У, ачиб маромига етган соя дуккакларидан тайёрланиб қуритилган бўтқани эслатувчи омукта ем солинган қоғозхалтани очди-да, уни сиқимлаб олиб сувга ташлай бошлади. Ана бошланди томоша! Бир-бирини итарган, туртиб-сурган оч зоғорабалиқлар сувга улоқтирилган увокларга ўзларини ота бошладилар. Ёхэй чўчиб тушди: оч қизил оғзи худди ғордек очилиб турган бу баднафс балиқлар бунчям жирканч бўлмаса.

Қизил, малла ва оқ зоғорабалиқлар одатда гала-гала бўлиб тўпланишарди-да, бекиниб ҳам ўтирмай ҳовузнинг бетига қалқиб чиқиб, бамайлихотир тийғаниб боришарди. Уларнинг орасида Мияко Хукмдор деб ном қўйган фақат катта зоғорабалиқгина кўринмасди, холос. Ўзини айнан шундай идора қилиш балки қора зоғорабалиқларга хос бўлган одатдир? Хукмдор ҳовуз

тубида бемалол чўзилиб олиб, воқеани эринибгина кузатарди. У йўлига тўғаноқ бўлган балиқларни сурбетларча туртиб-суртиб, хўрак илинжида вақти-вақти билан сув юзига кўтариларди-да, яна қайтиб шўнғиб кетарди. Ёхэй шу кунгача ўз балиқларини яхши кўриб, ҳатто қандайдир меҳри товланиб кузатарди. Жорий қилинган тартибга амал қилиб, даҳшатли шубҳа остида қолган Хукмдор бу сафар ҳам сувнинг юзида охиргилардан бири бўлиб пайдо бўлди. У чақалокникидек нафис-пушти пўстлоқ билан қопланган оғзини ланг очди-да, ёнма-ён сузиб юрган емакни ютиб юборди. Ёхэйнинг нафаси ичига тушиб кетди. “Бунақа жиғилдонга илон ҳам индамай сиғиб кетаверади-ку. – Қариянинг Хукмдорга бўлган меҳридан асар ҳам қолмади. Одатдаги емагини иштаха билан жиғилдонига уриб олган бу нобакор ўзини жўрттага содда-муғомбир қилиб кўрсатарди. Мўлтонининг ўзи-я!..” Орадан бир мунча фурсат ўтди. Хукмдор ўзининг бақувват гавдаси билан тез чап берди-да, сув қаърига шўнғиб кетди. Ёхэй ваҳимали хаёлдан фориг бўлишга нечоғлик уринмасин, ғойиб бўлган Қораолтин барибир унга қора зоғорабалиқнинг гўлабур курсоғида сапчиб-сапчиб тушаётгандек туюлаверарди.

Ҳозир зоғорабалиқлар чиндан ҳам ҳовузларда урчитилипти, лекин бир вақтлар бу балиқлар йиртқич жонивор ҳисобланарди. “Йўк, энди мени лақиллатолмайсан!” – Ёхэй уйга дили хуфтон бўлиб қайтди.

Мияко бунинг барида астойдил Хукмдорни айбларди. Аёл зоғорабалиқларнинг мечкайлигини билгани учун ҳам агар Қораолтин унинг оғзи атрофида ўралашадиган бўлса, зоғорабалиқ ўз савки табиийсига бўйсуниб, бундай хушхўр бўлақдан шунчаки воз кеча олмаслигини тасаввур қилиш қийин эмасди.

– Ҳовуздан халос бўлиб, жонини сақлаб қолишни Қораолтин барибир уддалаган бўлиши керак! – Ёхэй ўзини юпатиш илинжида буни бот-бот такрорларди. Ҳар ҳолда Мияконинг нохуш фарази ҳақиқатга яқин бўлса ажабмас.

Кейинги уч-тўрт кун ичида Ёхэй ҳаяжондан ўзини кўярга жой тополмай қолганди. Ҳаёт унга шундай сермазмун туюлаётгандики, ҳатто у қизи ва набираси жўнаб кетгандан сўнг кўнглини вайрон қилаётган ёлғизликдан халос бўлгандек эди. У энди сўна бошлаётганди. Руҳи ҳам синиб борарди. Ҳамма бало, Рюкитининг қисмати билан Қораолтиннинг кўргиликлари ўртасида қандайдир боғлиқлик бор, дея қариянинг тахмин қилаётганида эди.

Охири чидолмаган қария:

– Мен бориб Рюкитини кўриб келаман,– деди кечки овқат пайти гап бошлаб хотинига.

– Ахир баҳорги таътилда унинг ўзи келади-ку.

– Келади... Эшикка тикилавериб кўзларим тўрт бўлди.

– Ўзи жуда Токиога боргингиз келяпти, шекилли.

– Рюкитини шундай соғиндимки... Асти кўявер.

– Мен ҳам сиз билан... Ҳа, ахир менинг беморларим бор-ку.

– Ҳозир ўзинг уни таътилга келади деб айтдинг-ку. Энди бир оз сабр қил. Улар қандай яшашпти экан, буни қачон кўраркинман деб сира сабрим чидамаяпти.

Ва ниҳоят Мияконинг розилиги ҳам олинди.

5

Ўқув йили охишлаб қолганди, Токиога жўнайидиган поезд ҳам одамга

тўла эди. Ёхэй сафарга тўсатдан отлангани учун ҳам чиптани фақат умумий вагонга ололганди, холос. Бироқ Кнадзава ва Такаоқдан сўнг ўтирадиган жойларнинг бари банд эди

Ёхэйнинг вагон-ресторандан паноҳ топишдан ўзга чораси қолмаганди. Қутилмаганда яқин-атрофдаги столда ўтирган йўловчилардан бири унга қўлини силкиди. Ёхэй хайрон бўлиб тўхтади-да: “Нахотки бу ўзимизнинг новвой бўлса?” деб ўйлади.

Қомати салобатли дўкондор башанг либос кийгани боис ҳам Ёхэй уни дарров танимади. Пиво шишаларига тўлиб кетган столда яна икки киши ўтирарди.

– Марҳамат, бош устига, Адзума-сан! – Ёхэйни таклиф этди новвой ва хамроҳига таништирди. – Учрашган жойимизни қаранг-а! Сиз ҳам Токиогами?

– Ҳа, қизимнинг олдига.

– Демак, Муги-таннинг олдига кетаётган экансиз-да. Жуда соз. Хурсандман...

– Ўзингиздан сўрасак?

– Бизми? Биз деҳқончилик ва ўрмон хўжалиги вазирлигига.

– Вазирликка дейсизми? Нима масалада?

– Сиздан ибрат олиб, фойдали иш билан шуғулланишга аҳд қилдик. Арзнома, йўқ, тўғрироғи, талабномамиз бор.

– Гап бу ёқда денг. Бу жуда-жуда...

– Сиз нима деб ўйлайсиз, Адзума-сан, япон новвойлари ҳозир нимадан кўпроқ ташвишдалар? Бизга ун зарур! Давлат бўлса ҳозир бизни ун билан фақат тўксон фоиз миқдоридогагина таъминлай олиши мумкин. Биз танг аҳволдамиз. Шу важдан Бутуняпония новвойлари ассоциацияси деҳқончилик ва ўрмон хўжалиги вазирлигига мурожаат этишга қарор қилди. Бу масала, сўзсиз, ортиқча шоли масаласи билан боғлиқ. Бироқ биз деҳқонлар билан сан-манга бормоқчи эмасмиз. Хуллас, масала жиддий, ҳукумат буни аниқлаб, тагига етиши шарт. Новвой хаяжонини яширолмай баланд овозда гапирарди.

– Ҳа-а, бу осон масала эмас.

– Адзума-сан, бизни сизнинг ҳамдардлингиз эмас, фикрингиз қизиқтиради.

– Бирон-бир фикрга келиш учун... – деб Ёхэй гап бошлаганди, новвой ўша заҳоти унинг сўзини бўлди-да:

– Яқинда журналлардан бирида сизнинг буюк назариётчингиз ҳақидаги мақолага кўзим тушиб қолди.

– Бунинг нима алоқаси бор, тушунмадим?

– Демак, маълум бўлишича, ўша назариётчи ўзи жонбозлик кўрсатган ижтимоий тузумни кўролмай дунёдан ўтган экан-да.

– Шундай экан, нима ҳам қилардик.

– Бу дегани, демак, уни алам ва умидсизлик изтироби адои тамом қилибди-да.

– У умрининг сўнгги кунларида ҳам бор куч-ғайратини илмий-назарий фаолиятга бағишлаганди.

– А, ҳали гап бу ёқда денг. Ундай бўлса, мен яна ўша сиз билан суҳбатлашган масалага қайтишни истардим. Адзума-сан, сиз қачондир яхши кунлар бўлади ва биз ёруғ кунларга албатта етамиз деганингиз эсимда. Ўша кунлар қачон келади? Қачон? Бизнинг жўн ҳисоб-

китобларимиз бўйича бунинг ҳеч таги кўринмаяпти. Ҳозирча умид қилишдан ўзга чора йўққа ўхшайди.

– Ҳа, умидни узмаслик керак, аммо шуни ҳам эсдан чиқармангки, биз фақат мавҳум фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтаётганимиз йўқ буни. Бари далиллар билан тасдиқланган.

– Тасдиқланган, дейсизми. Афсус, бундай мураккаб масалаларга бизнинг тишимиз ўтмайди. Сизнинг орзуларингиз эса ҳозирча ушалаётгани йўқ.

– Ушалади! Сиздек фикрлайдиганлар қанча кўп бўлса, мақсадимиз шунчалик тез рўёбга чиқади.

– Наҳотки биздек новвойлару гуруч сотувчилардан бирон наф бўлса?

– Ўйлашимча, наф бўлади!

– Ва ниҳоят баъзи бир равшанликлар киритдингиз.

Ҳамма кулиб юборди.

Наоэцдан йўл тикка ўнгга, Марказий Японияга бурилди. Мартнинг учинчи ўн кунлиги бошланган бўлса-да, ҳали у ер-бу ерларни қалин қор босиб ётганди, поезддан Мёкокогэн станциясига бир гала чанғичилар келиб тушишди.

Мана, Синано ҳам ортда қолди. Поезд Усун туннелига бир шўнғиб чиққанидан сўнг деразадан Канто водийсининг ям-яшил даласи ҳам кўрина бошлади. “Ҳа, бизнинг Тоямага нисбатан баҳор бу ерларда анча эрта бошланар экан.”

Мёкокогэн станциясидан сўнг ва ниҳоят Ёхэйга ҳам бўшаган ердан жой тегди. У ҳузур билан ўзини ўриндиқ суянчиғига ташлади-да, набирасини эслай кетди:

“...Уэно вокзалига поезд кеч соат бешда етиб бориши керак. Мен яна икки марта поезддан поездга ўтиришим керак, ўшанда Китидзёдзига соат еттиларга етиб бораман...”

Ёхэй Уэно вокзалида новвой ва унинг дўстлари билан хайрлашди – улфатлар саунага шошишарди. Ёхэй шаҳар электрпоездининг жадвалидан беҳабарлиги сабаб Мугино билан телефонда гаплашганда келишини фақат тахминий вақтини ва уйга ўзи етиб боришини айтиб қизини огоҳлантирди. Бироқ ҳозир Китидзёдзига яқинлашиб қолганида қария қизи ва набираси уни кутиб олишларини жуда хошлаётганди.

Тезлиги секинлашиб бораётган электричка платформа бўйлаб жила бошлади ва ўзидаги ноёб ўхшашлик билан ҳамон уни ҳайратга солиб келаётган чехраларга Ёхэйнинг дарров кўзи тушди.

“Ҳартугул келишди!” Қораолтин ғойиб бўлиши билан кечагина Ёхэйга азоб бераётган хавотиру ғашликликлар ўша заҳоти ёқимсиз тушдек ғойиб бўлди.

Қизи ва набираси унга қўлларини силкитишди-да, нимадир деб бақирди, бироқ қария уларнинг сўзларини тузукроқ англолмади. Поезд ҳали тўхташга ҳам улгурмай, Мугино билан ўғли ўзларини Ёхэйнинг вагонига отишди.

– Келганингиз қандай яхши бўлди, ота!

– Сизни соғиндим, бобожон!

Ёхэй сочлари кузалган набирасининг бошига юзини босар экан, эсанкираганча:

– Қани менинг Рюкитигинам...– деб минғирлади.

– Мени Қораолтиним қалай? – чўзиб ўтирмай сўради набираси.

– Қораолтинингми? Биласанми... Хуллас, у сойга оқиб кетди...

– Ў-ў... демак, келган жойига яна қайтиб кетибди-да?

Илҳақ бўлиб қутганига қарамай, Рюкити бу янгиликни бамайлихотир қабул қилди ва Ёхэй тезроқ мавзуни ўзгартиришга шошилди.

– Рю, бўйинг яна ҳам чўзилибди, шекилли?

– Ҳечам! Унчалик ўсмаганман! – эътироз билдирди набираси ёниб турган кўзларида ҳайрат ила. Унинг эгнига яп-янги йўл-йўл оқ-қора свитер ва кенг почали шим кийганди. Боланинг елкалари энг камида бир размерга ўсганди.

“Ҳайрият, кап-катта йигит бўлиб қолибди. Талаффузини айтмайсизми, ҳақиқий токиочасига!”

– Рюкити бу ерларда касал бўлиб қолмадимикан?– мингиллади Ёхэй худди ўзи билан ўзи сўзлашаётгандек.

– Мени соғинмагансиз, шекилли? – ранжибгина сўради Мугино отасига қараб.

Ёхэйнинг платформага териб кўйилган юклари бус-бутунлигига ишонч ҳосил қилгач, Мугино совға-саломга тўла қоғозхалталарни ола бошлади. Ёхэй энди қопчиғига кўлини узатганди, Рю ундан чакқонроқ чиқиб қолди.

– Бобожон, бу жуда оғир, сиз кўтарманг! – деди набираси уни аяб ва каттагина қопчиқни елкасига ортди-да, ҳайратдан эсанкираб қолган бобосига ҳам қарамай, дадил олға юриб кетаверди.

Ёхэй пальтосининг чўнтагига кўлини суқди-да, букчайганча итоаткорона оҳиста қадам босиб уларга эргашди. Мугино билан назоратдан ўта туриб, у бир сонияга тўхтади ва кўчадаги оломон ичидан набирасини излай кетди. Рюкитининг гавдаси оқшом қоронғусида гоҳ ғойиб бўлар, гоҳ неон шуълаларининг тўрсимон ёруғида гўё олис парвозга отланган кушдек яна пайдо бўлиб қолаверарди.

Рус тилидан

Дилдора АЛИЕВА таржимаси.

ДАРВОҚЕ...

20 июль Япония тақвимларига алоҳида байрам – Денгиз куни сифатида киритилган. 1996 йилдан буён нишонланиб келаётган бу санада японияликлар ўзлари учун асосий озуқа манбаи ҳисобланган денгиз ҳаққиға дуолар қиладилар. Зеро, балиқ оролларда яшовчи бу халқ учун икки томонлама – ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан аҳамиятлидир.



ЖАСОРАТ

XX аср француз шеъриятидан

XX аср француз шеърияти ҳам шаклан, ҳам мазмунан ниҳоятда ранг-баранглиги, бадиий ифода санъатида турли кашфиётларга бойлиги билан ажралиб туради. Хусусан, жаҳон шеъриятига ижобий таъсир кўрсатган символизм ва сюрреализм оқимини яратганлар ҳам француз шоирларидир. Улар биринчи ва иккинчи жаҳон уруши фожияларини ўз бошидан кечирган, ҳатто баъзилари озодлик кураши йўлида қурбон бўлган қаҳрамон ижодкорлардир (масалан, Робер Десносни фашистлар концлагерда қатл этишган). Европада фашизм зулмига қарши кураишда француз қаршилик кўрсатиши ҳаракатининг аҳамияти улкандир. Бу давр шеърияти тарихда муҳаббат, озодлик, кураш ва жасорат шеърияти ўлароқ ёрқин из қолдирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XX аср француз шеъриятида асосан уч йўналиш мавжуд: аёлга меҳр-муҳаббат, Франция тақдири, озодлик ва инсонпарварлик гояларига содиқлик.

Қуйида асарлари эътиборингизга ҳавола этилаётган ижодкорларнинг ҳар бири ўзига хослиги билан донг таратган. Масалан, Гийом Аполлинер шиқ-муаббат куйчиси сифатида шуҳрат қозонган. Аслида, у шеъриятга ҳаётни бутун мураккабликлари, зиддиятлари билан тўла акс эттира олган буюк новатор ҳисобланади. У шоирона бўлмаган сўзларни, ҳолатларни, мавзуларни ҳам юксак бидият билан ифодалай олган санъаткордир. Яъни, шеърни “шоироналик”дан қутқарган, турмушга ниҳоятда яқинлаштирган шоирдир. Поль Элюар эса, сюрреализм оқимининг энг илғор яратувчиларидан биридир. Унинг эркесвар, адолатпарвар шеъриятида жасур, буюк ватанпарвар ижодкорнинг юраги уриб туради. Қисқаси, бу давр шоирлари асарларида даврнинг фожияли манзаралари, эрк ва бахт йўлидаги ҳайқириқлари, ҳаёт ва ўлим исканжасидаги ингроқлари эшитилиб туради. Энг муҳими, дунёни обод ва инсонни озод кўриши истаги, орзуси, бу йўлдаги кураш мазкур шеъриятнинг ибратли фазилатларидир.



Поль ФОР
(1872-1960)

ҚҰНҒИЗ ҚҰШИҒИ

Қўнғиз виз-виз учару кетар. Дагобер дарс тугашин кутар. Сен-Денини¹ у барпо этди. Ёз таътилин у яқинлатди.

Қўнғиз виз-виз учару кетар. Шарлемань дарс тугашин кутар. Римда унга зафар ёр бўлди. Душманлари аламдан ўлди.

Қўнғиз виз-виз учару кетар. Жанна д`Арк сўнг дарсни кутар. Уни бугун ёқарлар, эсиз. Кетдик, бизлар балиқ овлаймиз.


Қўнғиз виз-виз учару кетар. Решелье дарс тугашин кутар. Монтобанга² у хужум қилар. Халқ иштонин каштанга илар.

Қўнғиз виз-виз учару кетар. Робеспьер дарс тугашин кутар. Жаллод уни кутар бу палла. Бизларни ҳам кутар тўй, ялла.

Қўнғиз виз-виз учару кетар. Бонапарт дарс тугашин кутар. Қаршида қиш, Бородино бор. Танаффусга барча интизор.

Қўнғиз виз-виз учару кетар. Жаноб Дюсу дарс сўнгин кутар. Ўқитувчи – устоз у, аммо... Яшаш – унга жумбоқ, муаммо.

Қўнғиз виз-виз учару кетар. Франция дарс сўнгин кутар. Бас, димикма, тур, эй сен, тўнғиз! Эркин-эркин учавер, қўнғиз!



Шарль ПЕГИ
(1873-1914)

ТЎРТЛИКЛАР

* * *

Қувончдан хабар келди –
Юксалмиш тоққа.
Виждондан хабар келди –
Ботмиш тупроққа.

* * *

Қўнгилда гоҳ дарду ғам,
Гоҳида севинч.

¹Сен-Дени – авлиё Денис, Парижнинг биринчи архиепископи. VII асрда қирол Дагобер унга мақбара қурдириб, бу даргоҳни француз қироллари мазорига хизмат қиладиган католик руҳонийлари жамиятига мулк қилиб берган.

²1621 йилда протестантларнинг Монтобан қалъаси кардинал Решелье буйруғига кўра қамал қилинган.

Кўл борида қадах тут,
Севинч учун ич.

* * *

Кулфат мени яхши кўрар,
Ҳеч нари жилмас.
Кулфат гўё хотинимдай,
Мендан айрилмас.

* * *

Юрак, сени сўнгсиз оғрик
Тинимсиз эзар.
Юрак, сени сўнги оғрик
Тамом кутқазар.

Гийом АПОЛЛИНЕР
(1880-1918)

МИРАБО КЎПРИГИ

Мирабо кўпригининг остидан оқар Сена,
Оқиб борар муҳаббат,
Бир нарса қолар фақат –
Қайғуларнинг ортидан кувончлар келар яна.

Тун бошланар, ғариб, беқадр,
Мен қоламан, кунлар кетадир.


Мавжлар узра сузишиб, гоҳ кафтни кўйиб кафтга,
Шодон суҳбат қурамиз,
Шавқ-ла қулоч урамиз –
Кўлларимиз ўхшайдир сув узра ёнган ўтга.
Тун бошланар ғариб, беқадр,
Мен қоламан, кунлар кетадир.

Сувларда оқиб ўтган ихтиёрсиз япроқдай
Севгимиз оқиб кетар,
Дилларни қайғу тутар...
Тағин умид чорлайдир тундаги тоқ чирокдай.
Тун бошланар ғариб, беқадр,
Мен қоламан, кунлар кетадир.

Сувда ҳар соат, ҳар кун, ҳар ҳафта яна-яна
Оқиб борар муҳаббат...
Бир нарса қолар фақат –
Мирабо кўпригининг остидан оқар Сена.
Тун бошланар ғариб, беқадр,
Мен қоламан, кунлар кетадир.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

114



САНТА ТУРМАСИ

(туркумдан)

* * *

Кўрқинч, бадбўй турма ҳовлиси
Тагин ҳазил-мазахга тўлди:
“Ҳе, жонингни иблис овласин!”
“Гийом, сенга нималар бўлди?..”

“Яша!” демас Лазарга ҳеч ким,
Дерлар: “Тирик тобутга туш, ўл!”
Оҳ, кўшиғим... оҳ, жононларим...
Оҳ, эркин кун, хайр, омон бўл.

* * *


Ҳа, мен олдин эдим бир одам,
Энди отим эслардан чикди.
Ҳа, йигирма бешинчи хонам,
Рақамим, ҳа, йигирма икки.

Хира туйнук ортида офтоб
Кир латтага ўралгандайин;
Масхаралаб мени у шу тоб,
Шеъримдан чарс боқиши тайин.

Нураган, кир деворлар тунд, жим.
Шифтдан баъзан чанглар сепилар.
Тепамдаги бўлмада маҳкум
Восвосланиб инграр, тепинар.

* * *

Кунлар ўтар жудаям секин,
Ўхшар мозор йўлига кунлар –
Бўм-бўш... ким бор, дейсану лекин
На ўтган бор ва на қайтганлар...
Бир-бирига ўхшайди кунлар.



Жюль СЮПЕРВЬЕЛЬ
(1884-1960)

УЗОҚДАН

Узоқдан товушимни туйишга ўргандингми?
Сен ерга кулоқ тутма, сен қалбингга кулоқ сол.
Бу ёққа келмоқучун йўл, кўприк қургандингми?
Мен сенга интизорман, эй, севгилим, кела қол!

Атлантика кенглиги бизни айри тутса ҳам,
Йўлимизни тўсса ҳам чўл, ўрмон, ваҳший тоғлар,
Агар менга майл ила кулиб боқсанг, эй санам,
Етар – барча тўсиқлар бизни висолга боғлар.

ВАҲШИЙЛАР ШАҲРИ

Шаҳарга боқаркан ҳайрон буғулар,
Тинчлик, хотиржамлик бор бу томонда.
Ўрмонда қўрқувдан барча бўғилар –
Ўлжа бўлиш хавфи кутар ҳар онда!..
Асли шаҳар тўла турфа хил махлук,
Изғишар; туришар тўдаланганча.
Боқ, корхоналарда улвий одам йўк,
Ишлашар, қайтишар подаланганча.

Инсон ҳам махлукдир аслида, зотан.
Қай бир ҳайвон бордир ич-ичимизда;
Суғурми, наҳангми, бўрими, арслон –
Бари куч оладир онг, кучимиздан.

Ўзликни агарда тутмасак маҳкам,
Осон айланмоқлик бирор ҳайвонга.
Одамдай яшайлик бўлсак гар одам –
Ваҳшийликни кувиб чўлга, ўрмонга.

Агар ҳайвонийлик бизни забт этса,
Қора босган жонлар зулматга толар;
Ичдаги инсонлик, руҳ ўлиб битса,
Ёлғиз тан бир умр азобда қолар.



Поль ЭЛЮАР
(1895-1952)

ЖАСОРАТ

Парижда қаҳратон.
Парижда очлик.
Каштанзор қўчалар тўла муҳтожлик.
Гадойдек юпун Париж,
Париж хор, ғариб –
Метродаги ҳорғин каби ухлар тик туриб...

Йўқсулларнинг бошига тушди янги кулфатлар.
Ситамкаш Парижнинг ақлу хаёлин
Ёнғин,
Совуқ ҳаво ютмоқда бетин.
Очликдан сулайган ишчиларнинг
Меҳрини,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Қахрини ютмоқда бу тун...
 Фақат сен ёрдам деб ўтинма, Париж!
 Яна аввалгидек яшашга тириш!
 Шу очлигинг,
 Муҳтожлигинг,
 Ёлғизбошлигинг,
 Қора бахтинг билан Парижсан, Париж!

Кўзларингда порлаб турар
 Инсонийлик, куч.
 Гўзал шаҳрим, Париж,
 Сен – олмос қилич!

Қаршингда золимлик заҳрин сочаркан,
 Сени кўммоқ учун гўрлар очаркан,
 Ҳаққинг йўқдир кўнмоққа ҳеч бу ҳақсизликларга!

Босқин, талон, зулмнинг бу ўрасидан
 Қутулгайсан, жасур Париж!
 Эй, мағрур Париж,
 Эй, олисда милтиллаган юлдузим, Париж!
 Сен биз учун мангу ўчмас умид машъали,
 Қутулгайсан азоблардан, бу ёт қирликдан!..

Умидланинг, жасурланинг, эй йўлдошларим!
 Тўғри, йўқдир бизда этик ё темир қалпоқ,
 Ё ялтироқ мундирлар ҳам йўқ эгнимизда,
 Бироқ порлоқ қуёш оқар томиримизда!
 Қуёшимиз қайтди яна,
 У орамизда!
 Қанча элдош,
 Қанча тилдош ўлди биз учун,
 Уларнинг-да қайноқ қони юрагимизда
 “Ўч!” деб оқар,
 Арвоҳлари кўклардан боқар.

Мана, яна тонг отмоқда.
 Париж уфқида
 Қутулиш ва эрк қуёши юксалмоқдадир.
 Қучоқ очиб янги баҳор келмоқдадир,
 Итоат ва қуллик, зулм бўлгуси тор-мор!
 Қуллик – бизнинг душманамиз,
 Билайлик бир бор!
 Аммо... қуллар қуллигини англаган замон,
 Кўтарар исён.

1942

ЗУЛМАТ

Нима ҳам қилар эдик, биз яшадик мозорда.
Фашистлар бизни эзди ҳар ер – кўча-бозорда.

Нима ҳам қилар эдик, ёнди шаҳру хиёбон,
Жизғанак бўлиб ёндик биз-да, худди биёбон.

Нима ҳам қилар эдик, оч-яланғоч қирилдик,
Қуролсиз эдик чунки, қўли калталиқ қилдик.

Нима ҳам қилар эдик, кездик шарпадай тунда,
Севдик бир-биримизни шу шафқатсиз очунда.

ИСПАНИЯДА

Бир конли дарахт бўлса Испанияда агар,
У хурлик дарахтидир.

Агар Испанияда бўлса бирор ботир тил,
У эрқдан сўзлар нуқул.

Бир қадах шароб бўлса Испанияда агар,
Уни-да миллат ичар.

Робер ДЕСНОС
(1900-1945)

БИР ҚАДАҲ ШАРОБ



Кўзғолар экан поезд, менга хайр айта-айта,
Рўмолчангни силкима қайта-қайта!
Бир қадахни шаробга тўлатгин-да, эй дилдор,
Учқур поезд ортидан сепиб юбор!
Сепилган шароб худди алангадай тўлғониб,
Оқа келиб, туташсин менга ёниб!
Оловдек конли шароб кўз ўнгимда товлансин,
Лабга тегсин тилингдай – жон овлансин!..

МАРСИЯ

Яшаб ёвуз замонда, ўтганман аллақачон.
Яшадим бир махбусдай, доим ўлимга тайёр;
Турмада, тор қафасда эзилса-да онг, виждон,
Қуллар ичра яшадим эркин, соҳибихтиёр.

Яшаганим ул зулмат мени кўр қилолмади,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ
118

Кўрдим ер кенгликларин, кўрдим кўк кенглигини;
 Булутли кунлар қалбдан ёғдумни ололмади,
 Билдим кушлар сайроғин олтинга тенглигини.

Тириклар! Бу бойликлар энди сизларга ўтди,
 Уларни асрайсизми? Она ватан озодми?
 Жонажон қишлоқларда ҳосиллар қалай битди?
 Мен жанг қилган у шаҳар бугун гавжум, ободми?
 Тириклар! Тупроғимни босиб ўтинг қўркмасдан,
 Мен энди тамом йўқман – жисмим, сезгим йўқ зотан.



ГИЛЬВИК
 1907-1997

ОҚ ЧОРЛОҚЛАР

Улар учун очликдир олам,
 Бўм-бўш кенглик – чексиз бир алам.
 Улар тўймас ҳеч замон; ҳар вақт
 Оч қичқирмоқ уларга одат.

Токи замон бўшлиқни ютсин,
 Очликларни тубдан йўқ этсин;

Бироқ денгиз бефарқ чайқалар,
 Кушлар уни маломат қилар –
 Жиловламас чунки у беғам
 Очликни ҳам, чексизликни ҳам.

МАНГУЛИК

Мангуликни
 Бой бермадик бутунлай ҳали.
 Фақат недир етишмай қолди,
 Ниманингдир келмади гали;
 Қанийди, эҳ, орзуларнинг бўлса амали,
 Ўр-қирларни туташтирсак
 Яшил тоғларга,
 Булутларни боғлай олсак
 Боғ, ўтлоқларга;
 Бирлаштирсак
 Бу борлиқнинг кўзларини,
 Инсонларни,
 Сўзларини,
 Ўзларини.
 Фақат бу иш ўта оғир,
 Машаққат ўта.
 Шундай, аммо бир ҳақиқат аёндан-аён:
 Ҳаёт мангу,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ
 119

Биз мангумиз,
Мангу ҳар инсон.

* * *

Инсон зоти – ёшу қари, хотин, эр
Замонадан илгарилаб кетсам дер.

Уй қуришни ўйлаб, ўйга толамиз –
Ҳали уй йўқ, кўчиб кириб оламиз.

Қашф этилмай туриб ҳали кашфиёт,
Ўзиники қилар уни қай бир зот.

Кунлар, тунлар туманида бўғилган
Бу қирғоқда кўп ҳорғинлар йиғилган,

Узоқларда, силкиганча кўлчасин,
Замон келар... йиғмоқ учун ўлжасин.

* * *

Йўқ, беҳуда кечмади висол,
Ёниб турган икки ўт мисол
Қовушдик биз, эй соҳибжамол.

Беҳудамас, учрашсак ҳар гал,
Шам порларкан, ўтдай тўлғониб,
Кўлларимиз чирмашди ёниб.

Севишмоқ бу эски бир одат,
Олқишладик ишқ ўтин гоҳ пайт,
Гоҳо унга ёғдирдик лаънат.

ҚЎШИҚ

“Омин!” дер она ер. Қайғуга толар –
Инсон тобутини бағрига олар.

“Омин!” деб шивирлар. Бир қисқа калом.
Бу балки видодир, бу балки салом.

Тупроқ йиғламайдир, солмайдир уввос,
Инсон ҳам сукутда, жанозага мос...

Шундайин тақдирдош Инсон билан Ер,
Қолгани сир... Уни инсон билмайдир.

*Рус тилидан
ТОҲИРБЕК таржималари.*



АТОҚЛИ ТАРЖИМОН БИСОТИДАН

Театр Мирзакалон Исмоилийнинг тақдирига айланиши мумкин эди. Лекин ҳаммаси бошқача бўлди. У адиб ва таржимон сифатида элга танилди. Шунга қарамай, унга театр бегона бўлмади.

1947 йили фронтдан қайтиб келган ёзувчи драматургияга мурожаат қила бошлайди. Уларнинг асарлари рўйхатида 1948 йили “Кенг майдонлар” пьесасини Янгийўл театрига, яна уч асарни таржима қилиб, ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрига топширганликлари қайд қилинган. Булардан К.Гольдонининг “Икки бойга бир малай”, Х. Мухторовнинг “Оила номуси” академик театрда 1948-1949 йиллари қўйилди. Учинчиси Шекспир қаламига мансуб пьесадиур. Бу адибнинг архивида сақланаётган материалларда номи “Бесабаб завго” деб кўрсатилган комедия эди. Балки театр асарни қўйиши ниятида бўлгандир. Аммо Мирзакалон Исмоилийнинг ҳибсга олинishi бунни рўёбга чиқармаган кўринади...

30-йиллардагидек қайтиб келмасликка умид боғлаганлар ёзувчининг таржималарига эга чиқишди. Қайтиб келганларида эса уларга “гражданлик реабилитацияси зоявий жиҳатдан оқлашни билдирмайди” деб қараганлар ҳам бор эди...

Мирзакалон Исмоилий эса ижод билан машғул бўлди. Асарлар ёзди, йигитлик давридан бошлаб икки юздан ортиқ асарни ўзбек тилига ўғирди. Уларнинг орасида Л.Толстойнинг “Тирилиши”, “Анна Каренина”, Новиков-Прибойнинг “Цусима”, Жюль Верннинг “Сирли орол”, Лопе де Везанинг “Ит пичан емас, отга ҳам бермас”, М.Шолоховнинг “Инсон тақдири”, Э.Л.Войничнинг “Сўна”, Рашиод Нури Гунтекиннинг “Чолиқуши” каби асарлари бор.

Маълумки, Шекспирнинг асарлари талайгина. Таржима учун ёзувчи нимага айнан шу пьесани танлади? Бу савол кишини ўйлантирмай қўймайди.

Асар икки муҳаббат сюжетидан иборат: Клавдио ва Геро ҳамда Бенедикт ва Беатриче. Бири фожиавий тус олса, бошқаси комик хатти-ҳаракатлар асосига қурилган. Шундай бўлса-да, ана шу қарама-қаршилик ўзаро уйғунлашиб кетади. Ҳар иккала жуфтликнинг бир-бирига, айниқса, иккинчи жуфтликнинг биринчисига таъсири катта.


Асарнинг икки сюжетдан ташкил топшининг асосий сабаби – алдов, ёлгон мавзудир. Биринчисида ёлгон пок инсон номини бадном қилиши мумкинлиги, иккинчисида алдов ёрдамида муҳаббат рўёбга чиқиши очиб берилган. Оқибатда бирида ёлгон фош бўлади, бошқасида чинга айланади.

Номус – асарнинг етакчи мавзуси. Клавдио, Леонатонинг қиздан номус қилиши; Геронинг ўзи ҳам хиёнатни ор деб билиши, бу ёлгон эканлигини таъкидлаши; Бенедикт қизнинг номусини ҳимоя қилишига тайёрлиги мавзуси очишига хизмат қилган.

Бенедикт ва Беатриче жуфтлигига алоҳида тўхталиб ўтиши ўринлидир. Чунки, улар асар жозибадорлигини таъминлашган.

Пьесанинг ўзбек театридаги тарихи энди бошланмоқда. Келажакда театрлар репертуаридан асар ўз ўрнини эгаллаши, шубҳасиз. Пьесани топишида ёрдам берган Э.Мухторовга, биринчи бор чоп қилаётган “Жаҳон адабиёти” журнали жамоасига Мирзакалон Исмоилий авлоди номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Козимхон САЪДУЛЛАЕВ



Уильям ШЕКСПИР БЕҲУДА ШОВ-ШУВ

Беш пардали комедия

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Дон Педро – Арагон¹ шаҳзодаси.
Дон Хуан – унинг қонунсиз укаси.

Клавдио	– флоренциялик ёш аслзода.
Бенедикт	– падуилик ёш аслзода.
Леонато	– Мессина губернатори.
Антонио	– унинг акаси.
Бальтазар	– дон Педронинг хизматкори.
Борачио ²	
Конрад	– дон Хуаннинг яқин кишилари.
Ҳазрат	
Франциск	– монах.
Кизил	– полиция пристави.
Булава	– унинг ёрдамчиси.
Протоколчи	
Бола	
Геро	– Леонатонинг қизи.
Беатриче	– Леонатонинг жияни.
Маргарита	
Урсула	– Геро оқсочлари.
Чопарлар, соқчилар, аъёнлар, хизматкорлар	

Воқеа Мессинада бўлади

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Леонато уйининг олдида.

Леонато, Геро, Беатриче ва чопар киради.

Л е о н а т о. Хатнинг мазмунидан маълум бўлдики, Арагон герцоги бизнинг Мессинага шу бугун кечқурун етиб келади.

Ч о п а р. Мен улардан уч миляча нарида ўтиб кетган эдим. Ҳозир улар ҳам шаҳарга етиб қолаёзгандир.

Л е о н а т о. Бу жангда дворянлардан қанча талафот бердинглар?

¹ Испания вилояти ва 11-асрда юзага келган қироллик. Қироллик 1479 йили Кастилия қироллиги билан тузилган сулола иттифоқи натижасида Испания ягона давлатга айланди. Арагон қўшинлари 13-15-асрларда Балеар ороллари, Валенсия, Сицилия, Сардиния, Неаполни босиб олган.

² Испанчада “маст” маъносини беради.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

122

Ч о п а р. Жуда кам. Аслзодалардан эса битта ҳам талафот берилгани йўқ.

Л е о н а т о. Ғолибларнинг талафот кўрмай қайтишлари – ғалаба устига ғалабадир. Хатда хабар қилинишича, дон Педро Клавдио деган бир ёш флоренцияликни жуда яхши тақдирлабди.

Ч о п а р. У йигит ҳақиқатан ҳам шундай тақдирга сазовор иш қилди. Шунинг учун дон Педро уни тилга олиш билан фақат хизматини тақдирлади холос: синьор Клавдио кўзичоқ қиёфасидаги шердек олишди; унинг ёшидаги одамдан бу хил қахрамонликни кутиб бўлмас эди. Гапнинг лўндаси – ҳар қандай орзу-умидларни орқада қолдириб, менинг ҳикоячилик маҳоратимга янги маҳорат қўшди.

Л е о н а т о. Мессинада амакиси бор, бу хабарни эшитса жуда хурсанд бўларди.

Ч о п а р. Аллақачон унга ҳам хат топширдим; хабарни эшитиб, боши осмонга етди – шу даражадаки, қувончи ичида қолишдан хижолат тортиб, ташқарисига уриб чиқди.

Л е о н а т о. Йиғладими?

Ч о п а р. Сел ип эшолмай қолди.

Л е о н а т о. Қадрдонлик булоғининг шалоласи! Ана шундай ёш ювиб тушган юздан ҳам ростгўйроқ нарса бўлиши мумкинми? Кўз ёшларини кўриб қувонгандан кўра, қувончни кўриб йиғлаган минг чандон афзал!

Б е а т р и ч е. Малол келмаса, айтиб юборсангиз: синьор Қиличбоз ҳам урушдан қайтдими-йўқми?

Ч о п а р. Мен бундай исми эшитмаганман, синьора. Бизнинг кўшинимизда бунақа одам йўқ эди.

Л е о н а т о. Кимни сўраябсан, жияним?

Г е р о. Бўлам падуилик синьор Бенедиктни сўраётган бўлса керак.

Ч о п а р. О, у қайтиб келди. Яна бурунгидай шўх, ҳазилкаш.

Б е а т р и ч е. У бутун Мессинага эълон ёпиштириб, Ишқини ўткир ёй билан отишамиз деб мусобақага чақирган экан; амакимнинг қизиқчиси эълонни кўриб: хўп, лекин ўтмас ёй билан отишамиз, деб Ишқи номидан розилик берибди¹. Малол келмаса, айтиб юборсангиз: у киши урушда кўп одам ўлдирдими? Ўлдирган одамларининг ҳаммасини едими? Яъни бошини едими? У ўлдирган одамларини ея олмайди, чунки ҳаммасини мен ейман деб ваъда қилганман.

Л е о н а т о. Ана холос, синьор Бенедиктга ёмон ҳамла қилдинг-у, жияним. Лекин у сени саришта қилиб қўяди, бунга шубҳам йўқ.

Ч о п а р. У киши урушда жуда жасорат кўрсатдилар, маликам.

Б е а т р и ч е. Сизларда бир талай овқат ейилмай қолган экан, шуларни еб битиришда жонларингизга аро кирган эмиш, ростми? Ишонса бўлади, шундай очкўзки, ошқозони тошни ҳам ҳазм қилиб ташлайди.

Ч о п а р. Ажойиб жангчи, маликам.

Б е а т р и ч е. Ҳа, хонимлар олдида; хўш, йигитлар олдида-чи?

Ч о п а р. Йигитлар олдида – йигит, жангчилар олдида – жангчи, ичи тўла фазилат.

Б е а т р и ч е. Ундай бўлса, гўшт билан пиёз тикилган сомса денг? Лекин пиёзи кўпми-гўшти?.. Ҳаммамиз ҳам нафс бандасимиз.

Л е о н а т о. Жиянимнинг гапларига хафа бўлманг, жаноб; жияним билан синьор Бенедикт ўртасида ҳамиша даҳанаки жанг кетади. Бир ерда учрашишдими – бўлди: бир-бирига сўз ўқини ота бошлашади.

¹ Овда ўтмас ёйлардан қушларни ярадор қилмаслик учун фойдаланилган. Улар қизиқларнинг хос анжонларидан бўлган.

Б е а т р и ч е. Афсуски, у ҳеч қачон нишонга уролмайти! Сўнги отишмамизда ақл бобидаги бешта қобилиятидан тўртгаси пуч чиқиб қолди¹. Энди уни ўша битта қобилиятигина етаклаб юрибди. Агар ақлдан атиги бир заррагина қолган бўлса, ажабо, уни отидан фарқ қилишга етадими шу биргина зарра? Унга ақлли махлуқ деб аталишига ҳуқуқ берадиган бирдан-бир нарса – шу зарра холос. Ҳозир улфати, жўраси ким? Ой сайин жўрасини янгилаб юридиган одати бор эди.

Ч о п а р. Наҳотки рост бўлса?

Б е а т р и ч е. Рост ҳам гапми! Ундаги вафодорлик нимаю – шляпасининг фасони нима. Шляпаси қолипига қараб ўзгараверади.

Ч о п а р. Менга шуниси аён бўлдики, маликам, бу йигит сизнинг ҳурмат китобингизга ёзилмапти.

Б е а т р и ч е. Йўқ! Ёзилгандами – бутун китобхонамга ўт қўйган бўлардим. Хайр, қани, эшитайлик: жўраси ким? Наҳотки у билан жаҳаннамга ҳам боришдан тап тортмайдиган биронта жони сабил топилмапти?

Ч о п а р. У кўпинча олижаноб Клавдио билан жўралик қилади.

Б е а т р и ч е. Ё раббий! Энди у синьор Клавдиога бало-қазодай ёпишиб олади; йўқ, у хира пашшадан ҳам баттар ёпишқоқ. Кимики бу пашша вабосига йўлиқди – тугади, жинни бўлади. Э, холикул қудрат, ўзинг асрагайсан олижаноб Клавдиони! Агар у Бенедикт деган касалга йўлиққан бўлса, шифосига минг фунт чиқимдор бўлди деявер.

Ч о п а р. Ижозат этсангиз, синьора, сизга содиқ бўлиб қолсам.

Б е а т р и ч е. Лутфингизни дариг тутманг, азиз дўстим.

Л е о н а т о. Ҳай, жияним, сенга-ку жинни бўлиш хавфи таҳдид қилаётгани йўқ.

Б е а т р и ч е. Саратон офтоби уриб кетиши мумкин, бундан бошқа хавф йўқ.

Ч о п а р. Дон Педро келяптилар.

Дон Педро, дон Хуан, Клавдио, Бенедикт ва Бальтазар киради.

Д о н П е д р о. Муруватли дўстим синьор Леонато, ўзингизга ташвиш орттирасиз. Бошқалар ортиқча сарф-харажатдан қочишса, сиз жон-жон деб ухдангизга оласиз.

Л е о н а т о. Ташвиш менинг уйимга ҳеч қачон жаноб олийлари қиёфасида келмайди. Ташвиш тарқалганда кўнгил ором топса, жаноблари бизни тарк этганларида кўнгилда алам қолади, бахт эса “кечир” дейди.

Д о н П е д р о. Ташвишга ихтиёрингиз ҳаддан зиёд. – Бу сизнинг қизингиз бўлса керак?

Л е о н а т о. Ҳар ҳолда онаси бир неча бор менга шундай деган эди.

Б е н е д и к т. Қизимми деб сўраган бўлсангиз, демак, гумонингиз бор экан-да?

Л е о н а т о. Йўқ, синьор Бенедикт, сиз у маҳал чақалоқ эдингиз.

Д о н П е д р о. Хўп таъзирингизни эдингиз-ку, Бенедикт! Вояга етганда қандай кепатага кирганингиз энди аён бўлди. Лекин қизингиз сиймоси отаси кимлигини равшан кўрсатиб турибди. (*Герога.*) Бахтли бўлинг, маликам. Жамолингиз бу номусли инсонга жуда ҳам ўхшайди.

Б е н е д и к т. Дуруст, синьор Леонато отаси, лекин, аминманки, булар

¹ Ақл бобидаги бешта қобилият деб, соғлом ақл, тасаввур, ижодкорлик, тафаккур ва хотира ҳисобланган. Беатриче фикрича, Бенедикт ўзида булардан фақат соғлом ақлни сақлаб қолган эди.

бир-бирларига ҳар қанча ўхшашса ҳам, кизи отасининг калласини ўз елкасида кўтариб юришга асло рози бўлмасди.

Б е а т р и ч е. Ҳайронман, синьор Бенедикт, гапингизга ҳеч ким эътибор қилмайди-ю, яна сиз нуқул вағиллайсиз.

Б е н е д и к т. Ия, маликаи Зирапча, ҳали ҳам дунёда бормисиз?

Б е а т р и ч е. Синьор Бенедикт, Зирапча кирадиган сиздай хом эт турганда, Зирапчанинг ўлиши мумкинми, ажабо? Сиз бор ерда ширин гап ҳам Зирапчага айланиб кетиши керак.

Б е н е д и к т. Унда шўртак гап бўлиб қолади. Лекин мана буниси тўғри: хонимларнинг ҳаммаси мени яхши кўради, фақат сиздан бўлак. Мен-чи, қалбимнинг бунчалик тош бўлмаслиги кераклигини бутун борлигим билан хоҳлаганим ҳолда, улардан биттасини ҳам яхши кўрмайман.

Б е а т р и ч е. Хотин зоти учун нақадар бахт! Акс ҳолда хира пашшага ўхшаган жигарсўхта дастидан дод дейишга келишарди. Бу масалада сизга ўхшаганим учун ҳам Худодан, ҳам совуқ қонимдан миннатдорман: ишқдан лоф урган эркак товушини эшитгандан кўра, итимнинг қарғага хурганини эшитсам кўпроқ хузур қиламан.

Б е н е д и к т. Худойим сизни бу хил ҳислардан айирмасин! Шундагина кўп синьорлар юзи тирноқ изларидан сақланиб қолади.

Б е а т р и ч е. Агар уларнинг юзлари ҳам сизникига ўхшаса, тирналгани билан баттар бўлмайди.

Б е н е д и к т. Аммо қушларга дарс берсангиз яхши бўларди¹.

Б е а т р и ч е. Қушга дарс берсам наф чиқади, аммо сизга ўхшаган жонивордан бало ҳам чиқмайди.

Б е н е д и к т. Қани энди менинг отим ҳам тезликда, чарчамасликда сизнинг тилингиздан қолишмаса! Хайр, давом этинг, Худо ёрингиз бўлсин. Мен тугатдим.

Б е а т р и ч е. Сиз ҳамма вақт шунақасиз: гапингизни аспона фалсафа билан тугатасиз.

Д о н П е д р о. Жуда соз, Леонато². – Синьор Клавдио, синьор Бенедикт, қадрдон дўстим Леонато ҳаммамизни зиёфатга таклиф қиляпти. Мен бу ерда кам деганда ҳали яна бир ой турамиз десам, дўстим унамаяпти. Бир тасодиф бўлсину, узокроқ туриб қолинглар деб истак билдирапти. Бу истак қуруқ мулозамат эмас, чин ҳақиқат. Мен бунинг ҳақлигига қасамёд этишга тайёрман.

Л е о н а т о. Агар жаноб олийлари шу ҳақда қасамёд этсалар, кейин уялиб ё қасам хиёнаткори бўлиб қолмайдилар. (*Дон Хуанга.*) Рухсат этадилар, сиз жанобларини ҳам табриклай. Акалари билан ярашиб олибдилар, қани энди камина хизматларида бўлсин.

Д о н Х у а н. Ташаккур. Ортиқча сўзни камина ёқтирмайди, лекин... ташаккур.

Л е о н а т о. Мумкинми жаноб олийлари олдинга марҳамат қилсалар?

Д о н П е д р о. Қўлингизни беринг, Леонато, бирга кирайлик.

Бенедикт ва Клавдиодан бошқа ҳамма чиқиб кетади.

К л а в д и о. Бенедикт, синьор Леонатонинг қизини пайқадингми?

Б е н е д и к т. Пайқашга пайқамадим, фақат кўзим тушди.

К л а в д и о. Қандай камтар, дилбар қиз экан-а!

¹ Кўпол хазилларга шинавандалар кўпинча қушлари (одатда тўтиқушлар)га ҳақорат сўзларини ўргатишган.

² Бенедикт ва Беатриче орасидаги даҳанаки жангда дон Педро Леонато билан ниманидир секин гаплашарди.

Б е н е д и к т. Мендан қай маънода сўраяпсиз? Менинг фикримни билмокчисиз-у, шунинг учун виждонли киши маъносида жавоб берайми ёки одатимни қилиб, хотин зотининг душмани сифатида гап қилайми?

К л а в д и о. Йўқ, илтимос қиламан: гапни айлантирмай, рўйирост жавоб қил.

Б е н е д и к т. Хўп бўлмаса: катта мақтовга – кичик, баланд мақтовга – паст, равшан мақтовга – қора. Фойдасига битта гап айтишим мумкин: агар унинг ўрнида бошқа қиз бўлса, у қиз бунчалик хушрўй бўлмас эди; ўз ўрнида ўзи бўлгани учун менга асло ёқмади.

К л а в д и о. Нима, мени ҳазиллашяпти деб ўйлаяпсанми? Йўқ, сенга қанчали ёққанлигини чин кўнглингдан айтиб бер.

Б е н е д и к т. Мунча суруштирмасанг, нима бало, сотиб олмоқчимисан?

К л а в д и о. Э, шундайин бебаҳо гавҳарга кучи етадиган одам бормикан дунёда?

Б е н е д и к т. О, албатта. Солиб қўядиган қутича ҳам топилмайди. Менга қара, рост гапиряпсанми ёки севги Худоси Купидонни – яхши овчи, олов Худоси Вулканни – ажойиб дурадгор деб даъво қилувчи сафсатабозлар сингари сўз ўйини қиляпсанми? Қани, бир билиб қўяйлик: ашулангга жўр бўлиш учун овозни қайси пардада тутиш керак ўзи?

К л а в д и о. У шундай ажойиб қизки, мен дунёга келиб, бундақасини кўрмаганман.

Б е н е д и к т. Мен ҳали кўзойнак тутмайман, шунинг учун ҳам у менга сен айтгандай кўринмади. Май ойининг дастлабки кунлари декабрнинг охирги кунларидан қанчали яхши бўлса, амакисининг қизи ҳам бундан шунчалик яхши бўларди, агар шайтон ичига кириб олиб васваса қилиб турмаса! Лекин хотини бор эркак деган номни кўтариб юришга раъинг бўлмаса керак ё борми?

К л а в д и о. Геро менга тегишга рози бўлсаю, мен бунинг аксига қасамёд этсам, ўзимнинг ўзим эканимга ҳам ишаноламай қолардим.

Б е н е д и к т. О, ҳали гап шундай дегин! Наҳотки дунёда босган одими ҳеч кимда гумон туғдирмаслигига имони комил бўлган биронта одам топилса? Наҳотки олтмиш ёшга етгунча ҳам ўйланмаган биронта такасалтангни кўриш менга насиб бўлмаса? Хайр, билганингни қил! Елкангга олаҳуржунни осгинг келаётган бўлса – ос, кунингни у якшанбадан бу якшанбагача оху воҳ билан ўтказ. – Қара, дон Педро қайтиб келяпти. Бизни ахтариб юрган бўлса керак.

Д о н П е д р о киради.

Д о н П е д р о. Сизларни Леонато орқасидан боргизмай тутиб қолган сирни билсак бўладими?

Б е н е д и к т. Хоҳлардимки, жаноб олийлари сирни очиб ташлашга мени мажбур этсалар.

Д о н П е д р о. Содик бўлиб қолиш ҳақидаги қасамёдинг номидан буюраман.

Б е н е д и к т. Эшитдингми, граф Клавдио? Сирни соқов бўлиб сақлаш қўлимдан келарди, бунга шак келтирмаслигинг керак. Аммо содик бўлиб қолиш ҳақидаги қасамёдим номидан ҳақ гапни айтишга мажбурман, – эшитяпсанми, ҳақ гапни айтишга мажбурман: бу ошиқ бўлиб қолди! “Кимга?” – Жаноб олийларининг саволлари-да бу. Қаранг: жағи жағига тегмай жадал жавоб беради: “Леонатонинг дилбар қизи

1 Сафсатадан иборат сўз гийни мисоллари, аслида Купидон кўзлари боғланган тарзда аке эттирилган. Ер остидаги олов Худоси Вулкан дурадгор эмас, балки темирчи бўлган.

2 Хотини вафосизлик қилган эрнинг қалпогидан кўринадиган “муғузи”га ишора.

Герога”.

К л а в д и о. Агар бу ҳақиқат бўлса, демак, жавоб тўғри.

Б е н е д и к т. Жаноб олийлари, “у бундай эмас, бундай бўлган ҳам эмас, Худоё, бахтимга бундай бўлмасин-да”, деган эски эртакнинг ўзи.

К л а в д и о. Юрагимдаги ўтим бирдан ўчиб қолмаса, Худоё, бахтимга шундай бўлсин-да.

Д о н П е д р о. Омин! У қиз кирои яхши кўрса кўргилик қиз.

К л а в д и о. Мени тuzокқа илинтириш учун шундай деяптиларми, жаноб олийлари?

Д о н П е д р о. Номусим хотири қасамёд қиламанки, ҳақиқатан ҳам кўнглимдаги гапни айтдим.

К л а в д и о. Шу ҳақиқат хотири қасамёд қиламанки, мен ҳам кўнглимдаги гапни айтдим.

Б е н е д и к т. Мен ҳам бу номус, ҳам бу ҳақиқат хотири қасамёд қиламанки, мен ҳам кўнглимдаги гапни айтдим.

К л а в д и о. У қизга ишқим тушганини сезиб турибман.

Д о н П е д р о. У қиз севгига муносиб эканини кўриб турибман.

Б е н е д и к т. Мен бўлсам, уни севиш мумкинми-йўқлигини сезмаяпман, севгига муносибми-йўқлигини ҳам кўрмаяпман. Менинг фикрим шундай, бу фикрни калтак олиб қувиб ҳам миямдан чиқариб бўлмайди. Бунинг йўлида калтак еб ўлишга ҳам тайёрман.

Д о н П е д р о. Сен шунақа, гўзал жинсинг эски душманисан.

К л а в д и о. Душманлик кийёфасини фақат иродасининг кучи билангина сақлаб келяпти.

Б е н е д и к т. Мени тукқан хотиндан бениҳоят миннатдорман, оқ сутини бериб одам қилгани учун ҳам бош эгиб қуллуқ қиламан. Аммо тақдиримни бирон хотин билан боғлашни, у хотиндан вафосизлик кўриш иснодига қолишни истамайман, йўқ, бу масалада мени кечирсин хотинлар зоти! Бу зотдан биронтасини ўз гумонларим билан ҳақорат этишни хохламайман, чунки буларнинг биттасига ҳам ишонмайман. Хулласи калом, мени йўлдан урولмайсан, то ўла-ўлгунча такасалтанг бўлиб қоламан.

Д о н П е д р о. Шошма, ҳали севгига мубтало бўларсан, рангингни йўқотиб, сарғайиб юрарсан, мен ҳам бу ҳолингни ўлмай туриб кўрарман.

Б е н е д и к т. Ғазабдан, хасталикдан ёки очликдан шундай бўлишим мумкин, жаноб олийлари, аммо севгидан эмас. Ғазабдан қизориш ўрнига севгидан бўзарадиган бўлсам, сизга рухсат: кўзларимни тўпос шоир қалами билан ўйдириш, фоҳишахона пешлавҳаси ўрнига: “Кўр бўлган ишқ Худоси” деб ёздириб қўйинг.

Д о н П е д р о. Билиб қўй: агар лабзингдан қайтсанг, эл оғзида надоматга қоласан.

Б е н е д и к т. Агар қайтсам, нишонга хурмачани эмас, мени мушук қавлида осиб қўйиб отинглар. Ана унда кимики нишонга урса: “Адам Белл экансан” деб елкасини қоқиб қўйишингиз мумкин¹.

К л а в д и о. Вақти-соати билан кўрамиз. Ёввойи буқани ҳам бўйинтурукқа кўникиб кетади, дейишади.

Б е н е д и к т. Ёввойи буқа кўникиб кетса ажаб эмас. Лекин Бенедикт ақл-фаросати бўла туриб бўйинини бўйинтурукқа тутиб берса, буқанинг иккала мугузини арралаб олинг-у, менинг калламга келтириб қаданг, иннайкейин суратимни солиб, тагига катта ҳарфлар билан: “Бу ерда бир яхши от кирага берилади”, “Уйланган Бенедиктни мана шу ерда томоша

¹ Балладаларда мадҳ қилинган инглизларнинг машхур мергани Адам Белл назарда тутилмоқда.

қилса бўлади”, деб ёздириб қўйинг.

К л а в д и о. Шу қўйга тушсанг, ҳойнаҳой, сузадиган ҳам бўлиб қоларсан.

Д о н П е д р о. Йўқ. Агар ишқ Худоси ҳамма ёйини Венецияда отиб қўймаган бўлса, бир кур ларзага учрашинг бор¹.

Б е н е д и к т. Ларза ҳам гапми, зилзилага учрайман.

Д о н П е д р о. Эсон бўлсак кўрармиз. Ҳозирча, марҳаматли синьор Бенедикт, Леонатонинг ёнига борсангиз-да, саломимни арз этиб, зиёфатига албатта боришимни айтиб қўйсангиз. Зиёфатга жуда катта тайёрлик кўряпти.

Б е н е д и к т. Бундай ишларни бажонидил бажараман. “Шундай қилиб, жаноб олийларини...”

К л а в д и о. “... Худого топширдим. Бу мактуб ёзилди менинг уйимда, мабодо менда шундай уй бўлса...”

Д о н П е д р о. “... июлнинг олтинчи кунида. Вафодор дўстингиз Бенедикт”².

Б е н е д и к т. Кулинглар-а, кулинглар! Мазахларингиз жулдурга ўхшайди, шунда ҳам тўкилиб турганига! Эгниларингизга эскини илишдан уялсаларингиз бўларди. Хайр энди, мен кетдим.

(Чиқиб кетади.)

К л а в д и о. Ёрдам этсангиз менга, ҳукмдор.

Д о н П е д р о. Севгим доим хизматингга тайёр.
Қани айт: нима дардинг бор, билай.
Шунга қараб мен ҳам жавоб қилай.

К л а в д и о. Леонатонинг ўғли бормикан?

Д о н П е д р о. Ёлғиз қизи бор – меросхўр Геро.
Сен уни севсанг керак?

К л а в д и о. Ҳукмдор,
Жангга отланган кезимда кўриб,
Солдатлик ҳавасим бир қўзгаб эди.
Оғир бурч, биласиз, нозик ҳислар
Гул ғунчасин очирмай турди.
Мана энди қайтдим, жанг ташвиши
Битди; ўрнида ширин истаклар
Чечак отди. Урушдан илгари
Мени мафтун этган бу дилбарни
Кўнгил олқир, қўмсар бу сарсари.

Д о н П е д р о. Учраган ҳар кишига ишқингни
Сўзлаб, жонини оласан энди!
Герони севсанг – хайр, нур аъло нур.
Совчиликни, хўп, бизга қўйиб бер.
Қиз қўйнингда, – шундай қилсак, қани,
Муродингга етган бўласанми?

¹ Венеция муҳаббат жоҳроларига гоят бой шаҳар ҳисобланган.

² Клавдио ва Дон Педро ҳаёлан Бенедикт ёзадиган севги хатининг якуний қисмини баён этишмоқда.

К л а в д и о. Севгининг оқарган рангини кўриб,
Дардига дарров даво топдингиз.
Гапларим эриш туйилмасин деб,
Ҳа, гапни бир оз чўзиб юбордим.

Д о н П е д р о. Кўприкни сойдан кенг солмоқ на лозим?
Мукофот шуки – эҳтиёж қонсин.
Гапнинг лўндаси: сен ошиқ эсанг,
Кўр, мана мен давосини топдим.
Бугун оқшом маскарад бўлади.
Мен сенинг қиёфангда бораман¹.
Герога: “Мен Клавдиоман”, дейман.
Бутун дардингни очиб айтаман.
Ошиқ нутқининг ҳароратила
Қизлик қалбини асир этаман.
Сўнгра отаси билан гаплашиб,
Ишни пишираман. Қиз сеники-да!
Қани, чаққон бўл, ишни бошлайлик.
Чиқиб кетишади.

ИККИНЧИ САҲНА

Леонатонинг уйи.

Леонато билан Антонио қарама-қарши хоналардан кириб келади.

Л е о н а т о. Ишлар қалай, ака? Ўғлинг қани? Мусиқа масаласини ҳал қилдимми?

А н т о н и о. Шу ғамда юрибди. Уни қўявер, ука, ҳозир сенга бир гап айтаманки, бунақасини тушингда ҳам кўрмагансан.

Л е о н а т о. Ҳар ҳолда яхши гапми?

А н т о н и о. Буёғини воқеанинг ривожини кўрсатади. Лекин ҳозирча чакки эмас, менга қолса, жуда яхши ҳам. Шаҳзода граф Клавдио билан менинг боғимда, қалин дарахтлар орасида айланиб юрган экан, хизматкорларимдан бири гапларини эшитиб олибди. Шаҳзода жиянимга, яъни сенинг қизингга ошиқлигини айтибди. Бугун кечқурун, ўйин маҳалида Герога ишқини изҳор қилмоқчи бўлибди. Мабодо қиздан розилик олса, бир зум ҳам пайсал қилмай, дарҳол сен билан гаплашармиш.

Л е о н а т о. Лекин бу гапни сенга етказган кишининг бошида куши бўлмаса ҳам, ҳуши борми?

А н т о н и о. Жуда зехнли йигит. Айттириб юбораман, ўзинг гаплашиб кўр.

Л е о н а т о. Йўқ-йўқ, рўёбга чиқмагунча, бунини ҳали туш деб турамин. Аммо қизнинг қулоғини пишитиб қўйиш керак, ажаб эмас рост чиқиб қолса ҳам. Бор, ўзинг оғоҳлантириб қўй.

Хизматкорлар киради.

Азаматлар, нима қилишларингизни биласизлар. *(Антониога.)* Жон ака, бирга борайлик, барака топгур. Эпчил, уддабуронсан, бир ғайрат кўрсат. Менга қарашиб юбормасанг бўлмайди.

Чиқиб кетишади.

УЧИНЧИ САҲНА

¹ Никобда боради.

*Ўша ерда.**Дон Хуан билан Конрад киради.*

Конрад. Сизга нима бўлди, граф жаноблари? Жуда ғамгин кўринасиз?

Дон Хуан. Начора, дарду аламлар хуружи.

Конрад. Ақл овозига кулоқ оссангиз бўларди.

Дон Хуан. Кулоқ осдим, хўш, бундан нима наф?

Конрад. Ғамгузорлик қилмаганда ҳам, дил озорига сабру тоқат беради.

Дон Хуан. Гапинг қизиқ! Юлдузим Зухал¹ дейсану, одам жонига қасд қилгувчи дарду ҳасрат шифосига сабру тоқат дармонини таклиф этасан. Мен юракдаги ҳисларимни яшира билмайман: ғам-ғусса оғушига отувчи сабабларга дуч келсам – ғам чекишим, бошқаларнинг кулгили гапларига илжаймаслигим керак; оч қолсам – овқат ейишим, ҳеч кимни кутмаслигим керак; уйқим келса – ётиб ухлашим, ҳеч кимнинг ғамини емаслигим керак; вақтим хуш бўлса – кулишим, бировнинг кайфиятига кул бўлмаслигим керак.

Конрад. Шундай, лекин тўла мустақил бўлмагунингизча, феъл-атворингизни хаспўшлаб турганингиз маъқул. Ахир кечагина акангизга қарши исён кўтариб юрардингиз. Акангиз тагин илтифот этди. Энди шу илтифотдан маҳрум бўлмаслик учун ўзингиз ҳавони яхшилаш ғамини ейишингиз керак. Экканингизни ўриб оладиган пайтни пойланг.

Дон Хуан. Унинг илтифот боғида атиргул бўлгунча, дашти-биёбонда чақиртиканак бўлганим яхши. Ғаламислик билан бировнинг муҳаббатини ўғирлагандан кўра, эл нафратига дучор бўлганим яхши. Менинг табиатимга ярашадигани шу. Мендаги саховатпарварликни тилёғламалик деб айтиб бўлмайди, лекин ярамаслигим ошкор – буни ҳеч ким инкор қилмайди. Менга тумшукбанд солиб, иннайкейин эллашадилар. Оёқларимга тушов солиб, – бўш қўйиб юборадилар. – Бас, қафасда сайрамайман! – шу менинг қарорим. Тумшукбандимни олиб ташланглар – тишлай бошлайин, оёғимни тушовсиз қўйинглар – билганимни қилайин. Ҳозирча мени ўз ҳолимга қўйинглар, мени ўзгартириб бўлмайди, бу хаёлни қилманглар!

Конрад. Норозилигингиздан наҳотки бирон наф чиқариб ололмасангиз?

Дон Хуан. Қўлимдан келганича наф чиқаряпман, чунки ихтиёримда бундан бўлак ҳеч нима йўқ. Ким у келаётган?

Борачио киради.

Нима гап, Борачио?

Борачио. Ҳозир зиёфатдан келяпман. Акангизга Леонато шоҳона зиёфат тайёрлябди. Яқинда тўй бўлар экан, хурсанд бўлишингиз мумкин.

Дон Хуан. Бир масхарасини чиқаришнинг иложи йўқмикан? Қанақа аҳмоқ экан у эски олаҳуржунни елкасига илаётган?

Борачио. Акангизнинг ўнг қўли деб билаверасиз.

Дон Хуан. Йўғ-е?! Гўзал Клавдиоми?

Борачио. Ўша жаноблари.

Дон Хуан. Киройи куёв. Кимни олар экан? Кимни? Юрагига ишк ўтини солган ким экан?

Борачио. Леонатонинг қизи – меросхўр Геро деб билаверасиз.

¹ Астрологик маълумотларга кўра, сайёраси Зухал бўлган кишилар дилгир мижоз бўлишади.

Д о н Х у а н. О, парвози баланд-ку! Шошма, қаердан билдинг?

Б о р а ч и о. Мени уйга кириб чекишга таклиф қилишган эди. Чекилавериб ҳавоси бузилиб кетган уйга энди кириб ҳам эдимки, рўпарамдан шаҳзода билан Клавдио қўлтиқлашиб кириб қолишди. Мен ҳам лип этиб парда орқасига ўтдим-у, гапларини бошлаб эшитиб олдим. Шаҳзода Герога совчилик қилмоқчи бўлди. Қиздан розилик олармиш-да, уни икки қўллаб Клавдиога тутармиш.

Д о н Х у а н. Ўх-ҳў! Юринглар ўша ёққа! Аламимни чиқариб оладиган кези келганга ўхшаб қолди. Ўша зинқарча мартабапараст сабаб менинг шунча хору зорлиқларимга! Агар таъбини жиндак бўлса ҳам хира қила олсам – бахтли бўлардим. Қани, иккалангиз ҳам менга содиқмисиз? Ёрдам беришга тайёрмисиз?

К о н р а д. Ўла-ўлгунча содиқмиз, граф жаноблари.

Д о н Х у а н. Қани, кетдик. Шоҳона зиёфатларини ҳам бир кўриб қўяйлик! Мени мағлуб бўлди, деб ўйлашиб, ҳали роса вақтичоғлик қилишади. О, кошки эди ошпаз туйғуларимга шерик бўлса! Қани, нима қилиш мумкинлигини ўша ерда кўрамиз.

Б о р а ч и о. Хизматингизга тайёрмиз, граф жаноблари.

Чиқиб кетишади.

И К К И Н Ч И П А Р Д А

Б И Р И Н Ч И С А Х Н А

Леонатонинг уйида.

Леонато, Антонио, Геро, Беатриче ва бошқалар киради.

Л е о н а т о. Граф Хуан зиёфатда бўлдими?

А н т о н и о. Мен кўрмадим.

Б е а т р и ч е. У жанобнинг қовоғидан мунча қор ёғмаса-я! Башарасига бир кўзим тушса бўлди – роса бир соат меъдам қайнаб юради.

Г е р о. Жуда ҳам табиати бадҳазм киши экан.

Б е а т р и ч е. Агар зуваласи у билан Бенедикт ўртасида олинган бир одам бўлса, ана уни ажойиб деса бўларди! Буларнинг бири – оғзига толқон солгандек миқ этмайди, иккинчиси эса – онасининг арзандасидай валақлашини қўймайди.

Л е о н а т о. Демак, синьор Бенедикт тилининг ярми граф Хуан оғзида бўлсаю, граф Хуан бадҳазмлигининг ярми синьор Бенедиктнинг юзида бўлса...

Б е а т р и ч е. ... иннайкейин-да, амаки, оёқлари чиройли, қелишган, ҳамёни эса пулга тўлиб-тошган бўлса. О, ана ундай киши дунёдаги манаман деган жононни ҳам ром қилиб оларди!

Л е о н а т о. Ростини айтсам, жияним, шу тилинг бўладиган бўлса, дунёда эрсиз ўтиб кетасан.

А н т о н и о. Тўғри, бу шундай сузонғички, олдида сигир ҳам ип эшолмайди.

Б е а т р и ч е. Ғам еманглар. “Сузонғич сигирга Худо мугуз бермас”, деган гап бор.

Л е о н а т о. Нима, Худо сенга ҳам мугуз бермайди, деб ўйлайсанми?

Б е а т р и ч е. Эр бермагандан кейин, албатта, мугуз ҳам бермайди-да. Мугуз ахир хотини вафосизлик қилган эр шармандалигининг нишонаси-

ку. Мен бўлсам эртаю-кеч Худога: “Эр бермагин”, деб муножот қиламан. Вой Худо-ей! Эринг соқолли бўлса-я, вой шўрим! Ундан кўра жун чойшабга ўраниб ётган яхши эмасми!

Л е о н а т о. Эринг бесоқол бўлиши ҳам мумкин.

Б е а т р и ч е. Бесоқол эрни бошимга ураманми? Кўйлагимни кийгизиб, ўзимга оқсоч қилиб оламанми? Соқолли эркак – ўсмир эмас; бесоқол эса – эркак эмас. Ўсмирликдан чиққан бўлса – менга ярамайди; йигит бўлиб қолган бўлса – мен унга ярамайман. Ундан кўра айиқлар серкасига бориб ёллансам-у, маймунларини дўзахга ҳайдаб борсам¹ – шу яхши-ку.

Л е о н а т о. Шундай қилиб, дўзахга жўнамоқчиман дегин?

Б е а т р и ч е. Йўқ, амаки, фақат дарвозасигача! У ерда мени мугузли иблис кутиб олиб: “Осмонга чиқ, Беатриче, осмонга чиқ. Бу ер қизлар макони эмас!” – дейди. Ана шундан кейин маймунларни иблисга топшираман-у, ўзим осмонга учиб чиқиб кетаман. У ерда авлиёлар мени эр қилмаган қизларга кўшиб кўйишади. Ана ундан кейин мазза бизники-да!

А н т о н и о. (*Герога.*) Жияним, сен-ку отангинг гапини икки қилмайсан-а?

Б е а т р и ч е. О, албатта. Бўламнинг бурчи маълум: дарров тиз чўкади-ю: “Отажон, сиз нимани хоҳласангиз шу!” – дейди. Лекин ҳазир бўл, кўзичоғим, майли у жонон йигитдир, лекин сен яна бир қур тиз чўку: “Отажон, мен нимани хоҳласам – шу!” – дегин.

Л е о н а т о. Хўп-хўп, жияним. Лекин бир кун эмас – бир кун эр қўлтиғида юрганингни кўраман деган умидим бор.

Б е а т р и ч е. Йўқ, Худойи таоло эркак лойини ердан эмас, бошқа материядан олмагунча, умидингиз ушалмайди! Бир лўмбоз лой хўжайинлик қилиб турса, хотин кишига алам қилмайдими? Ўзингнинг хулқ-атворингдан бир лўмбоз қаттиқ лойга ҳисоб бериб ўтирсанг-а!² Йўқ, амаки, мен бундақасини хоҳламайман. Ҳаммамиз Одам атодан тарқалганмиз, шунинг учун эркакларнинг бариси менга қариндош бўлади. Қариндошга тегишни эса мен гуноҳ деб ҳисоблайман.

Л е о н а т о. Гапим эсингда бўлсин, қизим: башарти шахзода розилигингни сўраб қолса, қандай жавоб беришни биласан.

Б е а т р и ч е. Агар шахзода совчилигини ҳаддидан ошириб, сўзида қаттиқ туриб олса, бўла жоним, сен бўш келма: ҳар нарсанинг меъёри бор дегину, ўхшатиб жавобини бер. Менинг гапимга ишонавер, Геро: совчилик, никоҳ ва пушаймончилик нимаю ўчоқдаги қумғон, ёқимли мусиқа ва ҳассасини йўқотган кўр нима! Биринчиси – қорнига ўт қалаган қумғондай вақирлаб қайнайди, чанқоғингни кучайтириб, ихтиёрингни ўзига тортади; никоҳ – қадим замонлардан бери чалиниб келиб, қулоғингга сингиб қолган ёқимли мусиқадай маст қилади, учинчиси эса ҳассасини йўқотиб қўйиб, ҳар қадамда қоқинган, гўрга киргунча қоқиниб ўтадиган кўр кунига солади.

Л е о н а т о. Ҳамма нарса фақат ёмон бўлиб кўринади-да сенга, жияним!

Б е а т р и ч е. Кўзим шунақа ўткир-да, амаки. Кундузи черковни баҳузур кўра оламан.

Л е о н а т о. Ана ниқоб тутиб олганлар келишяпти; кел, ака, буларга жой берайлик.

Дон Педро, Клавдио, Бенедикт, Бальтазар, дон Хуан, Борачио, Маргарита, Урсула ва бошқалар киради. Ҳамманинг юзида ниқоб.

¹ Қадимги инглиз хикоятига кўра, ҳаётлигида фарзанди бўлмаганлиги учун қари қизлар вафотидан кейин жазо сифатида бошқаларнинг болаларини дўзахда айланттириб юришади.

² Худо Одам атони лойдан яратганига ишора.

Д о н П е д р о. Шайдойингиз билан бир оз айлана олмайсизми, синьора?

Г е р о. Башарти секин юрсангиз, юзимга қаттиқ тикилмасангиз, ҳеч нима демасангиз, – бир оз айланишга розиман; ишқилиб, бу ердан нарироққа кетсам бўлгани.

Д о н П е д р о. Мен биланми?

Г е р о. Хоҳлаб қолсам, балки сиз билан.

Д о н П е д р о. Нима қилсам, хоҳлайсиз?

Г е р о. Юзингизни кўрсатсангиз, ёқса. Худо кўрсатмасин, юзингиз ҳам никобингизга ўхшаш бадбашара бўлса-я!

Д о н П е д р о. Менинг никобим ҳам дераза-дарчалари ёпиқ уйга ўхшаган гап – ичида каттакон чироқ чарақлаб турибди.

Г е р о. Нега бўлмаса дарча тиркишидан ақалли йилт этиб қўймайди?

М а р г а р и т а. Ишқдан гапирадиган бўлсангиз, овозингизни пастрок қилинг.

Б а л ь т а з а р. *(уни четга тортиб.)* Сизга ёқиш ниятим бор!

М а р г а р и т а. Менда эса ҳеч ҳам бундай ният йўқ, – ҳа, сизни аяганим учун, – нимага десангиз, камчиликларим жуда кўп.

Б а л ь т а з а р. Қани, ҳеч бўлмаса биттасини айтинг-чи.

М а р г а р и т а. Овозимни чиқариб муножот қиламан.

Б а л ь т а з а р. Шунинг учун ҳам ёқасиз-да: муножотингизни эшитганда “омин!” деб туриш учун битта одам керак ахир.

М а р г а р и т а. Худоё, мен билан тушадиган бир ўйинчи юбор!

Б а л ь т а з а р. Омин.

М а р г а р и т а. Ўйин тугагандан кейин яна дарҳол кўзимдан йўқот! Нимага овозингиз чиқмай қолди, оминчи?

Б а л ь т а з а р. Оминчи муродига етди – энди у чурқ этмайди.

У р с у л а. Сизни танидим: синьор Антониосиз.

А н т о н и о. Нон урсин, йўқ.

У р с у л а. Бошингизнинг ликиллаб туришидан таниб олдим.

А н т о н и о. Ростини айтсам, Антониони тақлид қиляпман.

У р с у л а. Йўқ, унга фақат синьор Антонионинг ўзигина тақлид қилиши мумкин. Қўлингиз ҳам қотма,¹ худди ўшанинг қўлгинаси. Бўлди, танидим, танидим!

А н т о н и о. Нон урсин, йўқ.

У р с у л а. Э, қўйинге, қўйинг! Нима, мен сизни сўзга бурролигингиздан танимаяпманми? Талантни яшириб бўлармишми? Қўйинг, талашманг: сиз – Антониосиз, Антониосиз! Одамнинг фазилати ҳамма вақт юзага уриб туради – гап тамом-вассалом!

Б е а т р и ч е. Шундай қилиб, буни кимдан эшитганингизни менга айтмайсизми?

Б е н е д и к т. Кечирасиз, йўқ.

Б е а т р и ч е. Ўзингизнинг кимлигингизни ҳам айтмайсизми?

Б е н е д и к т. Ҳозирча – йўқ.

Б е а т р и ч е. Мен инжиқ қиз, ўткир сўзларининг ҳаммасини “Юзга шўх хикоя”дан ўрганиб олган деб айтган киши, албатта, синьор Бенедикт бўлса керак.

Б е н е д и к т. У ким ўзи?

Б е а т р и ч е. Сиз уни жуда яхши билсангиз керак, деб ўйлайман.

Б е н е д и к т. Ишонинг, билмайман.

Б е а т р и ч е. Қизик гаплар гапириб сизни ҳеч қулдирмаганми?

¹ Қотма қўл мижозсизлик белгиси ҳисобланган.

² Ўша вақтда кенг тарқалган латифалар рўйхати.

Б е н е д и к т. Қанақа одам ўзи, айтинг ахир?

Б е а т р и ч е. Шахзоданинг қизиқчиси, кип-қизил масхарабоз. Бирдан-бир таланти – куракда турмайдиган ғийбатчилик. У фақат бузук одамларгагина ёқади, шунда ҳам фасоҳати билан эмас, қабоҳати билан. Одамларни кулдиради ҳам, ғазабга келтиради ҳам, шунинг учун одамлар жойи келганда кулишади, жойи келганда уришади. Ҳозир шу атрофда ғивирсиб юргандир. Шу тобда ёнимга келса, йўқ демасдим.

Б е н е д и к т. У жаноб билан танишсам, таърифингизни албатта ўзига айтаман.

Б е а т р и ч е. Жуда яхши қиласиз! Агар айтсангиз, у мени икки-уч оғиз сўз билан алланима балоларга ўхшатиб кўради; мабодо бунга ҳеч ким эътибор қилмаса ёки кулиб ҳам кўймаса, унда машқи тушади-ю, кечки овқатда бечора какликнинг бир қаноти саломат қолади, нимага десангиз, шу оқшом бечора масхарабознинг томоғидан қил ҳам ўтмайди.

(Муסיқа.) Олдиндаги жуфтлар кетидан борайлик.

Б е н е д и к т. Ҳамма маънода, шундай эмасми?

Б е а т р и ч е. Агар улар бизни ёмон йўлга бошлашса, унга қадам кўймай юз ўгириб кетаман.

Рақс.

Дон Хуан, Борачио, Клавдиодан бошқа ҳамма чиқиб кетади.

Д о н Х у а н. Геро акамнинг жигаридан уриб қолибди. Қизнинг отасини бир четга тортиб, розилик сўраяпти. Хонимлар ҳам ўша ёққа кетишди, фақат битта ниқобли кишигина қолди.

Б о р а ч и о. Клавдио у; мен уни бўйи-бастидан таниб турибман.

Д о н Х у а н. Сиз синьор Бенедикт эмасмисиз?

К л а в д и о. Топдингиз: худди ўзи.

Д о н Х у а н. Синьор, сиз акамга жуда яқин одамсиз. Акам Герога ошиқ бўлиб қолибди. Илтимос: бир амаллаб уни бу йўлдан қайтаринг. Қиз унга муносиб эмас: қайтарсангиз, жуда катта олийжаноблик қилган бўласиз.

К л а в д и о. Акангиз ошиқ бўлиб қолганлигини сиз қаердан биласиз?

Д о н Х у а н. Қизга қасамёд қилаётганини эшитдим.

Б о р а ч и о. Мен ҳам эшитдим. Рози бўлсангиз шу бугун кечқурунок сизга уйланаман, деб қасамёд қилди.

Д о н Х у а н. Хўп, энди овқатга борайлик.

Дон Хуан билан Борачио чиқиб кетади.

К л а в д и о. Бенедиктман деб жавоб қилдим, лекин ўзим учун ёмон хабар эшитдим. Шаҳзода ўз ғами билан экан-да! Ҳар нарсада дўстлик бўлиши мумкин, Лекин севгида эмас, зинҳор-зинҳор. Ошиқ бўлсанг, ўз тилинг билан иш қил. Ошиқ бўлсанг, ўз дилинг билан иш қил. Ўртага одам кўйдинг – хароб бўлдинг. Дўстинг ҳам терингга сомон тикади. Бу ҳақиқат чиқибди хотиримдан. Хайр, хайр энди, эй гўзал Геро!

Бенедикт киради.

Б е н е д и к т. Граф Клавдио, сизмисиз?

К л а в д и о. Менман.

Б е н е д и к т. Хўш, борамизми?

К л а в д и о. Қаёққа?

Б е н е д и к т. Чамада, тол тагига – сизнинг ишингиз билан, граф. Ўзингиз гулчамбар тақиш ниятингиз борлигини айтган эдингиз шекилли? Қандай тақасиз: бадавлат судхўр занжиридай бўйнингизга осиб оласизми¹ ё лейтенант белгисидай елкангиздан ўтказиб оласизми? Қандай бўлса ҳам тақмай иложингиз йўққа ўхшаб қолди: шахзода Геронгизни қўлга олиб қўйди.

К л а в д и о. Буюрсин.

Б е н е д и к т. Ҳм! Виждонли чорвафурушлар ҳўкизини сотганда шунақа дейишади². Менга қаранг, ростини айтинг: шахзодадан шундай дўстликни кутганмидингиз, йўқми?

К л а в д и о. Илтимос қиламан, мени ўз ҳолимга қўйинг.

Б е н е д и к т. Ўх-хў! Кўр уришидан бўлди-ку! Гўштингизни бола олиб қочди-ю, сиз устунни дўшпослаяпсиз.

К л а в д и о. Агар сиз кетмасангиз, мен кетдим. (*Чиқиб кетади.*)

Б е н е д и к т. Эҳ, ўқ еган бечора куш! Энди қамишзорга кириб яширинади. Қизик бўлди-ку: синьора Беатриче мени таниди ҳам, танимади ҳам. Шахзоданинг масҳарабози! Шўх табиатли бўлганим учун шу лақабни олгандирман балки? Йўқ, бу масалада мен ўзимга инсофсизлик қиляпман: менинг шухратим бу эмас. Бу шухратни жамоат фикри қилиб кўрсатаётган нарса Беатриченинг заҳарли тили, холос. Хўп, мен ҳам ўч олишни жуда яхши биламан.

Дон Педро киради.

Д о н П е д р о. Менга қаранг, синьор, граф қани? Кўрдингизми?

Б е н е д и к т. Ҳақ гапни айтсам, жаноб олийлари, Ёсуман ишини қилиб қўйдим. Келсам: шу ерда экан, машқи жуда тушиб кетган, худди бир нимасини йўқотиб қўйган кишидай юрагига қил сиғмайди. Жаноб олийлари жонона васлининг боғу эрамларида гашт қилиб юрибдилар, дедим, Назаримда, тўғри айтган бўлсам ҳам керак, кейин тол тагигача узатиб қўймоқчи бўлдим; у ерда тол новдаларидан қайғу чамбари ясаб, тарк этилган ошиқ бўйнига осиб ўки уни калтаклаш учун хивич кесиш керак эди.

Д о н П е д р о. Калтаклаш учун? Нима гуноҳ қилибди у?

Б е н е д и к т. Тажрибасиз мактаб боласининг нодонлигини қилди: бола куш уясини топдим, деб ўртоғига кўрсатиб қўйган эди, ўртоғи кушни ўғирлаб қўйди.

Д о н П е д р о. Ўртоғига ишонганлиги учун айбламоқчимисан? Айб ўғирлаганда.

Б е н е д и к т. Ҳар ҳолда чамбар қилинса, бир боғлам хивич кесилса зиён қилмас эди: чамбарни ўзи тақса, хивични сизга берарди, чунки менинг билишимча, кушчасини сиз ўғирлаб қўйдингиз.

Д о н П е д р о. Мен кушчаларни фақат сайрашга ўргатаман-у, кейин эгасига қайтариб бераман.

Б е н е д и к т. Агар айтган сўзингизга қараб сайрашадиган бўлса, ҳалол одам экансиз.

Д о н П е д р о. Беатриче сиздан қаттиқ хафа: у билан ўйинга тушган

¹ Бадавлат шахарликлар кўпинча бўйнига оғир олтин занжир осиб юришган.

² Сотувчи битим тузгандан кейин харидор молдан унумли фойдаланиши учун ўз истагини айтиши хақида гап бормоқда.

йигит сизни жуда ёмонлабди.

Бенедикт. Олинг-а, унинг ўзи шундай муомала қилдики, ерга кириб кетаёзим! Агар менинг ўрнимда ковоқ бўлганда, у ҳам додлаб юборарди: чамамда, юзимдаги ниқобга жон киргандай, ўша золим билан олишаётгандай бўлдими дейман. Мени пайқамай, мени нукул “шахзода масхарабози” деб атади; бир замбил лой деди, яна нима балолар: бошимдан кетма-кет истехзо тошлари ёғилди, мен ўзимни бутун бошлиқ армия ўққа тутаётган нишонманми, деб ўйлаб қолдим. Сўзлари бамисоли ханжар; ҳар бири юракда яра очади. Агар нафаси ҳам сўзлари сингари заҳарли бўлса борми – теварагида битта ҳам тирик жон қолмасди: ҳаммани, ҳамма нарсани, ҳатто кутб юлдузини ҳам заҳарлаган бўларди. Одам Ато гуноҳга ботгунча пок эди, ўшанинг поклигини бисотига кўшиб берганда ҳам, мен унга уйланмас эдим. Агар дев кўлига тушса, ўчоғига ўт қалатиб, бармоғини тараша қилиб ёндиради. Бас энди, уни тилга олмайлик. Қошимизга ясаниб-тусаниб чиққан алвасти¹ десам хўп деяверинг. Худойим бир бандасини юборсинки, у бизни шу балодан қутқазсин. Чиндан ҳам, у ёруғ дунёда экан, дўзах – рохатижон. Бунинг дастидан дўзахга қочиш боричи учун ҳам одамлар жўрттага гуноҳ қилишади. Бу бор жойда тўполон бор, жанжал бор, бесаранжомлик бор.

*Клавдио, Геро ва Леонато бир томондан,
Беатриче иккинчи томондан киради.*

Дон Педро. Ана, ўзи ҳам келиб қолди.

Бенедикт. Жаноб олийларининг менга бирон топшириқлари йўқми – уни дунёнинг нариги бурчига бориб бажариб келсам? Арзимаган иш бўлса ҳам майли, жон-жон деб кетаман; хоҳласангиз Узоқ Осиёдан тиш тозалағич келтирай; хоҳласангиз Дониёр пайғамбар оёғининг ўлчовини олиб келай; хоҳласангиз улуғ мўғул ҳоконининг соқолидан битта юлиб келай; хоҳласангиз яжуж-мажужлар элига элчи бўлиб борай! Бу қорашақшақ билан гап отишгандан кўра шу ишлардан биронтасини бажарсам жоним киради. Бирон ишингиз йўқми, барака топгур?

Дон Педро. Биз билан бўлсангиз, шунинг лаззатини тоттишдан бошқа тилагим йўқ.

Бенедикт. Худо асрасин, йўқ – бу таом меъдамга тўғри келмайди: қорашақшақларни ёмон кўраман. *(Чиқиб кетади.)*

Дон Педро. Ёмон бўлди, синьора Беатриче, синьор Бенедиктнинг қалбини қўлдан чиқардингиз.

Беатриче. Тўғри айтдингиз, жаноб олийлари: қалбини омонат қилиб берган эди, мен ҳам фоизи билан иккита қилиб қайтардим. Ҳақиқатда у тўпиқ ўйинида ютиб олган эди, шунинг учун гапингиз тўғри: аллақачон қўлдан чиқарганман.

Дон Педро. Роса бошлаб мот қилдингиз, синьора.

Беатриче. Ишқилиб мени мот қилмасин-да, аҳмоқ болалар туғиб беришга тоқатим йўқ. Мени граф Клавдиони чакириб келишга юборган эдингиз, мана, чакириб келдим.

Дон Педро. Нима бўлди, граф? Нега хафа кўринасиз?

Клавдио. Хафа эмасман.

Дон Педро. Бўлмаса, касалмисиз?

Клавдио. Касал ҳам эмасман, жаноболийлари.

Беатриче. Граф на хафа ва на хурсанд, на касал ва на соғ. Фақат

¹ Аслида юнон мифологиясидаги Ата, қасос ва адоваг Худоси назарда тутилган.

рангини кўрингу, ҳолини сўранг: ранги – сомон – рашк аломати.

Д о н П е д р о. Синьора, тавсифингиз менга ҳам жуда тўғри кўринади. Лекин онт бўлсинки, айтганингиз ҳақиқат бўлса, тасаввур уни чалғитибди. Билиб қўй, Клавдио, сенинг номингдан совчилик қилдим, гўзал Геро рози бўлди. Отаси билан ҳам гапни бир ерга қўйдим. Тўй кунингни айту, гаштингни қил, Худо бахтингни берсин.

Л е о н а т о. Граф, қизимни ҳам, қизим билан бирга бутун молу-дунёмни ҳам тутдим сизга. Герцог жаноблари совчилик қилдилар, энди фотихасига фалакнинг ўзи “омин” десин.

Б е а т р и ч е. Гапиринг, граф: ҳозир сўз навбати сизники.

К л а в д и о. Сукут – шодликнинг энг яхши жарчисидир. Нақадар бахтли эканлигимни сўз билан ифода қилишга тиришсам, бу билан бахтли эмаслигимни исбот этган бўлур эдим. Геро, сиз меники, мен эсам сизники; мен эвазингизга ўзимни сизга топширдим ва бундан беҳад шод бўлдим.

Б е а т р и ч е. Энди сен гапир, бўлажоним, агар гапиролмасанг, оғзини бўса билан ёпиб қўй, у ҳам гапирмасин.

Д о н П е д р о. Чиндан ҳам, синьора, кўнглингиз шод экан.

Б е а т р и ч е. Ҳа, герцог жаноблари, менинг нодон кўнглим шунақа, ҳамма нарсага суюниб қарайди. Бўлам графнинг қулоғига шивирлаб: “мени асир этдингиз”, деяпти.

К л а в д и о. Тўғри топдингиз, бўлажон.

Б е а т р и ч е. Ана энди қариндош ҳам бўлиб қолишдик! Мен нодондан бошқа дунёдаги ҳамма жониворлар мана шунақа уруғ-аймоқлашиб кетишади. Энди бошимни тошга уриб: “Менга ҳам эр топиб беринглар!” деб йиғламасам бўлмайдиганга ўхшайди.

Д о н П е д р о. Синьора Беатриче, эрни мана мен топиб бераман сизга.

Б е а т р и ч е. Отангиз топиб берганда яхши бўларди. Ўзингизга ўхшаган биронта уканингиз йўқми, герцог жаноблари? Отангиз ажойиб куёвлар ҳадя қилибди дунёга, ишқилиб, муносиб қизлар топилса бўлгани.

Д о н П е д р о. Менга тега қолмайсизми?

Б е а т р и ч е. Йўқ, герцог жаноблари, у вақт менга оддий эр ҳам керак бўлиб қолади. Жаноб олийлари бизнинг кундалик ҳаётимиз учун ҳайф кетадилар. – Мени маъзур кўрадилар-да, жаноб олийлари; мен шунақа ногирон бўлиб туғилганман: нукул бемаза нарсаларни гапираман-у, бамаънисига ақлим етмайди.

Д о н П е д р о. Жим тургудек бўлсангиз, кечирмас эдим: шўхлик сизга жудаям ярашади. Хурсандлик соатида туғилгансиз, бунга шубҳа йўқ.

Б е а т р и ч е. Йўқ, ундай эмас, ойим бечора жуда войлаб юборганлар. Лекин ўша маҳал осмонда бир юлдуз чарақлаб кетган, шу он мен туғилганман! Бўлаларим, Худо бахтингизни берсин!

Л е о н а т о. Жияним, илтимос қилган нарсамни эсингдан чиқармайсанда, а?

Б е а т р и ч е. Кечирасиз, амаки. Маъзур кўрадилар, жаноб олийлари. (Чиқиб кетади.)

Д о н П е д р о. Виждоним ҳақи қасамёд қиламанки, бу ғоят хушчақчақ, шўх қиз!

Л е о н а т о. Тўғри айтадилар, жаноб олийлари, жияним маъюслик билан ошу қатик бўлмайди. Фақат ухлаб ётган кезларидагина лабларидан кулги кетади. Лекин ҳамма вақт эмас: Беатриче тушида ҳам шумлик қилиб, кулиб юборар эмиш – қизим шундай дейди.

Д о н П е д р о. Ростдан ҳам эр деса шунақа жони чиқиб кетадими?

Л е о н а т о. Жони чиқиши ҳам гапми? Оғиз солган йигитларнинг

ҳаммасини масхара қилиб ўлдиради.

Д о н П е д р о. Лекин Бенедиктга тегса, қантдек бўларди-да.

Л е о н а т о. Худо кўрсатмасин! Жаноб олийлари, ахир бир ҳафтадан қолмай бир-бирини еб ташлашарди.

Д о н П е д р о. Граф Клавдио, тўйни қачон қиламиз?

К л а в д и о. Эртага, жаноб олийлари. Севги барча расм-русумларини жойига қўйгунча, вақт тошбақа юриши қилиб туради.

Л е о н а т о. Йўқ, ўғлим, келаси ҳафтанинг душанбасидан илгари қилиб бўлмайди. Орзу ҳавасларимни ерига етказишимга бу муддат ҳам озлик қилади.

Д о н П е д р о. Кечга қолдирилаётганини эшитиб, каллангни чайқаётганингни кўриб турибман. Лекин кўнглинг тўқ бўлсин, Клавдио, бир ҳафта ҳам кўз очиб-юмугунча ўтиб кетади – бу ёғига мен кафил. Бу орада синьор Бенедикт билан синьора Беатриче ўртасида севги ўтини ёқиш ҳаракатини қилиб кўраман. Икковларининг бошини жуда ҳам кўшгим келади; агар айтганимни қилиб, учалангиз ёрдам берсангиз – ҳаракатимнинг зое кетмаслигига шубҳа қилмайман.

Л е о н а т о. Жаноб олийлари, бу савоб ишда ўн кечаю ўн кундуз ухлამасам ухламайки, жоним билан айтганингизни қиламан.

К л а в д и о. Мен ҳам, жаноб олийлари.

Д о н П е д р о. Сиз ҳамми, гўзал Геро?

Г е р о. Бўлам ўзига муносиб эр топадиган бўлса, мен ҳам кўлимдан келган хизматни қилишга тайёрман.

Д о н П е д р о. Мен танийдиган йигитлар ичида Бенедикт унча умидсиз йигит эмас. Дадил мақтай оламан: таги тоза, дадил, ҳалол йигит. Бўлангизга Бенедиктнинг ишқини тушириш йўлини сизга ўргатиб қўяман, ўзим эсам сизларнинг ёрдамингиз билан Бенедиктни шундай бир кўйга соламанки, у шунча ўткир ақли, шунча нозик диди билан Беатричегга ошику беқарор бўлиб қолади. Агар муродимиз ҳосил бўлса, унда севги Худоси юракларга ишқ ўқини отадиган ёйини синдириб, бутун шону шухратини бизга берсин: бирдан-бир севги Худолари биз бўлиб қоламиз. Юринглар, планимни айтиб бераман.

Чиқиб кетишади.

И К К И Н Ч И С А Ҳ Н А

Леонатонинг уйида бошқа бир хона.

Д о н Х у а н билан Б о р а ч и о қиради.

Д о н Х у а н. Демак, граф Клавдионинг синьора Герога уйланаётгани рост экан-да?

Б о р а ч и о. Рост, граф жаноблари, лекин мен тўғоноқ бўлишим мумкин.

Д о н Х у а н. Ҳар қандай тўғоноқ, ҳар қандай ғов, ҳар қандай тўсқин менга дори. Мен граф Клавдиога қарши нафрат касалига мубтало бўлганман; шунинг учун унинг тилагига қарши ҳар бир ҳаракат – менинг тилагимга мос. Бу тўйга қандай тўғоноқ бўла оласан?

Б о р а ч и о. Ҳаром-хариш йўллар билан, граф жаноблари, лекин шундай усталик билан қиламанки, ҳеч ким сезмайди.

Д о н Х у а н. Икки оғиз сўз билан айтиб бер: қандай қиласан?

Б о р а ч и о. Геронинг оқсочи Маргарита лутфи карамидан баҳраманд

эканлигимни бир йилча аввал граф жанобларига айтган эдим шекилли.

Д о н Х у а н. Ҳа-ҳа, эсимда.

Б о р а ч и о. Кечаси бекасининг ётоқхонаси деразасидан мўралашини илтимос қиламан.

Д о н Х у а н. Хўш, деразадан мўралагани билан тўй бузила қоладими?

Б о р а ч и о. Чинакам заҳарни сиз тайёрлайсиз. Шаҳзоданинг олдига, яъни акангизнинг олдига борасиз-у, синьор Клавдиони бениҳоят хурмат қилганингизни, шундай ажойиб йигитни ифлос, бузук Герога уйлантириш билан ўзини иснодга қолдираётганини холис қилиб гапирасиз.

Д о н Х у а н. Қандай далил келтираман?

Б о р а ч и о. Шаҳзодани алдаш, Клавдиони ғазаблантириш, Герони ҳалок қилиш, Леонатони ўлдиришга етарли далил топилади. Хўш, бу озми?

Д о н Х у а н. Юракларини қон қилиш учун ҳамма нарсага тайёрман.

Б о р а ч и о. Боринг энди. Пайтини топиб туриб, дон Педро ҳам граф Клавдио билан хилватда гаплашинг. Геронинг мен билан ишқий можароси борлигини айтинг. Сиз ўзингизни тўйбошилиқ қилаётган акангизнинг шаънига доғ туширмаслик, бокира қиз деб бузук қизга уйланаётган дўстингизга иснод келтирмаслик учун шу сирни очаётгандай қилиб, уларга ўзингизни дўст қилиб кўрсатинг. Барибир, далилсиз ишонишмайди. Ана унда уларни бошлаб келасизу, мени кўрсатасиз: мен Геро ётоқхонасининг деразаси тагида туриб, Маргаритани “Геро” деб атаман, Маргарита бўлса мени “Борачио” деб. Улар овозимизни эшитади. Бу томошани худди тўй арафасида кўрсатасиз. Шундай қиламанки, ўша пайтда Геро хонада бўлмайди, натижада унинг вафосизлиги ҳақиқатга, рашк-гумон ишончга, тўйлари азага айланади.

Д о н Х у а н. Бу ишнинг оқибати қанчали машъум бўлмасин – мен бунга тайёрман! Эвини қилу мендан минг дукат мукофот ол.

Б о р а ч и о. Тухматда бўш келмасангиз бас, хийлани менга қўйиб беринг – дард қолмайсиз.

Д о н Х у а н. Бўлмаса бориб билиб келай: тўй қачонга тайинланган экан.

Чиқиб кетишади.

У Ч И Н Ч И С А Ҳ Н А

Леонатонинг боғи.

Бенедикт киради.

Б е н е д и к т. Ҳой бола!

Б о л а. (кириб.) Лаббай, синьор.

Б е н е д и к т. Менинг хужрамдаги дераза тоқчасида китоб турибди, шунини бориб олиб кел.

Б о л а. Хўп бўлади, Синьор. Шу ердан.

Б е н е д и к т. Биламан, шу ердасан. Лекин бу ердан йўқолишингни, кейин яна пайдо бўлишингни хоҳлардим. *(Бола чиқиб кетади.)*

Ҳайронман: бошқалар севгига мубтало бўлганда эс-хушларини йўқотиб қўйганларини кўриб, уларнинг беҳуда телбаликларини масхара қилиб юрган одам бирдан муҳаббатга мубтало бўлса-ю, ўзи ҳам кулгига қолса! Клавдио шундай бўлди. Эсимда: бир маҳаллар у карнаю-дўмбирадан бошқасини ёқтирмас эди, энди эса най билан ғижжакка жонини беради. Эсимда: яхши ҳарбий анжомни томоша қилиш учун ўн қақирим жойга

пиёда лўкиллаб боришдан тоймас эди, энди эса куёвлик сарпосининг янги фасонини ўн кеча ухламай ўйлашдан қочмайди. Номусли инсон, ибратли солдат сингари содда, бамаъни гаплар гапирарди; энди эса сўз-фасоҳат ҳуққабозига айланди: тилидан шакар томади. Кўзим очиклигида наҳотки мен ҳам шунчалик ўзгарсам? Билмадим-да. Ўзгармасман. Севги балоси мени булбули гўё қилмайди, деб қасам ичмайман. Лекин бир нарсада қасамёд қила оламан: булбули гўёки бўлмадимми, севги ҳам мени аҳмоқ қилолмайди. Бир гўзал хотинга учрадим – лекин ёқамни кутқазиб қолдим. Бир доно хотинга учрадим – яна ёқамни кутқазиб қолдим. Яна бир шафқатли хотинга учрадим – бунисидан ҳам ёқамни кутқазиб қолдим. Севги вабосининг ҳамма жозибасига эга бўлган хотинга дуч келмагунимча – ҳеч биттаси мени мафтун қилолмайди. Мени мафтун қиладиган жонон бадавлат бўлиши керак – бу зарурий шарт; ақлли бўлиши керак – йўқса, керак эмас; шафқатли бўлиши керак – йўқса, бир чақа ҳам сарф қилмайман; чиройли бўлиши керак – йўқса, бетига қарамайман; мўмин бўлиши керак – йўқса, ёнимга йўлатмайман; атоқли бўлиши керак – йўқса, сарик чақага ҳам олмайман; тили ширин бўлиши, яхши созанда бўлиши керак; сочининг ранги Худога ҳавола. Ана ёнларида севги Худоси¹ билан шаҳзода ҳам келиб қолдилар! Шийпонга беркиниб оламан. (*Беркинади.*)

*Дон Педро, Клавдио, Леонато, кейин
Бальтазар созандалар билан киради.*

Д о н П е д р о. Қани, мусиқа эшитасизларми?

К л а в д и о. Эштайлик, марҳаматли шаҳзода.
Нега бирам жимжит! Худди мусиқа
Эшитгиси келгандек, сукунатда.

Д о н П е д р о. Бенедикт қайга беркинди, кўрдингми?
К л а в д и о. Ҳа, кўрдим. Мусиқани эшитгандан сўнг,
Қопқонга туширамиз бу тулкини.

Д о н П е д р о. Ҳа, Бальтазар, айт ўша ашулангни.
Б а л ь т а з а р. Қўйинг, жаноби олий, хунук овоз
Билан расво қилмай яхши оҳангни.

Д о н П е д р о. Камолотга тан бермаслик – бағоят
Усталикнинг ажойиб жавҳаридир.
Б а л ь т а з а р. Айт! Кўп ялинтирма келинчаклардек.
Хайр, қўймадингиз, айтсам, айтай. Лекин
Севгига бўйин эгамизу, тағин
Уни келтириб қизлар этагига
Тўкамиз.

Д о н П е д р о. Бас, ашулангни бошла!
Гап талашгинг келса, – хўп, талаш. Аммо
Нота билан.

Б а л ь т а з а р. Олдин нотамни айтай:
Менинг нотамда нўхта йўқ.

Д о н П е д р о. Бу гўё нота билан гапиряпти!
Нотангда нўхта йўқ. Бас қил нўхтангни!

Мусиқа.

Бенедик. (*четга.*) Энди илоҳий ашула бошланади! Жони потирлаб

¹ Клавдио назарда тутилмоқда.

учиб чиқади! Тавба, кўй ичаги одамнинг жонини суғуриб олишга яраса жуда қизиқ-да, а? Йўқ, менга қолса, пул тўлаб тегирмон дудини жон-жон деб эшитардим.

Б а л ь т а з а р. *(ашула айтади.)*

Нега оҳ урасиз, жонон қизлар?
Эркаклар парвосиздир, парвосиз.
Ўзи сиз билан, кўнгли ўзгада,
Ҳаммаси вафосиздир, вафосиз.
Оҳ урмоқдин не нафъу не фойда?
Қувинг ҳаммасин, шодликни ўйланг.
Чиқариб қайғуларни кўнгилдан
Шоду хуррамлик мадҳини куйланг.
Шум тақдирнинг таронаси бўлмас,
Буни солманг куйга, солманг куйга.
Эркакнинг бир қиз-ла кўнгли тўлмас,
Кўз тутманг тўйга, кўз тутманг тўйга.
Оҳ урмоқдин не нафъу, не фойда?
Қувинг ҳаммасин, шодликни ўйланг.
Чиқариб қайғуларни кўнгилдан
Шоду хуррамлик мадҳини куйланг.

Д о н П е д р о. Ўлай агар, яхши ашула.

Б а л ь т а з а р. Лекин ашулачининг мазаси йўқ, жаноб олийлари.

Д о н П е д р о. Йўқ-йўқ: мазалироғи йўғида ўзинг мазали.

Б а л ь т а з а р. *(четга.)* Ит шундай улиса, осиб ўлдиришарди. Худодан тилагим шуки, овози бошимизга бирон балони чакириб келтирмасин. Бойўғли қандай бахтсизликдан башорат қилмасин, менингча, ўшанинг овозини кечаси эшитган афзалроқ.

Д о н П е д р о. Ҳа, албатта.¹ Менга қара, Бальтазар, бизга энг яхши созандаларни топиб келтирсанг. Эртага кечаси синьора Геронинг деразаси тагида машқлар чалдирмоқчимиз.

Б а л ь т а з а р. Ҳаракат қиламан, жаноби олийлари.

Д о н П е д р о. Шундай бўлсин. Хайр энди.

Б а л ь т а з а р с о з а н д а л а р б и л а н ч и қ и б к е т а д и.

Менга қаранг, Леонато, боя нима дедингиз? Жиянингиз Беатриче Бенедиктни яхши кўриб қолганга ўхшайди, дедингизми?

К л а в д и о. *(Дон Педрога шипшиб.)* Биқининг, биқининг: қуш тузук томонга келяпти. *(Леонатога баланд овоз билан.)* Бу қиз бировни яхши кўриб қолар, деб ҳеч ўйламовдим.

Л е о н а т о. Мен ҳам. Ҳозир Бенедиктни шунчалик яхши кўриб қолибдики, эс-хушини йўқотиб қўяёзибди. Ҳомонки илгарилари кўришга кўзи йўқ эди – мен шунисига ҳайронман.

Б е н е д и к т. *(четга.)* Наҳотки? Ҳали гап бу ёқда экан-да!

Л е о н а т о. Ростини айтсам, жаноб олийлари, ўзимнинг ҳам бошим қотиб қолди. Лекин жияним бечора севги ўтида ковурилиб юрибди: шундай ҳам бўлар эканми, а?

Д о н П е д р о. Балки жўрттага шундай қилиб юргандир?

К л а в д и о. Шундақага ҳам ўхшайди.

¹ Бенедиктнинг аввалги лукмаси вақтида дон Педро Леонато ёки Клавдио билан серенада ҳақида секин гаплашиб олишганди. Бу лукманинг бошланишидаги мазкур сўзлар уларнинг бирига тааллуқлидир.

Л е о н а т о. Йўғ-е, тепамда Худо турибди-я! Жўрттага эмиш! Ёлгон эҳтироснинг жияним эҳтиросидай чин бўлганлигини ҳеч қачон кўрган эмасман!

Д о н П е д р о. Хўш, эҳтироси нима қияпти экан?

К л а в д и о. (*шипиб.*) Тузоқни қўйинг; ҳозир илинади.

Л е о н а т о. Нима қияпти, дейсизми? Ўйга ботиб ўтирар эмиш-да...
Э, қизимнинг гапини ўзингиз эшитдингиз-ку.

К л а в д и о. Ҳа, тўғри.

Д о н П е д р о. Лаббай? Лаббай? Ростакан-а? Мени хайрон қилиб қўйдингиз: мен жиянингизнинг юрагини севги ўқи тешолмайди, деб юрган эканман.

Л е о н а т о. Қасамёд қиламанки, мен ҳам шу фикрда эдим. Айникса, Бенедиктга нисбатан.

Б е н е д и к т. (*четга.*) Оқ соқолининг ҳурмати бўлмаса, бу гапларни мазах деб ҳисоблардим. Ҳийла жодугари бундай табаррук либосда бурканиб юрмасди.

К л а в д и о. (*шипиб.*) Заҳар таъсир қилди: яна пича томизинг.

Д о н П е д р о. Хўш, яхши кўриб қолганлигини Бенедиктнинг ўзига билдирдимми?

Л е о н а т о. Йўқ. Ҳеч қачон билдирмайман, деб қасамёд қилибди: унга азоб бераётган нарса ҳам шу эмиш.

К л а в д и о. Тамоман тўғри: “Уни шунча вақт назаримга илмай келсам-у, энди бирдан: сизни яхши кўраман, деб хат ёзсам қандай бўлади?” деган эмиш қизингизга.

Л е о н а т о. Тўғри: Бенедиктга хат ёзмоқчи бўлиб ўтирганда шундай дебди. Кечаси бир ич кўйлақда йигирма мартача туриб, бир варақ қоғознинг икки бетини тўлғазиб хат ёзди. Қизим айтди менга.

К л а в д и о. Айтмоқчи, ўша ёзган хатининг бир жойи жуда қизик чиққан эмиш. Қизингиз айтиб, мени жуда хайратда қолдирди.

Л е о н а т о. Ҳа-ҳа! Ёзган хатини ўқиб чиққандан кейин қоғозни букса, Бенедикт билан Беатриченинг номлари апоқ-чапоқ бўлиб қолибди.

К л а в д и о. Ҳа, баракалла.

Л е о н а т о. Ана шундан кейин хатни парча-пурча қилиб йиртибди-да, ҳамиша мендан кулиб юрадиган одамга хат ёздим, деб ўзидан қойибди. “Ўзимдан қиёс-да: у менга хат ёзгудай бўлса, масхарасини чиқарардим. Ўлай агар, яхши кўрсам ҳамки, барибир масхарасини чиқарардим”, – дебди.

К л а в д и о. Кейин гурсиллаб тиз чўкибди-ю, фарёд кўтариб йиғлабди, кўкрагига уриб, сочларини юлибди: “Оҳ, жоним Бенедикт! Айланай Худо, менга куч, қувват ато қил!” деб Худога нола қилибди.

Л е о н а т о. Тўғри, шундай қилибди: қизим айтди. Муҳаббати шунчалик кучли эмишки, қизим: ўзини бир нарса қилиб қўймасайди, деб кўрқаяпти. Тўғри, аламига чидамай ўзини бир нима қилиб қўйиши ҳам мумкин!

Д о н П е д р о. Агар қизнинг ўзи билдиргиси келмаётган бўлса, буни Бенедикт бошқалар орқали билиши керак.

К л а в д и о. Нега? Биров айтса, Бенедикт ҳаволаниб, бечора қизни бешбаттар қийнаб қўяди.

Д о н П е д р о. Агар нонтепкилик қилса, ундай одамни осиб ўлдирганинг ҳам ҳаққи кетади! Беатриче ажойиб, дилбар қиз, раҳм-шафқатли – буниси шубҳасиз.

К л а в д и о. Яна ақлини айтмайсизми.

Д о н П е д р о. Бенедиктга кўнгил берганлиги назарга олинмаса,

тўғри, жуда ақлли қиз.

Л е о н а т о. Э, тақсир, шундай мўрт бир вужудда ақл билан эҳтирос кураши бошланса, амин бўлингки, эҳтирос ғалаба қилади. Амакиси, демак, ҳомийси бўлганим учун ҳам мен унга жуда ачинаман¹.

Д о н П е д р о. Хоҳлардимки, бу дили хаста қиз менга ройиш билдирса: бутун мулоҳаза ва андишаларни бир четга қўйиб, уни ўзимга умр йўлдоши қилиб олардим. Илтимос, истагимни Бенедиктга айтсангиз: кўрамиз, нима жавоб қилар экан.

Л е о н а т о. Нима, яхши бўлади деб ўйлайсизми?

К л а в д и о. Геро: Беатриче хазон бўлади, деяпти. Ўзи ҳам: Бенедикт кўнглимни топмаса – ўламан, – деяётган эмиш; шундай бўлса ҳам: унга севгини айтгунча ўлганим яхши, дебди. Бу ҳам етмаганидек: совчи юборса, ўлсам ўламанки, яна одатдаги мазахимдан қайтмайман, деган эмиш.

Д о н П е д р о. Тўғри қилади. Беатриче муҳаббатини изҳор этгудай бўлса, Бенедикт уни масхара қила бошлаши мумкин. Биласиз-ку, у жуда бемаза одам.

К л а в д и о. Лекин чиройли йигит-да!

Д о н П е д р о. Тўғри, бахти сиртида.

К л а в д и о. Худо ҳаққи, назаримда, жуда ақлли йигит.

Д о н П е д р о. Ҳа, ақли ялт этиб кетадиган пайтлар ҳам бўлади.

Л е о н а т о. Мен уни жуда довурак киши, деб ўйлайман.

Д о н П е д р о. Достонлардаги паҳлавоннинг ўзи, хўп деяверинг. Номус масаласида доноки, тенги йўк: биров билан олишишдан ё ўзини олиб қочади ёки мабодо, олишмасликнинг иложини тополмаса, у ҳолда насроний ваҳми билан олишади.

Л е о н а т о. Агар юрагига Худо ваҳим солган бўлса, демак, тотувлик йўлини кидириши керак, мабодо, бу тотувликни бузгудай бўлса, юрагини ваҳм, ҳаяжон босиши керак.

Д о н П е д р о. Аслда шундай: гоҳи маҳаллар оғзидан чиқиб кетадиган бошвоқсиз ҳазилларига қараб уни Художўй дейиш қийин бўлса ҳам, ҳар ҳолда Худодан кўрқади. Аммо жиянингизга жуда раҳмим келяпти. Менга қаранглар, Бенедиктни топсаг-у, жиянингиз яхши кўриб қолганлигини айтсак, нима дейсизлар?

К л а в д и о. Йўк, айтмаганингиз маъқул. Балки қиз қалби ўтини ўчириб олар.

Л е о н а т о. Билмадим-да, ўзи шу ўтда куйиб кетмаса, деб кўрқаман.

Д о н П е д р о. Хўп бўлмаса. Қолган гапни қизингиздан эшитармиз. Унгача ўзи ҳам ҳовуридан тушиб қолар. Мен Бенедиктни жуда яхши кўраман, аммо ўзининг аҳволига холисанлилло бир назар солса-ю, шундай гўзал қизнинг эри бўлишига нақадар муносиб эмаслигини кўрса – мен шуни хоҳлардим.

Л е о н а т о. Энди борсак қалай бўлар экан, жаноб олийлари? Овқат ҳам тайёр бўлгандир.

К л а в д и о. (секин.) Шундан кейин ҳам қизга ошиқ бўлмаса, дунёда ҳеч нарсага ишонмаганим бўлсин.

Д о н П е д р о. (секин.) Энди қизга ҳам шундақа тузоқ қўйиш керак. Бу вазифани қизингиз оқсочи билан ухдасига олсин. Ҳақиқатда ҳеч нарса йўғу, лекин буниси “у мени яхши кўриб қолибди”, униси “бу мени яхши кўриб қолибди”, деб ўйласа роса қизик-да. О, бу томошани бир кўрсайдим! Айтамыз: қиз келиб уни овқатга чақириб кетади.

Дон Педро, Клавдио, Леонато чиқиб кетади.

Б е н е д и к т. (ишйондан чиқиб.) Йўк, бу гаплар уйдирма эмас, жиддий

¹ Леонато ўзининг Беатричеге васийлигини назарда тутмоқда.

гап. Геродан билиб олишган. Назаримда, Беатричега ачинишяпти. Юрагига ёмон ўт тушибди-да. Мени яхши кўриб қолибди! Энди уни сийлаб қўйиш керак. Буларнинг гапани жуда яхши эшитдим: Беатриченинг яхши кўрганлигини билсам, ҳаволаниб кетармишман; қиз севгисини билдиргандан кўра ўзини ўлдиради, дейишди. Хотин олиш – етти ухлаб тушимга ҳам киргани йўқ эди, шундай бўлса ҳам ҳадеб керилавериш ярамайди. Камчилигини эшитиб, ўзини тuzатганки бор, ана ўша бахтли. Қизнинг гўзаллигини роса макташди – тўғри, гўзал, ўзим ҳам шоҳидликка ўтаман. Шафқатли дейишди – буниси ҳам тўғри: эътирозга сўзим йўқ; менга кўнгил берганлиги назарга олинмаса, ақлли дейишди, ҳаққу ростини айтсам, бу нарса унинг ақлидан шаҳодат бермайди, шунингдек, нодонлигини ҳам далолат этмайди, нимага десангиз, ўзим ҳам сева қолсам, деб ўлиб турибман. Узоқ вақтлардан бери никоҳдан кулиб келардим, шунинг учун мазах найзасига санчилишим турган гап, албатта. Нима, дид ўзгармайдими? Одам ўспиринлигида бир овқатни яхши кўрса, қариганида оғзига ҳам олмайди. Ақллар бир-бирига отадиган қоғоз ўқлар, яъни аччиқ ҳазил ва мазахлар наҳотки одам йўлини ғов бўлиб тўсиб олса? Йўқ, дунёда одамзод бўлиши керак! Дунёдан бўйдоқ ўтаман деганимда, тўйга етмай ўлиб кетаман, деб ўйлардим! Ана, Беатриче келяпти. Кундуз ёруғи билан қасамёд қиламанки, бу жонон менга боп! Юзида ишқ аломатлари борлигини кўриб турибман.

Беатриче киради.

Б е а т р и ч е. Мени ихтиёримга қарши сизни овқатга чақиргани юборишди.

Б е н е д и к т. Гўзал Беатриче, заҳмат чекканингиз учун ташаккур.

Б е а т р и ч е. Менга ташаккур айтиш учун не қадар заҳмат чеккан бўлсангиз, сиздан ташаккур олиш учун у қадар заҳмат чекканим йўқ.

Б е н е д и к т. Демак, бу топшириқ сизни мамнун қилган?

Б е а т р и ч е. Ҳа, сариқ чақалик. Иштаҳангиз йўқми, синьор? Хайр бўлмаса. *(Чиқиб кетади.)*

Б е н е д и к т. Ўҳ-хў! “Мени ихтиёримга қарши сизни овқатга чақиргани юборишди” – бунда бир эмас, икки маъно бор. “Менга ташаккур айтиш учун не қадар заҳмат чеккан бўлсангиз, сиздан ташаккур олиш учун у қадар заҳмат чекканим йўқ!” – бу ҳам: “ташаккур айтиш сизга қанчалик осон бўлса, сиз учун қилинадиган ҳар қандай заҳмат ҳам менга шунчалик осон”, деган гап. Агар ҳолига ачинмасам, мени разил деб атанг! Бўлди, севаман, агар севмасам – отимни турк қўйганим бўлсин! Суратини топишга ҳаракат қилай. *(Чиқиб кетади.)*

У Ч И Н Ч И П А Р Д А

Б И Р И Н Ч И С А Ҳ Н А

Леонатонинг боғи.

Г е р о, М а р г а р и т а, У р с у л а к и р а д и.

Г е р о. Тез бор залга, Маргарита, у ерда
Бўлам Беатриче Клавдио ҳамда
Шаҳзода билан бирга ўтирибди.
Қулоғига шипшиб қўй: мени боғда
Урсула билан сизнинг тўғрингизда

Гаплашиб юрганини эшитдим, де.
 Кейин боғдаги шийпонга, печак гул
 Қуёш нурларин тўсган хилват жойга
 Яшириниб, гапларин эшитинг, де.
 Шоҳлар бошига кўтарган махрамлар
 Гоҳо ғурур – тахтга чанг солади.
 Шу хилда у ҳам чопиб келади-ю,
 Беркиниб гапимга кулоқ солади.
 Ролингни яхшироқ бажар. Бор энди.

М а р г а р и т а. Мен кафил, у тезда етиб келади.

Чиқиб кетади.

Г е р о. Беатриче келган соати дарров
 Бенедиктдан гап очамиз, Урсула.
 Ҳа, хиёбонда юриб гаплашамиз.
 Отини айтдимми, сен Бенедиктни
 Мактаб, кўкларга кўтарасан. Хўпми?
 Мен эсам: Бенедикт, Беатричени
 Севганидан, жуда ҳам бетоб, дейман.
 Ишқ Худоси овоз орқали ҳам
 Ёр юрагига ўт ёқади.
(Саҳна тўрисида Б е а т р и ч е кўринади.)
 Қани,

Бошладик! Гапимизни эшитиш-чун
 Ўғри мушукдай биқиниб келяпти.

У р с у л а. Қанотларин ўбдон кокиб, кумуш сув
 Ичида қармоқ томон келаётган
 Олтин балиқни кўришдан балиқчи
 Қанчали қувонади, севинади.
 Биз ҳам Беатричени шу тахлит
 Тутамиз. Шийпонга келиб беркинди.
 Қўрқманг, бекам, гапимдан адашмайман.

Г е р о. Яқинроқ борайлик, қолмасин ғофил
 Ширин сўзларимиз қатрасидан
(Шийпонга яқин келишади.)
 Йўқ, чиндан ҳам Беатриче девона
 Фейл. Гоҳ юраксиз, гоҳ тоғ бургути
 Сингари ёввойи.

У р с у л а. Ростми, Бенедикт
 Беатричени севиб қолган эмиш?

Г е р о. Шаҳзода ҳам шундай деди, қаллиғим ҳам.

У р с у л а. Беатричега айт, ҳам дейишдимми?
 Г е р о. Ҳа, дейишди. Лекин мен ҳеч кўнмадим.
 Бенедиктни яхши кўрсанглар, уни
 Бу йўлдан қайтаринглар, севгисини

- Унутсин, ҳеч тўғри келмайди, дедим.
- У р с у л а. Нега энди? Наҳотки Беатриче
Муносиб бўлган завжалик бахтига
У муносиб бўлмаса?
- Г е р о. Ҳар бир эркак
Орзу қилган нарсасига уям муносиб.
Лекин Беатриче шундай керикки,
Табиат бу хилин бунёд этмаган.
Бир нимага қараса кўзларида
Мазах ўти ёнади. Ақлини-чи?
О, дунёда тенги йўқ, деб билади.
Шундай қизда муҳаббат нима қилсин?
Ўзига биноси шунчалик зўрки,
Ўзгани билмайди.
- У р с у л а . Ҳа, бу тўғри гап.
Бенедиктнинг ошиқлигин айтмаган
Маъқул. Эшитса масхара қилади.
- Г е р о. Тўғри. Ҳар қандай ақлли, чиройли,
Таг-туғли йигитни ҳам аямайди,
Масхара қилиб жонини олади.
Хушрўй бўлса: “Э, синглим-ку бу!” – дейди.
Қорамағиз бўлса: “Табиат қора
Бўёқ суртиб қўйибди”, – дейди. Новча
Бўлса: “Учи тўмтоқ найза-ку!” – дейди.
Сўзамол бўлса: “Шамолпаррак”, – дейди.
Кам сўз бўлса: “Рўдапо тўнғак”, – дейди.
Мана шундай расво қилиб ташлайди.
Бировнинг хизмати, жасоратига
Асло адолат билан қарамайди.
- У р с у л а. Ҳа, бу одати яхши эмас экан.
Г е р о. Бундайин ғалати, ўжар одатни
Яхши деб бўлармишми қалай? Лекин
Ким бетига айта олади буни?
Мен айтгудек бўлсам, о, мазах қилиб
Ўлдиради, тирик гўрга тикади!
Майли, Бенедикт севгисидан хазон
Бўлсин, кўр босган ўтдай ўчсин, сўнсин.
Мазахга қолганидан ўлгани яхши.
- У р с у л а. Қизик, айтишса нима деяр экан?
- Г е р о. Йўқ, Бенедиктга бораман-у, қайтинг
Бу фикрингиздан, дейман. Яхши ният
Билан Беатриче ҳақида ёмон бир
Нарса уйдираман. Битта сўз билан,
Э, ўлмаган севги бермишми қалай!
- У р с у л а. Йўқ, опангизни ҳеч қачон хафа қилманг.

- Г е р о. Ҳамма унинг ақлини кадрлайди.
Шундай ақлли қиз Бенедиктдаин
Камёб куёвдан юз ўгирмас, дейман.
Италияда бундай йигит ҳеч йўқ,
Албатта Клавдиодан бошқа.
- У р с у л а. Аммо
Бир сўз айтсам хафа бўлмайсиз: бутун
Италияда уни энг ақлли,
Энг жасур, энг чиройли дейишади¹.
- Г е р о. Ҳа, шуҳрати зўрки, бундақаси йўқ.
У р с у л а. Ҳаммадан афзаллиги учун шундай.
– Ўзингизнинг тўйингиз қачон, бекам?
Г е р о. Эртага бўлса жон дердим. – Юр, кетдик;
Кўйлақларимни кўр, эртага қайси
Бирини кийсам экан, маслаҳат бер.
- У р с у л а. (секин.) Қушча тузукқа илинди, қойилман!
- Г е р о. (секин.) Унда муҳаббатнинг кўчаси кенг-у,
Ишқ фариштасининг бир кўлида ёй,
Яна бир кўлида тўри бор экан!

Г е р о билан У р с у л а чиқиб кетади.

- Б е а т р и ч е. (шийпондан чиқиб.)
Қулоғим қоматга келди! Ғурурим
Учун мени шунчалар қоралашса!
Алвидо, нафрат! Хайр, қизлик ғурурим!
Буларнинг бари – беҳуда васваса.
Севгига жавобим, ҳа, севги бўлар,
Ёввойи қалб бўйин эгар, юмшалар.
Севган ёрни мен ҳам севсам не қилар?
Фақат эзгу тилак, орзум ушалар.
Ҳамма дейди сени менга муносиб,
Гумоним қолмади: сен бўлдинг ғолиб!

Чиқиб кетади.

И К К И Н Ч И С А Ҳ Н А

Леонато уйининг хоналаридан бирида.

Дон Педро, Клавдио, Бенедикт, Леонато киради.

Д о н П е д р о. Тўйингиз ўтгунча тураман-у, кейин Арагонга жўнайман.
К л а в д и о. Рухсат этсангиз, мен узатиб қўярдим, жаноби олийлари.
Д о н П е д р о. Йўқ, бу нарса ярқираб турган янги бахтингизни
ҳаддан ташқари хира қилиб қўяди. Бу ҳам ёш болага янги кийимларини
кўрсатишга кўрсатиб, кейин кийишни тақиқ қилиб қўйгандек гап бўлади.
Мен фақат Бенедиктдан ҳамроҳим бўлишини илтимос қилмоқчиман: у

¹ Урсула Бенедиктни назарда тутмоқда.

қон-қони-ю, жон-жони билан қизиқчи. Ишқ Худосининг камонини икки-уч марта синдириб ташлаган, энди бу шўринг курғур овчи Бенедикт қалбига ишқ ёйини отишга қўрқиб қолди. Бенедиктнинг юраги тош, тили эса тўпор – юрагида нима бўлса, тилида ҳам шу.

Б е н е д и к т. Жаноблар, мен энди илгариги Бенедикт эмасман.

Л е о н а т о. Мен ҳам шундай фикрдаман: илгаригидан анча оғир бўлиб қолдингиз.

К л а в д и о. Қани энди бировни яхши кўриб қолган бўлсангиз.

Д о н П е д р о. Бе, бу бир шамолпаррак-ку! Чинакам ишқ-муҳаббатнинг гаштини тотиш учун бир томчи бўлса ҳам чинакам қон бўлиши керак одамда. Агар хафа кўринаётган бўлса, демак, пули йўқ экан.

Б е н е д и к т. Тишим оғрияпти.

Д о н П е д р о. Суғуриб ташлаш керак!

Б е н е д и к т. Э, шайтонга йўлиқсин!

К л а в д и о. Олдин шайтонга йўлиқиш, кейин суғуриб ташлаш керак.

Д о н П е д р о. Лаббай? Тиш оғригидан оҳ-воҳ деб юравериши керакми?

Л е о н а т о. Милки шишганидан ёки арзимаган оғриқдан-а?

Б е н е д и к т. Бировга маслаҳат бериш осон, ўзларингиз суғуртириб кўрсанглар эди.

К л а в д и о. Йўқ, мен тўғри айтдим: бировни яхши кўриб қолган бу.

Д о н П е д р о. Ғалати кийимлар кийишга ишқи тушиб қолгани ҳисобга олинмаса, бунда ишқ-муҳаббатдан заррача ҳам асар йўқ: бугун голландча, эртага французча кийинади ёки икки мамлакатни бирданига эғнига осиб олади: белидан пасти – Германия: кенг шим, белидан юқориси эса – Испания, камзули кўринмайди¹. Назаримда шу бемаъниликка ишқи тушмаганда, ишққа мубтало бўлганидан бунчалик эсини еб қўймаган бўларди.

К л а в д и о. Агар биронта хотинга ишқи тушган бўлса, эски одат-аломатларнинг биттасига ҳам ишонч тугайди. Бу ҳар кун эрталаб шляпасини тозалайдиган бўлиб қолди – бу ниманинг аломати экан?

Д о н П е д р о. Сартарошга борганлигини ҳеч ким кўрдими?

К л а в д и о. Йўқ, лекин буникига сартарош келганлигини кўрганлар бўлди, ияқларини безаб турган нарсалар эса теннис тўпининг ичини тўлдирди.

Л е о н а т о. Тўғри, соқолини олдиригандан кейин анча ёшариб қолибди.

Д о н П е д р о. Бунинг устига яна мушк ҳам суртиб олибди, ҳидини пайқаяпсизларми?

К л а в д и о. Энди ойдай равшан бўлди: гўзал йигит ошиқу беқарор.

Д о н П е д р о. Бунинг энг катта исботи – маъюсланиб қолгани.

К л а в д и о. Башарасини шунчалик ишқаб ювган вақтлари ҳеч вақт бўлганмикан?

Д о н П е д р о. Ҳа, ёки ўзига зеб берганини? Ҳамманинг оғзида дув-дув гап.

К л а в д и о. Бутун шўхлиги, чақчақлиги соз торига кўчган, ҳозир шу тор унга белбоғ бўлиб қолган.

Д о н П е д р о. Кўп ёмон бўлибди-да. Бутун сири фош. Билдик, билдик: ошиқ бўлибди.

К л а в д и о. Мен биламан: Бенедиктни ким яхши кўриб қолганлигини.

Д о н П е д р о. Қани, биз ҳам билайлик. Лекин буни танимайдиган қиз яхши кўриб қолган бўлса керак.

¹ Испанлар ҳам камзул кийишган, бироқ, камзул одатда плашч билан бекитилган ва билинмаган.

К л а в д и о. Аксинча, у Бенедиктнинг ҳамма камчилигини билади, шундай бўлса ҳам ишқ ўтида куйиб-ёняпти.

Д о н П е д р о. Ундай бўлса, гўрга кўзи очиқ олиб борар эканмиз-да.

Б е н е д и к т. Бу гаплар тиш оғриғини босмайди! – Ҳурматли синьор Леонато, бир оз айланайлик: сизга ўн оғизгина доно сўзим бор, бу каллаварамлар эшитмасин.

Бенедикт билан Леонато чиқиб кетади.

Д о н П е д р о. Азиз жоним номига қасамёд этаманки, у Беатричега уйланиш истагини айтади.

К л а в д и о. Шубҳасиз, чунки Геро билан Маргарита Беатричени тузоққа илинтиришди; энди бу икки айиқ юзма-юз келишса, бир-бирини ғажишмайди.

Дон Хуан киради.

Д о н Х у а н. Хоқоним ва акажоним, Худо паноҳида сақласин сизни.

Д о н П е д р о. Салом, укажон.

Д о н Х у а н. Фурсатингиз бўлса, сизга бир гапим бор эди.

Д о н П е д р о. Танҳоми?

Д о н Х у а н. Ижозат этсангиз, танҳо гаплашсак. Дарвоқе, граф Клавдио ҳам эшитса бўлаверади, чунки айтадиган гапим шу кишига тааллуқли.

Д о н П е д р о. Хўш, нима гап экан?

Д о н Х у а н. *(Клавдиога.)* Граф жаноблари эртага никоҳдан ўтмоқчиларми?

Д о н П е д р о. Ўзингиз биласиз-ку.

Д о н Х у а н. Менга маълум бўлган нарсани граф билганларидан сўнг никоҳдан ўтишларига гумоним бор.

К л а в д и о. Агар бирон монe бўлса, илтимос қиламан: айтинг.

Д о н Х у а н. Назарингизда, мен сизни ёмон кўраман; майли, шундай деб ўйлашингиз мумкин, ҳаққингиз бор. Фақат фурсат беринг – вақти билан кўрасиз; ҳозир айтадиган гапимдан кейин мен тўғримда яхши фикрга келиб қоласиз. Акам тўғрисига келсак, бу киши сизни жуда яхши кўрсалар керакки, тўйингизга чин қалбларидан бош бўляптилар. Ҳақиқатда эса кўрсатаётган бу хизмати ёмон, қилаётган меҳнати беҳуда.

Д о н П е д р о. Нима гап? Нима ходиса бўлди?

Д о н Х у а н. Мен ҳам нима гаплигини айтгани келганман. Турли икир-чикирларни бир ёққа қўяйлик-да, гапнинг пўст калласини айттайлик: киз ҳаром чиқиб қолди.

К л а в д и о. Ким? Героми?

Д о н Х у а н. Худди ўша, Леонатонинг қизи, сизнинг Геронгиз, яна аллакимнинг Героси.

К л а в д и о. Ҳаром чиқиб қолди?

Д о н Х у а н. Хулқининг бузуклигини ифода этишга бу сўз ҳаддан зиёд юмшоқ. Менга қолса: ҳаромдан ҳам расвороқ деяр эдим. Бундан ёмонроқ сўзни топинглару мендан олқиш эшитинглар. Исботига шошилсанглар ҳам, ажабланманглар. Бугун кечаси мен билан борасизлару тўй кечасида ҳам ётоғига деразадан ошиб тушганларни кўрасизлар. Шундан кейин ҳам кўнглингиз совумаса – эртагаёқ никоҳдан ўтинг; лекин шаънингизга иснод туширмаслик учун ниятингиздан қайтсангиз яхши бўларди.

К л а в д и о. Наҳотки?

Д о н П е д р о. Мен бир нима деёлмайман.

Д о н Х у а н. Кўзингизга ишонмасангиз, майли, кўрганингиздан тонаверинг. Юринг мен билан, гапимнинг исботини кўрасиз. Ҳамма расволикни кўриб, сўзларини эшитганингиздан кейин шунга қараб иш кўрасиз.

К л а в д и о. Шу кеча унга уйланишимга халал берадиган воқеани кўрсам, эртага никоҳ ўқиттирмоқчи бўлган черковимга бораману ҳамманинг олдида Геронинг шармандасини чиқараман.

Д о н П е д р о. Мен сенинг совчинг эдим, энди Герони бадном қилишда мен ҳам пинжингда бўламан.

Д о н Х у а н. Уни шунча ерга урганим етар, қолганини ўз кўзларингиз билан кўрасизлар. Ярим кечагача сабр қилиб турасизлар, кейин ҳамма нарса равшан бўлади.

Д о н П е д р о. О, кутилмаган бахтсизликлар куни!

К л а в д и о. О, пешонамнинг шўри!

Д о н Х у а н. “О, вақтида олди олинган шармандалик!” – дейсизлар ҳали кўрганингизда.

Чиқиб кетишади.

Давоми бор.

*Рус тилидан
Мирзакалон ИСМОИЛИЙ таржимаси.*





Фёдор ТЮТЧЕВ

Фёдор Тютчев 1803 йилда Овстуг қишлоғи (ҳозирги Брянск вилояти)да, унча бой бўлмаган дворян оиласида туғилган. У оила шароитида, гуманитар йўналишида таълим олган. Илгачан Фёдор 1919-1821 йилларда Москва университетининг славян бўлимида ўқиган. У 1822 йилдан Германиянинг Мюнхен шаҳрига, Россия элчихонасига ишга юборилади ва 1837 йилгача фаолият кўрсатади.

Ижод қилишдан бир зум ҳам тўхтамаган Фёдор Тютчев 1837-1939 йилларда Италиянинг Турин шаҳрида хизмат вазифасини давом эттиради. У йигирма икки йил давомида чет элларда яшайди, ҳар-ҳар замонда Россияни зиёрат қилиб туради.

Шоир ҳаётининг сўнгги йиллари жуда оғир кечади, олдин хотини, кейин катта ўғли ва қизи Мария оламдан ўтади.

Фёдор Тютчев 1873 йили 15 июльда вафот этади. XIX асрда яшаб ижод қилган буюк рус шоири ўн олти ёшидан шеърларини нашр эттира бошлаган. Унинг шеърлари унча кўп эмас: уч юздан ошади, холос. Тютчев ҳақида Некрасов “Современник” журналида мақола чоп эттиради. У асосан, XIX асрнинг охирларига бориб машҳур шоирга айланган.

Фёдор Тютчев шеърларида табиат манзаралари, Русиянинг ижтимоий ҳаёти, севгимухаббат куйланади. У ҳам бошқа шоирлар каби ўз даврининг қайсидир маънодаги курашчиси бўлган. Лев Толстой, А.Фет, Тургенев, Некрасов каби замондошлари Тютчев ижодига катта баҳо берганлар.

БЕДОРЛИК

Кунлар бир хил: курашу ғавго,
Тун – жонларни эзгучи достон.
Тили, сўзи нотаниш гўё,
“Танишимиз”, деб таъкидлар виждон.

Кимдир дунё додин тинглади,
Замон ичра тошдай қотди ким?
Бу жаҳоний сукунат ичра
Пайғамбарга вида айтди ким?

Бизга аён: бу етим дунё
Пешонадан кўрар не кўрса –
Ғирром кунлар курашда бизни
Ташлаб қўйди, бўлдиқ ҳар нарса...

Ҳаётимиз кўз ўнгимизда,
Жар бўйида турар шарпадай –
Асримизу дўст ёримиз-ла
Узоқликда ҳолсиз оқ пардай...

Пайдо бўлди янги, ёш авлод,
Ораликда нурдай улғайди.
Давримиз ҳам, бизлар ҳам ҳайҳот,
Унутилдик – ҳеч ким билмайди!

Дунё ўша, ўша урф-одат:
Дўстларимнинг мунгли тунлари...
Гоҳ дафнда чекарлар фарёд –
Бизни эслаб, ортар мунглари...

(1829)

* * *

Боқурман – борурсан бўғиқ муҳитда,
Туяман одиминг, сезги, сўзларинг.
Висолдан қувонмас, балки кўзларинг –
Севгилим, жонгинам, мени айб этма!..
Қарагин, кун қандай оқ-ҳарир туман,
Бироз ёришмоқда ой ҳам, ажабо!
Топ-тоза ойнадай чўқади тун ҳам,
Таратиб роҳатбахш хуш бўй, қаҳрабо!..

(1930)

ЯПРОҚЛАР

Қарағай ҳамда эман
Бутун қиш тунд туришар.
Қор, бўронлар ўрашиб,
Уйқуни хўп уришар...

Кичрайган куртакчалар
Кирпининг тиконидай,
Сарғаймас ҳам улғаймас
Асрлар бўстонида...

Биз-ку, шундай наслмиз,
Гуллаймиз, ялтираймиз...
Ғаниматмиз, меҳмонмиз,
Бутоқда ҳилпираймиз.

Гўзал ўтган ёз бўйи
Зўр бўлдик хусн-шанда
Ўйнатди нурлар куйи,
Чўмилдик дур шабнамда.

Қушлар ҳам сайраб бўлди,
Гуллар ҳам яйраб бўлди,
Нурлар ҳам порлаб бўлди,
Саболар куйлаб бўлди.

Бу томоша шартмиди,
Турамизми осилиб?..
Яхшимасми, бу ердан
Учиб кетсак бош олиб!..

Ёпирилиниг, шамоллар,
Ёпирилиниг ҳар ёқдан!
Бизни юлиниг, амаллаб,
Безор қилган бутоқдан!

Юлингу олиб кетинг,
Истамаймиз куз, қишни –
Эсинг, баҳридан ўтинг.
Биз хоҳлаймиз учишни!..
(1830)

* * *

Ҳиссиёт йўқ кўзларингда,
Ҳақиқат йўқ кўзларингда,
Сенда қалбнинг ўзи йўқ!..
Улғай, юрак, бўл нажоткор:
Ижодингда йўқ ижодкор!..
Муножотинг-да курук!..

(1836)

* * *

Кун охирлаб борар, яқин тун.
Чўкар соя – тоғлардан узун...

Ғойиб бўлар булутлар бутун,
Шом қўнаркан, тугаб борар кун.

Қўрқитолмас лекин тун ҳали,
Ўтинчим йўқ ўткинчи кунга,
Тўхта сен, эй пари тимсолим,
Ташлаб кетма, кераксан менга!..

Қанотларинг ўрагин, хушла,
Юрагимнинг тўлқинларин бос,
Фароғатга солар бу ришта,
Мафтун бўлган кўнгилларга мос.

Сен – тунимни ёритган кўлка,
Маконинг айт, кўкмидир ё ер?..
Ҳаволарда яшарсан, балки
Аёлдирсан - қалби тўла нур...

(1851)

* * *

Қуёш чарақлайди, сув тўлқинланар,
Ҳар юзда табассум, шириндир ҳаёт.
Дарахтзор шивирлар, узоқ-яқинлар –
Мовий ҳаволарда чўмилар бот-бот.

Дарахтлар куйлайди, мавж урар сувлар,
Муҳаббат шавқи-ла тўла тўрт томон,
Табиат бағрида барқ урар гуллар
Ҳаёт кучоғида тўлқинланар жон...

Севгилим, ғам чекма, керакмас ортиқ,
Сени халос этар барча дардингдан –
Биргина табассум айлагил тортиқ
Изтироб-ла тўлиб-тошган қалбингдан...

(1852)

* * *

Афсунгар қиш сохир битикдай,
Сеҳрланган ўрмон ястанган -
Қор тагида қолган попукдай,
Айрилгандай тилдан, ҳадикдан,
Ялтираган ҳаёт ястанган...

Қилтилламас, сеҳрдан қотган –
Тирикмасу ўлик ҳам эмас –
Ё тушлари маҳлиё этган,
Музлар билан ё парчинланган,
Сеҳрланган, ўзни унутган...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

154

Қиш қуёши нурларин тиймас,
 Лек таъсирин сезмас, шубҳали –
 Бир манзара қимирлаб қўймас,
 Кўркамлашар борлик, ялтирар,
 Кўз олади муҳташам ҳоли...

(1852)

ДЕКАБР ТОНГИ

Кўкда ой кезади, ҳали тун,
 Тарқалмаган соялар бутун,
 Ўз-ўзича сурмоқда ҳукм,
 Билмайдики, яқинлашар кун –

Журъатсизми, майли эринчок
 Нур устига нурлар таралар,
 Самовот-ку кўркли, вақти чоғ,
 Маромида тантана борар...

Кўк ўзгарар оний лаҳзада,
 Ер узра бугланиб кетар тун;
 Яна кўрки, таровати-ла
 Қамрайди оламни кундуз, кун...

(1859)

* * *

Русия идрок-ла ҳеч англашилмас,
 Аршинлаб ҳам уни ўлчамас ҳеч ким,
 У бошқа ўлчовни ҳеч кўзга илмас –
 Русияга фақат ишониш мумкин.


(1866)

* * *

Бутун борлик тирик, ранг-баранг,
 Садо сирли, сирлидир туш ҳам;
 О, қанчалик ёш ва гўзалсан –
 Дунёларга сени алмашмам.

(1872)

*Рус тилидан
 Рауф СУБҲОН таржималари.*



ЖАН-ЖАК РУССО

Жан-Жак Руссо (1712-1778) француз маърифатпарвар-файласуфи, ёзувчи.

Руссо кўп фалсафий асарлари ва рисолаларида ўз давридаги тенгсизлик ва зулмга асосланган сиёсий тузумни қаттиқ танқид қилади. Адиб шахс ва жамият ҳақидаги фикрларини “Одамлар орасида тенгсизликлар келиб чиқиши ва унинг

асослари ҳақида мулоҳаза” номли китобида кенг баён этган.

Файласуф ёзувчининг “Ҳарбий асирлар”, “Иқрор”, “Юлия ёки Янги ҳаёт”, “Эмил”, “Ёлғиз хаёлпарастнинг сайри” сингари асарлари Европа адабиётларида маърифий йўналиш, руҳий таҳлилнинг кучайишига катта ҳисса қўшган. Жуда кўп йирик ёзувчилар, жумладан, Байрон, Гюго, Лев Толстойлар Руссонинг устоз деб тан олганлар. Адибнинг ижодий қамрови жуда кенг. Руссо илгари сурган гоялар кўпгина мамлакатлар ижтимоий тафаккурига кучли таъсир кўрсатди. Унинг “Фанлар ва санъатлар ҳақида мулоҳазалар”, “Сиёсий шартнома” каби фалсафий-таълимий асарларида шахс тарбияси, фикр ва туйғулар эркинлиги, санъат ва фалсафанинг маънавиятга таъсири каби масалалар чуқур ёритилган. У 1750 йилда Париж Бадиий академиясида қилган “Илм-фан ва санъат равнақи ахлоқнинг покланишига ёрдам берадими?” номли маърузаси учун юксак мукофот билан тақдирланган. (Бу маъруза “Жаҳон адабиёти” журнаlining 2010 йил июнь сониде эълон қилинган.)

Адиб таваллудига бу йил уч юз йил тўлди. Руссо илгари сурган маърифатпарварлик гоялари, инсоннинг маънавий-руҳий камолоти, адолатли бошиқарув, давлат ва жамият ҳаётида маърифатли ҳукмдорнинг ўрни ва роли ҳақида билдирган фалсафий фикрлари ҳали-ҳануз яшашида давом этмоқда.

Қуйида адибнинг мулк ва бойлик, бахт ва бахтсизлик, нафс ва қаноат туйғулари ўртасидаги меъёр, чегара ҳақида теран ҳаётий мулоҳазалар илгари сурилган фалсафий рисоласи этиборингизга ҳавола этилмоқда.

ХАЛҚ БАХТИ ҲАҚИДА

ФАЛСАФИЙ РИСОЛА

Мен ҳақиқатни шунга муносиб равишда рўй-рост айтаман. Соддаликдан жирканадиган, самимийликка нафрат билан қарайдиган кўрқоқ ўқувчилар, китобимни ёпиб қўйинг, сиз учун ёзилмаган у. Ёвуз қалбингизни қаноатлантира оладиган ҳақиқатнигина қадрлайдиган заҳарханда ўқувчилар,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

156

китобимни ёпиб, уни улоқтириб ташланг, чунки қидираётган нарсангизни ундан топа олмайсиз, мабодо ўқисангиз муаллифнинг сизга бўлган нафратини ўқиб оласиз.

Эзгуликни қадрлайдиган, дўст-биродарларини яхши кўрадиган, уларнинг хатоларидан афсусланиб, иллатларидан нафратланиб юрадиган, инсоният бошига кулфат тушса, ундан қайғурадиган, энг асосийси, камолотга интилаётган одам ушбу китобни бемалол ўқиши мумкин. У қалблардан акссадо топади.

Ўз фикримнинг ўзимга ёқиши қувонтиради. Қачонлардир, қайсидир бир давлат арбоби том маънода Фуқаро бўлиб етишса, у фақатгина ўзидан олдинги раҳбарнинг қонунларини бекор қилиш билангина шуғулланмасдан балки халқ аҳволини яхшилаш, унинг фаровонлигини ошириш ҳақида қалбдан ўйлайди. У қуруқ ваъдалар билан чекланиб қолмасдан, амалда ҳаракат қилади, халқ манфаатларини оёқости қилмасдан, фақатгина ўз мавқеини мустаҳкамламасдан, ҳокимиятини халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга қаратади. Бахтли тасодиф туфайли ушбу китоб кўлига тушиб қолса менинг ноаниқ фикрларим уни фойдали ишларга жалб қилади, инсонларни яхшироқ, бахтлироқ бўлишига хизмат қилади, мен эса бу ишларга алоқадор бўлиб қоламан, деб орзу қиламан. Ушбу орзу мени кўлимга қалам олишга рағбатлантирди.

Орадан йиллар ўтиб номим адабиёт йилномаларидан ўчиб кетган тақдирда ҳам, майли, ушбу китобим нотаниш ва бечораҳол, лекин доно ва бахтли халқ мулки бўлиб қолсин. Улар шон-шуҳрат ва ғалаба кетидан қувмасдан, ушбу китобни мамнуният билан баъзи-баъзида ўқиб турсин.

1

Биз яшаётган шароитда ҳамма жойда дабдабаю ҳашамат, касб-ҳунару санъат асарлари тўлиб-тошиб ётган бўлса-да, биз ҳар кунини инсоният бошига ёғилаётган кулфатлардан қайғуга тушамиз, турмушимизда тез-тез учраб турадиган оғирликлардан нолиймиз, айни пайтда бир парча егулик учун жонини ҳавф остига қўйиб, чакалакзорларда машаққат чекиб яшаётган ярим яланғоч ёввойилар орасида ҳаётдан нолиш йўқ. Улар эртага қандай машаққатлар кутаётганлигини ўйламасдан, қайғу нималигини билмасдан қувончга тўлиб тирикчилик қилади. Мусибатларимизнинг бош сабаби шундаки, биз кичкина кўнгилсизликларнинг олдини оламин деб катта бало-офатларга дучор бўламиз.

2

Аввало гап-сўзларимиздаги икки хил маъноли ифодаларни бартараф қилишдан бошлайлик. Энг яхши Бошқарув тушунчаси ҳам ҳар доим энг кучли Бошқарув деган маънони англатмайди. Куч – восита холос, уни қўллашдан мақсад – халқ бахт-саодатидир. Аммо “бахт” сўзининг маъноси айрим одамлар учун ноаниқ, халқ орасида ундан-да мавҳумроқ. Бахт ҳақидаги тасаввурларнинг турли-туман эканлиги жамиятдаги сиёсий мезонларни майдонга чиқаради, уларнинг мақсадини белгилаб беради. Халқ бахтини фикран тасаввур қилайликда, шунга биноан ўз қонунларимизни асослайлик.

Жаноблар, қайси халқ энг бахтиёр, деб сўраяпсиз? Бу масалани узил-

кесил ҳал қилиш учун етарли билимга эга эмасман, лекин уни ҳал этиш учун ёрдам берадиган ишончли меъёрларни белгилашга ҳаракат қиламан, агар буни уддалай олсам, ниятингизни амалга ошириш мақсадидан четга чиқмадим, деб ҳисоблайман.

Агар дунёда бор бўлса, қани ўша бахтли одам? Кимдир буни биладими? Бахт шунчаки хузур-халоват эмас, шунчаки ўзгариб турадиган ўткинчи руҳий ҳолат ҳам эмас, балки у инсоннинг дахлсиз ички оламидаги алоҳида барқарор ҳиссиётлари ва руҳий кечинмаларидадирки, у ҳақда ҳеч ким аниқ фикр юрита олмайди. Бу нарсани ўзи бошидан кечирган одамгина тушуниши мумкин. Демак, ҳеч ким ўзгаларнинг бахти ҳақида тайинли фикр айта олмайди. Гап сиёсий жамиятлар ҳақида кетганда бу бутунлай бошқа масала. Уларнинг бахт-саодатию ғам-ғуссалари очик-ойдин кўриниб турган нарса, ички ҳиссиётлари ҳам ижтимоий характерга эга. Шубҳасиз, оломон бу ерда янглишади, у нималарда янглишмайди дейсиз? Кўриб турганини англай оладиган инсон учун одамлар қандай кўринишда бўлса, шундайлигича аён бўлади, уларнинг маънавий-ахлоқий моҳияти ҳақида гапириб ўтирмайди.

Ҳақиқий ҳолатимиз ва имкониятларимиз билан истак-ҳоҳишимиз орасидаги, мажбуриятларимиз ҳамда иштиёқларимиз, инсонлар ва фуқаролар ўртасида табиат ва жамият ўрнатган тартиблардаги зиддиятлар бахтсизлигимизни ташкил қилади. Иккаласидан бирини танланг, ўшанда имкон борича инсонни бахтли қилган бўласиз.

Инсонни борлигича давлат ихтиёрига беринг ёки унинг ўз ҳолига қўйинг, уни қалбини қисмларга ажратиб бўлмайди, юраги эзилиб кетади, яна ўйламанг, мусибат чекаётган халқни бошқараётган давлат бахтли бўлади деб. Сиз бахт деб атаётган халқнинг маънавий-ахлоқий ҳолати ўз ҳолича хом-хаёл. Халқ хотиржамлик ва фаровонлик туйғуларини сезмас экан, бошқаси сариқ чақага арзимайди. Фарзандлар ишида муваффақият бўлмас экан, оила гуллаб-яшнамайди.

Инсоннинг табиатига мос тушадиган имконият беринг, у ким бўлишни хоҳлаган бўлса, ўзи истаган ҳақиқий ҳолатига кирсин. Бу билан сиз ижтимоий турмуш қонунларини улар қалбига жойлаган бўласиз. Шунда одамлар ўз табиатига кўра фуқаролар эса ўз иштиёқига кўра бирлашади, раҳмдил бўлишади, бахтга эришади. Халқнинг роҳат-фароғати – давлатнинг тинчлиги, хотиржамлигидир. Давлат туфайли халқ бирор нарсага эришар экан, демак, ўзи ҳам бир нарсаси билан унга дахлдор бўлади. Мажбурий чоралар ёнига халқнинг истак-ҳоҳишларини ҳам қўшдингиз, ижтимоий бойликни хусусий мулк билан янада бойитдингиз. Энди давлат деганда мана шуларнинг барчаси бир бутунликда тушунилади. Оила эса, мана шу фарзандларим туфайли гуллаб-яшнадим, дея фахрланади. Ҳар қандай давлат тизимида унга қарашли бўлмаган нималардир бор: айтайлик, одамларнинг истак-иродаси; унинг таъсир кучи қанчалик муҳим эканлигини ким инкор эта олади? Ҳар ким фақат ўз ҳолича бахтли бўлишни орзу қилар экан, эл-юрт, Ватан бахтиёр бўлолмайди.

3

...Энг муҳими, ижтимоий бахт барчани бирдек бахтли қилиши зарур эканлигини, акс ҳолда у маъно ва моҳиятсиз бир сўзга айланишини ёдда тутмоқ керак.

4

Халқнинг маънавий-ахлоқий аҳволи унинг мутлақ ҳолатига эмас, балки одамлар ўртасидаги муносабатларга кўпроқ боғлиқдир.

5

Халқ қай усулда бахтли бўлишини тушуниш учун бахтсизларнинг аҳволини ҳам яхши ўрганиш керак. Бахтли бўлиш учун нималар етишмаслигини аниқлаш билан бирга бахтли одам нималарга эга бўлишини ҳам билиб оламиз.

6

Халқ бахти нималардан иборат эканлигини аниқлаш учун одамларнинг бу ҳақдаги фикрларини жамлаш етарли бўлмаса керак. Халқнинг фаровонлиги жуда кўп нарсаларга боғлиқ, алоҳида шахсларнинг фаровонлигини аниқлаш ҳам унчалик осон эмас. Бинобарин, бу борада адашмаслик учун жуда кўп меъёрларни бир-биридан алоҳида ажратиш лозим. Халқ бахтининг ўзига хос хусусиятларини билдирувчи ҳақиқий мезонларни тўғри белгилаш керак.

7

Ликург ўз қонунларини жорий қилгач, фуқароларидан беҳисоб шикоятлар туша бошлади. Дунёда энг адолатли қонунлар яратгани ва халқи шу туфайли жаҳонда катта ҳурмат, шон-шухрат қозонгани туфайли, бу қонунларни сақлаб қолиш мақсадида у хийла ишлатиб, ўзга юртларга бош олиб кетиб, дарбадарликда умр кечиришни лозим топган. Жаҳонга ҳоким бўлиш даражасига етган римликлар давлат бошқарувчилари устидан тўхтовсиз шикоятлар ёғдирмаганмиди? Энг яхши бошқарувчилари бўлган халқлар бошқалардан кўра кўпроқ норозилик билдирмаяптими? Оламда ҳали ўз халқининг бахтли яшашини тўла таъминловчи, нуқсонлардан холи бирорта давлат бошқарув шакли йўқ. Энг яхшилари, агар ақлли иш тутса, фуқаролар бахтли бўлиши учун имконият яратиб беради. Бу бахт ҳеч қачон оломон бахти бўла олмайди.

Юртни кўпчилик бўлиб бошқарганда ҳар бир фуқаронинг истак-хоҳиши ёки иштиёқига эмас, балки барчани қаноатлантира оладиган умумий қонунларга таянган ҳолда иш юритиш керак. Ҳар бир давлатда донолик билан ўйлаб иш қилинса, яъни таълим-тарбия, урф-одат ёрдамида ижтимоий ахлоқ нормалари шакллантирилса, айрим иштиёқманд фуқароларни ҳам шунга итоат эттириш мумкин, шунда улар ҳукуматдан мамнун бўлиб яшайдилар, бошқа давлатнинг яхши ёки ёмонлиги билан қизиқмайдилар.

Одамларнинг яшаш шароити ўзгариб қолса, шикоят ҳам кўпаяди, чунки одам борки, шикоят бор. Демак, давлат тараққиётини фақат фуқароларининг ўзларини бахтли ҳис қилиши билангина чеклаб бўлмайди.

Қабул қилинган қонунлар оқилона бўлиши керак, токи фуқаролар ўзаро манфаат асосида алоқалар ўрнатсинлар, ўзга халқлар ёрдамига муҳтожлик сезмасинлар ана шундагина алоҳида шахслар ҳам, жамиятнинг барча аъзолари ҳам ўз бахтини тан оладилар. Бошқа халқлар муҳтож бўлган нарсалар ўз ватанида етарли даражада муҳайё бўлиб, унга муҳтожлик сезилмаса, унда бахт эшиги янада кенгроқ очилади.

Касб-хунар ривожланган, савдо-сотик ишларини йўлга қўйган халқларда маблағ кўпайса, бу – бахтли яшаш омиллариининг энг асосийси деб ҳисоблайман. Тўғри, бахтни бойликка боғлаб бўлмайди, лекин яхши томони шундаки, пулдор одам ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондиради, ўзгага мухтож бўлиб қолмайди, иккинчидан ўзгаларни ўз иродасига бўйсундириб, уларни ўзига қарам қила олади. Халқнинг бахти, фаровонлиги ана шунда.

Савдо сотик ва касб-хунарга келганда шуни айтишим мумкин: уларнинг ривожини товар-пул айланмасини таъминлайди, беҳисоб пул, даромад келади, хоҳлаган нарсани, хоҳлаган миқдорда сотиб олиш имконияти пайдо бўлади. Мен аниқлаб беришим зарур бўлган мезонлардан бири ҳам шу.

Бахт ва фаровонликни ташкил қилувчи шу мезон ўзига бошқа-меъёрларни ҳам қамраб олади ва бир-бирига мос тушади, тўлдиради.

Барча эҳтиёжларимиз икки хил бўлади: жисмоний эҳтиёжларимиз – ҳаётимизни сақлаб туриш учун зарур бўлган, бизга қулайлик яратадиган, ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган нарсалардир. Уларни истеъмол қилиш одат тусига кириб, жисмимиз шунга кўникиб қолган. Шаҳарлик олифта аёл ёз жазирамасида соябонсиз икки соат туриб кўрсин-чи, уни офтоб уради ёки бир касаллик орттириб олади, ваҳоланки, деҳқон аёл учун бу ҳолат табиий. Шаҳарлик жаноб қишлоқдаги мол-мулкни кўриб келиш учун уловсиз бора олмайди. Юмшоқ қареталарда юриб ўрганган одам от миниб узоқ юролмайди. Қулайликларга ўрганган одам кашандага ўхшаб қолади, усиз туромайди.

8

Ўзинг бирга яшаб турган халқингни бахтли қилиш учун ҳукмдорларга китоб – қўлланма ёзиш шартмикан? Яхшиси, ўз тажрибангизга таяниб иш кўринг.

9

Адолат сизга ҳамроҳ бўлсин: фуқароларингиз осойишталигини, хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг мол-мулкни сақлаш ҳам сизнинг вазифангизга киради: бу ҳали ҳаммаси эмас, уларни бахтли қилишингиз керак. Ҳукмдорнинг асосий вазифаси ана шунда.

Бойлик ҳақида

Қадрли дўстим Хризофил! Сен билан қурган охирги суҳбатимиздан олган таассуротларимдан ханузгача қойил қоламан. Кела қол, ўша суҳбатимизга яна қайтайлик, токи қалбингдаги орзу-ҳаваслар сени тарк этмасин, мен эса сенинг бахтли бўлишингни ўйлаб қувончга тўлиб юрай.

Сенга тўғриси айтма қолай: сен ҳақингда бойлик орттириш учун барча имконият ва қобилиятини аямайдиган бир шуҳратпараст йигит деб ўйлардим. Бебаҳо хазинага эришиш учун табиат ато қилган неъматлардан ҳам воз кечишга тайёр эканлигингни, бойлик эса ўзи билан бирга жамоатчилик фикрини ҳам етаклаб келишига ишонишингни билардим. Сен билан учрашиб туриш менга ёқарди, суҳбатлашишдан ҳузур қилардим. Сен эса эртами-кечми соясидан бебаҳра бўлиб қолишни ҳаёлингга ҳам келтирмай, дам олиш учун ўзингни дарахт панасига урардинг. Ҳар гал сен билан хайрлашганда “Бу бола яхши инсон бўлиб етишиши мумкин эди. Лекин у бойликни танлади” дея афсусланиб ўйлаб қолардим. Лекин сен дилингда тугиб юрган мақсадингни очик-ойдин айтганингда, мен қалбингда битмас-туганмас очкўзлик манбаини

кўрдим ва ноқулай аҳволда қолдим. Дам олишингни ожизликка йўйиб сен ҳақингда ноҳақ ҳукм чиқарганингни ўйлаб ўзимни қойидим, ахир бу ожизлик сенга нисбатан хурматимни оширадиган асослардан бири эканлигини тушундим.

Сен шундай оҳангда гапирдинки, у қалбимнинг ич-ичига кириб борди, мен бойликка шунинг учун интиламанки, унинг натижасида келиб чиқадиган ноҳақликларга чек қўймоқчиман. Оғир аҳволга тушиб қолган бечораларни кўриб, уларга ёрдам беролмаганимдан фйғоним фалакка чиқади, ачинганим фойдасиз эканлигидан афеусланаман... Бойлик ўзгаларни муҳтожликдан қутқариш учун сарфланади, шунинг учун унинг қадрига етаман: олтин ёрдамида бебаҳо неъматларга эришиш мумкин, деб қўшиб қўярдинг. Хавотир олманг, қанчалик даражада беҳисоб бойликка эга бўлмай, барибир ўзим истаганча яхшиликка хизмат қилиш учун озлик қилади. Сенга очигини айтаман: дилингнидан чиққан бу сўзлар сенга бўлган ишончимни узил-кесил сусайтириб юборди дея олмайман. Тушунаман, камбағалликдан фахрланиб юрганганимдан кўра моддий жиҳатдан етарли маблағим бўлгани яхшироқ. Камбағал бўлиб ҳам кун кўриш мумкин, лекин бойликдан ўз ўрнида фойдаланишга нима етсин, ахир яхшилик қилиш истагини амалга ошириш учун бойликка бойлик қўшиши айна муддао-ку...”

Эзгу ҳиссиётларинг ҳақида қанчалик кўп ўйласам, ўз даврида менга завқ бағишлаган бахтимдан айрилиб қолаётгандек ҳис қиламан ўзимни. Менга тасалли бериб турган ғайратингга ғайрат қўшишда кўмаклашаётган умидларимдан жудо бўлдим. Камбағалларга ёрдам бериш истагини мендаги қашшоқликка бўлган сабр-тоқатимни адои-тамом қилмоқда. Келажақда кимларгадир қилмоқчи бўлган яхшиликларим бугунги кунда тасодифан менга нисбатан амалда ёвузликка айланмасмикан, деб хавотирдаман.

Кўпчилик қашшоқ одамлар худди менга ўхшаш фикрлайдилар деган ишонч мени бироз тинчлантиради, лекин шунга ўхшаш фикр юритадиган бирорта ҳам бойни учратмадим. Одамларнинг моддий аҳволи ўзгариб, эзгу ишларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлганда, уларнинг фикри ўзгариб қандайдир сабабларга кўра яхшилик қилиш истақлари ҳам чиппақка чиқади, деган шубҳам бор. Бу гумонларни тарқатиб аниқлик киритиш учун бойлик сари юришингда сенга ҳамроҳ бўлишга изн бер. Эзгулик ишларингда сенга тўскинлик қилиш ниятим йўқ. Бундай ишларни ўзим амалга ошириш ҳақида ўйлаб кўрмаганман, шунинг учун сен билан юриш менга таскин берар деб ўйлайман.

Дастлаб мен сезган нарса бойлик билан камбағаллик ўртасидаги улкан масофа – буни нима билан тўлдириш кераклигини билмайман. Бойиб кетгач, ўзингни қандай тутиш ҳақида кўп гапирдинг, лекин нима иш қилиш кераклиги ҳақида айтмасдинг. Мақсадга эришгач, нима ишлар қилиш тўғрисида фикр юритиш етарли эмас. Шу аснода йўлда нималар содир бўлиши, нималарга дучор бўлишни ҳам ўйлаш зарур. Масалан, ўз мақсадингга эришиш йўлида қандай усуллардан ва нималардан фойдаланмоқчисан, шунга эътибор бериш керак.

Кўлга киритаётган бойлигиндан одамларга наф тегиши керак, ахир сен шу мақсадда ҳаракат қиляпсан-ку, акс холда сен ўзингга-ўзинг қарши чиққан бўласан. Шунинг учун бойлигинг янада кўпайишни истасанг уни тўғри йўлга сарфла, даромадинг ҳам, унинг манбаи ҳам ҳалол бўлсин.

Бойлик орттириш мақсадида ноқонуний, ҳаром йўлларга кириб кетиш

ҳам мумкин, лекин дўстларинг бунга йўл қўймасликларини биламан, улар ёрдамида адолатсизликка бормасдан яхшигина даромад олиш мумкин. Лекин ўз эътиқодларингдан воз кечмасдан шунча даромадни қандай қилиб тўплашингни кўз олдимга келтиришим қийин. Бир кун келиб мурувватли бойга айланишинг учун яна қанча вақт бешафқат бўлиб юришинг кераклигини тушунишим қийин.

Менга айт-чи Хризофил, бойлик сари юксалиб боришинг давомида сен учун ҳаёт оқими тўхтаб қоладими? Сен ёрдам бермоқчи бўлган камбағалнинг бошига бало-қазо ёғилмайдими? Балки сен кўзлаган чўққиға етгунингга қадар улар тўхтаб турар? Бахтсизликнинг оғир юки остида эзилган, тинка-мадори қуриган ҳалол одамларга берадиган ёрдамнингни тўхтатиб турарсан, балки?

“Дўстим, инсонийлик нуқтаи-назаридан сизни шу аҳволда қолдиришим керак, чунки мен кўзлаган юз минг ливрни ҳали тўплаганимча йўқ, ўша пулдан сизга ёрдам ажратмоқчи эдим. Тўғри, бироз берахмлим бор, лекин ҳозирги пайтда, ҳатто инсон зотини сақлаб қолиш учун ҳам бир (тийин) эюко бера олмайман. Ўттиз йиллардан кейин бир хабар олинг, ўшанда мен бойиб кетган бўлман, мурувватли эканимни ана шунда биласиз”. Хайрли ишнинг ғаройиблигини қаранг – эзуликка йўлни ёвузлик очиб берса-я! Яхшилиқни йўққа чиқарадиган иллатлар-ку бу! Наҳотки, шундан кейин ҳам табиат ато қилган кўкрагингдаги юрагинг уриб турса, ахир сен унинг нидосига кулоқ солмадинг-ку? Наҳотки, ўттиз йилдан сўнг тошга айланган юрагинг табиат даъватига кулоқ тутиб раҳм-шафқат учун, ҳамёнинг эса ҳайр-садақа учун очилади, деб ўйласанг? Эҳ, дўстим! Агар сен қариганингдагина инсоний фазилатларга эга бўлишни истасанг, худодан узоқ умр тила, кунинг битиб ўлиб қолишинг ҳеч гап эмас! Йўқотган бир куни учун афсусланиб юрган кўрқоқ император (Марк Аврелий назарда тутилган)га нафрат билан қарашинг керак, ахир сен ёшлик даврингни, ҳаётингни тўртдан уч қисмини бой бермоқчисан, нари борса уларни йўқолган деб ҳисоблаш мумкин. Ёдингда бўлсин, бевақт ўлимдан ташқари интилишларинг ҳеч қандай натижа бермаслик хавфи ҳам бор. Тақдир инжиқликлари сенга маълум бўлса керак, у ўз билганидан қолмайди, ҳаракатларинг интилишларинг унинг олдида ҳеч нарса эмас? У ўжар қизга ўхшайди, қувганларни йўлда қолдириб кетади, ёмон кўрганларни таъқиб қилади. Сергаклик, қобилият, ҳатто, омад ҳам уни ўз йўлидан қайтара олмайди. Баъзан унинг инжиқлиги тутганда Аристиппни ташлаб, Диогенга (қадимги грек файласуфлари – тарж.) осилади, чанг босган файласуф хонасига ўзини уради. Лейбниц¹ бойиб кетганда, Лас эса қашшоқланиб қолганда ўлим чанг солади. Қилган ҳаракатларинг муваффақиятли яқунланишига ким кафил бўла олади?

Ўзингга юкланган вазифаларни бажаришда ўз кучингга кўпам ишонверма, унинг самарали бўлиши сенга боғлиқ эмас, шубҳали ишларни яхши яқунланишига умид боғлама, ҳаётинг давомида қилаётган ҳалол ишларинг қандай яқун топиши ҳам номаълум. Эй, бебахт! Бекорор тақдирни бойлик ёрдамида ўз измингга солмоқчи бўлдингми? Агар сен бевақт ўлим топсанг ёки ишларинг бароридан келмаса, хомхаёлга берилиб ёш умрингни бекорга сарфласанг, умринг охирида умидсизликка тушиб шарманда бўласан. Бойлик кетидан бекорга қувиб, ҳеч нарсага эриша олмасдан, ўзгаларнинг дуосини олмасдан, ўзингдан ҳам кўнглинг тўлмасдан, ҳамма нарсасини бой

¹ Бу қайдлар, мазмунига қараганда, Руссонинг Берндаги Иктисод жамиятига қилган мурожаати билан боғлиқ.

берган омадсиз, ҳаётида бирорта ҳам одамни бахтли қила олмаган инсоннинг ўлими қандай даҳшат!

Сиз ҳозир камбағалсиз, лекин инсонфили одамсиз. Бойиб кетгач кимга айланиб қолишингизни биласизми? Мавқеингиз ўзгаргач, фикрингиз ҳам, ақидаларингиз ҳам иродангизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгаради, ўзлигингиз ҳам ҳозиргисига ўхшамайди, ўй-фикрларингиз ҳам бошқача бўлади. Сиз ҳозирча бойишдан мақсад бева-бечора ва муҳтожларга ёрдам бериш, бойликни эзгу мақсадларга ишлатиш истагим бор, деб айтасиз. Гўё энг биринчи эзгулик – ёвузликка йўл қўймаслик эканлигини билмагандек. Ўзгаларнинг камбағаллашуви эвазига эмас, балки ўз ҳолича бойиб кетиш иложи бормикан? Қўни-қўшнилари талаб бойиб кетган, кейин уларга шу ҳисобдан садақа улашган “муруватли одам” ҳақида нима дея олардингиз? Шундай деб ўйлайдиган одамни, ким бўлишидан катъий назар, алданиб қолган ёки мунофиқ деб атаган бўлардим. Бундай одам ўзгаларни алдайди ёки уни ўз қалби алдайди, хасис эканлигини инсон қиёфаси остига яширади.

Келажакда хайрли ишларга сарф қилмоқчи бўлиб ҳаром йўллар билан бойлик орттирсанг, худо йўлига деб, яқинларини талаб, пулини чўнтакка урган сохта художўйга ўхшаб қоласан.

Бағритошлик одатга айланиб қолди ҳам дейлик, у ҳолда хайрли иш учун тўплаган бойлигингни чегараси борми? Қайси ўлчовдан келиб чиқиб бунини белгилайсан, виждонинг уйғониб, “етарли” дейишга тилинг борадими? Агар сен ўйлагандек, олдин етарли даражада бойлик тўплаб олиб, кейин хайрли ишларга сарфламоқчи бўлсанг, у ҳолда ҳеч қачон тўплай олмайсан. Сенга ўхшаганлар туфайли одамлар бошига тинмай бало-қазолар ёғилиб туради, сен эса чексиз бойлик тўплашга бутун умрингни кетказасан, оқибатда бирорта одамга ҳам нафинг тегмай, ўз бойлигинг, қарилигинг ва хасислигинг юки остида эзилиб ўласан.

Унинг ўрнига чаккон ва жонкуяр бўл, топган бойлигингни бева-бечораларга тезроқ тарқатиб бер, чунки вақт сенинг измингда эмас, у ўтаверади. Эй, Хризофил! Бойликка эга бўлиш билан уни хайрли ишларга сарфлаш орасида вақт масофаси бор, ана шу масофани чўзиб юборишдан кўрқ, хайрли ишда барқарор бўл. Ана шунда нафс балосидан қутуласан.

Одамларнинг фикрлаш тарзи кўпинча атрофидаги яқинларига боғлиқ. Ўз ақидаларига содиқ бўлиш жуда қийин, чунки атрофидагилар ҳам, ўзининг истак-хоҳиш, эҳтирослари ҳам унга путур етказишга тинмасдан ҳаракат қиладилар. Агар сен виждонингга ва ҳақ сўзларга қулоқ солиб яшаётган бўлсанг, ортиқча ноз-неъматлар сени унча қизиқтирмайди. Шунинг учун бой бўлиб кетгач икки йўлдан бирини танлашинг керак: ёки бой одам сифатида яшашинг ёки кулгига қолиб бўлса ҳам, камбағаллинингча қолишинг керак. Фалак ато этган мавқега эга бўлсанг, у ҳолда камтарона, ўзингни камситмасдан, муруватли бўлиб яшашинг мумкин, бунга курашсиз ҳам эришасан бўлади. Бу афзалликни арзимас бир нарса деб ҳисобламасанг керак?

Сен ўз бойлигинг билан нималарга қодир эканлигингни кўрсатарсан? Агар сенга қулоқ соладиган бўлсак, ўзгаларга муруват кўрсатиш бахти фақат бойларгагина насиб этган, камбағаллар бундан маҳрум демокчимисан.

Сенингча, фақат бойликкина инсонийликка яхши хизмат қила олар эканда? Бундай фикрга борадиган одамлар эзгуликнинг манбаи менинг сандиғимда деб ўйлайдилар, ҳақиқий эзгулик қидирувчилар бошқача фикрдалар. Катта бойлик катта истаклар келтириб чиқаради деган Фавориус доно фикр айт-

ган. Сен учун зарур бўлган энг яхши восита – сендаги ортиқча бойликни тортиб олишдир.

У мен учун нима иш қилди? Менга овқат беради. Нима, шусиз яшай олмайманми? Бу куллик билан баробар-ку. У мени шарманда қилди, қобилятимни оёқ ости қилиб, ғуруримни ерга урди, овқат билан эмас хўрлик билан боқди, ўлимимга ҳам рози эдим. Айни пайтда, мен унинг учун нима иш қилдим? Мен унинг манманлигини боқий семиртирдим, қотиб қолган қалбига жон киритдим. Мени боқиш учун у фақат хамёнидангина пул сарф қилган бўлса, мен бутун қобилятимни, эркимни, бутун борлигимни сарфладим: овқатга деб сарфлаган пули эвазига у қонимни ичди.

Биламан, ўзларини энг виждонли деб ҳисоблаб юрган пасткаш одамлар ўзларича нозик ҳиссиётлардан нафратланишади. Ўзларини ҳалол одамлар қаторига қўшишади-ю, аммо ўзгалар ҳисобидан бойиб кетишдан ҳазар қилишмайди. Лекин сен, азизим Хризофил, юксак даражада фикрлайсан, эзгуликнинг энг биринчи кўриниши, ўзгаларга ёмонлик қилмаслик эканлигини биласан. Адолат қоидалари билан эзгулик қоидалари орасида узоқ масофа бор. Сен олаётган фойда қанчалик қонуний бўлмасин унга мухтож бўлган одамлар атрофингда тўлиб ётипти, уларнинг ҳам ҳаққи бордир, уларнинг зарари ҳисобига бўлса керак бу бойликлар? Бойлик тўплаш йўлида ўзинг билмаган ҳолда ўзгаларга зарар етказмадиммикан деган хавотир сенда ҳам, яхши ниятли бошқа одамларда ҳам бўлиши керак.

Бой бўла туриб инсон бўла олмаган одамни қандай қилиб ҳақиқий инсон дейиш мумкин?

Кўп одамлар бойликни хайрли ишларга сарфлаш керак деб ҳисоблашади, лекин бойликка эришгач, уни бошқа мақсадларга йўналтиришади.

Инсоният бошига тушадиган фалокатларни ўйлайсану, амалда уларни хис қилмайсан. Мурувватли бўлиш мақсадида бой бўлишга интилаётган ўртамиёна одамлар йўлига тўсик қўйишга эҳтиёткорроқ бўлардим. Сен ҳам шу мақсадда бой бўлмоқчисан, бу йўлда сенга ҳам турли тўсиқлар учрашии мумкин, лекин сен уларни бартараф қила оласан.

Хурматга сазовор одамларнинг тан олишича кўпчилик ўзгаларнинг фирибгарлик йўли билан топганларини ўзлаштиришдан ҳазар қилмайдилар. Улар ўзларини мурувватли инсонлар қаторига қўшадилар. Аслида улар бошқа барча одамлар адолатли бўлсаларгина, шундан кейин мен ҳам адолатли бўламан деб фикрлайдиганлар тоифасига киради. Эй, Хризофил! Сени яхшироқ билганимда, шу тариқа кечирим сўраб ўтирмаган бўлардим, чунки бундай фикрлашга ботина олмаган бўлардинг.

Қулф-калитли, тамбаланган, занжирли темир эшиклар сонини кўпайтиринг, қоровуллар, қўриқчилар қўйинг. Қатли олиш учун дорлар, кундалар ўрнатинг, қийноқларнинг янги-янги усулларини ўйлаб топинг, азоб-укубат чекаётган йўқсилларни кўрганда қалбингиз тошга айлансин. Ўзингиз амал қилаётган қонун-қоидаларни ўргатиш учун ўринбосарлар тайёрланг. Бу ишга янгидан-янги ёзувчиларни жалб қилинг, уларга яхши ҳақ тўланг, токи ўғирлик учун қашшоқлар қаттиқ жазога тортилсин, бойлар эса ялла қилиб юраверсинлар. Бундай тартибни қонун даражасига кўтаринг. Хавотир олманг, еб-тўймас нафсингиз ўзгаларнинг нафслари ҳакалак отишига хизмат қилади, фирибгарлигингиз атрофингизда ўзингизга ўхшаш фирибгарларни тўплайди, қилмишингиз худди шундай йўл билан яна ўзингизга қайтади. Тубан ниятларингизни амалга ошираётган атрофингиздаги бузук

аёллар сизнинг ҳисобингиздан жирканч харидорларингизга хизмат қилади, ҳиссиётларингиз разилликдан озикланади, дастурхонингиздаги сарқит овқатлар сизга мунтазир бўлади. Очкўз хизматкорларингиз катта пул эвазига тезакни тансиқ таом сифатида қўлингизга тутқазади, сезгингиз айнигани сабабли сиз буни билмай қоласиз. Текинхўр ҳамтовоқларингиз тезак еб роҳатланганингизни кўриб, яширинча устингиздан кулишади, сиз эса зиёфат учун катта пулга тушганингиздан мақтаниб қолаверасиз. Бу орада каллоблик билан қўлга киритган бойлигингиз созурилади, сиз эса бахтга эмас, афсуснадоматга эришасиз. Бойлигингиз манбани ўйлаб виждонингиз қийланади, уни йўқотганлигиздан афсусда қоласиз. Эшиклар бузилган, занжирлар узилган, сандиқлар очилган – хафсалангиз пир бўлади. Кўрган эҳтиёт чораларингиз аксига хизмат қилади. Бирор ишончли ҳалол одамни тасодифан учратиб қолсангиз, юзлаб фирибгарлар келишиб олиб бутун айбни унга юклашади, қулай вазиятдан фойдаланиб талончиликни давом эттиришади. Бойлигингизни созураётган минглаб одамларни кўриб турсангиз-да бирортасини ушлай олмайсиз. Улар бутунлай бошқа шаклга кириб олган бўлади, ўзларини садоқатли қилиб кўрсатишади, амалда нафрат билан қарашади. Мурувватли одамлар учун дилингизда жой қолмайди, фақат айёр, ярамас одамларгина унга тилёғламалик билан кириб олишади. Харом йўллар билан топган бойлигингизни яхшиликка сарфламоқчи бўлганингизда ҳам, улар янги жиноятларга етаклайди. Сиз учун жонини ҳам беришга тайёр турган минглаб маккор ва аблах дўстларингиз, амалда сизни ўлим талвасасида ётганингизни кўриш истагинда юрадилар. Улар сизни тузалиб кетишингизни кутиб ўтиришларига умид қилмай қўя қолинг. Очкўзлик уларни шу даражага етказганки, ўлим сизни кутиб турмаганидек, улар ҳам кутиб туришмайди, вақтини бекорга кетказмаслик учун уларни сизга нима боғлаб турган бўлса, унинг изидан кетишади. Ҳали ажал келмасидан сиз қашшоқ аҳволга тушасиз, хор-зор бўласиз. Энг ёмон томони шуки, аҳволингизни кўриб ачинадиган инсон топилмайди.

Ҳузур-ҳаловат авжига чиққан пайтида енгиб бўлмас ҳижолатпазлик дилингизга қайғу уруғини сочади. Сершовқин зиёфат учига чиққан пайтида хотирангиздаги минглаб аччиқ воқеалар жонланади, виждон азоби қалбингизни қийноқларга солади, зиёфат қатнашчиларини шовқин-сурони ҳам уларни боса олмайди. Зиёфатдагиларнинг қувончлари сохта эканлиги бир лаҳзада билиниб, кўз ёшларингиз қалқиб туради. Кўнглингиздаги қадахда хушбўй шароб эмас, балки бева-бечора, бахтсизларнинг қони эканлигини тасаввур қиласиз, уларни шу аҳволга ўзингиз солганлигингизни ўйлаб ўзингизни айблайсиз. Агар шу аснода бошингизга мусибат ёғилса нима қила олардингиз?

Ўзингизга нисбатан кўнгилчан ўзгаларга нисбатан раҳмсиз бўлганлигингиз сизни шундай ёмон аҳволга солди деб ўйламанг. Пушаймонлик ва виждон азоби қанчалик азоб-уқубатли бўлмасин, қалб сирларингизга айланган, демак, сизда эзгуликка ва мафтункор ҳиссиётларга бўлган муҳаббатингиз сўнмаган. Қалбингиз бузуқликка тўлишидан, унинг тошга айланишидан, шармандаларча тубанликдан, табиий ҳиссиётларингизни бой бериб, нодон ва ҳиссиз тўнкага айланиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

Майли, бойлигидан ажралиб қолишни истамаган хасис одамларга улар ҳамроҳ бўлиб қолаверсин! Уларга хушомад ёқадиган бўлса, хизматкорлари билан бирга юраверсинлар!

Тинимсиз машаққатли меҳнат қилиб, эвазига бир бурда қотган қора нон

билан кун кечирувчи бетахтларнинг аҳволига у бефарқ қарайди. Даромад адолатсиз, сарфланган меҳнатга тескари нисбатда тақсимланаётган бўлса, унга нима? Шафқатсиз ва шахвоний хирсга берилган кимса эса оғир меҳнатдан эзилган, муҳтожлик ботқоғига ботган миллионлар ҳисобига семириб ётса майли. Пешонага ёзилгани шу, булар одат тусига киргач, ҳамма кўникиб яшайди. Улар похол томли кулбаларда, хўкиз молхонада ётгандек, яшаётган бўлсалар, мен ҳам нақшинкор саройларда яшашга кўникишим керак. Аммо, гап ёввойи мамлакатлар аҳолиси тўғрисида, улар оғир меҳнат қилмасдан, эҳтиёж нималигини билмасдан ташвишсиз ҳаёт кечираётганлиги ҳақида кетганда-чи? Унда ўша ёввойиларга ачиниб кетамиз: қандай қилиб ўзгалар учун қулай ва яхши шароит яратмасдан яшаш мумкин, халқ қонини сўраётган хурматли боёнлар бўлмаган мамлакатда қандай яшаб бўлади? Ғам-ташвиш нималигини билмай яшаётган ёввойини бизга кераги борми? Бойликни кўкларга кўтариб, камбағалликни ёмонловчи бизнинг пасткаш до-нишмандлар ўртасидаги зиддиятлар ана шунда. Улар пул эвазига, берилган буюртмалар бўйича ўз фалсафаларини қулай шароитларга мослаб тўқишади.

Энг ажабланарли томони шуки, серғалва, серташвиш камбағаллар билан ёнма-ён яшашдан қутулиш учун анча-мунча пул сарф қилишга тайёр турган бундай нозиктаъб одамлар амалда бирорта бечорани қашшоқликдан қутқариш учун бир тийин ҳам бергиси келмайди. Бой билан камбағал ўртасидаги келишмовчилик шу даражадаки, биринчиси иккинчисининг аҳволини яхшилагандан кўра, ўзи ноқулай аҳволга тушиб қолишни афзал кўради.

Мурувват кўрсатишдаги энг қулай ва арзон тўлов – бу пулдир.

Тубан йўллар билан бойлар даврасига киришдан кўра яхшиликка сазовор бўлган одамлар орасида қолганинг маъқул, табиат томонидан ажратилган бу икки синф орасига тажовуз қилма.

Кимдир дўстлигини билдириш учун фақат киссасидан пул чиқаришни билади, бошқаси эса ўзгалар учун ташвиш чекади, вақтини, қобилиятини, ҳис-ғуйғуларини, ҳатто ҳаётини ҳам аямайди. Шундай тенгсизлик бўла туриб нонкўр бой арзимас садақасини пеш қилиб мақтанади, уялмай-нетмай сурбетларча миннатдорлик талаб қилади.

Бизнинг қобилиятимиз бор, ҳеч бўлмаганда оёқ-кўлимиз бутун-ку ке қўй, уларга нопок бойликларини қолдирайлик-да, эркимизни асрайлик, Хризофил, менга ишон, уларнинг аҳволи бизникидан ҳам қийинроқ бўлади.

Энг яхши кунларимиз ҳам бизни тақдир бевафолигидан асрай олмайди: биз ҳеч қачон уни ўзимизга бўйсундиrolмаймиз, ҳатто унинг ўз қуролидан фойдаланганда ҳам. Уни енгиш учун бошқа қуролдан фойдаланиш керак, ўшанда ҳам у тобланган, синалган бўлиши зарур.

...Энг қулайи чиройли ва юмшоқ аравада талтайиб ўтирган ҳолда камбағални юзига лой сачратиб ўтиб кетиш.

Инсониятга янада фойдалироқ иш қилмоқчимисан? Бойликка интилма, усиз ҳам яшашни ўрган; бойнинг такаббурлигидан ҳазар қил, олижаноб мақсадлар йўлида одамларни бахт излашда беғараз бўлишга ўз мисолингга ўргат, уларга намуна бўл.

*Рус тилидан
Абдунаби АБДУҚОДИРОВ
таржимаси.*



Ҳолгер ФОК

АДАБИЙ ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Таниқли таржимон, CEATL (Conseil Europeen des Associations de Traducteurs Litteraires) Европа адабий таржимонлар уюшмалари Кенгашининг раиси Ҳолгер Фок кўйида бугунги адабий таржима билан боғлиқ муаммолар хусусида фикр юритади.

Адабий таржима ҳозирги кунда кўплаб дорил-фунунларда фан сифатида ўқитилаётган бўлса ҳам, ушбу касбни ижтимоий жиҳатдан узил-кесил муҳофазаланган, деб бўлмайди. Ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: хўш, ана шундай қийин моддий шароитларга қарамасдан, қолаверса, асосий касби-кор сифатида нега баъзи кишилар адабий таржима билан шуғулланаверади? Бу – умумлаштириб бўлмайдиган савол. Ўтган асрнинг 60-йилларидан буён халқаро бозорлар профессионал адабий таржимонларга янада кўпроқ эҳтиёж сезаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ушбу саволга шахсий ва ўз хизмат тажрибаларимдан келиб чиқиб жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Мактабда ўқиб юрган пайтларимда менда франсуз адабиётига кучли ҳавас уйғонган. Олий ўқув юртида талабалик давримдаёқ илк таржималар қилганман ва уларга тасодифий тақризлар ҳам ёзилган. Шундан сўнг беш йил давомида тижорат(реклама) матнларини тузувчи бўлиб ишлаганман, бу даврда

ҳам севган хоббим билан мунтазам шуғулланиб келганман. Аммо бу касбда бир умрга қоламанми-йўкми, деган савол ўзимда бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилганимдан сўнггина пайдо бўлган ва у кейинги ҳаёт йўлимни белгилаб берган.

Адабий таржима – бунга нафақат бадий, балки илмий-оммабоп ва муайян соҳаларга тааллуқли бўлган адабиётлар таржимаси ҳам киради, – бир томондан олганда, ёлғизликни талаб қиладиган сокин фаолият саналади. Бироқ шу билан бирга ўз она тилинг билан ҳам мунтазам шуғулланишинг, кўплаб изла нишлар олиб боришинг ва ўзинг учун номаълум бўлган “худуд”ларга ҳам кира билишинг ва уларни ўзлаштира олишинг керак бўлади. Қисқаси, қизиқарли иш. Кишига завқ бағишлайди ва бошқа кўпгина касблар қаторида тан олиниб, эътироф этилгудек бўлса, катта коникиш ҳам ҳосил қилади.

Камина қилаётган бу ишимни, энг аввало, немис ва франсуз халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда маданий алоқаларга қўшаётган ҳиссам, деб биламан. Мен Лудвиг-

сбургда, Германиянинг жануби-ғарбида, Франция чегарасига яқин жойда туғилганман ва ўша ерда мактабни тугатганман. Лекин Шарл де Голлнинг 1962 йил сентябрида немис ёшларига қарата сўзлаган нутқи ҳақида орадан олти йил ўтгандан кейингина эшитганман. Шубҳасиз, ушбу нутқ ярашиш, келишиш, тинчлик-осойишталик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва Европа мавзuidaги буюк чиқишлардан биридир. Уни албатта мактабларнинг юқори синфларида зарур адабиёт сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ўз нутқи сўнггида де Голл, немислар билан франсузлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва дўстлик Европа ҳамжамиятининг бирлиги учун асос бўлиб хизмат қила олади, дея таъкидлайди.

Бунинг учун эса бошқаларни ва ўз тарихингни, маданий мерос ва ўзлигингни англаш муҳим роль ўйнайди. Ўз она тилиннга қилинган таржималарсиз бунинг деярли имкони йўқ. Франсуз файласуфи Эмануэл Левинас фикрича, “таржима бошқаларни ўзлаштириш эмас, балки уларни тан олиш, эътироф этишдир. “Нашриётларни муаллиф (ёзувчи) лар билан таништириш ва уларни бир-бирига янада яқинлаштиришни француз адабиёти таржимони сифатида ўз олдимга қўйган муҳим вазифалардан бири, деб биламан ва буни нашриётлар учун ҳам зарур, деб ҳисоблайман. Қанчалик ажабланарли бўлиб туюлмасин, бугунги француз адабиётининг талайгина қисми, чунончи, унинг таниқли вакиллари бўлмиш Пьер Бергуниус, Флоренс Делай, Пьер Мишон, Режис Жауффрет асарлари ҳозиргача ниҳоятда кам ёки умуман таржима қилинмаганини таассуф билан айтиб ўтишимга тўғри келади.

Европа тили таржимадир, деган эди Умберто Эко бундан бир неча йиллар муқаддам. Унинг фикрича,

бизнес соҳасидаги инглиз тили, яъни инглизча-хитойча жаргон глобаллашув даврида лингва франка (роман, грек ва шарқ тиллари унсурларидан ташкил топган курама тил) сифатида бир-бирини ёқлаш ва маъқуллашга эмас, балки ўзаро бир-бирини тушунишга хизмат қилмоқда. Бу борада маданий сидкидилликка эҳтиёж сезилади, бунинг учун эса ўз-ўзидан адабий таржималар учун кенг имкониятлар очилади. Бироқ шунга қарамасдан, маданиятнинг узвий қисми бўлмиш адабиёт, айниқса таржима жуда оз, жумладан Европа Иттифоқи доирасида ҳам жуда кам рағбатлантириб келинмоқда.

Европа адабиёти таржималардан иборат. Аввало шуни айтиш керакки, кичик мамлакатларда, жанубий, шарқий ва шимолий Европада ишлаб чиқарилаётган жами китоб маҳсулотларидаги таржималар улуши 30 фоиздан 60 фоизгача, беллетристиканинг ўзини оладиган бўлсак, унда 40 фоиздан 80 фоизгача ташкил этади. Фақатгина Германия, Австрия, Швейцария, Франция ва Италияда таржималар ҳиссаси нисбатан камроқ, Буюк Британияда эса ниҳоятда оз – атиги уч фоизни ташкил қилади. Бироқ Европанинг турли мамлакатларида таржима қилинган адабиётлар сони ва кўлами сўнгги ўнйилликлар ичида умуман олганда доимий равишда анчагина ўсди. Албатта, бу борада тузилиш жиҳатидан ўзаро кескин фарқлар ҳам кўзга ташланади: таржима асарлар деярли барча мамлакатларда кўпроқ бевосита инглиз тилидан амалга оширилмоқда. Германияда бу кўрсаткич кўп йиллардан буён муттасил 70 фоиздан, Словения ёки Чехия сингари Шарқий Европа давлатларида эса 80 фоиздан кўпроқни ташкил этиб келаётир.

Буюк Британияда қилинаётган жуда оз сонли адабий таржималар

билан мутаносиб равишда инглиз тилидан ўгирилаётган таржималар кўлами мутгасил ошиб бормоқда. Бунинг боиси қисман шундаки, инглиз тилида кўпроқ бамаъни адабиёт чоп этилаётган бўлса, асосий сабаб қилиб, инглиз тилидан кўпинча энсани қотирадиган енгил-елпи асарлар таржима қилинаётганини таъкидлаш лозим. Нашриётлар эса ўз ўрнида бу хилдаги адабиётлар таржимаси сифатига кўпам эътибор бермасдан пешма-пеш босиб чиқармоқдалар. Бунинг оқибатида Жанубий ва Шарқий Европа мамлакатларининг бозорларида кўплаб услубий ва лисоний хатоларга йўл қўйилган таржималар пайдо бўлмоқда. Яна бир катта камчилик шуки, ҳозирги пайтда “майда” тиллардан ўгирадиган моҳир адабий таржимонлар ҳам, шу каби мутахассислар (адабий мунаққидлар, филологлар ва ҳоказо) адабий таржималар устида ишлаб, тирикчиликларини баҳоли қудрат ўтказа олишларига имкон берадиган даражадаги гонорарлар ҳам етишмайди. Баъзи бир мамлакатларда профессионал адабий таржимонлар умуман йўқ ҳисоби, – бунга ушбу касб билан Греция, Португалияда ёки Шарқий Европа давлатларида ҳам энг паст даражада бўлса-да, тирикчилик ўтказиш амри маҳол эканлиги сабаб бўлса, Ирландия, Буюк Британия ёки Швейцария каби мамлакатларда таржима асарлар етарли даражада яратилмаётганини далил қилиб кўрсатиш мумкин.

Таржимонларнинг соф даромадлари ҳақида гапирадиган бўлсак, янада аянчли манзарага дуч келамиз. Ҳар бир мамлакатдаги аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача харид қуввати билан ўзаро қиёсланганда, адабий мутаржимларнинг ўртача соф даромади ҳатто 30 фоизга ҳам етмайди. Агар Ирландия билан Буюк Британияни инобатга олмасак, – ушбу

давлатларда адабий таржимонлар деярли йўқ ҳисоби – Франция 66 фоиз билан адабий таржимонларнинг ўртача соф даромади бир озгина юқори бўлган ягона мамлакат эканлиги аён бўлади. Кўпгина мамлакатлардаги мавжуд иқтисодий шароит билан китоб бозори агар ўзаро баҳамжиҳат бўлса, мазкур ҳолатни яхшилаш мумкин. Китоб савдосида ортиқча маҳсулот билан бошқаларни суриб чиқариш “мусобақаси”га қаттиқ берилган бозорда, албатта, бундай имкониятлар ўз-ўзидан чекланади. Башарти моҳир адабий мутаржимларнинг моддий негизи ақалли бошланғич мактаб муаллими ёки устахунармандларники билан бараварлаштирилганда эди, уларнинг доимий даромадлари ҳам икки, уч ҳисса ортган бўларди. Лекин бу иш ёлғиз нашриёт билан китоб бозорининг қўлидан келмайди.

Аҳолиси кўп бўлган давлатларда мутаржимлар учун қўшимча даромад манбаларини қидириб топса бўлади, кичик мамлакатларда эса бунинг учун адад имкониятлари етарли эмас. Бироқ катта давлатларда ҳам адабий таржимонлар даромадини биргина шу йўл билан тубдан яхшилаб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, хоҳ давлат томонидан бўлсин, хоҳ бошқача йўл билан бўлсин, таржимонларни моддий рағбатлантиришнинг ягона самарали тизимисиз иш битмайди.

Кўпгина ташкилот ва муассасалар, жумладан, Европа Комиссиясининг фикрига кўра, мутаржимлар бажарган ўз таржима асарларининг рағбатлантирилишидан фойдаланувчилар ҳисобланади. Кўплаб мамлакатларда бу ҳақда гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Фақатгина Испания, Дания, Финляндия, Буюк Британия, Швейцария ва Австрияда таржимонлар одатдаги гонорарга қўшимча тарзда дотация ҳисобидан айтишга арзигулик (50 фоиз)

миқдорда улуш оладилар (лекин ҳар доим ҳам эмас). Айрим мамлакатларда эса, аксинча, баъзан ҳатто саҳифалар учун тўланадиган арзимас қаламҳақидан ҳам “йўниб” қолинади. Келгусида бундай қаллобликларнинг олдини олиш мақсадида Европа Иттифоқи томонидан тегишли мамлакатларда дотациялар ва гонорарлар миқдори ўрганиб чиқилиб, бу борада ягона тариф қиймати жорий этилди.

Таржимонларни қўллаб-қувватлаш борасидаги дастлабки ижобий қадамларни Франция, Германия, Австрия, Испания ва Словенияда, жуда оз миқдорда Литва, Словакия ва Буюк Британияда ҳам кузатиш мумкин. Барча мамлакатлар бу соҳада Норвегия, Швеция айниқса, Нидерландиядан ибрат олишлари мақсадга мувофиқ. Нидерландияда давлат маблағ билан таъминлайдиган таржимонлар Фонди ҳисобидан юқори савиядаги адабиёт мутаржимларининг асосий гонорарлари миқдори икки ҳисса оширилган, оғир, қийин таржималар учун улар янада кўпроқ ҳақ олиш имкониятига ҳам эга.

Швеция ва Норвегияда эса моҳир адабий таржимонлар учун кўпйиллик миллий стипендиялар тизими мавжуд, уни қисман давлат, қисман кутубхоналар маблағ билан таъминлаб боради. Финляндияда бу ишга хусусий

жамғармалар ҳам кўмаклашади, Данияда бу хилдаги маблағлар бевосита таржимонларга тегишли бўлиб, даромадларининг қарийб 50 фоизини ташкил этади.

Маданиятлараро алмашув жараёнига ҳеч нарса адабий таржималарчалик хизмат қилолмайди. Бас, шундай экан, Европа Иттифоқи маданий алмашув жараёнига кўмаклашадиган мавжуд таржима марказларини рағбатлантира бориб, кичикроқ мамлакатларда, шунингдек, Шарқий Европа давлатларида ҳам ана шундай марказлар тузиши-шини қўллаб-қувватламоғи лозим.

Сир эмас, кўпчилик адабий мутаржимлар кам пул ишлаб топадилар, шунинг учун кўп ҳолларда ҳатто ўзлари адабиётини таржима қилаётган мамлакатларга ёки малака ошириш семинарларига, коллоквиумларга бориб келишга ҳам моддий жиҳатдан қурбилари етмайди. Таржимонларни иш ва сафар стипендиялари билан рағбатлантириш, ҳомийлик дастурлари, семинарлар, симпозиумлар, мутаржимларнинг муаллиф (ёзувчи)лар билан учрашувларини ташкил этиш ва ҳоказо тадбирларни бевосита ёки тегишли муассасалар орқали маблағ билан таъминлаш ҳам Европа Иттифоқи олдида турган муҳим вазифалар каторига киради ва уларнинг бажарилиши адабиётга, маданий алмашув ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

*Немис тилидан
Мирзаали АКБАРОВ
таржимаси.*

Тинчлик ўзаро ҳурматдан бошланади, дейишади. Бир хонадон ичида татбиқ этамизми бу қоидани, ё кичик маҳалла доирасидами ёхуд давлатлар миқёсидами — ҳар қандай вазиятда ҳам ўзгаларга муносиб иззат-иқром кўрсата олганлар ўзини, ўзлигини ҳам қадрлай олади. Қурраи заминдаги тотувлик, турли миллат ва элатларнинг ўзаро дўстона муносабатлари асосида ҳам аввало ҳурмат, эътибор мужжасам. Мана шу ҳурмат сабабли маълум бир халқнинг ўтмиши, бой маънавий мероси, маданияти, санъати, адабиётини ўрганиши иштиёқи тугилади. Ўзга бир юртнинг ҳаёти, сиру асрорлари билан танишар эканмиз, оламни янада теранроқ аңглай бошлаймиз...

Журналимизнинг “Жаҳон маданияти ва санъати” бўлимида берилаётган лавҳаларда бетакрор ижоди билан тарих зарварақлари, мухлислар қалбида ўчмас из қолдирган машҳур шахслар ҳақида сўз юритишида давом этамиз. Бир инсон қисмати билан танишиши асносида, кўз ўнгингизда турли мамлакатлар, уларнинг маданиятига оид чизгилар эсонланса, ажаб эмас.

“Глобус” рўқни остида эътиборингизга ҳавола қилинаётган француз маданияти ва адабиётига оид сўхбат Сизни бир қадар ўйлантириб қўяр, эҳтимол. Миллати, ирқи, жугрофий ўрнидан қатъи назар бир осмон остида яшаб, ягона қуёшнинг тафтидан баҳра олувчи инсонларнинг тўқнаш келадиган муаммолари ҳам муштарак эканлигига яна бир бора амин бўласиз...



ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ

Давлат тили: француз тили.

Пойтахти: Париж шаҳри

Майдони: 632 834 км²

Аҳолиси: 65 млн 350 минг киши (2012 й., январь)

Франциянинг барча фуқаролари расман французлар деб юригилади, бироқ аҳолининг 74 фоизигина фақат француз тилида сўзлашади, 13,4 фоизи хорижий тилларда муомала қилади, 13,3 фоизи Франциянинг худудий тиллари

ва лаҳжаларида сўзлашади. Франция Европа Иттифоқи давлатлари орасида тил мероси бўйича энг бой мамлакат саналади. Франция аҳолиси ўнлаб худудий тилларда сўзлашади.

Эйфель минораси – Парижда жойлашган, металлдан ишланган, баландлиги 324 метрга тенг минора бўлиб, Франция пойтахтининг асосий тимсоли ва дунёдаги энг диққатга сазовор жойлардан бири ҳисобланади. Минора 2 йил давомида (1887-1889) қуриб битказилган. Иншоотнинг бош архитектори франциялик таниқли муҳандис Густав Эйфель эди. Эйфель минорасининг вазни тахминан 10 минг тонна. Энг кучли шамол вақтида юқори қисмининг тебраниши 15 см дан ошмайди, бироқ минора асосан қуёш нурларидан зарарланади: бир томонлама қизиш натижасида юқори қисм 18 см га оғиб қолади. Дунёдаги энг машхур ушбу минора ҳар йили 6 миллионга яқин сайёҳга ўз эшикларини очади.





Лувр – дунёдаги энг йирик музейлардан бири (май-дони 160 106 м²дан зиёд) бўлиб, Париж марказида жойлашган. Музей биноси қадимги қирол саройидир. Лувр – Франциянинг бадиий ва тарихий ёдгорликларини тўплаш борасида бой тарихга эга қўхна масканлардан бири ҳисобланади. Музей 1793 йилнинг 8 ноябрида, Франция Инқилоби пайтида очилган. Луврда турли даврларга оид, ранг-баранг маданиятларни акс эттирувчи санъат намуналари йиғилган. Ундаги 300 000 га яқин экспонатнинг 35 000 таси кўргазмага қўйилган.

Аксарият экспонатлар махсус омборларда сақланади.

Франциянинг **Канн** шаҳри шу ерда ўтказиладиган кино оламидаги энг нуфузли фестиваль билан машхур. Шунингдек, жаҳондаги энг шухратли курорт-шаҳарлардан бири сифатида тан олинган. Майин иқлим, илиқ денгиз, ложувард осмон нафақат кино юлдузлари, балки бутун дунё киборларини ўзига жалб этиб келади.



ТИЛНИ АДАБИЁТДАН АЖРАТИБ БЎЛМАЙДИ

“Жаҳон адабиёти” журнали муҳбири:

– *Ўзбекистон ва Франция маданий алоқаларида адабиёт соҳаси муҳим ўрин тутади. Китобхонларимиз Ж.Ж.Руссо, Вольтер, Дидро, О.де Бальзак, В.Гюго, Ж.П.Сартр, Ги де Мопассан, Стендаль, Г.Флобер, А.Дюма, Э.Золя, А.Камю каби француз ижодкорларининг асарлари билан яхши таниши. Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида нима дейишингиз мумкин?*

Фредерик Беллидо, *Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ва илмий техник ҳамкорлик бўлими маслаҳатчиси, Ўзбекистондаги Француз институти директори:*



Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар 2002 йилдан, Тошкентда Виктор Гюго номидаги Франция маданият маркази очилгандан буён мунтазам амалга ошириб келинган. Эндиликда марказ вазифалари Ўзбекистонда ташкил этилган Франция институти томонидан мувофиқлаштирилмоқда. Француз институтлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида фаолият олиб боради. Мазкур муассасаларнинг вазифаси чет элларда Франция маданияти ҳамда тилимизни тарғиб қилишдир. Бу икки йўналиш муштарак тарзда олиб борилади, уларни бир-биридан ажратиш бўлмайди. Бирор халқ маданиятини унинг тилисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун бошқа барча миллатлар тилини ҳурмат қилган ҳолда, француз тилини ўрганиш борасидаги ташаббусларни доим қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбек халқи француз маданиятига азалдан қизиқиш билан қарагани маълум. Собиқ Иттифоқ даврида ҳам адабиётимиз, санъатимизнинг турли соҳалари билан танишиш имконияти бўлган, албатта. Бироқ бир ҳолатни тан олиш керак: сизгача етиб келган аксарият маълумотлар француз маданиятининг фақат бир қисми бўлган, холос. Яъни ўша давр сиёсий-мафкуравий қарашларига мос келадиган, шўроларнинг талабларига жавоб берадиган намуналаргина кенг оммага тақдим этилган. Айтайлик, ўрта асрлар адабиётидан яхши хабардор бўлсангиз-да, XX асрда ижод қилган муаллифларнинг кўпчилиги собиқ Иттифоқ китобсеварларига нотаниш эди. Мустақилликни қўлга киритган республикаларда жаҳонни бошқатдан таниш ва ўзликни танитиш тамойиллари юзага чиқди. Турли халқлар, жумладан француз адабиётини кенгрок ўрганишга қизиқиш пайдо бўлди. Турли давлатларда очилган Француз институтларига ана шу жараёнда бир кўприк вазифасини ўтаб, адабиётимизни тарғиб қилиш масъулияти юклатилган.

Биз, французлар олдида доим бир муаммо кўндаланг туради: Франция деганда, одамлар асосан Эйфель минораси, фаранг атирлари, модани кўз олдиларига келтирадилар. Биз учун бу гўё юрт рамзига айланиб қолган. Тўғри, дунё Францияни мана шу жиҳатлари учун ҳам ёқтиради. Бироқ буларнинг ўзи билан бутун мамлакат ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Франция қадимий юрт, ўз тарихи, меъморий ёдгорликлари, замонавий тараққиёти, саноати, илм-фандаги ютуқлари ва бошқа кўплаб эътироф этгулик томонларга эга мамлакат. Шу боис, биз мана шу “тамғалар”ни, юртимиз ҳақидаги бир томонлама фикрларни енгишга ҳаракат қиламиз. Институтимиз фаолияти ёрдамида замонавий француз маданиятининг кишини ҳайратга солувчи барча қирраларини ёритишга интиламиз. Бунинг учун мунтазам равишда маданий тадбирлар ташкил этамиз.

Тан олиш керакки, адабиёт соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш хийла мураккаб иш. Чунки тил билмаган, асарларни аслиятда ўқий олмайдиган одам барибир китобдан тўлиқ баҳраманд бўлолмайди, нимадандир мосуво

бўлади, назаримда. Француз тилини биладиганлар эса унчалик кўп эмас. Шу боис биз француз тили тарғиботига катта аҳамият берамиз. Тўғри, кутубхонамизда фаранг адибларининг рус тилига таржима қилинган таллайгина китоблари бор, аммо афсуски, ўзбек тилига ўгирилган асарлар йўқ ҳисоби. Тилга бориб тақаладиган яна бир муаммо бор – француз муаллифларининг кўпчилик асарлари ўзбек тилига русчадан ўгирилган, бевосита аслиятдан эмас. Бунда кўп нарса йўқотилади, менимча, асарнинг руҳи, тилнинг шираси... Иккинчи жиҳат шундаки, бирор хорижий тилни мукамал билган билан уни маромига етказиб, она тилига таржима қилиш осон эмас. Бунинг учун алоҳида бадиий маҳорат керак. Ҳозирча Ўзбекистонда француз адибларининг асарларини тўғридан-тўғри ўзбек тилига моҳирона ўгирадиган мутахассислар бармоқ билан санарли, билишимча.

Шунга қарамай, Француз институтининг Ўзбекистондаги кутубхонаси Марказий Осиё бўйича энг бой ҳисобланади. Француз тилини биладиган ва француз адабиётига қизиққан барча хоҳловчилар ундан бемалол фойдаланиш имкониятига эга.

Мухбир:

– Қатор француз адиб ва файласуфлари ўрта асрлардан то XIX-XX асрларга қадар дунёга кўпгина мумтоз асарларни этганлар. Франциядаги бугунги адабий жараёнлар ҳақида сўз юритсангиз. Замонавий китобхонларни кўпроқ қандай жанр ва йўналишлар қизиқтирмақда?

Ф.Беллидо:

– Афсуски, кейинги пайтларда китобга бўлган қизиқиш, талаб ҳавас қилгулик эмас. Бу ҳолатни бутун дунёда кузатиш мумкин, жумладан, Францияда ҳам. Бунинг сабаби аниқ, албатта. Техника тараққиёти шу даражага етганки, ахборот олишнинг анчагина тезкор ва қулай воситалари – электрон манбалар юзага келган. Улар аста-секин китобни бир четга суриб қўяётгани сир эмас. Тўғри, бугун интернет орқали эгаллаш мумкин бўлган билимларимиз чек-чегарасиз. Тезкор замона зайлига бўйсуниб, китоб эмас, компьютерга мурожаат қиламиз, шу билан вақтимизни тежагандек бўламиз. Ваҳоланки, айнан компьютер қаршисида одам умрининг ўтиб кетаётганини сезмай қоляпти. Бу билан француз адабиёти ривожланишдан тўхтаган, демоқчи эмасман, асло. Фақат бу масалада ўзига яраша муаммолар бор. Илгари Парижда ҳам, юртимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам кўплаб кичик-кичик китоб дўкончалари бўлар эди. Ҳозир улар борган сари камайиб кетяпти. Тўғри, бир неча йирик китоб дўконлари фаолият юритмоқда, гипермаркетларда китоб бўлинмалари бор. Бироқ уларда ҳар қандай ахборот алмашинув воситалари билан савдо қилинади, DVD дейсизми, аудиовоситаларми... Хуллас, аввалги шинам китоб дўкончаларидаги муҳитни топиш мушкул бугун. Менимча, бу давр муаммоси. Чунки бундай ҳолат китобнинг жамиятдаги ўрнини кадрсизлантириб қўймоқда.

Замонавий француз адабиётини шартли равишда қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин. Бири, шундай номлаш жоиз бўлса, “вокзал адабиёти”. Бунга нисбатан залвори енгил, осон ўқиладиган,

оммабоп асарларни киритиш мумкин. Улар асосан вокзалларда сотилади. Одамлар поездда вақтни ўтказиш учун харид қилади уларни. Бундай китобларга талаб катта. Муаллифларининг ҳоли ҳам нолигулик эмас. Аммо бу китобларни юксак бадиий адабиёт намунаси деб бўлмайди.

Ҳақиқий дурдоналар сафидан жой олгулик асарлар ҳам яратилмоқда, албатта. Юртимизда ҳар йили ўтказиладиган турли танловлар, топширилажак мукофотлар уларни саралаб олишга ёрдам беради. Буларнинг энг нуфузлиси, шубҳасиз, Франция адабиёти соҳасида ҳар йили топшириладиган олий соврин – француз тилида ёзилган энг яхши асар учун бериладиган “Гонкур Академияси” мукофотидир. Ҳайъат аъзолари чиғириғидан ўтиб, бош мукофотни қўлга киритган ижодкорларнинг китобларига дўкон пештахталари мунтазир, деяверинг. Чунки бу мукофотга китобсевар мухлисларнинг ҳам, ноширларнинг ҳам ишончи катта. Францияда ўтказиладиган бундай танловлар адибларни фаолликка чорлаб туради.

Учинчи бир йўналиш борки, уни бадиий адабиёт эмас, кўпроқ ижтимоий фалсафага киритиш мумкин. Дунёда рўй бераётган муаммоларни ёритиб, жаҳонни қамраб олган иқтисодий ва сиёсий бўҳронларни таҳлил қилиб бера оладиган қалам аҳлига эҳтиёж бор. Одамлар атрофларида нималар содир бўлаётганидан хабардор бўлибгина қолмай, барчасини англаб етишни хоҳлайди. Ушбу йўналишдаги асарларнинг асосий мавзуси замонамизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий қиёфасини акс эттиришга қаратилган. Биргина мисол – бу йил Франция сиёсат майдонида ҳаёт қизгин кечди. Президентлик сайлови бўлиб ўтди. Номзодлар ҳақида кўплаб китоблар чоп этилди. Табиийки, бу асарлар ўз ўқувчисини топди.

Ҳозирда анча оммалашиб бораётган яна бир жанрни эслаб ўтиш жоиз. Америка адабиёти таъсиридами, хуллас, кейинги пайтда мамлакатимизда таниқли одамларнинг ҳаёт йўлларини акс эттирувчи китоблар – биографик асарларга қизиқиш ошиб бормоқда. Уларнинг қаҳрамонлари шоирлар, сиёсатчилар, санъаткорлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Машҳурлар гўёки ўз таржимаи ҳолини баён қилгандек бўладилар-ку, аслида кўпинча бу асарларни профессионал ижодкорлар уларнинг тилидан қоғозга туширади. Қаранг-ки, мана шу йўналишдаги китобларни мухлислар қўлдан қўймай мутолаа қиляптилар.

Бир пайтлар француз адабиётида пьесаларнинг ўз ўрни бор эди. Афсуски, ҳозир бу жанр умуман эътибордан четда. Пьесалар фақат сахна асари сифатида томоша қилинадиган бўлиб қолди, холос. Илгари ҳамма ҳам театрга бориш имконига эга эмасди. Бундай санъат масканлари фақат йирик шаҳарларда бор эди. Одамлар нашрдан чиққан пьесаларни ўқиб, улардан баҳраманд бўларди. Ҳозир эса театрга бориш муаммо бўлмай қолган. Масалан, тезювар поездга ўтириб, уч соатда Марселдан Парижга етиб келиб, спектакль томоша қилиб кетадиганлар ҳам бор. Эҳтиёж қолмаган экан, пьесалар ҳам деярли чоп этилмай қўйган. Ваҳоланки, улар ҳам француз адабиётининг ажралмас бир қисми эди.

Француз шеъриятининг бугунги аҳволи қувонарли даражада эмас. Тўғри, куйга солиб айтиладиган матнлар ҳали ҳам оммабоп. Бу борада бизда азалдан ривожланган қўшиқчилик маданияти – бардларни¹

¹ Б а р д – (кельт тилидан “овоза қилмоқ”, “қуйламоқ”) муаллифлик қўшиқлари ижрочиси.

мисол қилиб келтириш мумкин. Аммо ҳақиқий назмга айтарли талаб йўқ. Бозор иқтисодиёти ҳар қандай давлатда китоб ноширчилигини ҳам моддий манфаатга тобе қилиб қўяди. Ноширлар фойда кўришга ишончи комил бўлмаса, китобга қўл урмайдиган бўлиб қолган. Та-ассуфки, шеърият ана шундай, даромад келтирмайдиган йўналишга айланиб бормоқда. Йирик нашриётлар ортиқча даромад келтирмаса-да, маърифат тарқатувчи асарларни чоп қилиб туришади. Аммо бу кўпроқ истисно ҳолат. Шеърият дурдоналари мактабларда, университетларда мутолаа қилинмоқда. Лекин бу кўнгил ишидан кўра, кўпроқ дастурий амалга айланиб борапти. Фақатгина зиёли замондошларимиз орасида шеъриятга қизиқиш сўнмаган.

Мухбир:

– Замонавий француз ёшларининг дунёқараши ҳақида нима дейиши мумкин? Тараққий этган юқори технологиялар даврининг миллий анъаналар, жумладан, мутолаа маданиятига таъсири қандай?

Ф.Беллидо:

– Ҳозирги ёшлар 30 йил олдинги авлоддан мутлақо фарқ қилади. Қаранг, беш яшар болакай ҳам компьютер билан бемалол “тиллаша олади”, табиийки, унинг тафаккури бошқача шаклланмоқда. Ҳозиргилар қўлида китоб билан тонглар оттирган, қалам тутиб вояга етган авлодга сираям ўхшамайди. Шу боис уларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари умуман бошқача. Ўсмирлар ёзув маданиятидан узоқлашиб кетмоқда. Бу ҳам замонамиз муаммоси. Чунки инсоният ёзма матндан, китобдан кўра дурустроқ тил ўрганиш воситасини ўйлаб топгани йўқ ҳали. Қўл телефони орқали хат - СМС ёзишиб турган йигит-қизларни кўрсам, шунисига ҳам хурсанд бўламан. Буям ёзма мулоқотнинг бир тури-ку, дейман. Аммо ёшларнинг ана шу хатларини биз ўқисак, деярли ҳеч гапни тушунмаслигимиз аниқ. Сўзлар ўрнига алламбало белгилар, қандайдир қисқартмалар... Хуллас, бу ҳам тараққиётнинг бир “меваси”-да. Мактабларимизда ҳануз анъанавий таълим услублари қўлланилади. Ўқувчиларга, уларнинг билимига қўйиладиган талаблар ўша-ўша. Бироқ бугунги авлод ва анъанавий таълим орасидаги тафовут тобора катталлашиб бормоқда. Бугунги ёшларнинг академик талабларга жавоб бериши осон бўлмапти.

Зиёли, маърифатли оилаларда замонавий технологиялар ва анъанавий таълим, китоб ўртасдаги мувозанатни сақлаб қолишга ҳаракат қилинмоқда. Аммо аксарият ёшлар китобни буткул компьютерга алиштириб юборган.

Ўчмас кадриятларимизга келсак... Франция тансиқ таомлар мамлақати. Шу жиҳатдан бизнинг йигит-қизлар немис, инглиз, айниқса, америкалик ёшлардан кескин фарқ қилади. Францияликлар ҳеч қачон гамбургеру хот-дог каби тезкор егуликларни онаси, бувижониси ўз қўли билан, меҳр қўрини қўшиб тайёрлаган таомдан устун қўймайди. Оила даврасида, бир дастурхон атрофида жамулжам бўлиш бизнинг азалий ва бугунга қадар ардоқланиб келинаётган анъаналаримиздандир.

Мухбир:

– Француз маданияти, адабиётининг юртимиздаги тарғиботи ҳақида гаплашдик. Француз халқининг Ўзбекистон маданияти ҳақидаги тасаввурини бойитиш борасида нима ишлар қилиняпти?

Ф.Беллидо:

– Ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистонга 18 минг франциялик сайёҳ ташриф буюрганди. Самарқанд ва Бухорога сафар қилганимда, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси самолётларида учганимда кўплаб хорижлик меҳмонларни кўраман. Бир жихатни эътироф этиш керак. Бу ерга асосан ўқимишли, зиёли сайёҳлар келади. Сабаби, одамлар заминингизга сўлим соҳил ё кўнгил очар курортлар илинжида келмайдилар. Дикқатга сазовор жойлар, тарихий обидалардан баҳраманд бўлиш учун қадам кўядилар. Марказий Осиё ўлкалари инсоният тамаддуни ўчоқларидандир. Аммо европаликлар учун Шарқ ўзга бир дунё, уни идрок этиш осон эмас. Демак, бу ерга олдиндан тайёргарлик кўрган, тарихни ўрганган, китоблар мутолаа қилиб, маълум билимларга эга бўлган сайёҳларгина ташриф буюради.

Ҳозирда Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда. Ўзбекистонни жаҳонга янада яхшироқ танитиш борасида олиб борилаётган ишлар борган сари кўзга ташланмоқда. Бу йўналишда Франциядаги Ўзбекистон элчихонасининг саъй-ҳаракатлари ҳам яхши натижа бериши шубҳасиз. Элчихона қошида ўзбек маданият марказини очиш режаси борлиги ҳақида эшитгандим. Бу ният амалга ошса, айни муддао бўларди. Марказ маданий алоқаларимизни янада юқори босқичга кўтариш йўлида хизмат қилган бўларди. Парижда Фонд Форумнинг ваколатхонаси фаолият юритади. Ўзбек маданиятини француз диёрида тарғиб қилишда бу ташкилотнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Парижда анча йилдан буён Шарқ тиллари институти фаолият олиб боради. Унда туркий тиллар факультети ҳам бор. Авваллари институтда ўзбек тилидан ҳам сабоқ бериларди. Афсуски, ҳозирда ўзбек тили бўйича мутахассис танқислиги сезилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда малакали кадрлар етиштиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, француз тили ва адабиёти соҳасини пухта эгаллаётган янги авлод ўсиб-улғайиб келяпти. Биз ҳам, ўз навбатида, бу жараёнга ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиляпмиз, ўзбекистонлик ёш мутахассисларни амалиёт ўташга, тажриба алмашишга Францияга жўнатаяпмиз. Ўйлайманки, қилинаётган ана шундай ҳаракатлар натижаси ўларок, бизнинг юртимизда ҳам ўзбек адабиётига эътибор ошади.

Азиза ИЛҲОМОВА
суҳбатлашди.

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР



УРФОНУ ИЙМОН СОҲИБИ

Жаҳон маданиятига буюк ҳисса қўшган машҳур қомусий олим – табиатишунос, файласуф, тиббиёт илмининг донишманди, астроном, математик, муסיқашунос, ёзувчи ва шоир Абу Али ибн Сино 980 йил августда Бухоро яқинидаги Афшон қишлоғида амалдор оиласида дунёга келади. Унинг тўла исми Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино (Европада Авиценна)дир.

У ниҳоятда истеъдодли, хотираси ўткир, зехнли бўлганидан ўз давридаги барча илмларни тез ва чуқур эгаллаган. Тарихий манбаларга кўра у 10-13 ёшида мантиқ, фикҳ, фалсафа, математика, тиббиёт масалалари билан шуғулланган. Ибн Сино 16-17 ёшида Бухорода машҳур табиб сифатида шуҳрат қозонади, Сомонийлар давлати бошлиғини оғир касалликдан даволайди ва унинг руҳсати билан ўша даврдаги энг машҳур кутубхоналардан бири ҳисобланган, билимнинг барча соҳаларига оид қимматбаҳо манбалар сакланадиган амир кутуб-

хонасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу ердаги асарлар билан танишиш, уларни кунт билан мутолаа қилиш туфайли Ибн Сино ўз билимларини янада чуқурлаштиради, хусусан, Аристотель ва Форобий асарларини ўрганиш унинг дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган.

Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва ижоди ниҳоятда оғир шароитларда ўтди. У бутун умри бўйи бир шаҳардан иккинчи шаҳарга, бир ўлкадан иккинчи ўлкага кўчиб юришга мажбур бўлди. 999 йили Сомонийлар давлати инкирозга учрагач, 1002 йили Ибн Сино Бухородан Хоразмга кетади.

Хоразм ҳукмдори Али бинни Маъмун бинни Муҳаммад унга иззат-икром кўрсатади. Бу пайтда ўша замоннинг энг машҳур олимларидан Абу Саҳл Масихий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Ироқ ва Абулхайр Хамморлар ҳам Хоразмда эдилар. Бу донишмандлар бир қанча вақт бирга яшаб, биргаликда ижод қилдилар, илмий суҳбат, баҳс ва мунозаралар олиб бордилар. Ибн Сино бу ерда ўзининг машҳур “Тиб қонунлари” ва “Аш-Шифо” асарлари учун кўплаб материаллар тўплади ва баъзи қисмларини ёзишга киришди.

Бу маҳалда султон Маҳмуд Ғазнавийнинг шаън-шавкати ортиб борар, ҳали султон Маҳмуд тасарруфига ўтмаган қўшни мамлакатларнинг ҳукмдорлари ундан кўрқишар ва у билан эҳтиёткорона муносабатда бўлишарди. Шу орада султон Маҳмуд Ғазнавий Хоразм ҳукмдори Маъмунга, мазкур уламоларни менга юбор, мен ҳам уларнинг суҳбатлари шарафидан баҳраманд бўлай, деган мазмунда мактуб ёзади.

Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Ироқ ва Абулхайр Хаммор султон

саройига боришга майл билдиришади. Ибн Сино ва Абу Саҳл султоннинг чопари етиб келмасдан бурун Хоразмдан чиқиб кетишади ва Қорақум саҳроси орқали жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечириб, Журжон шаҳрига йўл олишади. Йўлда Абу Саҳл Масихий вафот этади.

Журжонда Абу Али ибн Сино Абу Убайд ал-Жузжоний билан танишади ва дўстлашади. Журжонга келишидан бошлаб то умрининг охиригача олим Рай, Қазвин, Исфажон, Ҳамадон каби вилоятларда сарсон-саргардонликда яшади, ватанига қайтишга шароит бўлмади, табиблик билан шуғулланди, вазирлик қилди, камалди, китоблари, мол-мулки талон-торож этилди, аммо тинмай меҳнат қилди, буюк асарлар ёзиб қолдирди. Ўлими яқинлигини пайқаган Ибн Сино бутун мол-мулкани камбағалларга бўлиб берди ва 1037 йилда – 57 ёшида Ҳамадонда вафот этди. Олим ўша ерда дафн этилган ва унинг қабри ҳозиргача сақланган.

Турли ёзма манбаларда Ибн Синонинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги эслатилади. Бу асарларнинг 150 дан ортиғи фалсафий масалаларга, 40 дан зиёди тиббиётга, 48 таси бошқа табиатшунослик фанларига бағишланган. У қатор бадиий асарлар ҳам ёзиб қолдирган. Айниқса,

чуқур фалсафий мазмунни бадиий образлар ва муайян воқеалар орқали ифода этувчи асарлари, чунончи, “Тайр қиссаси”, “Саломон ва Ибсол”, “Ҳайй ибн Яқзон” каби бадиий-фалсафий қиссалари машҳурдир. У замонасининг етук шоири, форсий-дарий шеъриятида рубоий жанрининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Мана, унинг фалсафий рубоийларидан бири:


Куфримни аён айламак
осон бўлмас,
Оламда иймоним
каби иймон бўлмас.
Даҳр ичра яғонамен,
манам кофир эсам,
Бас, ушбу жаҳонда бир
мусулмон бўлмас.

(Жамол Камол таржимаси)

Абу Али ибн Синонинг бу рубоийсидан уни кофирга чиқарган муҳолифлари қаршисида “ўзининг иймонини” энг мустаҳкам иймонлардан ҳисобласа-да, аммо унинг “иймони” руҳонийлар англайдиган “иймон” эмаслиги, балки бу “иймон” илм йўлида ҳақиқатни билишда пайдо қилинган мустаҳкам ақида эканлиги англашиниб туради.

Усмон ҚЎЧҚОР тайёрлади.

“ГЁТЕ БИЛАН ГУРУНГЛАР” – ЎЗБЕК ТИЛИДА



Мустақиллик йилларида Ғарб ва Шарқ ўртасида адабий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро адабий таъсир муаммоларини ўрганиш йўлида муҳим тарихий қадамлар қўйилмоқда. Буни жаҳон адабиётининг буюк намояндаси Йоханн Волфганг Гёте (1749-1832) ижодий фаолиятини яқиндан ўрганиш мисолида яққол кўриш мумкин. Яъни, буюк адиб асарлари ўзбек тилига бевосита таржима қилинди ва кенг китобхонлар эътиборига ҳавола этилди.

Йоханн Петер Эккерман қаламига мансуб “Гёте билан гурунглар” китобини Янглиш Эгамова немис тилидан ўзбек тилига ўгирди. Шубҳасиз, бу асар Гёте ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида яна бир муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Албатта, қарийб 250 йилдан буён Ғарб ва Шарқ мамлакатларидаги миллионлаб мухлисларни ҳаяжонга солиб келаётган “Фауст”, “Ғарбу Шарқ девони”, “Ёш Вертернинг

изтироблари” каби шоҳ асарларни яратган, бир-биридан дилбар шеърлар ёзган машҳур немис адиби Йоханн Волфганг Гёте номини ўзбек ўқувчиларига таништириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Бу ўринда фақат шуни қўшимча қилиш мумкинки, Гёте ўзининг серқирра ва сермазмун умри давомида наинки ҳассос шоир, драматург ва адабиётшунос, айти вақтда ҳуқуқшунос ва шарқшунос, тарихчи ва файласуф, рассом ва театршунос, биология ва минералогия фанлари бўйича кашфиётлар қилган атоқли олим ва давлат арбоби сифатида ҳам ном қолдирган. Гёте юқорида зикр этилган ноёб асарлардан ташқари, “Таврида ифигенияси”, “Рим элегиялари”, “Торквато Тассо”, “Наботот эврилиши”, “Сехрли сибизға”, “Ранг ҳақида маълумот” каби ўзига хос қизиқарли асарлар, шунингдек, уч мингдан зиёд шеърлар муаллифи ҳамдир. Маълумотларга қараганда, Веймарда унинг 143 жилддан иборат бадиий ва илмий асарлари тўплами чоп этилган.

Немис адабиётшуноси ва шоири Й.П.Эккерман 1792 йилда Ганноверда туғилиб, 1854 йили Пруссиянинг Веймар шаҳрида вафот этган. У Гётенинг яқин дўсти ва котиби бўлиб, буюк шоир ижодини меҳр ва қунт билан ўрганган ҳамда тадқиқотлар олиб борган. Ўзи ҳам шеърлар ёзган. 1821 йили унинг дастлабки шеърий тўплами нашр этилган.

“Гётега ҳаволалар мисолида шеърият ҳақида ўйлар” китобининг қўлёзмаси Эккерманга Гёте ва унинг ижодиёти сари йўл очиб берди. У тўққиз йил шоир ҳузурида меҳнат қилади. Сермазмун мулоқоту суҳбатларининг мужассами сифатида “Гёте билан гурунглар” китоби дунёга келади. Эккерманинг ўз таъбири билан айтганда: “Ҳаёт, санъат

ва илм борасидаги мазкур суҳбатлар нафақат кўплаб ҳодисаларга ойдинлик киритади, балки кундалик турмуш тасвирлари сифатида Гёте-нинг тимсолини, унинг хилма-хил асарларидан олинадиган тасаввурни бойитади”.

Фридрих Ницше уни: “Немис тилида ёзилган асарларнинг энг яхшиси”, деб эътироф этади. Зеро, бу китоб Гёте ҳаётининг сўнгги йилларига доир энг нодир манба бўлиб қолади.

Эккерман гурунглари бизга Гёте-нинг руҳий дунёси сирларини янада кўпроқ очиб беришга кўмаклашади. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи ҳам: “Гёте-нинг ички олами ҳар томонлама чизиб беришга муваффақ бўлдим”, деб ишонч билан таъкидлайди. Бинобарин, муаллиф ҳассос қалб билан тавсиф этганидек: “Бу фавкулудда инсон руҳиятини ҳақли равишда кўпқиррали олмосга қиёслаш мумкин, унга қайси тарафдан назар ташлама, турли рангда товланаверади.”

Гёте билан Эккерман нафақат исмдош (иккаласи ҳам – Йоҳанн) бўлгани, айти пайтда, шоир, расом, мусиқа шинавандаси, хорижий тиллар билимдони, ҳуқуқшунос-адвокат сифатида ҳам бир-бирига уйғун ва уйқаш ҳаёт кечиргани мазкур китоб яратилиши учун асос вазифасини ўтаган дейиш мумкин.

Мисол учун, Эккерман ҳуқуқшунослик илми ҳақида фикр юритиб: “Бу илм туфайли сен расмий ва ижтимоий ҳаётга назар ташлашни ўрганасан, бошқа йўл билан бунини ўрганолмайсан, шу билан бирга, бу илмининг ўрганиш бошқа юксакроқ нарсаларни эгаллашинг учун ҳам йўл очиб беради”, дер экан, бу ҳаётининг фалсафани ўзининг

мазмунли ҳаёти ва ижоди, хусусан, “Гёте билан гурунглари” китоби миқсолида аниқ исботлаб берди.

Ўз навбатида, улуғ устоз Гёте-нинг: “Агар одам бир нарсани аниқ баён эта олса, у бошқа кўп нарсаларнинг ҳам урдасидан чиқа олади”, деган ҳикмати юқоридаги фикрларнинг яна бир тасдиғидир.

Маълумки, Гёте-нинг Шарққа руҳан ва қалбан яқинлиги, Шарқ адабиётига бемисл меҳру муҳаббати ва юксак эътироми Шарқ зиёлилари, шу жумладан, ўзбек ижодкорларининг эътиборидан четда қолмади. Унинг асарларини XX аср ўрталаридан бошлаб даставвал рус тили орқали, кейинчалик бевосита аслиятдан – немис тилидан ўзбек тилига ўгириш тажрибасига ўтилди.

Бу борада, айниқса, Мақсуд Шайхзода, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али, Садриддин Салим Бухорий, Пошо Али Усмон, Янглиш Эгамова, Мирзали Акбаров, Носир Муҳаммад каби фидойи шоиру олимларимиз, моҳир таржимонларимизнинг хизмати катта. Хусусан, немис тили бўйича малакали мутахассис олима Янглиш Эгамова Ўзбекистонда Гёте асарларини оммалаштириш ва бадиий талқин этиш йўлида фидойилик билан ижод қилиб келаётган таржимонларимиздан эканини таъкидлаш жоиз. “Ёш Вертернинг изтироблари” романи 1975 йилдаёқ аслиятдан унинг таржимасида ўзбек китобхонларига ҳавола этилган эди.

Ҳассос адиб Йоҳанн Петер Эккерманнинг ушбу нодир китоби ўзбек китобхони томонидан илиқ қабул қилинишига шубҳа йўқ.

Акмал САИДОВ, профессор.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

Журнализмнинг кейинги сонларида эътиборингизга Гёте-нинг котиби, ҳаммаслаги Й.П.Эккерманнинг кундалик – хотира қайдлари тарзида битилган “Гёте билан гурунглари” китобидан лавҳалар ҳавола этилади.

МОЦАРТ ВА САЛЬЕРИ – ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИИЙ УЙДИРМА



Маишхур немис бастакори Вольфганг Амадей Моцарт ва унинг замондоши, йирик сарой бастакори Антонио Сальери ўртасидаги муносабатлар асрлар оша турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётир. Бу ҳақдаги асарларнинг аксариятида Сальери буюк истеъдод соҳиби Моцартга рақобат ва ҳасад кўзи билан қарагани, охиروқибатда унинг ўлимига сабабчи бўлгани ҳикоя қилинади.

Икки машхур тарихий шахс ўртасидаги муносабатларнинг бу тарздаги талкини улуғ рус шоири А.С.Пушкиннинг 1830 йилда ёзилган “кичик трагедиялар” силсиласига мансуб “Моцарт ва Сальери” пьесаси туфайли рўй берган, десак, хато бўлмаса керак. Мазкур пьеса Пушкин ҳаётлигида сахналаштирилган ягона асар бўлиб, у дастлаб “Ҳасад” деб номланганди.

Асарда Сальери “ўртамиёна одамлар” синфининг вакили сифатида гавдалантирилади: у

ўзидан пастдагиларни оёқ учида кўрсатиш баробарида ўзидан юқорироқ мақомдагиларга кучли ҳасад билан қарайди. У Моцартдаги илоҳий истеъдод инсонни ҳақ йўлдан чалғитувчи куч деган манфур тўхтамга келади ва сиртдан Моцартга ўзини дўст кўрсатиб, алалокибат уни заҳарлайди. Пушкиннинг бу асари яратилганидан бери то ҳозиргача дунёнинг кўплаб мамлакатларида сахналаштирилган ва томошабинларнинг эътирофини қозониб келмоқда.

Моцарт ҳаётига дахлдор бошқа кўплаб адабий ва киноасарларда ҳам Сальери ўта ҳасадгўй, истеъдодсиз ва кабиҳ инсон сифатида гавдалантирилади. Хўш, бу қарашлар асл ҳақиқатга қанчалик тўғри келади. Сальери ростдан ҳам шу қадар пасткаш инсон бўлганмиди?

Антонио Сальери ижоди билан яқиндан таниш инсон унинг ўз даврида соҳасининг етук намояндаларидан бири бўлганини англаб етади. У 1750 йил 18 августда Венецияда ўзига тўқ савдогар оиласида дунёга келган. Ота-онасидан эрта ажраган Антонио дастлаб маҳаллий черков хорида қатнашиб юради. 1766 йилда Венецияга келган Австрия қироли Иосиф Иккинчининг сарой бастакори Флориан Гассман уни учратиб қолади ва ўзи билан пойтахт Венага олиб кетади. Шу ерда унинг ижодий фаолияти бошланади. Қисқа фурсатда у Венадаги санъат аҳли ва шинавандалари эътиборига тушади. 1774 йилда, Гассманнинг вафотидан сўнг саройнинг бош бастакори ва итальян операси капелмейстери лавозимини эгаллайди.

Тарихий маълумотларга кўра,

у ўз даврининг энг таниқли композитори ва дирижёрларидан саналган. Унинг “Маърифатли хоним”, “Венеция бозори”, “Армида” сингари опералари Европанинг катта сахналарида муваффақият қозонган.

Пьер Бомарше, Иоган Вольфганг Гёте сингари замондошлари ҳам Сальери ижодига жуда юқори баҳо беришган. Бетховен, Лист, Гайдн, Шуберт, Мозель каби дунё таниган бастакорларга устозлик қилган ва уларнинг камолотида муҳим ўрин тутган.

Хўш, унда Моцарт ва Сальери ўртасида юзага келган адоватга нима сабаб бўлган? Аслида, тарихий манбааларда келтирилишича, Сальери ўз вақтида Моцартни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган, у билан ижодий ҳамкорлик қилган. Моцарт хотинига ёзган бир мактубида Сальери ҳақида жуда илиқ таассуротларини баён қилади. Сальери Моцартнинг бир қатор асарларига дирижёрлик қилган. Бу икки ижодкор 1785 йилда ҳамкорликда “Офелиянинг соғайиши” номли сахна асарини ҳам яратганлар.

Бироқ Австриялик санъат намоёндалари назарида Сальери барибир “бегона” эди. Унинг Венада итальян санъатини зўр бериб тарғиб этиши кўпчиликка ёқмасди. Бу эса, атрофдагиларнинг унга нисбатан хусумати ошишига етарлича асос бўла оларди. Бу ҳам етмагандек, Австрия қироллари итальян санъатига катта эҳтиром билан қарашар, табиийки, бу ҳолат немис бастакорларининг ғашини келтирарди. Қолаверса, ўз даврида саройнинг бош бастакори мақомидаги, ўзига тўқ, бадавлат бир амалдорнинг қўл учида кун кечираётган Моцартга ҳасад қилишига ишониш қийин. Итальян тарихчиси П.Бускаронининг таъ-

бирича, “немис бастакорларининг Сальерини Моцартнинг ўлимига алоқадорликда айблаши уларнинг салкам икки аср Австрияда етакчи ўрин тутиб келган итальян мусиқасига нисбатан жиддий эътирозини ифодаси эди”.

Айрим тарихчилар фикрича, фақат Моцартнинг сирли ўлими билан боғлиқ турли тахмин ва фаразлар туфайлигина Сальерига нисбатан шубҳа ва гумонлар ўртага тушган. У умрининг охирига қадар Моцартнинг қотили эмаслигини исботлашга зўр бериб уринган. Ҳаётининг сўнгги кунларида руҳий касалликка чалиниб қолган Сальерининг Моцартнинг ўлимига алоқадор эканини тан олиши турли гумонларни янада авж олдирган. Бу эса бадиий асарларда Сальери образининг Ҳасад ва Адоват тимсолига айланишига сабаб бўлган.

Расман олиб қаралганда, бирор-та манбада Моцартнинг Сальери томонидан захарлаб ўлдирилгани ҳақида ҳеч қандай ишончли далил келтирилмаган. Руҳий хаста одамнинг икрори ҳам юридик жиҳатдан бирор аҳамиятга эга эмас.



Шу боис Сальерининг ватани Италияда ҳозиргача уни Моцартнинг қотили эмас, балки машҳур санъаткор, истеъдодли бастакор сифатида эътироф этадилар. Ҳар йили унинг ижодига бағишланган тадбирлар, халқаро анжуманлар ўтказилади.

Албатта, Пушкиннинг “Моцарт ва Сальери” пьесаси бадиий жиҳатдан пишиқ-пухталигини, рус ва жаҳон адабиётида ўз ўрнига эга бўлган сахна асарларидан бири эканини инкор этиб бўлмайди. Бироқ, бу асарга тарихий ҳақиқатга асосланган реал манба сифатида қараш мутлақо нотўғри.

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

1997 йилда Миландаги Адлия саройида антиқа суд мажлиси ўтказилади. Унда бир қатор тарихчилар, бастакорлар, Моцарт ва Сальери ижоди тадқиқотчилари, шифокорлар иштирок этадилар. Улар Моцартнинг ўлими билан боғлиқ барча ҳужжатлар, тегишли маълумотларни атрофлича муҳокама қилиб, унинг ўлимида Сальерини мутлақо айбсиз деб топадилар.

ФОРСАЙТЛАР “ОТАСИ”



Таниқли инглиз ёзувчиси Жон Голсуорси номи жаҳон адабиёти ихлосмандларига яхши таниш. У 1867 йилнинг 14 август куни Буюк Британиянинг Суррей графлигига қарашли Кингстон-Хилл шаҳрида ўртаҳол оилада дунёга келди. Махсус мактабда ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича таҳсил олгач, Оксфорд университетга ўқишга кирди. Аммо, юридик соҳада иқтидорини намоён қила олишга кўзи етмаган Голсуорси

хорижга отланди. Уларнинг оиласи асосан денгизда юк ташиш билан шуғулланарди. Жон ҳам айнан шу бизнесни давом эттиришга аҳд қилади. Австралияга сафари давомида, кема капитанининг биринчи ёрдамчиси бўлиб ишлаб юрган кезлари инглиз адиби Жозеф Конрад билан учрашиб, кейинчалик дўстлашиб қолади. Бир-бирига ҳамфикр ва ҳаммаслаклик ҳар икки адибнинг ижодида яққол кўзга ташланади. Хусусан, Голсуорси ва Конраднинг денгиз саёҳати ҳақидаги ҳикоя ва қиссаларида ана шу фикрий уйғунлик ўз аксини топган.

Жон ёшлигидан адабиётга меҳр қўйди. Инглиз ва жаҳон адабиёти намояндalари асарларини чуқур ўрганди. Унинг биринчи ҳикоялар тўплами “Тўрт шамол тухфаси” номи билан 1897 йилда босмадан чиқди. У дастлабки ижод намуналарини Жон Синжон таҳаллуси остида тақдим этди. 1906 йилда ёзилган “Қумуш қутича” пьесаи адибга катта доврўғ келтирди. Бу асар мамлакатнинг қатор саҳналарида минглаб томошабинлар олқишини қозонди. Бироқ ёзувчининг жаҳоншумул шуҳрати Форсайтлар оиласи ҳақида ҳикоя қилувчи трилогия билан боғлиқ, десак, хато бўлмайди. Трилогиянинг биринчи китоби – “Мулкдор” 1906 йилда ўқувчилар қўлига

етиб боради. Асарда ўз давридаги синфий табақаланиш, жамиятдаги ижтимоий иллатлар, тенгсизлик ва адолатсизлик, очқўзлик ва жаҳолат очиқ-ошкор танқид остига олинади. Садоқат, муҳаббат сингари пок инсоний туйғулар улуғланади. Трилогиянинг “Сиртмоқда” ва “Ижарага берилади” романларида Форсайтлар оиласининг кейинги тақдири ҳикоя қилинади. Голсуорси мазкур туркум доирасида яна бир қатор новелла ва қиссалар ҳам яратган. Бу асарларнинг барчасида Форсайтларнинг уч авлоди вакиллари бошидан кечирган воқеа-ҳодисаларни қаламга олади. Бу оила ҳаёти мисолида замоннинг энг нозик ва жиддий муаммолари, буржуазиянинг илдизини емираётган нуқсонларни аёвсиз фош этади. Инсон қалби, ҳис-туйғулари, инсоний фазилатлар олдида ҳар қандай бойлик ўз қийматини йўқотиши бу асарларда



яққол ифодасини топган.

1921 йилда Жон Голсуорси инглиз адабаси Кэтрин Эми Доусон Скот билан ҳамкорликда халқаро ёзувчилар ва журналистлар ташкилоти ПЕН-Клубга асос солади ва ушбу тузилманинг биринчи раҳбари сифатида фаолият юритади. 1929 йилда адабиёт соҳасидаги хизматлари учун Британия қироллигининг махсус мукофотига сазовор бўлади.

1932 йилда Голсуорси адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофотига лойиқ топилди. Аммо бу пайтда машҳур адиб миясидаги даҳшатли ўсимтадан қаттиқ азият чекаётганди. Шу боис, ҳамкасб дўстлари ҳам уни бу юксак мукофот билан сиртдан табриклашди, холос. Жон Голсуорси 1933 йил 31 январда Лондонда вафот этди.

Рустам ЖАББОРОВ
тайёрлади.

“ҲАЁТДАН НУСХА КЎЧИРГАН” АДИБ



Америкалик ёзувчи ва жамоат арбоби Теодор Драйзер ҳаётнинг ҳам, ижоднинг ҳам барча аччиқ-чучукларини тотган адиблардандир. Болалиги очлигу сарсон-саргардонликда ўтди, ўз ҳаёти каби илк асарларининг ҳам ҳадеганда “йўли очилавермади”. Бироқ бошига тушган кўргуликлар, адиб яшаган даврнинг шафқатсиз муҳити унинг иродасини синдира олмади, ижодий руҳини чўктиришига ожизлик қилди. Натижада жаҳон адабиётида Теодор Драйзер деган ўлмас ном қолди...

Теодор Драйзер – немис муҳожир Иоганн (Жон) Пауль Драйзер ва Сара Шенеб оиласида туғилган тўққизинчи фарзанд эди. Бўлажак адиб таваллуд топган хонадон ўртаҳол бўлиб, даставвал

тузуккина яшашар эди. Аммо бир воқеа сабаб Драйзерлар том маънода қашшоқликка юз тутуди: оиланинг асосий даромад манбаи бўлган кичик жун йиғирув корхонаси ёнғиндан қуйиб кулга айланади. Боридан Мосуво бўлган хонадон бошлиғи қурилишда хизмат қила бошлайди, аммо иш жараёнида олган жиддий жароҳати унинг соғлиғини ҳам, топадиган нонини ҳам яримта қилиб қўяди. Буткул қарзга ботган оила тирикчилик важдан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб яшашга мажбур бўлади. Муҳтожлик, сарсон-саргардонлик ўзининг машъум муҳрини қолдиради, албатта. Драйзерларнинг уч ўғли нобуд бўлади. Ана шу мусибат мисолида ҳам жамиятнинг энг паст табақасига айланиш мазкур оиллага қанчалик қимматга тушганини кўриш мумкин.

Ниҳоят, оила АҚШнинг Индиана штатига қарашли Терри Хот шаҳарчасида қўним топади. Бу пайтга келиб эндигина беш ёшга тўлган Теодор акасига эргашиб темир йўлларда кўмир йиғиш билан кунни кеч қиларди. Болакайларнинг ҳаракатларию онаизорнинг тиним билмай ишлаши (Сара эртаю кеч оқсочлик қиларди) ҳам барибир рўзгорнинг каму кўстини бутлашга етмасди. Кўпинча болалар муздек тўшакка оч-наҳор чўзилишларига тўғри келарди. Улар мактабга ялангоёқ боргани учун дарсдан чиқариб юборилган пайтлар ҳам бўларди. Ёшлиқдан ўта таъсирчан бўлган Теодорга бундай ғариб турмуш жуда оғир ботар, юпун эғнидан уяларди. Шундай оғир шароитга қарамай, оила аъзоларининг маърифатга бўлган интилиши сўнмайди. Ҳатто хат-саводи бўлмаган онаизор ҳам тўққиз ёшли ўғли Теодордан эринмай ҳарф ўргана бошлайди. Аёл илк бор қоғозга ўғлининг исмини битганида, бўлажак адибнинг боши осмонга етганди...

Теодор ўсмирлик остонасига қадам қўйганда, ниҳоят, оила елкасига офтоб тега бошлайди. Бу вақтга келиб адибнинг акаси Поль актёр ва бастакор сифатида анча танилган, оила таъминотини бемалол зиммасига олиш даражасига етиб қолганди. Поль Драйзернинг жўмардлиги укаларининг бемалол таълим олишига имконият яратди...

1887 йили ўрта мактабни битирган Теодор омад кетидан қувиб Чикагога йўл олади. Бегона шаҳарда ресторанда идиш ювувчи, темир йўл омборида юк ташувчилик қилади. Аммо бу юмушлар орқасидан топиладиган маблағ 16 ёшли йигитчанинг орзуси – таҳсилни давом эттиришга етмасди. Қунларнинг бирида Теодорни собиқ ўқитувчиси излаб топади ва иқтидорли шогирдига университетга кириб ўқишни маслаҳат берар экан, бир йиллик тўловни ўз зиммасига олади. Шу тариқа Индиана университети талабасига айланган қахрамонимиз адабиёт, тарих, фалсафа фанларини катта иштиёқ билан ўрганишга тушади. Ҳаш-паш дегунча бир йил ҳам ўтади ва... у ёғига Теодорнинг ўқишга қурби етмайди. Чор-ночор Чикагога қайтган Теодор ҳайдовчилик қилишга, кичик фирмаларда турли майда-чуйда юмушларни бажариб юришга мажбур бўлади. Топган-тутганларини асосан китоб хариди, турли маърузаларда тингловчи бўлиб қатнашишга сарфлайди. Шу тариқа унинг кўнглида ижод қилиш, катта шаҳарнинг тезкор ҳаётига қўшиб ўзининг кўрган-кечирганларини қоғозга тушириш истаги пайдо бўлади (Чикаго таассуротлари кейинчалик адибнинг “Таянч” асарида ўз аксини топган).

“Бахтиқаро Керри” романи Теодор Драйзернинг биринчи йирик асаридир. Табиийки, адиб бирданига роман жанрида қалам тебратишни

бошламаган. Унгача бир муддат “Дейли Глоб” газетасида мухбир ёрдамчиси сифатида ишлаган. Ушбу фаолияти давомида у Чикагонинг деярли ҳамма бурчагини айланиб чиқади, турли табақа кишилари билан ҳамсухбат бўлади, фикр алмашади. Кўрган-билган, турфа мулоқотлардан туғилган фикр-мулоҳазаларини аста-секин қоғозга туширади. Бора-бора ёш қаламкашнинг мақолалари нафақат Чикаго, балки Сент-Луис, Толедо, Питтсбургнинг обрўли газеталари саҳифаларидан ўрин олади. 1894 йилида Нью-Йоркка кўчиб келган Драйзер ҳикоялар машқ қила бошлайди. Аммо унинг бу йўналишдаги ижодига талабгор ношир ҳадеганда топилмайди. Негаки, Теодор асосан газетага мақолалар битган, бирорта бадиий асар билан жамоатчилик эътиборини қозонмаганди. Бу орада акаси асос солган «Every month» мусиқий журналига муҳаррирлик қилади. Ниҳоят, қатор ҳикоялари билан аста-секин эътибор қозонган адиб “Бахтиқаро Керри”ни ёзиб тугатади. Роман воқеаларига адиб туғишган опасининг тақдирини асос қилиб олганди. XIX аср охири Америка адабиётида танқидий реализм методига битилган ушбу асар танқидчилар ва кенг жамоатчиликнинг кескин эътирозига сабаб бўлади. Ўз даврининг одоб меъёрларига қарши исён кўтарган қиз образи ахлоқсизлик тимсоли сифатида баҳоланади. Бундай муносабат ёзувчи иштиёқига таъсир кўрсатмай қолмайди, чоғи, адиб ижодида узоқ танаффус юзага келади. Орадан ўн бир йил ўтибгина унинг иккинчи романи – “Женни Герхардт” эълон қилинади. Бу асарга Америка матбуоти айтарли муносабат билдирмайди.

1912 йилда адиб “Истаклар трилогияси” устида иш бошлайди. Асарнинг илк китоби – “Сармойдор”да бир миллионер қисмати қаламга олинади. Трилогиянинг кейинги – “Таянч”, “Стоик” қисмларида ҳам бош қаҳрамон образи орқали тижорат муҳитининг инсон руҳиятига таъсири, манфаатлар бирламчи аҳамият касб этган жойда ҳар қандай инсоний қадриятларга путур етиши, қисқаси, моддий дунё кирдикорлари очиб берилади... Ушбу йирик асар, айниқса, унинг кетидан нашр этилган “Даҳо” романи муаллиф бошига таъна-танқид тошлари ёғилишига сабаб бўлади. Роман ҳатто суд қарори билан маълум вақт тақиқлаб қўйилади. Асар воқеалари бош қаҳрамон – мусаввир Витланинг санъат воситасида бойлик орттиришга зўр бериши ва аёлларга “суяги йўқлиги” асосига қурилади. Зиддиятлар расмонинг охир-оқибатда иқтидоридан айрилиши билан ечим топади...

Т.Драйзер асарларининг замондошлари томонидан “тўқмоқ” билан кутиб олинишига бир талай сабаблар бор эди. Улардан энг муҳими – асосан оддий, ўрғахол ишчилар тақдирини орқали адибнинг давр муаммоларини баралла кўтариб чиқиши эди. Табиийки, бу ҳол китобхонларнинг аксариятини ташкил этувчи киборлар қатламнинг ғашини келтиради.

1925 йилда адибнинг “Америка фожеаси” романи чоп этилади. Ушбу асар Драйзерга том маънода шуҳрат олиб келди. Романда воқеалар бори-ча, ҳеч қандай муболаға-бўрттиришларсиз тасвирланган. Бош қаҳрамон Грифитис иродаси бўш, ҳаётга енгил қарайдиган одам. Хаёлан юксак чўққиларни забт этиш орзусида бўлса-да, турмушнинг арзимаган синовларига дош беролмаган бу йигитчанинг умри жазо курсиси бўлган электр стулида поёнига етади...

Баъзи мутахассислар Драйзер асарларини натуралист мусаввир картиналарига қиёслайдилар. У турфа одамларни, уларнинг ҳаётини ўрганар экан, кузатувларини майда-чуйда тафсилотларгача қоғозга туширади. Шу

боис ҳам унинг асарларида публицистик оҳанг сезилиб туради. Аксарият америкалик танқидчилар ёзувчини шахсий услуби йўқлигида ҳам айблашган. Асарларидаги реализмни шунчаки ҳаётдан нусха кўчириш сифатида талқин қилишган. Аммо ўтган вақт айнан “ҳаётдан нусха кўчириш” Теодор Драйзернинг ўз услуби, унинг шафқатсиз танқидий реализмининг намойиши эканини, ижоднинг шу йўли уни дунёга танитганини кўрсатди.

Ҳаётлик чоғида, айниқса, вафотидан кейин Теодор Драйзерга аксарият Америка матбуот нашрлари, биографлар ҳиссиётларини жиловлай олмайдиган қаламқаш, аниқ тамойиллари йўқ шахс сифатида қарашган. Ҳатто адибнинг руҳий соғломлиги борасида ҳам турли шубҳаларга борилган. Аммо унинг асарларини ўқиган китобхонда ўринли эътироз туғилади: руҳий олами шубҳали ёзувчи қандай қилиб Америка фахрига айланган ижод намуналарини яратиши мумкин эди?..

1930 йилда Теодор Драйзер адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофотига номзод қилиб кўрсатилди. Мукофот унинг ижоддаги рақиби Синклер Льюисга насиб этса-да, номзодлар рўйхатида қайд этилишнинг ўзи адибнинг асарлари ва салоҳиятига берилган муносиб баҳо ҳисобланади, аслида. Орадан ўн тўрт йил ўтиб, адиб бошқа бир нуфузли мукофотга лойиқ кўрилади: Америка санъати ва адабиёти Академияси буюк хизматлари учун Теодор Драйзерни олтин медаль билан тақдирлайди.

Драйзер нафақат адиб, балки фаол жамоат арбоби сифатида ҳам ўзидан муносиб из қолдирган. У ўттизинчи йиллар бошида АҚШда кончилар ва полиция ўртасида содир бўлган тўқнашувларни ўрганиш комиссияси сафида воқеа жойига бориб, ихтилофнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганади. Полиция вакилларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини фош қилувчи ўткир репортажлар ёзади. Кўплаб митинг ва намойишларда оташин чиқишлар қилади. Унинг 1932 йилда Бутунжаҳон урушга қарши кучлар конгресси аъзоси сифатидаги фаолияти ҳам диққатга молик. Адиб Франция, Испания, Буюк Британия ва АҚШ давлатлари раҳбарлари билан бевосита мулоқот жараёнида уларни ҳарбий ҳаракатларга чек қўйиш ва хайрия масалаларига алоҳида эътибор қаратишга даъват этади...

Саккизта роман, ўнлаб ҳикоялар, кўплаб очерк ва мақолалар муаллифи, нигоҳи ва қаламини оддий америкаликларнинг одми турмушига қаратган Теодор Драйзер 1945 йилнинг охирида 75 ёшида вафот этади.



КАРНАВАЛЛАР МАМЛАКАТИНИНГ УЛКАН АДИБИ



Шу кунларда Жанубий Америка китобсеварлари нафақат ўз ватани, балки Лотин Америкасидаги кўплаб давлатларнинг нуфузли мукофот ва унвонларига сазовор бўлган бразилиялик машҳур ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби Жоржи Амаду таваллудининг 100 йиллигини катта тантана билан нишонламоқдалар.

Жоржи Леал Амаду ди Фария 1912 йил 10 августда Бразилиянинг Баия штатида туғилган. Болалиги Ильеус шаҳрида ўтган. Жоржи 14 ёшидан ижод қилишни бошлайди. Ўн тўққиз ёшида илк асарлари нашр юзини кўради.

Рио-де-Жанейро университетининг ҳуқуқ факультетида тахсил олиш чоғида Амаду ўз даврининг етакчи ғояларини ёқловчи ҳаракат вакиллари сафига қўшилиб қолади. У оддий меҳнаткашлар орасида ўсиб-улғайган эди. Демакки, ёш адибнинг илк романлардаёқ ижтимоий муаммолар ҳақида сўз юритгани бежиз эмас. Адиб ижодини ишқ-муҳаббат оташида ёнаётган тенгкурлари ҳаётига эмас, балки кўпроқ ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун ку-

раш олиб бораётган меҳнаткашлар қисматига бағишлайди. “Карнаваллар мамлақати” (1932 й.), “Какао” (1933 й.), “Ўлик денгиз” (1936 й.), “Кумликлар сардорлари” (1937 й.) асарлари бунинг ёрқин мисолидир. Амадунинг мафкуравий қарашлари бир неча бор Бразилиядан бадарға қилинишига сабаб бўлади. Ижодкор ҳар қандай вазиятда ҳам вақтини зое кетказмайди. У Франция ва Чехословакияда вақтинча кўним топиш баробарида Европа, Осиё ва Африканинг қатор мамлакатларига сафар қилади, атоқли давлат, санъат, маданият арбоблари билан учрашади.

1952 йилда ватанига қайтган Жоржи Амаду ижодга шўнғиб кетади ва ижтимоий муаммоларни кўтарувчи яна қатор қисса ва романлар ёзади. 50-йиллар охирига бориб, адибнинг ижодий услуби янги анъана ва бадиий экспериментлар билан бойийди. У шу йилларда ёзган асарларига шартли – фантастик элементлар кирита бошлайди. Бу даврда яратилган романларда ёзувчининг халқ удумларига, сеҳр-жоду маросимларига бўлган қизиқиши яққол кўзга ташланади. Ғоядан кўра, бадиий тасвирга кўпроқ урғу берилади. “Габриэла, қалампирмунчоқ ҳамда долчин” (1958 й.) “Мўъжизалар дўкони” (1969 й.) ва бошқа романларда айнан шундай ҳолатни кўриш мумкин. Бундай услубий янгиланиш шу давр Лотин Америкаси адабиётида ўзига хос бадиий тамойил даражасига кўтарилган эди ва бу йўналишда ўтган асрнинг иккинчи ярмида бутун жаҳон адабиётига кўр берган атоқли адиблар етишди, юксак бадиий асарлар яратилди. Жоржи Амаду ҳам Лотин Америкаси адабиётининг шу даврига олимпутахассислар томонидан “сеҳрли реализм”, дея нисбат берилган оқим вакиллари қаторига қўшилади.

Адиб 2001 йил 6 августда Салва-

доре шахрида вафот этади.

Жоржи Амаду романлари дунёнинг қарийб элликта тилига ўгирилган. Улар асосида яратилган кинофильмлар ва сахна асарлари жаҳоннинг турли минтақаларида миллионлаб томошабинлар эътиборини қозонган. Хусусан, “Кумликлар сардорлари” романи асосида АҚШ кино усталари

суратга олган “Кум конлари генераллари” картинаси ўз вақтида юксак эътироф ва кўплаб олқишларга сабаб бўлган. 2011 йили адибнинг набираси Сесилия Амадунинг мазкур романга яна мурожаат этиб, уни қайта экранлаштириши Жоржи Амаду ижодига ҳали ҳам қизиқиш катта эканлигидан далолат беради.

ТАРИХНИ ТИРИЛТИРГАН АДИБ



*Асли келиб чиқмиши шотландиялик бўлган британиялик машҳур ёзувчи, шоир ҳамда тарихчи **Вальтер Скотт** ҳақли равишида Европа адабиётида тарихий роман жанрининг асосчиси ҳисобланади.*

В.Скотт 1771 йил 15 августда Эдинбургда, адвокат Скотт оиласида ўн икки фарзанднинг тўққизинчиси бўлиб дунёга келади. Гўдаклигида фалажни бошидан ўтказган бўлажак адиб бир умрга оқсоқ бўлиб қолади. Вальтер болалигидан ёшига хос бўлмаган ақл-фаросати, ниҳоятда кучли хотираси билан ажралиб

турарди. Мутолаага муккасидан кетар, айниқса, антик давр муаллифлари асарлари унинг жону дили эди. Шотландия ҳақидаги баллада ва ривоятларни ўрганган Скоттнинг ҳикояларини коллеждаги тенгқурлари марок билан тинглайдилар. У сафдошлари билан “Шеърый жамият” ҳам ташкил этади. Қунт қилиб немис тилини эгаллайди, Германия адабиёти билан танишади.

Вальтер Скотт ўн беш ёшидан отасининг идорасида хизмат қила бошлайди. Ота изидан кетиш ниятида 1789-1792 йиллари ҳуқуқшуносликдан таҳсил олади. Адвокатлик фаолиятининг бошланишида Скотт мамлакат бўйлаб тез-тез саёҳат қилишига тўғри келади. У борган жойларида ўтмиш қахрамонлари ҳақида ривоятлар тўплаб юради. Шу билан бир қаторда немис шеърияти намуналарини инглиз тилига ўгиради. Биринчи йирик таржимаси – Бюргернинг “Ленора” балладасини таҳаллус остида нашрга беради. 1791 йилда Вальтер ўзининг биринчи муҳаббати – Вильямина Белшес билан танишади. Йигит беш йил давомида севгилисининг кўнглига йўл топишга ҳаракат қилади. Бироқ анча пайт арқонни узун ташлаб турган Вильямина охир-оқибатда бадавлат

банкирнинг ўғли Вильям Форбсга турмушга чикиб кетади. (Кейинчалик ижодкор бевафо маъшукасининг сиймосини бир неча қахрамонларига прототип қилиб олади.)

Скотт ижодини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бирида Шотландиянинг яқин ўтмиши, XVI аср инқилоби, фуқаролик уруши даврларига оид воқеалар тасвирланади. (“Уэверли”, “Эдинбург камокхонаси”, “Ламермурлик келинчак”, “Аббат” ва бошқалар). Бу асарларида Скотт қахрамонларнинг реалистик, ҳаққоний типажини яратишга ҳаракат қилган. Улар орасида шотланд халқининг турли қатлам вакиллари – майда зодагонларни, ишчию камбағал дехқонларни ҳам учратиш мумкин. Кўзга яққол ташланиб турадиган бу сиймоларнинг ҳар бири ўз характери, қарашлари, ҳатто ўзига хос сўзлаш услубига эга. Скоттнинг бу романлари ҳажвий элементлардан ҳам холи эмас.

В.Скоттнинг иккинчи гуруҳ романлари асосан Англия ва унинг мустанлаккалари бўлган мамлакатларга оид ўрта асрлар тарихига бағишланади.

(“Айвенго”, “Квентин Дорвард”, “Гейерштейнлик Анна” ва ҳ.к.). Бу асарларда тасвир шу қадар ҳаққоний, ишонарли берилдики, уларни ўқиган одам муаллифнинг воқеаларини ўз кўзи билан кўрганлигига ишонгудек бўлади. Скотт турли даврлар нафасини, қачонлардир ҳукм сурган муҳитни маҳорат билан жонлантиради. Бунда албатта ёзувчининг тарихга қизикқанлиги, уни синчиклаб ўрганганлиги қўл келади. Скотт замондошлари учун бундай ёндашув янгилик эди. Улар нота ниш замон ва маконларни кашф қилгандек бўлишди. Эътироф этиш керакки, Вальтер Скотт ўз асарлари билан тарихий роман жанрига асос солибгина қолмай, ҳужжатли тарихий маълумотлар тадқиқоти билан шуғулланувчилар учун ўзига хос ҳам манба яратди.

1830 йилда касалликнинг навбатдаги хуружи адибнинг ўнг қўлини фалаж қилиб қўяди. хасталикдан ўнглана олмаган Вальтер Скотт 1832 йили дунёдан кўз юмади.

ХАЛҚЧИЛ ҚЎШИҚЛАР МУАЛЛИФИ



Таникли француз шоири Пьер Жан де Беранже 1780 йилнинг 19 августида Парижда таваллуд топган. Бўлажак адиб ёшлигида турли ҳунарларга қўл уриб кўради: соатсозга шогирд тушади, мусофирхона қошидаги емакхона – трактирда югурдак бўлади, кутубхонада хизмат қилади, заргарликда маҳоратини синаб кўради ва ҳоказо. Парижнинг адабий давраларига кўшилиб, ниҳоят, ўз ўрнини топгандек бўлади.

Болалигидан турли қўзғолонлар, жумладан, Бастилиянинг олинишига бевосита гувоҳ бўлган, балоғат йиллари Буюк француз инқилобига тўғри

келган Беранже давлат бошқарув тизимдан норозилигини қалами ёрдамида ифода этади.

Ижодининг аввалида шоир классицизм анъаналарига таянади. Бироқ, атрофда юз бераётган жараёнлар, қолаверса, ранг-баранг меҳнат фаолияти уни халққа янада яқинлаштиради, бу ҳолат эса ижодга ҳам таъсир этмай қолмайди. Беранженинг назари оммабоп, бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, “кўча” кўшиқларига тушади. Ўзи ҳам жўнгина, халқчил кўшиқлар муаллифи сифатида ном қозониб, уларнинг матнини алоҳида тўплам қилиб чиқаради. Вақт ўтиб, Пьер де Беранже ижоди росмана сиёсий тус ола бошлайди: унинг памфлетларида мавжуд тузумнинг ҳукмрон қатлами,

аслзода киборлар беаёв танқид остига олинади. Шоир ўз даврининг сиёсий, ижтимоий муаммоларини ҳажв орқали, енгил кулгу ва киноя билан юзага чиқаради. Беранже ўз кўшиқларини “камондан отилган ўқлар” деб атарди, яъни тахтга, амал-парастликка, бюрократияга, буржуазияга қарши отилган ўқлар... Ўзини эса оддий халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи шеърият минбаридаги шоирга қиёслади. Беранжега қайсидир маънода ижтимоий воқеликдаги буюк ўзгаришларнинг назмдаги куйчиси, дея таъриф бериш мумкин.

Бутун ижодини атрофидаги оддий одамлар, меҳнаткашларни улуғлашга бағишлаган Пьер Жан де Беранже 1857 йил 16 июлда вафот этган.

“ЧИРОЙ -ЎТКИНЧИ, ГЎЗАЛЛИК БОҚИЙДИР”...



... деган эди француз модельери, “Тайм” журнали эътирофига кўра XX асрнинг юз нафар энг нуфузли шахслари рўйхатидан ўрин олган

мода соҳасининг ягона вакили Коко Габриэль Шанель. Ҳа, айнан Габриэль. Коко эса унинг таҳаллу-сидир. Ёшлигида қаҳвахоналарнинг кўлбола саҳналарида ижро этган “Ко Ко Ри Ко” ўйноқи ашуласи билан “керакли” одамларнинг назарига тушгани боисми ё шунчаки, “Коко” сўзи табиатига яқин бўлгани учунми, Шанель кўшиқ номини ўзига таҳаллус қилиб олган.

Габриэль Бонёр Шанель 1883 йил 19 августда Франциянинг Сомюр шаҳрида туғилган. 12 ёшлигида онасидан жудо бўлган қиз етимхонада улғайган. Эртаю кеч кўримсиз, бир қолипдаги махсус кийим – униформага бурканишга мажбур бўлган Габриэль ўша пайтдаёқ эътиборни тортадиган либослар яратишни кўнглига тугиб қўйган, дейишади унинг яқинлари.

Шанель 18 ёшида кийим-кечаклар дўконига сотувчи бўлиб ишга

киради. Бўш пайтларида маҳаллий қаҳвахона, барларда қўшиқ куйлайди. Ёқимтойгина хонанда санъат соҳасида шуҳрат қозонмайдикун-я, бироқ нафи тегадиган таниш-билишлар орттиришнинг уддасидан чиқади. Обрў-эътиборли танишларини ишга солган Габриэль 1910 йилда Парижда аёллар шляпалари билан савдо қилувчи илк шахсий дўконини очади. Бир йил ичида дўконини Модалар уйи даражасига олиб чиқиб, нуфузли «Риц» меҳмонхонаси рўпарасига кўчиради.

XX аср бошлари. Европа, хусусан Франция аёллари нафис матолардан тикилган, жимжимадор тўрлар билан бежалган, кенг-мўл кўйлақларда савлат тўкиб юрибдилар... Шанель хонимнинг эркакларнинг сипо, қулай кийимларидан илҳомланиб яратган либослари мода дунёсида кутилмаган инқилоб бўлди. У хотин-қизларга бичими содда, бироқ хушбичим костюмлар жамланмасини ҳавола этди. Қарангки, фаранг таннозлари бу янгиликни бажонидил қабул қилдилар. Ҳатто Шанельнинг “каромати билан” шу пайтгача фақат эркакларнинг хос кийими ҳисобланган шимни ҳам беҳижолат эгниларига илиб кетдилар.

“Аёлнинг ёшига аҳамият берманг: 20 ёшда соҳибжамол, 40 ёшда мафтункор ва бир умр жозибали кўриниш мумкин”, дерди мода қироличаси. Бу сўзлар Коко яратган либосларда ўз исботини топган. У аёлларни ёшига қараб ажратмайди, вақт ўлчовларига бўйсунмайдиган, барчага бирдек ярашиб турадиган универсал кийим-кечаклар яратади. Бу билан “ожиза”лар умрининг ҳар қандай фаслида фусункор кўриниши мумкинлигини исботлайди. Кийганда қуйиб кўйгандек хушбичим расмий костюмлар, ихчам шляпа ва баланд пошналар туф-

лилар ўзига ишонган, дид борасида ўрناق бўлгулик аёлларнинг ташриф қоғозига айланди гўё. Фақат... фусункорликнинг тугал бир сиймоси учун яна нимадир етишмаётгандек эди. Шанель янги тароват яратишга аҳд қилади. 1921 йилда унинг буюртмаси ва кўрсатмалари асосида россиялик муҳожир аттор Эрнест Бо томонидан ишлаб чиқилган муаттар бўй жаҳонга шу қадар машҳур бўлиб, нафақат замондошлари, балки кейинги авлодлар томонидан ҳам санъат асари даражасида тан олинишини ўшанда ким билибди, дейсиз?! Ўзи учун 5 рақамини омадли деб билган Коко Шанель биринчи атирига “Chanel № 5”, номини беради. (Дарвоқе, қаҳрамонимиз янги кўрғазмаларини доим ойнанинг 5-санасида уюштирарди.) Бир неча хил ҳидлар уйғунлигидан иборат, биридан иккинчисига сингиб, уйғунлашиб кетувчи тароватларга таяниб (асосланиб) яратилган “Chanel № 5” атторлик дунёсида ҳақиқий янгилик бўлди. Бунгача ҳар қандай парфюмерия “моно” хидга эга эди, яъни фақатгина бир хил бўй таратарди.

Мода борасида эришган мислсиз ютуқларига қарамай, Коко 1939 йилда Модалар уйини ва барча катта-кичик дўконларини шартта ёпиб, Парижни тарк этади-ю, Франция жанубига кўчиб кетади. Унинг бу ҳаракатини пойтахтликлар кейинрок, Европа уруш исканжасида қолганда англаб етишади. Бу даврда турли баҳонаи сабабларга кўра немис ҳарбийлари билан мулоқотга киришган Шанель француз ҳукумати эътиборига тушади. Габриэльнинг “дўстона” учрашувлари тобора кенг тус олишни бошлагандан сўнг уни фашистлар билан ҳамкорликда айблашади, ҳатто маълум муддатга озодликдан маҳрум этишади. (Коко Шанель

немис разведкасининг жосуси бўлган, дея таъкидловчи тарихчилар ханузгача бор.)

Иккинчи жаҳон уруши Европа аёлларини парчаю кимхоб каби қимматбаҳо матолар, ноёб безаклардан мосуво қилади. Шундай пайтда Коко Шанель модага киритган одми, аммо шу билан бирга кўркам либослар айниқса асқотди. Шанель услуги бутун Европани қамраб олади.

Маълум муддат суйган касбидан йироқда, Швейцарияда тин олган Габриэль 1954 йилда мода оламига тантанали равишда қайтишга қарор қилади. Бироқ қайтиш у ўйлаганчалик тантанавор бўлмайди – Шанельнинг янги коллекцияси на мутахассислар, на фаранг хонимларида ҳеч қандай қизиқиш уйғотмайди, эътиборга тушмайди. Бироқ етмишдан ўтиб ҳам ғайратшижоатини йўқотмаган Коко таслим бўлишни хаёлига келтирмайди. 2-3 йил ичида миждозлару давр талабини инobatга олиб, либосларини такомиллаштиради, қайта ишлайди. Шу йўсинда энг нозиктаъб ва аслзода аёлларнинг ҳам кўнглини олишга муяссар бўлади. “Шанель” фирмаси кийим-кечаклари янги авлоднинг энг пўрим вакиллари эгидан жой олади. Компаниянинг заргарлик маҳсулотлари, пойабзаллари, белбоғлардан тортиб ҳашаматли кармонларигача Шанель либосларини тўлдирувчи қўшимча восита бўлиб хизмат қилади, савдо белги-

сини муваффақият чўққисига олиб чиқади. 1950—1960-йилларда Коко Европанинг энг олди аёлларини “кийинтириб”гина қолмай, Голливуд киностудиялари билан ҳам ҳамкорлик қилади. Одри Хепберн, Элизебет Тэйлор каби юлдузларнинг ташқи кўриниши устида ишлайди.

1971 йил 10 январда 87 ёшли Коко Шанель “Риц” меҳмонхонасида вафот этади. Жаҳондаги энг таниқли ва нуфузли модалар уйи асосчиси, йилига 160 миллион АҚШ доллари миқдорида даромад келтирувчи мода империясини бекасининг кийим жавонини очган ёрдамчилари у ерда учтагина либосга дуч келадилар. Либосларки, ҳашамдан йироқ, сипоги санъат асари...

Коко Шанель бу оламни тарк этганига қирқ йилдан ошди. Бироқ унинг номини дунёнинг турли чеккаларида, пештоқларида “Chanel” савдо белгиси акс этган дўконларда учратиш мумкин. Габриэльнинг давомчилари либослар, пойабзаллар, заргарлик маҳсулотлари, пардозандоз ва атторлик молларини ишлаб чиқаришда доим изланишдалар. Давр талаби, харидор таъбини мунтазам ўрганиб, янгиликлар кириштишдан чарчамайдилар. Фақат бир қоида ўзгармас: “Шанель” хотинқизларни ёшу қарига ажратмайди, ҳар бир аёлнинг ўз хусну таровати борлигига ишонади. Мутахассислар эса бу гўзалликни юзага чиқаришга ҳисса қўшади, холос.



ЭРКИН ПАРВОЗ ИЛИНЖИДА...



XVI—XVII асрлар. Англия. Расмий черковга қарши бош кўтарган протестант гуруҳлар “диссидентлар”¹ ёки “диссентерлар” дея атала бошланди. Аввалига бу ибора фақат ёт диний қарашларни илгари сурувчиларга нисбатан қўлланилганди. Бироқ ўтган асрнинг олтинчи йилларига келиб, собиқ Шўролар Иттифоқи ҳамда Шарқий Европа мамлакатларидаги оппозицион ҳаракат вакиллари ҳам “диссидентлар” номи берилди. Сўз юритмоқчи бўлганимиз — рус ёзувчиси Василий Аксёновнинг қарашлари, ижодий ғоялари ўз даврида мамлакат манфаатига қанчалик зид бўлгани хусусида унинг асарларини ўқибгина хулоса чиқариш мумкин. Асосийси, бир пайтлар ашаддий диссидент сифатида ватанидан қувғин қилинган адиб китоблари ҳали-ҳануз ўқувчилар қўлидан тушмайди...

Василий Аксёнов 1932 йил 20 августда Россиянинг Қозон шаҳрида, зиёли оилада таваллуд топди. Отаси Павел Васильевич Аксёнов шаҳар кенгаши раиси эди. Она-

¹ Диссидент — (асл ғоядан чекинган, ёт қарашларга эргашган) — сиёсий қарашлари мавжуд тузумга зид бўлган шахс.

си Евгения Семёновна Гинзбург Қозон педагогика институтида дарс берар, шунингдек, маҳаллий газеталарда ҳам фаолият юритарди. Сталинчиликнинг қаттол зуғуми бошқа маърифатпарвар хонадонлар қаторида буларни ҳам четлаб ўтмади... 1937 йилда, ҳали беш ёшга ҳам тўлмаган Василийнинг кўз олдида аввал онасини, орадан ҳеч қанча ўтмай, отасини ҳибсга олишди. Эр-хотиннинг ҳар бири 10 йилдан муддатга озодликдан маҳрум этилиб, Сибирга сургун қилинади (Сталин даври қатағони азобларини бошидан ўтказган Евгения Гинзбург кейинчалик “Қалтис йўл” хотиралар китобини битлади. Мазкур асар ўша давр зулмини акс эттирувчи илк хотиралардан ҳисобланади). Оиланинг тўнғич фарзандлари — Майя (П.В.Аксёновнинг кизи) ва Алёшани (Е.С.Гинзбургнинг биринчи турмушидан бўлган ўғли) қариндошлари асраб олади. Вася эса қамалган шахсларнинг фарзандлари учун махсус ташкил этилган Костромадаги болалар уйига жойлаштирилади. Бир йилдан сўнг амакиси Васяни болалар уйидан олиб кетади ва у 1948 йилга қадар қариндош-уруғлариникида яшаб юради. Лагердан озод этилиб, Магаданда сургун даврини ўтаётган Евгения Гинзбург не-не машаққатлар билан ўғлини ёнига олиб келишга рухсат олади... (Орадан йиллар ўтиб, Аксёнов Магаданда ўтган ёшлик хотираларини “Куйик” биографик романида баён қилади.)

Сталин вафотидан сўнг, собиқ шўролар ҳокимияти тепасига Хрущёв келгач, мамлакатда бир мунча эркинлик шабадаси эса бошлайди. Бунинг натижаси ўлароқ, қатағонга учраган минг-минглаб фуқаролар, жумладан Василийнинг ота-онаси ҳам оқланади. Бироқ бу, ўша жабрдийдалар ва уларнинг оила аъзолари

елкасига узил-кесил офтоб тегди, дегани эмасди: Ленинград биринчи тиббиёт институтини тамомлаган (1956 й.) В.Аксёновнинг қўлида Болтиқ денгиз кемачилигида шифокор вазифасида хизмат қилиш учун йўлланма бўлса-да, ёзилмаган одат бўйича собиқ маҳбусларнинг фарзанди ишга қабул қилинмайди. Шундан сўнг у Карелияда, кейинчалик Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург), Москвада юқумли касалликлар шифоналарида хизмат қилди.

Василий Аксёновнинг ижодий фаолияти 1960 йилдан бошланган. Илк романи — “Ҳамкасблар” муаллифга катта шуҳрат олиб келади. “Юлдузли чипта” номли кейинги асари эса уни бутун собиқ Иттифокқа танитади. “Марокашдан келтирилган апельсинлар” қиссаси, “Катапульта”, “Ойга томон йўл олиб” тўпламлари, “Сотувда доим бор” пьесаси ҳам дарҳол китобхонлар эътиборига тушади.

70-йиллар арафасида Аксёновга муносабат кескин ўзгаради. Адабий доираларда “олифта”, “диссидент” каби лақаблар орттириб олади. Бунинг сабаби адибнинг ўзига хос шижоати, дангаллиги, исёнкор феълида эди. Ижод аҳли билан Кремлда уюштирилган учрашувда мамлакат раҳбари Никита Хрушчёв Аксёнов ва унинг ижодини кескин танқид остига олишининг боиси ҳам шунда эди.

...Кўз илғамас кишанлар билан қамраб олинган тузумда озодлик даввосида юрганлар қандай муносабат кутиши мумкин? Хрушчёв пайтида элас-элас эса бошлаган озодлик эпкинига ортиқча баҳо бериб юборган бир қатор ёш ижодкорлар, хусусан, Виктор Ерофеев, Фозил Искандар, Белла Ахмадулина, Василий Аксёнов “Метрополь” альманахини ташкил этиш ғоясини илгари сурадилар. Унинг биринчи

сони нашрга ҳам тайёрланади. Табиийки, ўн йиллар давомида риоа этиб келинаётган ошкора ва хуфия қонунларга зид қарашларни ўзида жамлаган тўпلام қаршиликка учрайди. Муаллифлар ҳам бўш келмайди — тақиқ остида қолган нашр-ни АҚШда чоп эттирадилар. Бу ҳолат “Метрополь”нинг бир гуруҳ ташкилотчиларини Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ўчиришга асос бўлади. Ҳамкасб-ҳаммаслакларга бирдамлик ва юзага келган вазиятдан норозиликнинг ифодаси сифатида Аксёнов ўз хоҳиши билан Уюшмани тарк этади. Адибнинг бу исёни тезда натижасини кўрсатади: унинг асарларини ўз ватанида чоп этиш масаласига узил-кесил нуқта қўйилади.

1980 йил июлда В.Аксёнов рафикаси Майя Кармен ҳамроҳлигида махсус таклифнома билан АҚШга ташриф буюради. Океан ортига қилинган ушбу сафар эр-хотиннинг совет фуқаролигидан маҳрум қилинишига сабаб бўлади.

2004 йилга қадар АҚШда яшаган В.Аксёнов Қўшма штатларнинг турли таълим даргоҳлари — Кеннан институти, Ж.Вашингтон университети, Гаучер коллежи, Джордж Мейсон университетида профессор сифатида фаолият юритиб, талабаларга рус адабиётидан сабоқ беради. Адибнинг ватанда ёзилган, аммо чоп этилмаган асарлари чет элда дунё юзини кўради. “Бизнинг арзанда синглизмиз”, “Куйик”, “Қрим ороли” романлари, “Оролга эгалик ҳуқуқи” ҳикоялар тўплами шулар жумласидандир. Америкада Аксёнов “Қоғоз манзара”, “Маъюс болакайни излаб” романлари, “Москва сагаси” трилогияси, кўплаб ҳикояларни қоғозга туширади. “Тухум сариғи” романини инглиз тилида ёзиб, сўнг рус тилига ўгиради.

1990 йилда Василий Аксёнов Россия фуқаролиги қайта тикланди. У ҳаётининг сўнгги йилларини қисман Москвада, кўпроқ Францияда оиласи даврасида ўтказди.

Василий Павлович Аксёнов 2009 йил 6 июлда Москвада узоқ давом этган хасталиқдан сўнг ҳаётдан кўз юмади. Орадан уч ой ўтиб, адибнинг сўнгги романи — “Сирли эҳтирос” нашрдан чиқади. Ушбу автобиография асарда ўтган аср 60-йиллари рус санъати ва адабиётининг энг ёрқин намояндалари Роберт Рождественский, Евгений Евтушенко, Белла Ахмадулина, Андрей Вознесенский, Булат Окуджава, Андрей Тарковский, Владимир Висоцкий, Эрнст Неизвестный ва бошқаларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз боради. Муаллиф тамоман мемуар жанрига берилиб кетмаслик учун асар қаҳрамонлари исмини ўзгартириб беради. Бироқ ўша давр муҳити, қаҳрамонлар феъл-атвори билан таниш, воқеалар ривожини кузатган китобхон учун прототипларни илғаб олиш қийин кечмайди.

Ватанга қайтган В.Аксёнов россиялик журналистлар билан мулоқот чоғида “Ўзингизни озод шахс деб ҳисоблайсизми?..” деган саволга шундай жавоб берган эди:

– Йўқ, мен ўзимни ҳеч қачон озод ҳис қилмаганман. Лекин тузум исқанжасида қолиб, мавжуд шароитга кўниб яшашни ҳам ўзимга сингдиrolмаганман. Ўн олти ёшлигимда онамнинг қошига – Магаданга келиб кўрганларим, айниқса, кўз ўнгимизда соқчи назорати остида етаклаб ўтилган оёқ-қўли кишанланган маҳбуслардан юрагимда битмас чандиқ қолган. Ўшанда: “Мен бундай тузумнинг вакили бўлолмайман. Мен булардан эмасман!” деган қатъий хулосага келгандим.

Бир умр эркин парвоз илинжида қайларгадир талпинган, бироқ на ватани, на мусофир юртларда барибир излаганини тополмаган Василий Аксёновнинг яқинлари, ҳамкасблари, мухлислари шу кунларда ёзувчи таваллудининг 80 йиллигини нишонламоқдалар.

ЖАҲОН ЭКРАНИНИНГ ЭНГ ЁҚИМТОЙ “САВДОЙИ”СИ



Бир кўз олдингизга келтиринг: ўзига тўқ хонадонда вояга етган, турмушнинг баланд-паст сўқмоқларида товони шилинмаган, пешона териси билан бир бурда нон топмаган аслзода қиморга берилиб, катта миқдордаги маблағни бой берди. Қилмишига пушаймон бўлиб, тўғри йўлга қадам қўйишининг ўрнига хотинию боласини кичик шаҳарчанинг йирик саноатчиси бўлган отаси қарамоғига ташлаб, дарбадар кетди. Орадан йиллар ўтди. Кўринишдан мўмин-қобил, табиатан исёнкор бўлиб улгайган набира бобосининг мол-давлатига ҳам қўл силтаб, жаҳоний шон-шухрат, мухлислар меҳрию олқишларини топиш илинжида сафарга чиқди...

Йўқ, бу француз комик актёри, сценарийнавис ва кинорежиссёр Пьер Ришар ижодига таалуқли бўлган бирор фильм эмас. Санъаткорнинг шахсий ҳаётидан лавҳа, холос...

Пьернинг болалиги Франциянинг Валансьен шаҳарчасидаги пансионда¹ ўтган. Мазкур муассасада асосан маҳаллий деҳқон ва кончиларнинг фарзандлари таҳсил олар, оксуяклардан бўлган Ришар тенгқурлари ичида “олақарға”га айланиши муқаррар эди. Айниқса, Пьернинг ҳар ҳафта савлат билан бобоси “Лимузин”ида ўқув даргоҳига ташриф буюриши бу ҳолни янада бўрттириб кўярди. Ўзгалардан ажралиб қолишни хоҳламаган Пьер масхарабозлик қилиб, турли қилиқлари билан барчани кулдиришга уринарди. Бундай ҳаракатлар замирида “Мен учун асл-насл иккинчи даражада, сизлар қатори боламан, мени ўзингиздан итарманг”, деган ўтинч мужассам эди. Кейинроқ, кино санъатида юксак марраларни забт этган Ришар айна шу даргоҳда илк актёрлик маҳорати куртак отганини эътироф этади.

Тўлиқ исми-шарифи Пьер Ришар Морис Шарль Леопольд Дефей бўлган қаҳрамонимиз ўсмирлигиданоқ драматик курсларда таҳсил олиш иштиёқида ёна бошлайди. Балоғатга етган йигитча мақсадига етиш йўлида наинки катталарнинг қаршилиги, ҳатто бобосининг бир чақа мерос қолдирмаслик, “қора қозони ҳам қайнамаслиги” ҳақидаги пўписаларига-да парво қилмайди. Аксинча, Парижга бош олиб кетади.

Пьер пойтахтда ортикча қийинчиликка дуч келмайди: ну-

фузли драматик курсларга қабул қилинади, машхур режиссёрларга шогирд тушади.

Бироқ орзулари осмон қадар бу йигит бориға қаноатланмайди. Театрда ижро этадиган майда-чуйда ролларини ўзига эп билмайди. Тезроқ машхурлик чўққисига тирмашиб чиқишни истаган Ришар кичик-кичик ҳажвиялар ёзиб, уларни ҳамкасб дўсти В.Лану билан Париждаги кафе-театрлар, мюзик-холларда сахналаштиради...

Пьер Ришар кинодаги илк катта ролини ижро этганда ўттиз уч ёшга кирганди. Режиссёр Ив Робернинг “Савдойи Александр” фильмидаги образи унга кино санъатининг катта эшикларини очиб берди. Ва мана, бир неча ўн йилдирки, П.Ришар ўша илк қаҳрамони каби пахмоқсоч, бир қадар бесўнақай, ҳаётга кўп-да мослашмаган, бироқ ёқимтойгина, тақдирнинг ўзи мудом ишларини ўнглайдиган инсонлар сиймосини маҳорат билан ижро этиб келмоқда. И.Робер билан ҳамкорликда суратга олинган кейинги – “Қора пойафзал кийган бўйдор малла” (1972 й.), “Бўйдор малланинг қайтиши” (1974 й.) комедиялари ҳам унга катта шуҳрат келтирди.

Бироқ Пьер Ришарни бутун дунёга танитган фильм, шубҳасиз, “Ўйинчоқ” комедиясидир. Сценарийнавис ва режиссёр Франсис Вебер мазкур картина ғоясини қарийб ўн беш йил ҳаёлида олиб юрган. Ўша пайтлар журналистика билан шуғулланиб юрган Вебер ўйинчоқлар дўқонида шундай манзарага дуч келади: бадавлат оиланинг арзандаси, дўмбоққина болақай дўқонни бошига кўтариб хархаша қилар, ота эса эркатойининг кўнглини олиш учун минг кўйга тушарди... Воқеа ўша кунёқ янги ҳикояга асос бўлди. Сюжет

¹ Пансион – ўқувчиларни ётоқхона, озик-овқат, кийим-бош билан таъминлайдиган ўқув муассасаси.

П.Ришарга шунчалик маъкул келдики, шу асосда фильм олиш учун Веберни ҳол-жонига қўймади. Ўзи бош ролни ўйнаш баробарида фильм продюссерлигини ҳам зиммасига олди. Бу ишнинг натижаси эса кутилганидан зиёда бўлди!

1981 йилда Пьер Ришар билан Франсис Вебер яна бир картинага қўл урадилар. Янги “Омадсизлар” комедияси номидан фаркли ўлароқ ижодкорларга катта омад келтиради. Фильм томошабинни жалб этиш бўйича француз кинематографияси тарихида энг баланд натижани қўлга киритади.

Умуман, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари санъаткор учун ўта муваффақиятли ва сермахсул келган. “Менинг икки отам бор...”, “Қочоқлар” каби ичакузди комедиялар айна шу даврда суратга олинган. Ундаги роллар актёрни шуҳрат чўққисига олиб чиқди, жаҳонга танитди, энг обрўли режиссёрлардан таклифлар ёғилишига сабаб бўлди.

Х Лотин Америкаси кинофестивалида (1988 йил) П.Ришар ўзи суратга олган “Менга Че ҳақида сўзлаб беринг...” хужжатли фильми билан иштирок этди. Куба халқи миллий озодлик ҳаракати тимсоли бўлган Че Геварага бағишланган мазкур картинани олқишлар билан қаршилади. Қаҳрамонимиз айнан Че Гевара шахсига мурожаат қилгани бежиз эмас. “Че Геварадаги икки хислат – дарвешлик ва исёнкорликни ўзимда ҳам кузатаман, – дейди Ришар. – Актёрлик соҳасига кириб келишим ҳам исёндан, яъни ўз ҳаёт йўлимни ўзим танлаш учун курашдан бошланганди...”

Пьер Ришар хориж режиссёрлари фильмларида ҳам суратга тушиб, катта муваффақият қозонган ноёб (камсонли) актёрлардан ҳисобланади. Хусусан, 1996 йилда грузин режиссёри

Нана Жоржадзенинг “Ошиқ пазандадан минг бир маслаҳат” фильмида бош ролни ўйнайди. Ушбу роли сабаб Ришар Канн кинофестивалида “Энг яхши актёр” номинациясида ғолиб бўлади.

Пьер, дарҳақиқат, ғаройиб табиатли одам. Юлдузи порлаган ўша саксонинчи йилларда актёр атрофдагиларни таажжубда қолдириб, Сена дарёсидаги баржага¹ кўчиб ўтади. Нима эди бу, юлдузнинг тантиқлигими ёки ўзига эътибор қаратишнинг янги усули? Аслида у ҳам, бу ҳам эмас. Нақ ўн йил баржада умргузаронлик қилган Ришарнинг сўзларига кўра, инжиқлик бунча узоқ давом этиши мумкин эмас, шунчаки, у сувни ёқтиради, табиатга яқинроқ бўлгиси келади. Бу гапга шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Йўқса, рафикаси билан ҳозирда Парижнинг кўпқаватли уйларида бирида истиқомат қилаётган санъаткор томига дарахтлар эктирармиди?!

Саксонни қоралаб қолган Пьер Ришар ҳаргиз кексаликни бўйнига олмайди. Кўнгли ҳамон ёш, куч-ғайрати етарли. Теннис билан шуғулланади, эрталаблари югуришни канда қилмайди. Уни тез-тез Париж кўчаларида, мотоцикл миниб юрган ҳолда кўриш мумкин.

Дарвоқе, Пьер Ришар жаҳонга донғи кетган актёр бўлса-да, барибир асл наслига тортибди, чоғи. У хусусий киностудиясига эга. Шунингдек, Франция жанубида узумзор сотиб олган. Ҳар йили катта миқдорда узум шароби ишлаб чиқаради. Мижозлари мухлислари даражасида бўлмаса-да, “қора қозон қайнаб туради”...

Юлдуз ҲОШИМОВА
тайёрлади.

¹ Б а р ж а – шатакка олиб юриладиган ясси юк кемаси.

АЛЕКСАНДР ГРИН



Ёшлик йилларимизда биз гимназистлар “Универсал кутубхона” сериясидаги китоблардан бош кўтармасдик. Бу мўъжаз китобчалар сариқ муковада бўлиб, петит ҳарфларда босиларди.

Булар ниҳоятда арзон бўларди. Ўн тийинга Додэнинг “Тартарен”ини ёки Ҳамсуннинг “Мистерия”сини, йигирма тийинга Диккенснинг “Давид Копперфильд”ини ёки Сервантеснинг “Дон Кихот”ини сотиб олса бўларди. Рус ёзувчисининг асарлари “Универсал кутубхона” сериясида ахён-ахёнда нашр қилинарди. Шунинг учун ҳам сериянинг “Теллурунинг мовий шаршараси” деган ғалати номдаги навбатдаги китобини сотиб олиб, унинг муковасида Александр Грин деган авторнинг фамилиясини кўрганимда, у ажнабий бўлса керак, деган хаёлга борганим табиийдир.

Китобда бир неча ҳикоялар бор эди. Ўшанда дўкон ёнида китобни очиб, шуларни ўқиганим ёдимда:

“Лиссидай бемаъни ва ажойиб порт топилмаса керак. Одамлари

турлича гаплашадиган бу шаҳар ўтроқликка ўтмоқчи бўлган дайдини эслатади. Уйлар тўғри келган жойга, ҳатто номигагина бўлган кўчаларнинг ўртасига ҳам тушаверган. Лиссида росмана кўчанинг ўзи йўқ, чунки шаҳар зиналари, кўприклар ва торгина сўқмоқлар билан бир-бирига уланган қоялар ва тепаликлар чеккаси устида бунёдга келган.

Буларнинг барини қалин – тропик ўсимликлар босган. Қаёққа қараманг, сариқ тош, мовий соя ва қадимий деворларнинг чиройли ёриқларидан бошқа ҳеч нарсани кўрмайсиз... Тепаликка ўхшаган бирорта ҳовлида трубка чекаётган яланг оёқ, бадқовоқ бир киши катта қайиқ тузатаётган бўлади. Олисдан қўшиқ эшитилар, жарлардан эса унинг акс садоси келарди. Бозорларда одамлар катта соябонлар тагида савдо қилишарди. Қуроллар ялтираши, ранго-ранг либослар, кўзларни қамаштирувчи гуллар ва ўт-ўланларнинг хушбўй ислари худди тушдагидай юракка тушган севги ва висол дамларини эслатиб, қалбни дилгир қилади. Гавань – мўркон йигит каби исқирт. Беҳисоб елканлар, уларнинг сокинлиги, ажойиб тепа, мовий сув, қоялар, бепоён океан кўзга ташланади. Тун – юлдузларнинг сеҳрли ёғдуси, қайиқлардан янграган қаҳқаҳалар... Лисси – мана шундай шаҳар”.

Мен бу китобни гуллаган Киев каштанининг соясида ўқирдим. Ажиб тушга ўхшаган бу китобнинг охирига етмагунимча бошимни кўтармадим.

Шунда мен ногаҳон шамол жилосини, денгизнинг шўртак иссиқ ҳидини, Лиссини, аёлларнинг кўзларини, олов сели пуркаган тор кўчаларни, атрофида оқ чиғанокларнинг қолдиклари

ётган сарик тошни, кўкка ўрлаётган учқур булутларнинг оч пушти ранг дудини соғиниб қолдим. Йўк! Мен фақатгина соғинмасдим, балки ана шуларнинг барини ўз кўзим билан кўриб, эркин денгиз ҳаётига бемалол шўнғиш истак-иштиёкида ёнардим.

Шунда мен бу ажиб дунёнинг қандайдир айрим жойлари кўзимга танишлигини эсладим. Номаслум адиб Грин уларни бир саҳифага тўплаган эди. Бироқ мен буларнинг барини қаерда кўрган бўлишим мумкин?

Ҳа, эсладим. Буларни, албатта, бамисоли мовий денгизлар устидаги кўзни қамаштирувчи ёрқин қуёш сари бўй чўзган ва унга осмон каби мовий соялар қанотини ташлаган Севастополда кўрганман. Севастополдаги бу ажойиб хусусиятларнинг бари Грин асарининг саҳифасига жо бўлганди.

Мен китобни ўқишда давом этарканман, матрослар кўшиғига дуч келдим:

*Олисда ялтирар жанубий Крест,
Компос ҳам уйғонар
илк шабададан,
Тангри, кемаларни
сақларкан албат,
Ўтар бизларнинг
ҳам гуноҳимиздан.*

Ўша вақтларда мен Грин ҳикоялари учун кўшиқларни ҳам ўзи тўқишини билмасдим.

Одамлар ичкиликдан, қуёш ёғдусидан, ажиб шодиёнадан, ўзининг ажиб ва намхуш гўшалари сари толмай етакловчи ҳаёт санийлигидан ва ниҳоят “юксак туйғу”дан сархуш бўладилар.

Грин ҳикояларида буларнинг бари мавжуд эди. Улар кишини дим шаҳардан чиққанингдан кейин юзга уриладиган оромбахш шабада син-

гари сархуш этарди.

Мен Грин билан шу тариха танишдим. Гриннинг рус эканлигини асли исми шарифи Александр Степанович Гриневскийлигини билганимдан кейин, бунга унча ҳайрон бўлмадим. Балки бу Грин ўша пайтлардаёқ мен учун нақ Қора денгизчи, адабиётда Багрицкий ва Катаев ҳамда бошқа кўп қораденгизчи ёзувчилар мансуб бўлган авлод вакили сифатида маслум эканидан шундай бўлгандир.

Гриннинг таржимаи ҳолини, унинг санғи ва ўлгудай дайди ҳаёт кечирганини билганимдан кейин ажабландим. Индамас ва кулфатлар адо қилган бу одам аянчли ҳаёт кечирганига қарамай, ўзида тасаввурнинг қудратли ва мусаффо инъомини, инсонга бўлган ишончини ва уятчан табассумни сақлаб қола олганлиги жуда ҳайратланарли эди. У ўзи ҳақида “доимо чиқиндилар ва пастак уйларнинг ахлатлари устида булутли манзара кўрдим” деб бежиз ёзмаган эди.

Француз ёзувчиси Жюль Ренарнинг: “Менинг ватаним – энг гўзал булутлар сузадиган жойлардир” деган сўзларини Гринга ҳам тааллуқли дейиш мукин.

Агар Грин бизга фақат “Алвон елканлар” деган насрий достонини қолдириб, оламдан ўтганида ҳам, бу асарнинг ўзиёқ уни инсон қалбини камолотга чорлаши билан ҳаяжонга соладиган ажойиб ёзувчилар қаторига қўймоқ учун кифоя қиларди.

Гриннинг барча асарлари орзуларини оқлаш учун ёзилгандек. Бунинг учун биз ундан миннатдор бўлмоғимиз даркор. Биз интилаётган келажак инсоннинг енгилмас хусусияти бўлган орзу қилиш ва сева билиш укувидан туғилганлигини биламиз.

**Константин
ПАУСТОВСКИЙ**
(Эркин НОСИРОВ таржимаси)

МУҚОВАМИЗДА...

Исаак
ЛЕВИТАН

Россия маданияти олтин асрининг энг ёркин намояндаларидан бири Исаак Левитан ўзининг “кайфият манзаралари” (унинг пейзажларига шундай таъриф беришади) оркали инсоннинг кўнгил кечинмалари, ҳис-туйғуларини бўёқларда тасвирлаётгандек бўлади, гўё. Мусавирнинг ижод йўли атиги йигирма йилга яқин давом этган. Шунга қарамай, унинг қискагина умри давомида яратган манзара – асарлари сони бошқа рус мусавирларининг шу йўналишда чизган картиналари умумий сонидан ҳам ортиқдир.

И.Левитан 1860 йил 18 августда Россия жанубидаги Кибар-



та шаҳарчасида (ҳозирги Литва ҳудуди) туғилган. 13 ёшида Москва санъат ва ҳайкалтарошлик билим юртига ўқишга кирган. Манзара жанрида ижод қилган машҳур мусавир Алексей Саврасов кўлида таҳсил олган. Иқтидорли талаба тезда билим юртининг фахрига айланиб, устозидан-да ўтиб кетади.

Моддий аҳволи анчайин ночор бўлган ижодкор узоқ саёҳатларга имкон тополмайди, асосан Москва атрофларига, табиат кўйнига чиқиб, мўйқаламини ишга солади. Кўпгина ҳамкасбларидан фарқли ўларок, у кўркам, бекаму кўст тасвирлар ортидан қувмайди, кўрган-кузатганларига ёркин бўёқлар билан зеб бермайди. Табиатни



борича қабул қилиб, она ватанни қандай бўлса, шундайлигича яхши кўришга ундагандек бўлади одамни.

“Борлиқни кўришнинг ўзи кам, табиатни қалбан ҳис қилиш, унинг муסיқасини тинглай билиш, сукунатига сингиб кета олиш керак”, деб ёзади ижодкор. Ана шундай қарашлар боис мусавир ишларида қуруқ тасвирни эмас, табиат лирикаси, бир қадар маҳзун тароватини кузатиш, ҳис қилиш мумкин.

Исаак Левитан 1900 йилнинг 22 июлида қирқ ёшда Москвада вафот этган.

Илья РЕПИН



“Қиёфа – шундай нозик бир ҳилқатки, уни ҳеч қандай назарий қоидалар билан изоҳлаб бўлмайди. Ҳаққонийлик, уйғунликка эришаман де-



сангиз, бирор майда тафсилотни ҳам назардан четда қолдирмаслигингиз шарт. Шу оддий ҳақиқатни англамай туриб, картина яратиш мумкин эмас.” И.Репин асарларини диққат билан кузатган томошабин рассом ўзининг ана шу талабидан зинҳор чекинмаганига ишонч ҳосил қилади. Машҳур рус мусаввири, портрет жанрининг устаси И.Репин кўплаб таниқли замондошларининг тасвирини муҳраб, уларнинг қиёфасини ҳам, ўз номини ҳам тарихда қолдирган ижодкордир.

Илья Репин 1844 йил 5 августда Харьков губернияси (вилояти) Чугуев шаҳарчасида туғилган. Қўлига биринчи марта акварель бўёқларни олгандаёқ (у пайтда болакай 6 ёшда эди), қалбида тасвирий санъатга меҳр уйғонган. 13 ёшида мута-

хассислардан тасвирий санъат сабоқларини ола бошлаган Илья икки йилда икона (бут) тасвири бўйича уста рассом (иконанавис) даражасига етади.

Вақт ўтиб, у бошқа жанрларда ҳам мўйқалам юргиза бошлайди. Рассом ижодини қуйидаги уч йўналишга ажратиш мумкин: диний



мавзудаги картиналар, тарихий асарлар ва портретлар.

Репин картиналарида ўша даврнинг таниқли шахслари – маданият ва санъат соҳалари вакиллари, обрўли сиёсатчилар қаторида яқинлари,

оила аъзолари тасвирини кўриш мумкин. Рассом ёзган портретлар нафақат қиёфанинг ёрқин, ҳаққоний ижроси,

балки инсон ҳолати, кайфияти, характерини етказиб бериш маҳорати билан ажралиб туради. Гўёки у асарлари устида кунлаб, ойлаб ишламагану, шунчаки, қахрамонлари бир лаҳза тин олганда акс эттириб улгургандек... Репин ижодининг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, у тарихий асарларидаги образларини яратишда, ён-атрофидаги ўзи билган, жумладан, таниқли шахсларнинг прототипидан фойдаланган. Шундай вазиятлар ҳам бўлганки, қахрамонлар картиналар омма эътиборига ҳавола этилгандагина ўзларини таниб, бор гапдан воқиф бўлишган.

Шўролар тузуми тарафдорларининг Октябрь кўзғолони кўплаб

рус зиёлилари қаторида Репинни ҳам ватанни ташлаб, муҳожирлик юкини елкасига ортишга мажбур этди. Ижодкор умрининг сўнгги ўттиз йилини асосан Куоккалада (ўтган асрнинг йигирманчи йилларида мустақил Финляндия таркибига кирган ҳудуд) ўтказди. Бегона юртларда очлик-ночорликни ҳам,

ватан соғинчини ҳам бошдан кечирган мусаввир қийинчиликларга қарамай, ижод қилишда давом этаверади.

1930 йил 29 сентябрда вафот этган Илья Репин Куоккаланинг ўзида дафн қилинган. Кейинчалик Россия тасарруфига ўтган бу жойларга Репино номи берилган.



ТАРИХДА БУ КУН ...

4 август -

235 йил аввал Лондонда жаҳондаги биринчи цирк очилди.

1770 йил. Ҳарбий хизматдан истеъфога чиққан сержант Филипп Эстли Лондонда чавандозлар мактабини ташкил қилди. Унинг шогирдлари отлар устида турли акробатик машқларни намойиш этишарди. Томошалар тобора кўпроқ мухлисларни жалб қила бошлагач, махсус бинога эҳтиёж туғилади. Собиқ ҳарбий куббасимон томли, доира шаклидаги сахна – манежга эга иншоот қурдириб, уни «Эстли амфитеатри» деб номлайди. 1777 йил 4 августда мазкур мажмуа Лондон аҳлига ўз эшикларини очади, илк театрлаштирилган томошани тақдим қилади. Унда асосан чавандозлар маҳорати, махсус ўргатилган отлар билан боғлиқ кўринишлар намойиш этилади. Вақт ўтиб, Эстли дастурни бойитиб боради, цирк жанрининг турли йўналишларига эътибор қаратади. Жамоага дорбозлар, масхарабозлар, жонглёр ва ит ўргатувчиларни жалб қилади. Ўз даврининг энг оммабоп истироҳат масканига асос солган Филипп Эстли кейинчалик Европанинг бошқа шаҳарларида ҳам шундай мажмуалар фаолиятини йўлга қўяди.

Таъкидлаш жоизки, дорбозлару масхарабозлар, олов ўйнатувчию шиша устида юрувчилардан иборат жамоалар Шарқда, хусусан, бизнинг заминимизда ҳам анча олдин тарқалган. Бироқ ҳозирги кўринишдаги цирк биносининг асосчиси сифатида айнан Филипп Эстли эътироф қилинади.

9 август

Дунёдаги энг йирик Халқаро санъат фестивали

Ҳар йили шу куни Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида сахна санъати бўйича жаҳондаги энг йирик фестиваль ўз ишини бошлайди. Анжуман қарийб бир ой давом этади. Мазкур фестивалнинг ўзига хос бир жиҳати бор. Унда бир пайтнинг ўзида турли жанрлар



камраб олинади – театр, опера, ракс ва мусиқа санъати асарлари тақдим этилади; классика, оркестр, камер ва вокал мусиқа намуналари янграйди; ранго-ранг шоу ва карнаваллар, мушакбозлик томошалари уюштирилади. Унда ҳар йили дунёнинг кўплаб давлатларидан келган ижодий гуруҳлар, умумий ҳисобда икки миллиондан ортиқ меҳмон қатнашади.

Анъанага кўра фестивалъ икки таркибий қисмга бўлинади. Расмий дастурда ташкилотчилар томонидан саралаб таклиф қилинган нуфузли жамоалар ва машҳур санъаткорлар иштирок этади. Улар шаҳарнинг марказий концерт залларида, театр сахналарида ўз маҳоратларини намоиш қиладилар. Норасмий қисмда эса Эдинбург ўз дарвозаларини фестивалда қатнашиш ниятида ташриф буюрган барча хоҳловчилар (асосан ёш санъаткорлар) учун очиб беради. Майдон ва кўчалар, сайлгоҳлар уларга сахна вазифасини ўтайди. Ёзнинг охирида турли халқлар ва маданиятлар жилвасидан товланадиган Эдинбургда кунига мингга яқин томошага гувоҳ бўлиш мумкин.

Дарвоқе, 1947 йилдан буён ўтказиб келинаётган Эдинбург Халқаро фестивали жаҳондаги энг йирик санъат анжумани сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган.

15 август

135 йил илгари телефон мулоқотида «Hello» («Алло») сўзи қўлланна бошланди.

1876 йили Филадельфия Халқаро кўрғазмасида қатнашган америкалик олим Александр Белл илк маротаба янги кашфиётини кенг омма эътиборига ҳавола этди. Аввалига “жонли нутқ” деб аталган бу аппарат кейинчалик “телефон” (юнонча «теле»-«узок» ва «фоно»-«товуш») номини олди. Табиийки, у пайтларда мазкур “техника мўъжизаси” нуқсонлардан холи эмасди. Унинг ёрдамида узоғи 250 метр масофадангина боғланса бўлар, шундаям овоз бўлиниб, элас-элас эшитиларди. Бироқ бу ҳол янгиликнинг яшин тезлигида оммалашиб кетишига тўсқинлик қилолмади.

Тез орада телефон орқали мулоқотда суҳбатдошга қандай мурожаат қилиш мумкинлиги масаласи кўтарилди. Телефоннинг “отаси” А.Белл «Аһоу» (“Ҳой!”) сўзини киритишни таклиф қилди. Бироқ бошқа таникли кашфиётчи Томас Эдисон (дарвоқе, илк телефон апаратини мукаммаллаштиришда унинг ҳиссаси катта бўлган) бошқа мулоҳазани ўртага ташлайди. 1877 йил 15 августда Питтсбург телеграф компанияси президенти билан музокаралар чоғида «Hello» (инглизча “салом”) сўзи телефон алоқаси учун энг қулай мурожаат эканлигини таъкидлайди. Вақт Эдисоннинг ҳақ бўлганини исботлади. Дунёнинг турли бурчакларида телефон гўшагини кўтарган ёшу қари, эркагу аёл, оқ ё қора танли абонентлар “hello” – “алло” дея овоз беради. Ҳатто биринчи каломданок “Ассалому алайкум”, дея суҳбатдошга соғлиқ тилаш имконияти бор, жуда бўлмаганда луғатларида “лаббай?” деган қулоққа хуш ёқувчи сўзи бўлган... ўзимиз ҳам беихтиёр жаноб Эдисон кўрсатмасига амал қиламиз...




27 август

1955 йили Буюк Британияда “Гиннеснинг рекордлар китоби”нинг илк сони нашрдан чиқди.

Бугун бу китоб барчага бирдек таниш, кимдир унинг саҳифаларидан жой олишга умрини бағишласа, бошқа биров бор-будини аямайди. Рекордлар китобини чоп қилиш ғояси 1951 йилда, ажойиб бир вазиятда туғилган. Бир ўтиришда инглиз киборлари европадаги қушчаларнинг қайси бири энг тез учиши ҳақида ҳазиломиз баҳс бойлаб қолишди. Биров “у” дейди, биров – “бу”. Мунозарадан таъсирланиб кетган давра иштирокчиларидан бири сэр Хью Бивер уйига қайтгач, турли ноанъанавий рекордлар тўғрисида маълумот йиғишга, сўнг уни бир китобга жамлашга аҳд қилади. Жаноб Хью китобни қадимги аждодлари насаби билан, яъни “Гиннес” деб атайди.

Нашрни тайёрлаш учун Лондонда махсус агентлик очилади. Унинг ходимларига турли соҳалардаги қизиқарли ютуқларни қайд қилиш вазифаси юклатилади. Маълумот тўплаш жараёнида рекордларга оид фактлар, бу борада гувоҳлар ва мутахассислар фикрлари ўрганилди. Натижада 1955 йил 27 августда “Гиннес”нинг 198 саҳифалик нашри дунё юзини кўради. Китоб илк кунлардан оқ қўлма-қўл бўлиб кетади. “Гиннеснинг рекордлар китоби” сарлавҳаси остида чиққан кейинги китоблар ҳам энг оммабоп нашрлар қаторидан жой олади.

Бугунги кунда ҳар йили 80 миллиондан зиёд нусхада 40 та тилда чоп этиладиган мазкур китоб жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатада ўз мухлисларига эга.



Дарвоқе, “Гиннеснинг рекордлар китоби” энг адади катта нашр сифатида “Гиннеснинг рекордлар китоби”дан жой олган!

ТАҚВИМ

ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАН ЭДИЛАР

5 август

1850 йил. Ги де Мопассан, машҳур француз адиби, “Азизим”, “Ҳаёт” каби романлар ва “Дўндик”, “Портда” сингари ажойиб новеллалари билан жаҳон адабиётида ўчмас ном қолдирган ижодкор.

1941 йил. Ўтқир Ҳошимов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, драматург. Адибнинг “Қалбингга кулоқ сол”, “Баҳор қайтмайди”, “Дунёнинг ишлари” қиссалари ҳамда “Нур борки, соя бор”,

“Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” каби романлари жами икки миллиондан ортиқ нусхада чоп этилиб, ўқувчиларнинг сеvimли асарларига айланган. Айниқса, ижодкорнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” китоби маънавий-ижтимоий ҳаётимизда ўзига хос аҳамият касб этади.

8 август

1927 йил. Юрий Казаков, таниқли рус адиби. “Йўл-йўлакай”, “Нон иси”, “Декабрда икковлон”, “Тушларингда тўқилган аччиқ кўз ёшлар” сингари китоблар муаллифи.

1937 йил. Дастин Ли Хоффман, америкалик киноактёр, икки бора “Оскар” мукофоти сов-

риндори. “Ёмғир одами”, “Тутси”, “Крамер Крамерга қарши” каби фильмларда яратган образлари унга оламшумул шухрат келтирган.

9 август

1895 йил. **Михаил Зошенко**, машҳур рус ёзувчиси, “Мишель Синягин”, “Ортга қайтган ёшлик”, “Тарас Шевченко” каби қиссалари, кўплаб ҳикоялари мухлислар эътиборига тушган.

1899 йил. **Памела Линдон Трэверс**, келиб чиқиши австралиялик бўлган инглиз адибаси, Мэри Поппинс ҳақидаги туркум китоблар муаллифи.

10 август

1950 йил. **Эркин Аъзам (Аъзамов)**, замонавий ўзбек адабиётининг етакчи вакилларида бири, кинодраматург. “Чироклар ўчмаган кеча”, “Отойининг туғилган куни”, “Байрамдан бошқа кунлар”, “Пакананинг ошиқ кўнгли”, “Кечикаётган одам”, каби қиссалари, “Забаржад”, “Сув ёқалаб”, “Қарздор”, “Фаришта” киноқиссалари ҳамда “Шовқин” романи билан ўзбек насри ва кинодраматургиясига янги анъаналар олиб кирган адиб.

18 август

1750 йил. **Антонио Сальери**, австриялик бастакор, дирижёр ва педагог.

20 август

1901 йил. **Сальваторе Квазимодо**, италиялик шоир, Нобель мукофоти лауреати.

22 август

1920 йил. **Рэймонд Дуглас “Рэй” Брэдбери**, америкалик фантаст-ёзувчи.

23 август

1880 йил. **Александр Грин (Гринеvский)**, рус ёзувчиси, романтик реализм оқими вакили “Алвон елканлар”, “Тўлқинлар қанотида”, “Боши берк кўча” асарлари билан китобхонлар эътирофини қозонган адиб.

25 август

1930 йил. **Георгий Данелия**, атоқли кинорежиссёр ва сценарийнавис, Россияда хизмат кўрсатган санъат арбоби. “Мимино”, “Кузги марафон” ва бошқа кўплаб фильмлари жаҳон кинематографиясининг олтин фондидан ўрин олган.

26 август

1870 йил. **Александр Куприн**, рус адиби, «Ёкут кўзли билагузук», «Олеся», «Яккама-якка» каби асарлар муаллифи.

28 август

1749 йил. **Иоганн Вольфганг Гёте**, атоқли немис шоири, ёзувчиси ва драматурги. “Ёш Вертернинг изтироблари”, “Фауст” каби ўнлаб мумтоз асарлар муаллифи.

29 август

1958 йил. **Майкл Жозеф Жексон**, америкалик хонанда, раққос, бастакор, Поп-музыка қироли, дея эътироф этилган санъаткор.

31 август

1952 йил. **Маҳмуд Тоир**, Ўзбекистон халқ шоири. “Биз нечун учрашдик”, “Ҳакни таниб”, “Юз тўртлик”, “Сайланма”, “Огоҳ бўл, дунё” каби шеърий тўпламлар муаллифи.

Алимурод ТОЖИЕВ тайёрлади.

Resume

■ Dino Buzzati is a famous Italian writer. In his novel entitled *The Great Portrait*, he discloses ideas of snobs, who use scientific and technological development of the 20th century and works by talented scientists, as well as who try to rule over the entire world, saying that their immorality threaten the whole society, thus calling readers to thoroughly think about their personal and public life.

■ Yavdat Ilyosov is an outstanding Uzbek historian and writer. In particular, his novel *The Speckled Death* can raise an interest with its plot and structure. Our ancient defender Tomaris is the main hero of this novel. Though her appearance carries an allegoric nature, the novel can produce a clear and interesting impression on the Uzbek people's historical heroism.

■ It is known that Japan is situated in the bosom of enormous nature. People are interested in flora and fauna. Even marine animals such as fish can effect on human psychology and are part of Japanese literature. The *Goldfish*, a short story about the horrible fate of a goldfish, calls people to protect nature.

■ 20th century French poetry has three trends: respect and love for women, destiny of France, and commitment to ideas of freedom and humanity. It is so variegated with its structure and contents. The best works of symbolism and surrealism have been created by French poets. The present issue of the magazine includes poems by Paul Fort, Charles Péguy, Guillaume Apollinaire, Jules Supervielle, Paul Eluard, Robert Desnos, and Eugene Guillevic.

■ W. Shakespeare is a brilliant writer famous for his works in playwriting. His plays such as *Hamlet*, *Othello*, *Romeo and Juliet*, and *King Lear* have been translated into Uzbek by famous Uzbek writers and poets. For the first time, you may read his comedy *Much Ado About Nothing* in Uzbek, translated by a well-known Uzbek writer Mirzakalona Ismoiliy.

Резюме

■ Дино Буцатти является одним из известнейших прозаиков Италии. В повести “Увеличенный портрет” писатель в художественной форме разоблачает власть имущих, пытающуюся посредством прогрессивных достижений науки и техники, а также используя труд талантливых учёных, завладеть миром. Попытки изменить мир и превратить человека в робот приводят к удручающим последствиям. Произведение заставляет человека задуматься о сущности всего мира и своей личной жизни, в частности.

■ Явдат Илёсов известен широкому кругу читателей как мастер исторической прозы. Роман “Пёстрая смерть” привлекает читателей и формой, и содержанием. Главным героем данного произведения является легендарная Тумарис – защитница отечества. Хотя образ Тумарис несколько символичен, роман в целом создаёт яркое и чёткое впечатление о героическом прошлом нашего народа.

■ Япония – таинственная страна Индо-китайского региона. Её флора и фауна вызывают особый интерес. Отношение к животному миру, морской живности в том числе, таково, что даже рыбы, словно люди, выступают символическими прообразами в художественной литературе. Трагическая судьба “главной героини” рассказа “Золотая рыбка” призывает человечество относиться к природе бережнее.

■ Во Французской поэзии XX века наблюдаются три основных направления: любовь к женщине, судьба Франции, верность идеям свободы и гуманизма. По форме и содержанию данная поэзия удивительно многогранна. Французскими авторами созданы лучшие образцы символизма, сюрреализма, а также других поэтических течений. На страницах нашего журнала вы можете ознакомиться с произведениями таких поэтов, как Поль Фор, Шарль Пегу, Гийом Аполлинер, Жюль Сюпервьель, Поль Элюар, Робер Деснос, Гильвик.

■ У.Шекспир по праву считается одним из выдающихся авторов, оставивших неизгладимый след в мировой драматургии. Такие его пьесы как “Гамлет”, “Отелло”, “Король Лир”, “Ромео и Джульетта” переведены на узбекский язык талантливыми писателями и поэтами нашей страны. Пьеса У.Шекспира “Шум из ничего”, в переводе известного писателя Мирзакалона Исмоили, публикуется впервые.